

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

БЮЛЛЕТЕНЬ

БЮЛЛЕТЕНЬ

Высшая аттестационная комиссия при Кабинете Министров
Республики Узбекистан

BULLETIN

Supreme attestation commission at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan

ISSN 2181-5763

2019 / 1

www.oak.uz info@oak.uz



МУНДАРИЖА

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари тўғрисида	3
Диний-маърифий йўналишдаги илмий тадқиқотлар учун янги имкониятлар	9
Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари ва сифатини ошириш, халқ таъбири соҳасини илмий асосда ривожлантириш имкониятлари	12
2019 йилнинг январь–март ойларида фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар	13
Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар (XII.2018-III.2019 йй.)	100
Профессор илмий унвонида тасдиқланганлар (XII.2018-III.2019 йй.)	128
Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларининг қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилган фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) диссертациялари мавзулари тўғрисидаги маълумотлар	132
Диссертация тадқиқотларини олиб бораётган изланувчилар диссертацияси мавзулари	132

жумладан:

Фан тармоғи	Рўйхатдан ўтказилган		Рўйхатдан қайта ўтказилган	
	DSc	PhD	DSc	PhD
Физика-математика фанлари	132	152	261	271
Кимё фанлари	133	156	-	272
Биология фанлари	133	158	261	273
Геология-минералогия фанлари	134	161	262	273
Техника фанлари	135	162	262	274
Қишлоқ хўжалиги фанлари	137	174	263	279
Тарих фанлари	139	179	264	281
Иқтисодиёт фанлари	140	184	265	283
Фалсафа фанлари	141	190	265	286
Филология фанлари	141	195	266	287
География фанлари	-	208	-	-
Юридик фанлар	144	210	267	289
Педагогика фанлари	145	218	267	290
Тиббиёт фанлари	146	239	268	298
Фармацевтика фанлари	150	251	-	300
Ветеринария фанлари	-	252	-	-
Санъатшунослик фанлари	-	253	269	300
Архитектура	151	254	-	301
Психология фанлари	151	254	270	301
Социология фанлари	-	256	-	-
Сиёсий фанлар	-	257	270	302
Исломшунослик фанлари	-	258	-	-


Фан доктори (DSc) диссертациялари ҳимояси тўғрисидаги эълонлар	303
Фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисидаги эълонлар	314

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари тўғрисида

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олий таълим ва илм-фан тизимини, жумладан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги дастурий тадбирлар амалга оширилди. «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазирамиз деб биламиз»¹. Бугунги кунда миллий таълим ва илм-фан тизимининг жаҳонда рақобатбардошлигини таъминлашда мамлакатимизда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда таълим ҳамда илмий изланишлар сифати ва самарадорлигини тубдан юксалтиришга муҳим вазифа сифатида эътибор берилмоқда. «Ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда»². Мазкур жараёнда иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш каби масалаларга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони

асосида 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий қилиниши тарихий аҳамият касб этди. Мазкур фармон таълим ва фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятида иқтидорли ёшларни кенг жалб қилиш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш керакки, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган шарт-шароитлар туфайли бир томондан диссертациялар сифати, иккинчи томондан илмий натижаларни амалиётга жорий қилинишини таъминлаган ҳолда илмий даражаларни тасдиқлаш кўрсаткичини **ўн баробарга оширишга эришилди**. Агарда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимида 1 ойда ўрта ҳисобда 9 тадан диссертация ҳимояси ўтказилган бўлса, янги тизим шароитида бу кўрсаткич 100 тани ташкил этди.



Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасида сифат ўзгаришларига эришиб бориш, жумладан қуйидагиларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди: қонун устуворлиги негизида аттестация жараёнининг барча бўғинларида талаблар ягоналигини таъминлаш ҳамда соғлом илмий муҳитни янада ривожлантириш; “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган принципни амалга ошириш; диссертациялар илмий қимматини янада ошириш ва илмий натижаларни амалиётга жорий этишни изчил амалга ошириш; самарали илмий ва илмий-педагогик фаолиятни рағбатлантириш; аттестация жараёнининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш; мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва жаҳондаги нуфузини янада оширишда илмий ва илмий-педагог кадрларнинг фаол иштирокини таъминлаш.

Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан барча низомлар тубдан янгиланиб, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий база, қуйидаги сифат ўзгаришларига йўналтирилди: диссертациялар сифати ва самарадорлигини ошириш; экспертиза сифатини янада ошириш; самарали илмий ва илмий-педагогик фаолиятни рағбатлантириш; аттестация тадбирларини оптималлаштириш; ортиқча бюрократик жараёнлар, асосиз муддатлар чўзилиб кетишини бар-тараф этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг олдини олиш; аттестация жараёнига АКТни кенг жорий қилиш.

¹ Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017. 124-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувдаги “Илм-фан ютуқлари Ватанимиз равнақиға хизмат қилсин” нутқи. 30.12.2016 й.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид тартиб-қоида тадбирларини такомиллаштириш бўйича мақсадли тадбирлар амалга оширилди, жумладан:

илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган барча талабгорларни ОАКга таклиф қилиб, савол-жавоб ўтказиш амалиёти бекор қилинди;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашда диссертацияни экспертиза қилувчи бюрократик бўғин бўлган илмий кенгашнинг эксперт комиссияси тугатилди;

илмий даража ва илмий унвонлар олиш бўйича ОАКга тақдим этиладиган ҳужжатлар сони ўртача ҳисобда 43%га ва уларни қабул қилиш вақти 83%га қисқартирилди;

ОАК веб-сайтида диссертация ҳимояси тўғрисидаги маълумотлар эълон берилган кундан бошлаб диссертация ҳимоясини ўтказиш 56%га қисқартирилди, автореферат тарқатилгандан кейин ҳимояни ташкил этиш муддати 1 ойдан 12 кунгача қисқартирилди, диссертация ҳимоясидан кейин тегишли ҳужжатларни ОАКга тақдим этиш муддати 66%га камайтирилди (1 ой ўрнига 10 кун);


олий таълим (ОТМ) ва илмий-тадқиқот (ИТМ) муассасаси қарори билан талабгор илмий унвонда тасдиқланган кундан бошлаб ҳужжатларни ОАКга тақдим этиш муддати 66%га камайтирилди (1 ой ўрнига 10 кун);

самарали ва натижадор илмий фаолиятни рағбатлантириш учун муҳим илмий янгиликлар олган ва уларни амалиётга жорий қилиш асосида салмоқли самара берган учтагача ихтиро патенти муаллифига фалсафа доктори (PhD) ва учтадан ортиқ ихтиро патенти муаллифига фан доктори (DSc) илмий даражасини диссертация ҳимоясисиз бериш қондаси илк бор киритилди;

аттестация жараёнига АКТни кенг жорий қилиш ва шахснинг шахс билан учрашувини кескин камайтириш бўйича, жумладан 2015 йилдан бошлаб малакавий имтиҳонлар ва диссертация мавзуларини рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни ҳамда бошқа ҳужжатларни қабул қилиш-жўнатиш ишлари электрон ҳужжат айланиш тизими асосида амалга оширилди.


«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари»дан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган ОТМ ва ИТМда фаолият юритаётган тадқиқотчилар ва илмий жамоатчилик билан жойида учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил қилиб келинмоқда.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш (Илмий кенгаш)лар тизими таълим, илм-фан ва иқтисодиёт соҳаларидаги сифат ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда шакллантирилди. Бугунги



кунда **120 та илмий кенгаш** тузилиб, уларнинг 84 таси (70%) ОТМ ва 36 таси (30%) ИТМ ҳузурида фаолият олиб бормоқда. Илк бор исломшунослик фанлари бўйича илмий кенгаш тузилди ва сиёсий фанлар бўйича илмий кенгаш қайта тикланди. Жами илмий кенгашларнинг 59 (49%)таси аниқ ва табиий фанлар, 48 (40%)таси ижтимоий-гуманитар ва 13 (11%)таси тиббиёт фанлари йўналишида ташкил қилинган. Мамлакатимиз вилоятларида жойлашган ОТМ ва ИТМ илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аттестация жараёнида уларда фаолият олиб бораётган олим-мутахассисларнинг кенг иштирокини таъминлаш ва масъулиятини ошириш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга шарт-шароит яратиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида илмий салоҳияти етарли бўлган ОТМ ва ИТМ ҳузурида 33 та илмий кенгаш тузилди. Улар жами кенгашларнинг 28%ни ташкил этди. Вилоятларда фаолият олиб бораётган **33 та илмий кенгашнинг** 28 (85%)таси ОТМ ва 5 (15%) таси ИТМ ҳузурида тузилди (*Маълумот учун:* аввалги тизимда вилоятларда фаолият кўрсатаётган ОТМ ҳузурида 5 та илмий кенгаш фаолият кўрсатган, жамига нисбатан 12,5%).

2013–2018 йилларда жами 1990 нафар талабгор, жумладан 854 нафар талабгор фан доктори (DSc) ва 1136 нафар талабгор фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланиб, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими шароитида (2017–2018 йй.) мазкур кўрсаткичлар фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича 466 ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси бўйича 1136 нафарни ташкил этди.



Фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқланган диссертациялар илмий қимматининг юқорилиги билан тавсифланади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари”нинг 22-бандида белгиланган (илмий натижаларнинг амалиётга жорий этиш) талабнинг тўлиқ ижроси таъминланди. 2013–2018 йилларда илмий даражаларида тасдиқланган барча 1990 нафар, жумладан 854 нафар фан доктори (DSc) ва 1136 нафар фалсафа доктори (PhD) диссертациялари илмий натижаларининг **100% даражада амалиётга жорий қилиниши** таъминланган.

Фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланган 854 нафар талабгор диссертациясининг 2845 (100%)та илмий натижаси қуйидагилар бўйича амалиётга жорий қилинган: 289 (10,1%)таси ихтирога патент, 791 (27,8%)таси ишлаб чиқариш, 203 (7,1%)таси бошқарув фаолияти (қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар, услубий кўрсатмалар ва бошқалар), 1027 (36,2%)таси ижтимоий соҳага (тиббиёт, таълим, номоддий соҳалар ва бошқалар) ва 535 (18,8%)таси бошқа соҳаларга жорий қилинган.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган 1136 нафар талабгор диссертациясининг 2834 (100%)та илмий натижаси қуйидагилар бўйича амалиётга жорий қилинган: 130 (4,6%)таси ихтирога патент, 748 (26,4%)таси ишлаб чиқариш, 164 (5,7%)таси бошқарув фаолияти, 1018 (36,0%)таси ижтимоий соҳага ва 774 (27,3%)таси бошқа соҳаларга жорий қилинган.





Самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш ҳамда фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва ижтимоий соҳалар тараққиётига улкан ҳисса қўшган жами 40 нафар, жумладан 12 нафар талабгор фан доктори (DSc) ва 28 нафар талабгор фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида диссертация ҳимоясиз тасдиқланган (*Маълумот учун: “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом”*нинг 5-бандида камида 3 та ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фан доктори (DSc) ва учтагача ихтиро ёки селекция ютуғи муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари уларнинг амалиётга жорий этилишини эътиборга олган ҳолда истисно тарзида диссертация ҳимоясиз берилиши мумкин қоидаси белгиланган).

Жамиятда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларга монанд равишда диссертация ҳимоялари амалга оширилиб, бу борада аниқ, табиий ва техника фанлари улуши устуворлиги билан ажралиб туради. Жами (1990) диссертацияларнинг 49% (978) аниқ, табиий ва техника фанлари, 33% (664) ижтимоий-гуманитар ва 18% (348) тиббиёт фанлари улушларига тўғри келмоқда. Фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланган талабгорнинг (854 нафар) ўртача ёши 45 ёшни ташкил қилиб, бунда 33 ёшгача бўлганларнинг улуши 9,3% (79), 34–45 ёшгача 47,6% (407), 46–50 ёшгача 15,1% (129) ва 51 ёшдан катталар 28% (239)ни ташкил қилади. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган талабгорларнинг (1136 нафар) ўртача ёши 37 ёшни ташкил қилиб, бунда 33 ёшгача бўлганларнинг улуши 32% (363), 34–45 ёшгача 58,2% (661), 46–50 ёшгача 5,4% (62) ва 51 ёшдан катталар 4,4% (50)ни ташкил қилади. Илмий даражаларда жами (1990) тасдиқланганларнинг 58% (1152), жумладан фан докторлари (DSc) 36% (307) ва фалсафа докторларининг (PhD) 74% (845)ни 40 ёшгача бўлганлар ташкил этади:

Илмий даража номи	Жами	Жумладан ёш оралиғи							
		25 ёшгача	26-30	31-33	34-35	36-40	41-45	46-50	51 ёшдан катта
Фан доктори (DSc)	854	0	27	52	48	180	179	129	239
		307 36%					21	15	28%
Фалсафа доктори (PhD)	1136	2	103	258	160	322	179	62	50
		845 74%					17%	5%	4%
Жами	1990	2	130	310	208	502	358	191	289
		1152 58%					18	10	14%

Жамиятимизда хотин-қизлар учун яратилаётган шароитлар натижасида фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар таркибида аёллар 33%ни, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар таркибида аёллар 37%ни ташкил этмоқда.

Ўтган давр мобайнида илмий даражаларда жами (1990) тасдиқланганларнинг 1195 нафари (60%) ОТМ ва 465 нафари (23,4%) ИТМ, 330 нафари (16,6%) бошқа ташкилотлар улушига тўғри келади.

Хорижий давлатларда берилган 69 та илмий даражалар дипломлари нострификация қилинди (7 та фан доктори, 35 та фан номзоди ва 27 та фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси дипломи). Ўтган давр ичида иккита илмий даража дипломи нострификациясига рад жавоби берилди.

Нострификация қилинган илмий даражалар дипломлари Россия, Германия, Чехия, Бельгия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Қозоғистон, Франция, Италия, Малайзия, Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон, Испания ва Руминия мамлакатларига тўғри келади. Фан тармоқлари бўйича илмий даражалар дипломлари нострификациясининг улушида техника – 42%, иқтисодиёт – 15,9%, тиббиёт – 13%, физика-математика – 11,6%, биология – 4,3%, кимё – 2,9%, филология фанлари – 2,9%ни ҳамда қишлоқ

хўжалиги, тарих, география, педагогика ва санъатшунослик фанлари 1,4%дан ташкил этади.

Ўтган давр мобайнида 386 нафар талабгор профессор, 1296 нафар талабгор доцент ва 288 нафар талабгор катта илмий ходим илмий унвонларида тасдиқланди.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими шароитида

2017–2018 йилларда жами 8226 та, жумладан 1789 та мавзу фан доктори (DSc) ва 6437 та мавзу фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари бўйича рўйхатдан ўтказилди. Рўйхатдан ўтказилган диссертация мавзулари қуйидагиларга хизмат қилмоқда: мавзулар мамлакатимиз фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ шакллантирилган ҳолда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳалардаги долзарб муаммоларнинг илмий ечимларини асослашга йўналтирилган; мавзулар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборини янада ошириш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг муносиб илмий асосини яратишга йўналтирилган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси асосида ОАК фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишлари ва асосий вазифалари белгиланди:

1-устуворлик: Қонун устуворлиги, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясининг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш. **Вазифалар:** ОАК раиси, бош илмий котиби ва масъул ходимларининг энг биринчи вазифаси – соҳага оид ресурслардан самарали фойдаланиш ва муаммоларни ҳал қилиш; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириб бориш; аттестация жараёнининг барча босқичларида талабларнинг ягоналигини таъминлаш; мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига уйғун ҳолда илмий унвонлар ҳамда илмий даражаларга қўйиладиган талабларни илғор халқаро амалиётга мувофиқлаштириб бориш.

2-устуворлик: Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси сифати ва самарадорлигини янада ошириш. **Вазифалар:** олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясини тизимли ташкил

қилиш, унинг барча босқичларида экспертиза ҳолислиги ва талабларнинг ягоналиги, очиқлиги, ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлаш; ОТМда илмий салоҳиятни янада ошириш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда ОТМ билан ҳамкорлик тамойиллари асосида тадқиқотчиларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар қўламини кенгайтириш; диссертациялар илмий қимматини ошириш ва илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни изчил давом эттириш; ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги сифат ўзгаришларига монанд ҳолда илмий кенгашлар тизимини такомиллаштириш; илмий кенгашлар фаолиятини баҳолаш рейтингини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш; аттестация талабларининг ягоналигини таъминлашда ОАК Раёсати, Тартиб-қоида комиссияси, эксперт кенгашлари ва илмий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил қилиш.

3-устуворлик: Давлат дастурларини амалга оширишда мақсадли илмий-ташқилий тадбирларни ташкил қилиш. **Вазифалар:** коррупцияга шароит яратувчи ҳолатлар ва фуқароларнинг мурожаатларини ўрганган ҳолда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, амалга оширишни ташкил қилиш ва мазкур масалаларни Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиб бориш; мақсадли йўналишларда бажарилаётган диссертациялар мавзуларини рўйхатдан ўтказиш ва мониторингини ташкил қилиш; мақсадли йўналишларда диссертация тадқиқотларини олиб бораётган тадқиқотчиларга услубий ёрдам кўрсатиш.

4-устуворлик: Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимига АКТ-ни кенг жорий этиш. **Вазифалар:** ОАК веб-сайти таркибида илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар веб-саҳифаларининг ягона порталини яратиш ва жорий қилиш; қўшимча имтиҳонларга рухсат беришни электрон тизимга ўтказишни жорий қилиш; диссертация авторефератлари бўйича илмий электрон экспертиза хулосаларини олиш дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, апробациядан ўтказиш ва жорий этиш; фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари диссертацияларининг илмий экспертизасида илмий жамоатчиликнинг кенг иштирокени таъминлаш мақсадида интернет тармоғида диссертациялар электрон илмий экспертизасини йўлга қўйиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини идораларо электрон елишув механизмининг жорий этиши.

5-устуворлик: Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни изчил давом эттириш. **Вазифалар:** Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари ижросини вақтида сифатли таъминлаш; ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини ошириш

юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни изчил давом эттириш; ижро интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини тизимли ташкил этиш.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизими ва ОАК фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар таркибида, жумладан қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилган:

республика ОТМ рейтинги бўйича тегишли таркибга кирган ОТМ кенгашларига талабгорларни бевосита “доцент” ва “профессор” илмий унвонларида тасдиқлаш ваколатини бериш;

Фанлар академияси тавсияси асосида илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларига талабгорларни бевосита “катта илмий ходим” ва “профессор” илмий унвонларида тасдиқлаш ваколатини бериш;

ОТМ ва ИТМга малакавий имтиҳонларни ташкил этиш ваколатини бериш;

илмий унвонлар ва илмий даражалар бўйича аттестация ҳужжатлари ҳамда кенгаш ва илмий кенгашлар билан ёзишмаларни электрон тизим асосида қабул қилиш (чиқариш) тизимини йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижроси бўйича амалга ошириладиган мақсадли аттестация тадбирлари бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.



Усмонхон Алимов

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий,
Ислом олами уюшмаси таъсис мажлиси аъзоси

Диний-маърифий йўналишдаги илмий тадқиқотлар учун янги имкониятлар

Юртимиз тараққиётининг янги даврида улуғ алломаларимиз қолдирган бой илмий меросни ўрганиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Айни вақтда мутафаккирларимизнинг асарларини ўрганиш, уларнинг илмий анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган муҳим вазифалардан саналади. “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади”³. Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муин Насафий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари табаррук зотларнинг бемисл хизматлари нафақат минтақамизнинг маънавий ривожиди, балки бутун жаҳон илм-фани равнақида ҳам муҳим ўрин тутди. Мусулмон Ренессанси яъни илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган аждодларимизнинг дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросларини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар бошлаб берган илмий йўналишлар ва мактаблар фаолиятини давом эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан Ислом дини илмларини тадқиқ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлардан республикамиз аҳолиси ҳам, хорижлик маърифатпарвар инсонлар ҳам мамнун. Жумладан, Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, Имом Бухорий ва Имом Термизий номидаги иккита халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда калом, ҳадис, ақида, тасаввуф, фикҳ илмларига ихтисослашган 5 та илмий мактабнинг фаолият бошлаши келгусида ўлкамиздан яна бухорийлар, термизийлар, насафийлар, нақшбандийлар етишиб чиқишига замин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрельдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан, жумладан ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш ҳамда диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш, шунингдек, илмий тадқиқотлар кўламини кескин кенгайтириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги фан тармоқлари таркибига илк бор “Исломшунослик фанлари”, шунга мувофиқ “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик”, “Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт”, “Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги” ихтисосликлари киритилди. Диний-маърифий йўналишдаги олий малакали илмий кадрларни тайёрлаш мақсадида илк бор исломшунослик фанлари бўйича Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ҳузурида илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилди.

Диёримиздаги мана шундай улуғвор ўзгаришлар билан яқиндан танишган Миср Араб Республикаси ал-Азҳар мажмуаси раҳбари Шайх Аҳмад Тоййиб, улуғ муҳаддис олим Шайх Муҳаммад Аввома, йирик тариқат намояндаси Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий кабиларнинг янгиланишларга ҳавас қилганига гувоҳ бўлдик.

Ҳақиқатан, Ўзбекистон диний таълим тизими ўзининг қадим ва ўлмас анъаналарига эга. Масалан, ўрта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан шуҳрат қозониб, ҳақли равишда “Ислом оламининг қуввати” унвонига сазовор бўлган. Самарқанд ва Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасалар ўрта асрларнинг дорулфунунлари вазифасини бажарган.

Бугунги кунда Республикада фаолият олиб бораётган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларини юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлаш, мутахассисларнинг илмий ва касбий салоҳиятини ошириш, Қуръон, тафсир, калом, ҳадис ва фикҳ илмлари мутахассисликлари бўйича магистрларни, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида жуда катта ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

си ва Ҳадис илми мактабида 600 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларга илм ўргатаётган 110 нафар ўқитувчилар орасида фан докторлари, фан номзодлари, фалсафа докторлари (PhD), магистр илмий даражасига эгалар бор. Ўрта махсус ислом билим юртларида эса жами 1236 талабага 253 нафар педагог таълим бермоқда. Улардан 10 нафари фан номзоди ва 42 нафари магистрлик илмий даражасига эга.

Ўзбекистон Халқаро ислом академиясида ислом илмлари бўйича магистратура ва докторантура ташкил этилиши билан юртимизда узлуксиз диний таълим тизими йўлга қуйилди. Эндиликда аввал ўрта махсус, кейин олий ислом билим юртларини тамомлаганлар учун Ислом академиясида ўқишни давом эттириб, илмий унвон ва даражаларни эгаллаш имкони мавжуд. Академия ҳузурида магистрлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш, исломшунослик фанлари магистри, фалсафа доктори (PhD) ва исломшунослик фанлари доктори (DSc) илмий даражаларини бериш бўйича илмий кенгаш фаолият юритмоқда. Академиянинг ташкил қилиниши юртимизда Ислом дини назариясини чуқур эгаллаган, аждодларимизнинг илмий-маърифий меросини теран ўрганган, диний ва дунёвий илмлар, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлаш имконини беради.

Дин илмларини пухта ўрганиш муҳим эканини Ҳазрат Навоий қуйидагича таърифлаганлар:

Бу дин илмики, хомам қилди таҳрир,

Эрур фикҳу ҳадису сўнгра тафсир.

Чу такмил ўлди бу уч илм, сен, бил,

Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

Бинобарин, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, қатор олий ва ўрта махсус диний билим юртлари, илмий мактаблар ва марказларда ёшларимиз айнан мазкур илм соҳаларини мукамал ўзлаштирадидлар.

2018 йил 16 апрелда муҳтарам Президентимизнинг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Ҳадис илми мактаби ташкил этилиши ушбу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлди.

Ушбу тарихий ҳужжатга биноан ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг бой меросини ўрганиш, шунинг баробарида, шу соҳада олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш мақсадида, 2018 йил 1 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ҳадис илми мактабида ўқиш муддати беш йил бўлиб, кундузги таълим шаклида олиб борилди. 2019-2020 ўқув йили учун қабул квотаси 10 та ўрин этиб белгиланган ва унга араб тилини пухта ўзлаштирган, ҳадисларни ёд олишга салоҳияти бўлган ўрта махсус диний таълим муассасалари битирувчилари саралаб олинади. Ҳадис илми мактаби битирувчиларига диний таълим соҳасидаги бакалавр даражаси берилади.

Мазкур қарорда Ҳадис илми мактаби билан хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, чет элик профессор-ўқитувчиларни мактабга жалб қилиш, мактаб профессор-ўқитувчиларини тажриба алмашиш учун дунё давлатларига юбориш қувончли иш бўлди. Шунингдек, ўқув режаларини тузишда Миср ва Туркиядаги ҳадис илмлари бўйича дунёнинг етакчи ўқув юртлари тажрибалари ўрганилди.

Ҳадис илми мактаби ўз олдида ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини ўрганиш, Ислом дини қадриятларини асраб-авайлаш, ҳадис уламолари асарларининг таржима ва қиёсий матнларини тайёрлаш ва нашр этишдек катта вазифаларни мақсад қилиб қўйган. Мактабда ҳадис илмлари билан бир қаторда Қуръони карим, тафсир, ақида, фикҳ ва Ислом тарихи каби фанлар ҳамда хорижий тиллардан чуқур билим берилади.

Ҳадис илми мактаби учун янги ўқув биноси барпо этилди. Унда барча замонавий шароитлар мавжуд. Дарслар илғор педагогик технологиялар, шунингдек, устоз-шогирд анъаналари асосида олиб борилади. Ушбу даргоҳда ҳадис илмлари бўйича илмий даражага эга бўлган малакали ўқитувчилар дарс беради. Дунёга машҳур ал-Азҳар университети ва бошқа нуфузли ўқув юртларидан ҳам ўқитувчилар қақриш режалаштирилган.

Шу ўринда айтиш керакки, 2019 йил 10 февраль куни Миср давлатида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва минг йиллик тарихга эга бўлган ал-Азҳар университети ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида “Йўл харитаси” имзоланди. Эндиликда, Ўзбекистондаги масжидларда меҳнат қилаётган имом-хатиблар Мисрдаги малака ошириш курсларида таълим олади. Ал-Азҳар университетининг фазилатли шайхлари, таниқли уламолари ва етук олимлари томонидан имомларга диний фанлар бўйича ўқув машғулотлари олиб борилади. Шунингдек, ал-Азҳар университети билан диний кадрлар тайёрлаш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш, халқаро анжуманлар ўтказиш ва адабиётлар нашр этиш бўйича ҳам келишиб олинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси китоб фонди энг нодир маънавий хазиналардан бири бў-

либ, 3 минг жилд қўлёзма, 17 минг жилд тошбосма китоблар мавжуд. Энг ноёб қўлёзмаларимиздан бири – “Ҳазрати Усмон Мусҳафи” Қуръони каримнинг қадимий ва табаррук нусхаси. Яна фондимизда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғинович, Маҳмуд Замахшарий, Жалолиддин Румий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб улуғ аллома ва мутафаккирларнинг қўлёзмалари сақланмоқда. Бугунги кунда ушбу ноёб ва қадимий асарларни мутахассисларимиз томонидан хориж тажрибаси асосида илмий тадқиқ этиш, кенг қамровли ўрганиш ва таржима қилиш орқали халқимизга етказиш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда.

Азал-азалдан илму маърифат маркази бўлиб келган заминимизда илм даргоҳларининг ташкил этилиб, уларга юксак мақом берилиши – жуда катта тарихий воқеа. Чунки мукамал илм ўчоғи ҳисобланган юртда илмга янгича ёндашув, ўзгача куч билан киришилса, у дарҳол гуркираб, ривожланиб кетади. Буни кўп йиллар давомида обдон ишлов берилиб, зарурий ўғитлар билан озиқлантириб турилган ерга қадалган кўчатнинг бўй чўзишига қиёсласак, тасаввуримиз янада ойдинроқ бўлади.

Ислом дини инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай илмий тадқиқот ва янгиликни қўллаб-қувватлайди. Буни ояти карималар ва ҳадиси шарифлар ҳам тасдиқлайди. Қуръони каримда «илм» сўзи 811 ўринда турли маъноларда келади. Жумладан, илм эгаларини шундай мадҳ этилади: **«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур»** (*Мужодала сураси, 11-оят*).

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам кўп ҳадиси шарифларида илм олишга даъват этганлар, қуйидаги ҳадисда:

“Авалло, олим бўл! Лоақал, таълим олувчи ёки уларни сеувчи ёхуд уларга эргашувчи бўлгин. Аммо бешинчи одам (мазкур тўрт хислатдан ташқаридаги) бўлмагинки, ҳалок бўлурсан” (*Имом Байҳақий ривояти*), дея илмнинг даражаси нақадар улуғ эканини ифода этганлар.

Яна бир ҳадиси шарифда: **“Ким дунёни хоҳласа тижорат қилсин, кимки охиратни хоҳласа зоҳид бўлсин, кимки иккисини ҳам хоҳласа илм олсин”**, деб Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам баён этган.

Оташқалб шоир Муҳаммадризо Огаҳийнинг илмни улуғлаб ёзган қуйидаги байти юқоридаги ҳадиси шарифнинг назмий ифодасидир.

*Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.*

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратлари мана шу ҳадиси шарифлардан илҳомланиб **“Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай”**, дея илм-маърифатга ҳаққоний таъриф берганлар.

Ҳазрат Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий халқларнинг ниҳоятда тезхотир ва илмга ташна халқ эканини қайд қилганлар. Заҳриддин Муҳаммад Бобур эса халқимизнинг маърифатпарварлигини қисқа қилиб, **“аён гапнинг баёнига не ҳожат”**, деган.

Илм кўзларга зиё бахш этувчи, қалбни ёритувчи чироқдир. Кўзлари ўткир бўлган, қалби равшан бўлган инсоннинг жами аъзоси соғлом бўлади ва у асло нотекис йўлларда қоқилмайди. Аксинча, ўша нотекисликларни, нобопликларни илмига таянган ҳолда осонгина тўғрилаб қўяди. Мута-саввуф Фаридуддин Аттор:

*Илм ила кимнинг дили равшан эрур,
У замон ичра саломат тан эрур.*

Олим ушбу мисралари билан юқоридаги илм-маърифатни инсон учун нақадар фойдали эканини ифода қилган. Мана шундай қувватли манбаларга таянган ўлкамизда илм-маърифатга бўлган эътибор энг юқори босқичга кўтарилмоқда.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, келгусида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун бўладиган диссертациялар рўйхатида диний-маърифий мавзулар салмоғи янада ортажагига ишонамиз, иншо Аллоҳ.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари ва сифатини ошириш, халқ табобати соҳасини илмий асосда ривожлантириш имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқнинг турмуш даражаси сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишга бўлган имкониятларини кенгайтириш ҳамда кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигининг яхшиланишига олиб келди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда профилактик тиббиётни ривожлантириш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда, айниқса ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати имкониятларидан самарали фойдаланилмаган. Бу борада, жумладан халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизмлари яратилмаган, халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табобати бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон қарори билан халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилиб, халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бу борада халқ табобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш каби ижобий ўзгаришлар устуворлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ, жумладан республика тиббиёт олий ўқув юртларининг «Даволаш иши», «Педиатрия иши», «Тиббиёт-педагогика иши» бакалавриат йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ табобати бўйича махсус ўқув циклини жорий этиш, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ табобати кафедраси ва «халқ табобати» йўналиши бўйича малака ошириш курсини ташкил қилиш, шунингдек «халқ табобати» йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар номенклатурасига киритиш халқ табобати соҳасини илмий асосларда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўзбек халқ табобатининг бой тарихий анъаналари ва ноёб меросини ўрганиш, халқ табобати йўналишини тизимлаштиришда ташкилий ва услубий ёрдам бўйича чуқур илмий изланишларни ташкил этиш ҳамда “халқ табобати” йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббиёт фанлари бўйича ихтисосликлар рўйхатига киритиш бўйича мақсадли илмий-ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори (№257/5, 30.10.2018 й.) билан “халқ табобати” ихтисослиги Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига киритилиб, тиббиёт, кимё ва фармацевтика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари бўйича диссертациялар ҳимоясини амалга ошириш белгиланди.

Халқ табобати йўналишида илмий тадқиқотларни амалга ошириш миллий ва жаҳон халқ табобатининг бой тажрибалари асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда касалликларни ташхислаш ва даволашнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларига қўшилаётган биологик фаол қўшимчалар ва дори препаоптларини яратиш (такомиллаштириш)га хизмат қилади.

Таҳририят

2019 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ–МАРТ ОЙЛАРИДА ФАН ДОКТОРИ (DSC) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИДА ТАСДИҚЛАНГАНЛАР



ДЖАМАЛОВ СИРОЖИДДИН ЗУХРИДДИНОВИЧ

Физика-математика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Математик физиканинг ноклассик тенгнамалари учун нолакал чегаравий ва тескари масалалар» (01.01.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккинчи тартибли чизиқли биринчи тур, кўп ўлчовли аралаш типдаги тенглама учун даврий кўринишдаги нолакал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлиги Соболев фазоларида исботланган;
чизиқли ва чизиқсиз иккинчи тартибли иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгнамалар учун ярим нолакал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлиги Соболев фазоларида исботланган;

Соболев фазосида иккинчи тартибли чизиқли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли юкланган аралаш типдаги тенгнамалар учун нолакал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги исботланган;

иккинчи тартибли чизиқли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгнамалар учун тескари масалалар ечимининг Адамар маъносидаги корректлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари:

Математик физиканинг ноклассик тенгнамалари учун нолакал чегаравий ва тескари масалаларга оид олинган натижалар асосида:

иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламаларга қўйилган нолакал чегаравий масалаларнинг ечими 0824/ГФ4 рақамли «Нолокал чегаравий масалалар ва уларни тақрибий ечиш» хорижий грантда фрактал муҳитлар жараёнларини моделлаштиришда юзага келадиган классик бўлмаган дифференциал тенгнамаларни тадқиқ қилиш ва масалалар ечимларининг ягоналиги ва мавжудлигини исботлашда қўлланилган (Қозоғистон Миллий академияси Математика ва моделлаштириш илмий-текшириш институтининг 2018 йил 20 ноябрдаги 01-04/195-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ноклассик тенгнамаларга қўйилган нолакал ва интеграл кўринишидаги масалаларнинг регуляри ечимларини топиш имконини берган;

биринчи ва иккинчи тур иккинчи тартибли кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгнамаларга қўйилган тескари масалаларнинг ечими «Фрактал ҳисоб ва унинг татбиқи» мавзусидаги хорижий грантда ноклассик тенгнамалар учун тескари масалаларни ечишда қўлланилган (В.Беринг номидаги Камчатка давлат университетининг 2018 йил 20 ноябрдаги 55-06-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ноклассик тенгнамалар учун фрактал муҳитда, радоннинг масса узатиш жараёнларини аниқлаш имконини берган;

аралаш, аралаш-таркибли иккинчи ва учинчи тартибли тенгнамалар учун тадқиқ қилинаётган нолакал чегаравий шартли тескари масалаларнинг ечими IG/DSI/DOMS/18/06 рақамли хорижий грантда аралаш типдаги тенгнамалар учун чегаравий шартларида яъни нолакал чегаравий шартлар билан берилган тескари масалаларни ечишда қўлланилган («Sultanate of Oman, Sultan Qaboos University»нинг 2019 йил 1 январдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши аралаш типдаги тенгнамалар учун янги нолакал чегаравий шартлар билан берилган масалаларнинг тақрибий ечимларини топиш имконини берган.

АБДИРАШИДОВ АБЛАКУЛ

Физика-математика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Қурилмалар ночизиқли деформацияланувчан элементларининг суюқлик билан ўзаро ностационар таъсири» (01.02.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

динамик юкланган эластик-қайишқоқ деформацияланувчан қувурларнинг метастабил ва криоген суюқликлар билан ўзаро таъсирлашишнинг самарали ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган;

қувурларнинг бир қисми (нефть-газ қувурлари), нефть ва конденсатларни сақловчи резервуарларнинг қайишқоқ деформацияланувчанлик ва пластик юқаллашиш соҳалари гидроэластик тизимлардаги ночизиқли тўлқин масалаларини ечиш орқали аниқланган;

металл пластинканинг таъсир этувчи куч йўналишига қарама-қарши йўналишда қолдиқ деформацияси пайдо бўлиши гидроэластиклик масаласини (пластинка, суюқлик ва тезкор кенгаювчи газ пуфакчасининг ўзаро ностационар таъсири масаласини) сонли ечиш орқали аниқланган;

қувурлар ва гидроиншоотлар деворларининг ночизиқли деформацияланиши жараёнида метастабил ва криоген суюқликларда қайнаш (яъни динамик ривожланувчи ва янги фазалари пайдо бўлувчи) соҳаларининг мавжудлиги ностационар гидроэластик-қайишқоқлик масалаларини сонли ечиш орқали аниқланган;

гидроиншоотлар тўлқин назарияси асосида ер ва сув ости қувурлари мустақамлигини ҳисоблашнинг сонли ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Қурилмалар ночизиқли деформацияланувчан элементларининг суюқлик билан ўзаро ностационар таъсири бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари, алгоритмлар ва дастурлар натижалари асосида:

газ қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ҳисобининг лойиҳа сифатини ошириш, объектлардан самарали ва ишончли фойдаланиш, синов муддатларини ва моддий-техник харажатлар-

ни камайтиришнинг сонли ҳисоб услуби «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Муборакнефтгаз» МЧЖ корхонасига жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти нинг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши синов-қурилма ва технологик ишлар бўйича математик модел, сонли ҳисоб алгоритми ва дастурга асосланган илмий-техник тавсиялар газ қувурлари системаси мустаҳкамлиги ва системанинг ишдан чиқиш эҳтимоллигини олдиндан аниқлаш молиявий сарф-харажатларни 10-14 фоизгача камайтириш имконини берган;

қумлоқ муҳитга ётқизилган газ қувурларининг деформацияланганлик-кучланганлик ҳолатини ҳисоб усуллари «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Муборакнефтгаз» МЧЖ корхонасининг КС ва ИЛ бўлимларида «Денгизкуль-МГПЗ» лойиҳаш жараёнларига жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши қумлоқ муҳитга ётқизилган газ қувурларининг деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш ва қабул қилинган даражадаги ишончликни сақлаган ҳолда якуний натижада сарф-харажатларни 10 фоизгача камайтириш имкони яратилган;

газ қувурлари материали мустаҳкамлиги шартининг бажарилиши текширилиб, газ қувурларининг ихтиёрий кесимидаги нуқтада таъсир этувчи кучланиш қийматини аниқлашнинг математик ифодаси «Муборакнефтгаз» МЧЖ корхонасидаги КС ва ИЛ бўлимида техник ҳисоблашлар жараёнларига жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши қувурдаги пластик юпқалашиш соҳаларини аниқлаш орқали бузилишларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва тизимнинг беҳосдан ишдан чиқиш эҳтимоллигини 12-14 фоизга камайтириш имконини берган;

газ қувурини ётқизишнинг оптимал сатҳини аниқлаш бўйича қувурнинг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро ночизиқли таъсирини эътиборга олиш ҳисобини бажарувчи математик модел, алгоритм ва дастур «Денгизкуль-МГПЗ» газ қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ҳисоби» мавзудаги техник топшириғини бажаришда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 7 майдаги 02/12-1-92-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши меҳнат харажатлари ҳажмини 12-14 фоизга камайтириш имконини берган.



ТУРГУНОВ НОЗИМЖОН АБДУМАННОПОВИЧ

Физика-математика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Киришма атомлари микробирикмалари ҳосил бўлишининг физик асослари ва уларнинг монокремний хусусиятларига таъсири» (01.04.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

3d-гуруҳ элементлари атомлари билан диффузия усулида легирланган кремнийда киришма микробирикмалари ва преципитатлари ҳосил бўлишининг термодинамик муқаррарлиги аниқланган;

монокремнийда Ni, Co ва Mn микробирикмаларининг тузилиши ва кимёвий таркиби тажриба орқали аниқланган ва илмий асосланган;

киришма тўплаларининг таркибий тузилиши уларнинг ўлчамлари ва геометрик шаклларига боғлиқлиги, яъни ўлчамли катта тўплалар ($>10^{-6}$ м) кўп қатламли тузилишга, кичиклари эса ($<5 \times 10^{-7}$ м), асосан, Ni, Co ёки Mn нинг бир турдаги силицидларидан ташкил топганлиги ва монокатламли тузилишга эга эканлиги аниқланган;

кремний монокристаллида турлича тузилиш ва шаклдаги киришма атомлари микробирикмалари ва преципитатлари ҳосил бўлишининг физик механизми аниқланган;

киришма микробирикмалари ҳажмида технологик киришмалар (масалан: Fe, Cr, Cu ва бошқалар) атомлари мавжудлиги ҳамда уларнинг микробирикмалар ҳажми бўйича маълум бир қонуният асосида тақсимланиши аниқланган;

Ni, Co ёки Mn билан диффузияли легирланган кремнийда кузатиловчи янги электрик ва фотоэлектрик жараёнларнинг механизмлари аниқланган;

легирилган кремнийда термик куйдириш, юқори гидростатик босим, гамма ва нейтрон нурланишларнинг таъсирлари ва уларнинг моҳияти аниқланган;

легирилган кремний кристаллидаги киришма атомлари ва улар микробирикмаларининг термик ишлов, ҳар томонлама босим ва нурланиш таъсирида мумкин бўлган парчаланиш механизмлари аниқланган;

чуқур энергетик сатҳларнинг ҳосил бўлиши, электр жиҳатдан фаол бўлмаган атомларнинг иккинчи фаза уюшмалари ва уларнинг ташқи таъсирлар остида деградиацияланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Киришма микробирикмаларига эга бўлган кремний монокристаллининг турли ташқи таъсирлар остидаги физик параметрларига боғлиқ ҳолда электрофизик хусусиятларини бошқариш бўйича олинган натижалар асосида:

яримўтказгич материаллар физик хоссалари ва улар асосидаги асбобларнинг термик ва радиациявий стабиллигини ошириш имконини берувчи, олдиндан берилган даражада компенсирланган кремнийни олишнинг оптимал технологик шароитларини аниқлашга оид тадқиқотлар натижалари «FOTON» акционерлик жамиятида ижобий характеристикаларга эга яримўтказгичли асбобларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган («Ўзэлтехсанот» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 29 майдаги 02-1229-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ноанъанавий киришма атомлари билан легирланган кремний

асосида олинган диод ва МДЯ-структуралар функционал имкониятларини кенгайтириш имконини берган; кремнийга диффузиявий легирлаш орқали киришма атомларини киритиш, унинг ҳажмида микро ва нанобирикмаларни ҳосил қилишнинг тажрибавий натижалари Ф2-28 рақамли «Легирланган кремнийдаги сиртий ва ҳажмий квант ўлчовли эффектлар ва уларни р-, n- тузилмалардаги генерация-рекомбинация ва ток ташувчиларни ажралиш жараёнига таъсири» фундаментал лойиҳасида легирланган кремний намуналар хусусиятларини белгиланган йўналишда бошқаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 июндаги 89-03-2314-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш киришма атомлари микро- ва нанобирикмаларининг кремний кристалл структураси нуқсонлари билан ўзаро таъсирлашуви қонуниятларини аниқлаш имкониятини яратган.



ТУРСУНОВ ИКРОМЖОН ГУЛАМЖОНОВИЧ

Физика-математика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Компенсирланган кремний ва улар асосидаги сирт-барьер структураларда тензостимуллаш ҳодисалар» (01.04.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

изотроп босимнинг статик режимида Si<Au>, Si<Mn> ва Si<Zn> намуналар электр ўтказувчанлигининг ортиши, Au, Mn ва Zn чуқур сатҳлар ионлашув энергиясининг барик ўзгариши ҳисобига, асосий ток ташувчилар концентрациясининг ўзгариши натижасида юз бериши аниқланган;

кремнийда чуқур сатҳли марганец, цинк, олтин киришмаларнинг ионлашиш энергиялари ва уларнинг ўзгариш босим коэффициентлари аниқланган;

статик режимда Sb-p-Si<Mn>-Au структураларда гидростатик босим таъсирида база ва потенциал барьердаги ўзгаришлар ҳисобига, тўғри ва тескари тоқларнинг сезгирлиги қўйилаётган кучланишга боғлиқлиги аниқланган;

импульсли ҳар томонлама гидростатик босим таъсирида Si<Au>, Si<Mn> ва Si<Zn> намуналарда токнинг тензорелаксацион ўзгариши тензо-термо эффект натижасида температуранинг босим билан синхрон ўзгариши ҳисобига содир бўлиши аниқланган;

Si<Au>, Si<Mn> ва Si<Zn> намуналарда электр ўтказувчанликнинг ўзгариши кремнийнинг тақиқланган соҳасида цинк, олтин, марганец киришмалар энергетик сатҳларининг барик силжиши ва термик генерацияси туфайли ток ташувчилар концентрациясининг ўзгариши билан боғлиқ динамик тензоўтказувчанлик эффектнинг намоён бўлиш механизмлари аниқланган;

Si<Mn> намуналарида босим амплитудасининг катта қийматлари ҳисобига, тензостимуллашган эффектнинг ток ўзгаришидаги улуши температура улушидан катта бўлиши аниқланган;

Si<P, Au>, Si<B, Mn> ва n- Si<P, Zn> компенсирланган намуналарда бир ўқли босим шароитларида тензоэффект ҳодисаси $I||X||[111]$ ва $I||X||[100]$ кристаллографик йўналишларда ток ташувчилар концентрацияси ва ҳаракатчанликларнинг қарама-қарши ўзгариши туфайли содир бўлиши кўрсатилган;

термик ишлов берилган намуналарда тензоқаршилиқ эффекти асосан ток ташувчилар ҳаракатчанлигининг ўзгариши натижасида содир бўлиши ҳамда [111] кристаллографик йўналишдаги бир ўқли деформация Si ҳажмидаги ҳосил бўладиган, шунингдек, бошқариб бўлмайдиган аралашмалар тўплами, микробирикмаларнинг босим остида емирилишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларнинг электрофизик хоссаларига изотроп ва анизотроп деформациянинг таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

компенсирланган кремний ва улар асосидаги Au-Si<B,Mn>-Sb турдаги структураларда кузатиладиган тензоэффект ҳодисаси физик механизмлари, изотроп деформация таъсирида сирт-барьер диод структураларда потенциал барьернинг ўзгариши ва унинг барик коэффициентини аниқлаш бўйича олинган натижалар «Transporte Mono-у Bipolar en Estructuras Semiconductoras» хорижий грант лойиҳасида яримўтказгичли структураларнинг вольт-ампер характеристикасига деформация таъсирини аниқлаш ва ток ўзгариши механизмини тушунтиришда фойдаланилган (Мексика Миллий тадқиқот институтининг 2018 йил 2 майдаги 6171-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш изотроп деформация таъсири натижасида сирт-барьерли структураларда юз берадиган физик жараёнларни тушунтириш имконини берган;

статик ва импульсли босимнинг сирт-барьер диод структуралар вольт-ампер характеристикасига таъсири, структура тўғри ва тескари тоқларининг босим туфайли ўзгариши ва унинг кучланишга боғлиқлиги бўйича олинган натижалар ОТ-Ф2-077 рақамли «Яримўтказгичли пардаларда деформацион эффектлар динамикаси ва уларда юзага келувчи тоқларга электромагнит тўлқинларнинг таъсири» (2007-2011) грант лойиҳасида деформациянинг яримўтказгичли структуралар фототок ва фотоэлектр юритувчи кучларига таъсирини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги 89-03-2128-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли структураларда деформацион эффектлар фаза кўринишларини тузиш имконини берган;

Au-Si< Mn>-Sb турдаги Шоттки барьерли структуралар асосида «FOTON» акционерлик жамиятида босимни кенг интервалида ўлчаш имконини яратувчи универсал тензоўзгартиргич ишлаб чиқилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 14 июндаги 02-1330-сон маълумотномаси). Илмий натижалар саноатда ишлаб чиқарилаётган яримўтказгичли структуралар физик параметрларининг турли хил деформацияларга барқарорлигини ошириш имконини берган;

ҳар томонлама гидростатик босим шароитида яримўтказгичлар ва улар асосидаги структураларда тензоэффект ҳодисасини тадқиқ қиладиган универсал қурилма «FOTON» акционерлик жамиятида параметрлари яхшилланган тензоўзгартиргич ишлаб чиқаришда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 14 июндаги 02-1330-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич ва улар асосидаги структураларда ҳар томонлама босимда тензоэффект ҳодисасини тадқиқ қилиш имконини берган.



ДАМИНОВА ШАХЛО ШАРИПОВНА

Кимё фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Рангли ва нодир металлларни P,S,O,N-сақлаган қаттиқ экстрагентлар билан сорбциялаш қонуниятлари ва уларнинг ўзига хосликлари» (02.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор таркибида диалкилдитиофосфат-ионлари ва МАВ бўлган 30 та янги аралаш лигандли комплекс бирикмалар синтез қилинган; спектроскопик маълумотлар ва квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларига кўра аралаш лигандли янги комплексларда DADTP ва МАВ молекулаларининг координацияланиш қобилиятлари, тузилиши ҳамда комплекс ҳосил қилувчи ва лигандлар табиатига боғлиқ ҳолда термик ўзгаришлардаги хусусиятлари аниқланган;

илк бор 3 та онийли бензимидазол бирикмалари, Co(II), Cd(II), Bi(III) диизопротилди-тиофосфатларининг МАВ билан 3 та янги координацион бирикмаларининг кристалл тузилишлари аниқланган ҳамда комплекс $[MAV+N] \times (iC_3H_7O)_2PS_2$ ва $[MAV+N] \times Cl \times 3H_2O$ таркибли иккита барқарор полиморфлар учун бензимидазолий ион жуфтнинг ҳосил бўлиши, полиморфлар органик катионнинг сув молекулалари ва хлорид ионлари билан ўзаро таъсири табиати билан фарқ қилиши исботланган;

металл иони радиуси ва ташқи электрон поғонасига боғлиқ ҳолда дитиофосфат ион билан монодентат координацияланган тетраэдрик N^2S^2 -конфигурациядан $[Cd(MAV)_2((iC_3H_7O)_2PS_2)_2]$ бидентат координацияланган бузилган пентагонал бипирамидали N^1S^6 -конфигурация $[Bi(MAV)((iC_3H_7O)_2PS_2)_3]$ ва бузилган тетрагонал-пирамидали N^1S^4 -конфигурацияга $[Co(MAV)((iC_3H_7O)_2PS_2)_2]$ ўтиши аниқланган, шунингдек водород боғланишсиз алоҳида мономер молекуляр тузилишининг барқарорлашуви содир бўлиши исботланган;

илк бор ноионоген стирол-дивинилбензол сополимери асосидаги полимер матрицага DADTF ва МАВ ларни импрегнирлаб, хоссалари олдиндан белгиланган янги қаттиқ экстрагентлар олинган;

илк бор олинган қаттиқ экстрагентларнинг металл ионларига нисбатан сорбцион ва кинетик хусусиятлари, сорбция жараёнининг қулай шароити аниқланган;

сорбент фазасида ҳосил бўладиган комплекслар таркиби ва тузилишининг Zn(II), Cd(II), Cu(II), Ni(II), Fe(III), Ag(I), Au(III), Pt(II) металл ионлари сорбциясига таъсири кўрсатилган, сорбция механизми, десорбцион хоссалар ва мультикомпонентли эритмаларда сорбция селективлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Рангли ва нодир металлларни P,S,O,N-сақлаган қаттиқ экстрагентлар билан сорбциялаш қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтита янги бирикмаларнинг рентген тузилиши таҳлили натижалари Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/CCDC>, 1847610, 1847963, 1847965, 1847609, 1846854, 1847608). Натижада базага киритилган янги кимёвий бирикмалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилишда, тузилишини тавсифлаш имконини берган;

импрегнирланган қаттиқ экстрагентларда металл ионлари сорбцияси ва комплекс ҳосил бўлиши бўйича олинган маълумотлардан юқори инпакт-факторли (IF) 5 та хорижий журналларда намуналарнинг кристалл ва молекуляр тузилиши, қаттиқ экстрагентларнинг физик-кимёвий ва спектрал таҳлили учун фойдаланилган (Journal of Structural Chemistry, 2008, V.49, Springer, IF-0.579; Contemporary Engineering Sciences, 2018, V.11, ResearchGate, IF-0.59; Journal of Environmental Chemical Engineering, 2018, V.6, ResearchGate, IF-3.42; Applied Surface Science, 2019, V.266, Elsevier, IF-4.44; Journal of Cleaner Production, 2019, V.213, Elsevier, IF-5.65). Натижада таркибида N, P, S бўлган органик лигандлар асосидаги импрегнирланган сорбентларни йўналтирилган синтезини амалга ошириш, металл ионларини аниқлаш имконини берган;

сувни тозалашни тезлаштириш ва тозалик даражасини ошириш бўйича услубий тавсиянома Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиёти маиший чиқинди сувларни сорбцион тозалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 29 январдаги 03-03-751-сон маълумотномаси). Натижада маиший чиқинди сувларни тозалаш самарадорлиги ва тезлигини ошириш имконини берган;

PAD600-MAV сорбенти “Навоий кон-металлургия комбинати” ДҚда технологик эритмаларидан рений ионларни ажратиб олиш жараёнига жорий этилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” ДҚнинг 2018 йил 28 ноябрдаги 02-06-04/15010-сон маълумотномаси). Натижада ренийнинг масса концентрациясини спектрофотометрик усулда аниқлаш имконини берган;

PAD600 асосидаги сорбент “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ қарашли «Хандиза» кон бойитиш комплексида саноат оқава сувларини тозалаш жараёнига жорий этилган (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2018 йил 29 ноябрдаги ОП-10955-сон маълумотномаси). Натижада чиқинди сувларни тозалаш жараёнини яхшилаш имконини берган;

қаттиқ экстрагентларни олиниш усуллари ва уларнинг сорбцион ҳамда комплекс ҳосил қилиш хосса-

лари Япониянинг Мейжи университетининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (Япония Мейжи университетининг 2018 йил 25 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада ноионоген стирол-дивинилбензол сополимери асосида янги сорбцион полимерлар олиш имконини берган;

олинган қаттиқ экстрагентлар ва сорбентлар ОТ-Ф7-48 рақамли «Полимер материаллар сиртига имбилланган металллар нанозаррачаларининг фазавий ўзгаришлари механизмини тадқиқ қилиш» мавзусидаги лойиҳада технологик ва экологик мақсадлар учун янги сорбцион материалларни яратиш ва чиқинди сувлардан металл ионларини тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 89-03-4261-сон маълумотномаси). Натижада нодир металлларни сорбентлар ёрдамида концентрлаб спектрофотометрик аниқлаш имконини берган.



СУЛТОНОВ МАРАТ МИРЗАЕВИЧ

Кимё фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Чиқинди ва тутунли газлар таркиби мониторинги учун автоматлашган термокаталитик усулларни ишлаб чиқиш» (02.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёнувчи моддаларни табиатан турли каталитик тизимлар иштирокида оксидланиши ҳамда CO , O_2 ва углеводородларни селектив термокаталитик сенсори учун каталитик тизимлар таркиби аниқланган;

CO ва углеводородларни аниқлашнинг селективлигини таъминлашнинг таркибида аралашма компонентларига нисбатан фаолликлари турлича бўлган катализаторлар сақлаган термосезгир (ўлчов ва компенсацияловчи) элементлардан фойдаланишга асосланган усули яратилган;

илк бор тутун газлари таркибидан O_2 ни аниқлашнинг термокаталитик сенсор катализатори юзасида ёнувчан компонентни оксидлашга асосланган термокаталитик усули ишлаб чиқилган;

CO , O_2 ва углеводородларнинг термокаталитик сенсорини метрологик, эксплуатацион ва бошқа параметрларига турли омилларнинг таъсири аниқланган;

чиқинди ва тутун газлари таркибидан ҳавони ортиқчалик коэффициентини (α) аниқлашнинг термокаталитик газ анализатор «ГА- O_2 »дан фойдаланишга асосланган экспресс усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Саноат чиқиндиси ва тутунли газлар таркиби мониторинги учун автоматлашган термокаталитик усулларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

углеводородларни автоматик аниқловчи термокаталитик газоанализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 25 январдаги 33/ГК-18-07-сон маълумотномаси). Натижада углеводородларни атмосфера ҳавоси ҳамда саноат чиқинди газлари таркибидан тезкор аниқлаш имконини берган;

CO ни автоматик аниқловчи термокаталитик газоанализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2018 йил 7 июндаги 726/ГК-18-07-сон маълумотномаси). Натижада CO ни автоматик аниқловчи газоанализаторнинг янги авлодини реал шароитларда қўллаш имконини берган;

яратилган сенсорлардан Ф-7-06 рақамли «Азот ва фосфор таркибли бирикмаларни тез ёнувчан материаллар ёнишини секинлаштирувчи сифатида қўлланилишининг илмий асосларини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида CO ва углеводородларни анализда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1216-сон маълумотномаси). Натижада энгил ёнувчан материалларнинг ёниш жараёнига азот ва фосфор таркибли антипиренларнинг таъсир механизмини кўрсатиш имконини берган.

ҚУДРАТОВ АКМАЛЖОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

Кимё фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Оқава сувларни тозалаш учун маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарадор сорбентларни яратиш» (11.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор оқава сувларни тозалаш учун мўлжалланган карбонатли палигорскит тупроғи асосидаги сорбентлар яратилган, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини бошланғич маҳсулотни кислотали-термик, сувли-термик фаоллаштириш (модификациялаш)га нисбатан боғлиқлиги аниқланган;

кислотали-термик модификациялаш билан карбонатли палигорскит тупроғидаги SiO_2 миқдорининг ортиши олинган сорбентларни термик 850°C ҳарорат ва 5 дақиқа вақт мобайнидаги модификациялашда кристал панжаранинг бузилиши ва карбонатларни парчаланиши билан CO_2 нинг ажралиб чиқиши, табиий микроструктуранинг ғовакланиши содир бўлиши ва зарур алмашиш ҳажми, зичлик, солиштира юзага эга бўлиши аниқланган;

маҳаллий ўсимлик чиқитлари, қўнғир ва тошқўмирлар асосда юқори мустаҳкам, сорбцион-ион алмашувчи хоссага эга бўлган фаолланган қўмирлар (ФК), сульфокўмир ишлаб чиқариш усуллари яратилган;

илк бор алмашиш ҳажми 10 мг-экв/г бўлган целлюлозанинг фосфорли эфири (ЦФЭ) яратилган ҳамда бошланғич целлюлозани ажралишига таъсир қилувчи омиллар, олинган ион алмашувчининг алмашиш ҳажмига ҳарорат, этерификация вақти ва фосфор кислотаси миқдорининг таъсири аниқланган;

илк бор полимер (целлюлозанинг фосфорли эфири ва полиакрилонитрил) матрицанинг сирт фаол марказларининг ўзаро (гетероген) таъсирлашиши табиати ва хоссалари аспекти исботланган;

алмашиш ҳажми 0,1н NaOH бўйича 11,12 мг-экв/г, 0,1н HCl бўйича 3,1 мг-экв/г гача бўлган полиамфолит яратилган;

полиамфолитни турли анион ва метал катионлари, радиоактив элементлар, шунингдек нефть маҳсулотларини нисбатан кичик зичлик даражаси, юқори солиштирма юзаси ва бошқа кўрсаткичлар асосий кинетик қонуниятлари ва сорбцияланиш механизмлари аниқланган;

яратилган сорбцион материалларни сувдаги ҳар хил табиатли метал ионлари, радиоактив элементлар ҳамда нефть маҳсулотларига нисбатан селективлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Оқова сувларни оғир металллардан, радиоактив элементлардан ва нефть маҳсулотларидан тозалаш учун маҳаллий табиий минерал, углеродли ва иккиламчи органик ресурслар асосида юқори самарадор импорт ўрнини босувчи сорбцион материаллар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

палигорскит асосида сорбент олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 03043, 2006 й.). Натижада оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалашда қўллаш мумкин бўлган сорбент олиш имконини берган;

оқова сувларни нефть маҳсулотларидан босқичма-босқич тозалашнинг янги технологияси «Муборак ГҚИЗ» УҚда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 майдаги 03-03/2-2635-сон маълумотномаси). Натижада юқори самарадор сорбентлардан фойдаланиб, сувни нефть маҳсулотларидан тозалашнинг биринчи босқичида 70–80% дан юқори бўлиш ва иккинчи босқичида 100% гача ортиш имконини берган;

техник йод олишда ерости саноат сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш технологияси «Бухоро-йод» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 28 майдаги 04/10-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий сорбентлар ёрдамида сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаб, технологиядаги машина ва жиҳозларни иш унумдорлигини ошириш имконини берган;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича назарий ва технологик ишланмалари «Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти» ДҚда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018 йил 28 майдаги 04/10-сон маълумотномаси). Натижада ер ости сувларидан оғир металл ионлари, радиоактив элементлар ва нефть маҳсулотларини ажратиш олишда маҳаллий, юқори самарадор сорбцион материаллардан фойдаланиш имконини берган.



ПУЛАТОВ ХАЙРУЛЛА ЛУТПУЛЛАЕВИЧ

Кимё фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Поликонденсацион турдаги катионитлар билан саноат ва оқова сувларни деминераллаштириш ва тозалаш» (11.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

стирол билан фурфуролнинг поликонденсацияси натижасида ионоген гуруҳларни кириш мумкин бўлган янги стирол-фурфурол полимери синтез қилинган;

илк бор поликонденсацион турдаги термо-кимёвий-радиацион барқарор ион-алмашувчи полимерлар олинган;

синтез қилинган катионитларнинг асосий физик-кимёвий, сорбцион ва эксплуатацион хоссаларини бошланғич хомашёларнинг таркиби, сульфурловчи ва фосфорлантирувчи агент концентрацияси, реакция ҳарорати ва давомийлигига корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

стирол-фурфурол полимери асосида монофункционал сульфокатионит ва фосфат кислотали катионит синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланган;

таркибида оғир металл ионлари бўлган саноат оқова сувларни динамик шароитларда тозалаш, сувларни деминераллаштириш ва катионитни регенерация қилиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Стирол-фурфурол полимери асосида олинган янги сульфо- ва фосфат кислотали катионитлар билан оқова сувларни тозалаш ва сувларни деминераллаштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фурфуролни стирол билан поликонденсациялаш асосида монофункционал сульфокатионит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 03458, 2007 й.). Натижада қаттиқ сувларни юмшатиш, сувларни деминераллаштиришда қўллаш мумкин бўлган монофункционал сульфокатионит олиш имконини берган;

стирол-фурфурол полимерини фосфорлантириш асосида фосфат кислотали катионит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 03886, 2009 й.). Натижада оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалашда қўллаш мумкин бўлган фосфат кислотали катионитлар олиш имконини берган;

стирол-фурфурол полимери асосида катионитлар олишнинг техник шартлари (Ts14825224-005-2018) «Узстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада технологик жараёнда ишлатилаётган импорт катионитлар ўрнига стирол-фурфурол асосида олинган катионитни ишлатиш имконини берган;

олинган сульфокатионит «Сувсоз» ДУКга қарашли тозалаш станциясида сувларни деминераллаштиришда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 24 июлдаги 03-03/2-3157-сон маълумотномаси). Натижада импорт ўрнини босувчи янги маҳаллий катионитлар олиш имконини берган;

олинган фосфат кислотали катионит «Сувсоз» ДУКга қарашли Салар аэрация станциясида оқова оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 24 июлдаги 03-03/2-3157-сон маълумотномаси). Натижада оқова сувларни тозалаш самарадорлигини ошириш ва четдан олиб келинаётган катионитларни маҳаллийлаштириш имконини берган.



АМАНОВ БАХТИЯР ХУШБАКОВИЧ

Биология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Перу ғўза турларини туричи ва турлараро дурагайлаш асосида генетик жиҳатдан бойитилган тизмалар олиш» (03.00.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба *G.Barbadense* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро ва ёввойи тур *G.Darwinii* билан яхши чатишиши, *G.Darwinii* тури оналик шакл сифатида ишлатилганда дурагай кўсак тугилиши паст (33,3–40,0%), кўсакдаги уруғлар тугилиши эса юқори (65,5–94,0%) бўлиши аниқланган;

туричи ва турларарореципрок F_1 ўсимликларида ўсув даври белгиси ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳамда тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланиши ва оналик шаклига боғлиқлиги, F_2 комбинацияларида чап томонли трансгрессия натижасида тезпишарлиги 105,0–124,0 кун бўлган қимматли рекомбинант шакллар ажралиб чиқиши исботланган;

G.Barbadense L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро ҳамда *G.Darwinii* тури билан турлараро F_1 авлодида битта кўсакдаги пахта вазни белгиси ижобий ва салбий доминантлик ҳамда ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланиши, туричи ва турлараро F_2 ўсимликларида кечадиган кенг кўламли трансгрессив ўзгарувчанлик битта кўсакдаги пахта вазни 5,0–7,9 г. бўлган йирик кўсакли рекомбинант шаклларни ажратиб олиш имконини бериши аниқланган;

G.Barbadense L. турининг туричи хилма-хилликларининг ўзаро ҳамда *G.darwinii* тури билан турлараро F_1 авлодида тола узунлиги белгиси оралик ҳамда ижобий доминантлик ва ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланиши, туричи ва турлараро F_2 ўсимликларида кенг ўзгарувчанлик кўламининг намоён бўлиши натижасида тола узунлиги 39,0–42,0 мм бўлган рекомбинант шакллар олингани исботланган;

туричи ва турлараро F_1 реципрок ўсимликларида тола чиқими белгиси асосан салбий ўта доминантлик ва оралик ҳолатларида ирсийланиши, F_2 комбинацияларидан Қарши-8 нави билан *subsp.vitifolium* кенжа турининг ўзаро реципрок дурагайларида тола чиқими 35,0–40,0% бўлган трансгрессив шакллар пайдо бўлиши аниқланган;

илк маротаба *G.Barbadense* L. тури хилма-хилликларини ўзаро ва *G.Darwinii* Watt тури билан турлараро дурагайлаш асосида тезпишар, йирик кўсакли, 1000 дона чигит вазни, тола чиқими ва сифати юқори оила ва тизмалар олинган, *G.Barbadense* L. турига мансуб 4–5 чаноқли маданий тропик *subsp.vitifolium* кенжа турини Қарши-8 нави билан дурагайлаш асосида ингичка толали ғўзанинг янги йирик кўсакли, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга «Ангор» нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Перу ғўза турларини туричи ва турлараро дурагайлаш асосида генетик жиҳатдан бойитилган тизмалар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Перу ғўза турларини туричи ва турлараро дурагайлаш асосида генетик жиҳатдан бойитилган тизмалари «Россиянинг жанубий шароитига мослашган юқори тола чиқими ва тола сифатига эга ингичка толали ғўза навларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида навларнинг генотипини бойитишда ва битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими юқори бўлган тизмалар ва навлар яратишда фойдаланилган (Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Илмий-технологик сиёсат ва таълим департаментининг 2018 йил 21 декабрдаги 4473/07-07-сон маълумотномаси). Натижада янги яратилган Л-396 Б2, Л-204 ва МЛ-104 тизмалари ва навларида морфобиологик белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик характерини аниқлаш ва битта кўсакдаги пахта вазни ва тола чиқимини яхшилаш имконини берган;

Перу ғўза турларини туричи ва турлараро дурагайлашдан олинган генотиплар Хитой Фанлар академиясининг PIFI 2017VBA0017 амалий лойиҳасида ғўза навларини абиотик стресс омилларга чидамлигини баҳолашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академиясининг 2018 йил 27 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижалар муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли бўлган ғўза навларини ажратиб олиш имконини берган;

G.Barbadense L. туричи хилма-хиллигини дурагайлашдан олинган ғўзанинг Ангор нави 2017 йил Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» тажриба хўжалигида ва 2018 йилда «Орифжон» элита уруғчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/020-215-сон ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги «Уруғчиликни ривожлантириш маркази»нинг 2018 йил 16 октябрдаги 01/02-368-сон маълумотномалари). Натижада янги ингичка толали «Ангор» ғўза навидан эрта ва сифатли ҳосил олиш имконини берган.



КАМИЛОВ БАХТИЯР ГАНИЕВИЧ

Биология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистонда овланадиган балиқ турларининг репродуктив биологияси хусусиятлари» (03.00.15).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор табиий сув ҳавзалари ва ҳовуларда асосий овланадиган балиқлар урғочиси жинсий вояга етишининг тезлиги, урчиш олдидан жинсий вояга етган урғочи балиқларнинг етилганлик коэффициенти, мутлақ ва нисбий серпуштлиги, етилган ва ташланган икралар ўлчамлари аниқланган;

балиқлар репродуктив биологияси кўрсаткичлари гистологик таҳлил даражасида ретро-спектив баҳолаш орқали балиқлар ўсиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

балиқлар популяциялари ва авлодлари репродуктив биологияси хусусиятларининг популяция ичидаги ўзгарувчанлиги қиёсий таҳлил натижасида очиб берилган;

балиқчилик хўжаликларида қўлланиладиган наслчилик ишларини ташкиллаштиришда турлар репродуктив имкониятларидан фойдаланиш, ёввой тўдаларга таққослаганда, ота-оналар тўдасида тез жинсий вояга етишини ҳамда юқори-мутлақ ва нисбий серпуштликни таъминлаши исботланган;

гуруҳлар ичидаги ўзгарувчанликни аниқлаш мисолида карп ва оқ дўнгпешона балиқларининг республикада нисбатан тез жинсий етиладиган ва серпушт тўдаларини шакллантириши аниқланган;

ноанъанавий географик шароит ва муддатларда балиқларни сунъий урчиштириш учун кўпайтириладиган балиқларни сақлаш шароитини бошқаришнинг интенсив аквакультура ривожлантириш учун истиқболли эканлиги исботланган;

дарёлар оқимининг бошқарилиши ва замонавий балиқ овлаш шароитида овланадиган балиқ турларида жинсий вояга етишнинг меъёрида кечиши, аммо балиқ овлаш тартиби балиқ популяцияларига сезиларли таъсир кўрсатиши очиб берилган;

дастлабки жинсий вояга етгунга қадар балиқлар гуруҳи авлодларида ўсиш ва жинсий вояга етишнинг турли-туманлигини намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

биологияси хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

сув ҳавзаларида балиқларни она тўдасини шакллантириш асосида кичик сув ҳавзаларида балиқларни эрта етилиши таъминлаш ва юқори маҳсулдор тўдаларни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар «Балиқтаёрловбизнес» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/026-13-сон маълумотномаси). Натижада карп балиғини авлод беришини 65% га ошириш ва урғочи карп балиғидан ўртача 725 мингта икра олиш имконини берган;

республиканинг текислик сув ҳавзаларида яйлов аквакультураси технологиясини жорий қилишнинг биологик асослари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзасидан балиқ овлашни йилига 180–200 тоннадан 1000–1650 тоннага ошириш имконини берган;

балиқчилик хўжаликларида балиқларидан сунъий насл олиш жараёнида қўлланиладиган гипофизли инъекция миқдорининг меъёрлари «Fish Leader» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563-сон маълумотномаси). Натижада африка лаққа балиғидан биринчи йили 200 мингдан ортиқ балиқ икраларини олиш имконини берган;

яйлов аквакультурасини режимини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар «Қашқадарёбалиқсаноат» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини 1–5 кг/га дан 25–40 кг/га ошириш имконини берган;

республика учун аквакультуранинг янги тропик объекти-африка лаққасини кўпайтиришнинг биологик асослари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Fish Leader» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/563-сон маълумотномаси). Натижада илиқ сувларда бир цикл давомида 150–350 минг африка лаққаси чавоқларини етиштириш ва хўжаликлар рентабелликни йиллик 20–30%га ошириш имконини берган.



ЮЛДАШОВ МАНСУР АРЗИКУЛОВИЧ

Биология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг биологик асослари» (03.00.15).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

текислик қисмдаги асосий балиқчилик ҳавзалари табиий озуқа базасининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланган;

балиқчиликнинг асосий кўрсаткичлари ва балиқ ўстириш жадаллигининг турли даражалари билан боғлиқ ҳолда турли сув типдаги ҳавзаларда балиқчилик тизимини ташкил қилишнинг самарадорлиги очиб берилган;

балиқчилик омилларининг жадаллигини ўзгартириш орқали карпсимон балиқлар ҳовуз поликультура технологиясининг маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқланган;

сув захиралари характерида боғлиқ ҳолда интенсив аквакультура учун энг истиқболли йўналиши сифатида қафас аквакультураси тизими исботланган ва сунъий бериладиган озуқа, улар сифатининг ҳамда

озиклантириш усулларининг боқиш интенсивлигидаги аҳамияти асосланган;

тоғ олди зоналари кенг миқёсда оқар сув бассейнларида қафасларда совуқ сув балиқчилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш йўллари ишотланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг биологик асослари бўйича олинган натижалар асосида:

балиқчилик хўжаликларида сув ҳавзаларига мунтазам равишда ўтказиб турилиши лозим бўлган балиқларнинг турлар бўйича ишлаб чиқилган меъёрлари Навоий вилояти «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада сув омборида ўртача балиқ маҳсулдорлигини гектарига 40 кг гача ошириш имконини берган;

саноат аквакультураси асосида балиқ ўстиришнинг таянч технологияси Жиззах вилояти «Абдухалил ота» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада саноат аквакультураси асосида 1 м³ ҳажмдаги жойдан 92 кг африка лаққа балиғи ва 50 кг карп балиғи етиштириш имконини берган;

аквакультуранинг рециркуляцион тизимида балиқларни саноат балиқчилиги шароитида ўстиришнинг биологик асослари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Навоий вилояти «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада, товар балиқларни ўстиришда фойдаланилмасдан, ота-она балиқлар тўдасининг қишлашини ташкил қилиш ва улардан эрта баҳорда сунъий урчитиш йўли орқали насл олиш ҳамда олинган балиқ чавоқларини вегетация даври бошланганига қадар парваришlash учун фойдаланиш асосида сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш имконини берган;

қафас аквакультураси учун ишлаб чиқилган таянч технология Бухоро вилояти «Муборак Бухорий» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада, балиқларни таянч технологиялар асосида тайёрланган гранулаланган ем билан боқиб 75 м³ сув ҳавзасидан 1800 кг ёки 24 кг/1м³ балиқ маҳсулдорлигига эришиш имконини берган;

совуқ сув балиқчилигида камалак ранг форел етиштириш технологияси Тошкент вилояти «Хонбалиқ» МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/562-сон маълумотномаси). Натижада совуқ сув балиқчилигида форель маҳсулдорлигини 0,2 кг/м³ дан 20–40 кг/м³ га ошириш имконини берган.



КУЗМЕТОВ АБДУЛАХМЕТ РАЙМБЕРДИЕВИЧ

Биология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмларининг фаунаси, экологияси ва амалий аҳамияти» (03.00.16).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистондаги 21 сув омборлари зоопланктон организмларининг (Rotifera, Cladocera, Serranoda) 89 турдан иборат замонавий тур таркиби аниқланган;

илк бор Марказий Осиё фаунаси учун гарпактицид *Cletocamptus cf. Deitersi* (Richard, 1897) тури аниқланган;

сув омборлари зоопланктон организмлари турлар сонининг ва миқдорий ривожланишининг мавсумий хусусиятлари очиб берилган;

Марказий Осиё сув ҳавзалари бўйлаб планктон организмларининг токсонимик ўзгариши аниқланган ва уларнинг шаклланиши асосланган;

21 та сув омборининг биотик ва абиотик шароитларига боғлиқ равишда улар учун мос балиқ турларини интродукциялаш усуллари аниқланган;

зоопланктон гуруҳларининг доимий, эрта баҳорда ва йилнинг илиқ мавсумларида учрайдиган турлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмларининг фаунаси, экологияси ва амалий аҳамияти бўйича олинган натижалар асосида:

сув омборлари зоопланктон организмларидан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар Тўдакўл, Шўркўл ва Каттақўрғон сув омборларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 3 майдаги 07/618-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларида учровчи овланадиган - карп, оқ ва чипор дўнгпешона, оқ амур, храмуля, оқ сла, мўйловдор балиқ, лаққа турларини табиий озика баъзасини кўпайтириш орқали балиқлар маҳсулдорлигини 4–15% ошириш имконини берган;

21 та сув омборларининг биотик ва абиотик шароитларига мос тарзда балиқ турларини мослаштириш йўллари Охангарон, Оқдарё, Андижон ва Каркидон сув омборларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 3 майдаги 07/618-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳавзаларида гулмойи ва Амударё маҳаллий гулмойисини интродукция қилиш имконини берган;

балиқчилик хўжаликларида зоопланктон организмларни ялли кўпайтириш асосида балиқ чавоқларининг яшовчанлиги ва маҳсулдорлигини ошириш усуллари «Фарғонабалиқсаноат», «Наманганбалиқсаноат» МЧЖ тасарруфидаги балиқчилик хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқ-

саноат» уюшмасининг 2018 йил 3 майдаги 07/618-сон маълумотномаси). Натижада балиқчилик хўжаликларидида етиштириладиган балиқ чавоқлари вазнини 17%, яшовчанлигини 10% ошириш имконини берган;

сапроблик индексининг ошишига сезгир зоопланктон организмларнинг тур ва миқдор жиҳатдан мавсумий ўзгаришчанлиги бўйича амалий тавсиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бўлимларига сув омборлари зоопланктон организмлари биохилма-хиллигини сақлаб қолиш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 29 январдаги 03-01/7-456-сон маълумотномаси). Натижада эвтрофикацияга учраган сув омборларида биомассаси камайиб кетаётган 8 тур планктон организмларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш имконини берган.



ТУРАБАЕВ АКМАЛ НОРМУМИНОВИЧ

Биология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни асраш, самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этишнинг экологик асослари» (11.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти мисолида биологик ресурсларнинг табиий ҳолатига экологик омиллар таъсири аниқланган ҳамда токсик ва нотоксик чиқиндилар алоҳида ҳисобга олинмаганлиги асосланган;

Қашқадарё вилояти ҳудудларида салбий ҳамда хавфли жараёнлар пайдо бўлишининг табиий омиллари ҳамда техноген аралашувлар даражаси ўртасидаги нисбат асосланган;

Қашқадарё вилоятида ер усти ва ер ости сувлари (Дехқонобод, Китоб, Миришкор, Шахрисабз, Яккабоғ туманлари ва Шахрисабз ш.), ҳамда атмосфера ҳавоси (Қарши шаҳри ва Муборак тумани) ифлосланишининг юқори даражаси, суғориладиган ерларнинг тез суръатларда шўрланиши (Қарши ва Косон туманлари) ҳамда истеъмол суви сифатининг стандарт талабларидан пастлиги (Касби тумани) аниқланган;

Қашқадарё вилояти экоҳудудларини районлаштириш ва янги экотизимларни белгилаш нуқтаи назардан тўртта минтақага ажратилган, биохилма-хиллик ресурсларидан фойдаланиш мониторингини самарали тизими асосланган;

турли хил иқлим шароитларида жойлашган Чотқол, Нурота ва Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида педосфера хилма-хиллигининг шаклланишига ўсимликлар қопламанинг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Глобаллашув шароитида биологик ресурсларни асраш, самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этишнинг экологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тупроқ қатлами унумдорлигини ошириш, унинг биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш» бўйича тавсиянома Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 02/020-165-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсия фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва биологик хилма-хилликни сақлаш имконини берган;

«Ўзбекистонда биологик (генетик) ресурслар коллекциясини ўрганиш, сақлаш ва самарали фойдаланиш тўғрисида»ги йўриқнома Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 ноябрдаги 01/12-02-8-1744/1-сон маълумотномаси). Натижада ушбу йўриқнома генетик ресурслар коллекцияларини сақлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш имконини берган;

Қашқадарё вилояти мисолида ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишлари ва биологик ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича мақсадли дастур Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 ноябрдаги 01/12-02-8-1744/1-сон маълумотномаси). Натижада ушбу дастур вилоятда ҳудудий экологик назоратнинг асосий йўналишларини белгилаш, педосферанинг хилма-хиллиги ва ундан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш ва маҳсулдорлигини ошириш имкониятини берган;

Қашқадарё вилояти шароитида биологик ресурсларни мониторинг қилиш ва биохилма-хиллик ресурсларидан фойдаланишнинг самарали тизими Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 ноябрь 01/12-02-8-1744/1-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда биологик ресурсларни мониторинг қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича амалдаги тизимни такомиллаштириш имконини берган.

ИСМАИЛОВ ВАХИТХАН АЛИХАНОВИЧ

Геология-минералогия фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Сейсмик рискни турли даражада баҳолашнинг инженер-сейсмологик асослари» (04.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сценария зилзиланинг параметрларини (координатаси, магнитудаси, ўчоғнинг чуқурлиги ва гипоцентрал масофаси) детерминистик нуқтаи назарда танлаш усули ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган грунтлар турларини сейсмик жадаллик параметрларининг ўзгаришига таъсири аниқланган ва грунтларнинг сейсмик хусусиятлари бўйича тасни-



фи такомиллаштирилган;

лёсс грунтларда сейсмодеформацияларни ривожланиш тезлигини сейсмик таъсир параметрларига боғлиқлигининг эмпирик тенгламаси ишлаб чиқилган;

сейсмик жадалликнинг грунт шароитига ва сейсмик тебранишни масофа бўйича сўнишга боғлиқ маконда ўзгариши аниқланган;

илк бор қурилиш майдонининг сейсмиклик даражаси бино-иншоот пойдевор асослари бўлган грунтларни мустаҳкамлаш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгариши экспериментал аниқланган;

биноларнинг турли конструктив типлари учун бино ва иншоотларни шикастланиш даражаси ва сейсмик таъсир кучини (MSK-64 шкаласи бўйича баллда ва сейсмик тезланишларда) боғловчи заифлик функциялари ҳисобланган;

илк бор турли ҳудудий даражаларда–регионал, шаҳар ва муайян ҳудудларда сценария зилзилалари оқибатидаги бевосита талафотларни баҳолаш учун инженер-сейсмологик асослар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Сейсмик рискни турли ҳудудий даражада (регионал ҳудудда, локал майдонда ва муайян объектда) баҳолаш учун олинган илмий инженер сейсмологик натижалар асосида:

сценария зилзиласининг параметрларини танлаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий қилинган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада хавфсизликни таъминлашнинг стратегик йўналишларини ташкил қилиш учун ҳудудларда эҳтимоли юқори зилзила ўчоқларини аниқлаш имконини берган;

зилзила сценарияси бўйича сейсмик жадалликни прогноз қилиш методикаси ва Жиззах вилоят ҳудудида сейсмик жадалликни прогноз қилиш схематик харитаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада сценария зилзиласига олдиндан тайёргарлик кўриш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

турли конструкцияли биноларнинг сейсмик заифлигини аниқлаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида амалиётга жорий қилинган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлик паспортини тузишнинг такомиллаштирилган методологик базасини яратиш имконини берган;

сейсмик рискни турли ҳудудий даражада (регионда, шаҳар ҳудудида ва қурилиш майдонида) баҳолашнинг инженер-сейсмологик асослари Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада сценария зилзиласи содир бўлганда қутқарув ишларини режалаштириш имконини берган.



НАЗИРОВА ЭЛМИРА ШОДМОНОВНА

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Суюқлик ва газларнинг филтрланиш жараёнини тадқиқ қилиш учун математик моделлар, сонли усуллар ва дастурлар мажмуи» (05.01.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб конфигурацияли филтрация соҳаларида майда зарраларнинг ғовак муҳитда чўкишини ҳисобга олган ҳолда суюқликлар ва газлар ностационар филтрацияси жараёнларининг математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

суюқлик ва газ ҳаракати назариясига асосан босимни сунъий сақлаб туришда нефть-сув ва газ-сув силжувчи чегарасини ҳисобга олувчи ностационар филтрация жараёнларининг математик моделлари нефть ва газ қатламли муҳитга сув ҳайдаш орқали такомиллаштирилган;

дифференциал-айирмалар ва ўзгарувчан йўналишлар усулидан фойдаланиб нефть-сув ва газ-сув биргаликдаги филтрациясининг Стефан типдаги масалаларини ечиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

дифференциал-айирмалар ва тўғри чизиклар усулларини биргаликда қўллаб кўп қатламли ғовак муҳитда суюқликлар филтрацияси уч ўлчовли масаласини мос бошланғич, чегаравий ва ички шартларда тақрибий-аналитик ечиш усули ишлаб чиқилди;

газ ва суюқликлар ҳаракатининг қонунлари асосида ёмон ўтказувчан қатлам орқали динамик алоқага эга икки қатламли ғовак муҳитда нефть ва газ филтрацияси масалаларининг сонли моделлари ишлаб чиқилган;

ёмон ўтказувчан қатламга эга икки қатламли ғовак муҳитда суюқликлар ва газ филтрацияси масалаларининг сонли моделлари асосида суюқликлар ва газ конлари ишлашида асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Қатламларнинг гидродинамик параметрлари орасидаги динамик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда нефть ва газ конлари ишлашининг асосий кўрсаткичларини аниқлашнинг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва яратилган дастурий мажмуаси асосида:

нефть-газ конлари асосий кўрсаткичларини аниқлаш моделлари ва алгоритмлари бўйича «Газ конларини ишлаб чиқишнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш», «Ғовак муҳитларда нефтнинг филтрланиш

жараёнларини математик моделининг дастурий таъминоти», «Динамик боғланган икки қатламли муҳитда газ конларини қайта ишлашининг асосий кўрсаткичларини ҳисобловчи дастурий мажмуани ишлаб чиқиш», «Икки қатламли муҳитда нефть фильтрланиш масаласини сонли ечимининг дастурий мажмуи» дастурий воситаларидан «UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 17 декабрдаги хулосаси). Натижада ғовак муҳитларда майда зарраларнинг чўкиб қолиши, қатламга сув ҳайдаш орқали босимни сунъий кўтариш, ёмон ўтказувчан қатламга эга кўп қатламли муҳитларда босимнинг вақт бўйича ўзгаришини аниқлаш имконини берган;

икки ўлчовли ғовак муҳитларда суюқлик ва газларнинг ностандарт фильтрацияси жараёнлари учун ишлаб чиқилган математик модель, сонли усул, ҳисоблаш алгоритми ва дастурлар мажмуи «Муборакнефт-газ» МЧЖнинг амалий фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада тажриба жараёнида олинган натижалар билан солиштириш яқинлиги 15%ни ташкил этган, шунингдек ҳисоблашга кетадиган вақтни 8–10 баробар қисқартириш имконини берган;

ғовак муҳитларда суюқликлар ностационар фильтрацияси масалаларини сонли ечиш алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот «Джаркурганнефть» акциядорлик компанияси томонидан Сурхандарё вилоятидаги нефть ва газ конлар амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳайдаш орқали нефтли қатламлар самарадорлигини 10% га ошириш имконини берган;

нефть ва газ конлари ишлашининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олинган натижалар «Касансой нефтьгаз разведка экспедицияси» МЧЖ амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада икки қатламли нефть конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва башоратлаш ҳамда қатлам маҳсулдорлигини 8–10% га ошириш имконини берган;

икки қатламли ғовак муҳитларда газ фильтрацияси жараёнларининг сонли моделлари «Шўртаннефт-газ» МЧЖ амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада кўп қатламли ғовак муҳитларда газ фильтрацияси жараёнини ҳисоблашни автоматлаштириш ва ҳисоблаш ишларининг тезкорлиги ҳисобига қатлам маҳсулдорлиги 8–10% га оширилган ва қудуқларга сарфни 8% гача қисқартириш имконини берган;

кучли ифлосланган нефтнинг ностационар фильтрацияси жараёнларининг математик модели, сонли алгоритмлари «ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонасида ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газ конларидаги қатлам самарадорлигини 9–10%га ошириш имконини берган.



ТОИРОВ ОЛИМЖОН ЗУВУРОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Тоғ-металлургия саноатида тоғ-кон массасини қазиш ва руда тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш» (05.05.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

генератор-ўзгармас ток двигатели, тиристорли ўзгартиригич-ўзгармас ток двигатели ва частота ўзгартиригич-асинхрон двигатели тизимларида экскаватор механизмларидаги ҳар бир ташкил этувчиларининг ФКни ҳисобга олган ҳолда электр юритмада ростланувчи ўзгартиригич билан энергияни ўзгартиришнинг структура схемалари ишлаб чиқилган;

рудаларни қазишда асосий технологик ва энергетик параметрларни ҳисобга олган ҳолда экскаваторларнинг ишчи ва номинал иш режимларида математик модели ва электр энергия сарфи меъёрини баҳолаш ишлаб чиқилган;

«частота ўзгартиригичи – двигатель-конвейер» частотавий ростланувчи электр юритма тизимларининг энергия ва ресурстежамкор иш режимлари ишлаб чиқилган;

динамик режимларни ҳисобга олган ҳолда конвейер лентасини жадал емирилишига таъсир кўрсатувчи асосий ва бошқарувчи омиллар аниқланган, эксплуатация жараёнида конвейер қурилмалари лентаси емирилишининг математик модели ишлаб чиқилган;

асосий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда тоғ массасини қазиш ва руда тайёрлаш жараёнида энергетик самарадорликни баҳолаш учун рудани қазиб олиш ва ташишга электр энергия сарфини меъёрлашнинг усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Энергетика текширувларини ўтказиш методологиясидан фойдаланиш ва тоғ-металлургия саноатида тоғ жинсларини қазиб олиш ва рудани тайёрлаш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

мавжуд бўлган ўзгармас ток генератори тизимини алмаштириш ва юритма двигателини тиристорли ўзгартиригич-двигатель билан алмаштириш ва Кальмакир карьеры Олмалиқ кон-металлургия комбинати бўйича турли бошқарув тизимлари билан ишлайдиган экскаваторларнинг энергия самарадорлигини аниқлаш усули жорий этилди («Олмалиқ кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-403-сон маълумотномаси). Натижада 369 минг кВт·соатга электр энергиясини тежаш имкони яратилган;

лентали конвейернинг бошланғич режимининг назорат қилиш тизими S-шаклдаги частоталарни

бошқариш қонунига мувофиқ фаол статор қаршилигидаги кучланишнинг камайиши ва частота ўзгартиргич асосида 0 дан $1/3f_n$ гача бўлган қўшимча форсировкали тизим Мисни бойитиш фабрикасида жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-403-сон маълумотномаси). Энергия тежамкор конвейер тизимлари бўйича ушбу усулларни қўллаш энергия сарфини 5-10% га қисқартирди. Натижада йилига мис ишлаб чиқариш заводида 809424 кВт соатга электр энергиясини тежаш имкони яратилган;

Мисни бойитиш фабрикасида рудани қазиб олишнинг энергия самарадорлигини ошириш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида алоҳида машиналар учун электр энергиясидан фойдаланишнинг солиштирма сарф меъёрларини аниқлаш услуги жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-404-сон маълумотномаси). Натижада бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун солиштирма меъёрни тоннасига 0,49 кВт соатни тежаш имкони яратилган;

рудани қайта ишлаш бўйича энергия тежаш ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш учун бутун Мисни бойитиш фабрикаси бўйича электр энергиясининг сарфини меъёрлаш усуллари жорий этилди («Олмалик кон-металлургия комбинати»нинг 2018 йил 24 октябрдаги 31-10-404-сон маълумотномаси). Натижада электр энергия истеъмолини 2%га тежаш имкони яратилган.



ИСЛАМБЕКОВА НИГОРА МУРТОЗАЕВНА

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Сирт фаол моддалар ёрдамида пиллани чувишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш» (05.06.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сирт фаол модда эритмасининг кўпиги билан пилла қобиғи модификация қилиниб, пиллаларни чувишга тайёрлаш усули яратилган; пиллаларнинг бир текис буғланишини таъминлаш орқали ипак ипи чиқишини ва унинг сифатини ошишига олиб келувчи биокимё корхонаси ва пиллакашликнинг нотола чиқиндилари асосида препаратлар олиш технологияси яратилган;

янги сирт фаол моддаларнинг физик-кимёвий ва бошқа муҳим технологик параметрлари кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

биокимё корхонаси ва пиллакашлик саноати иккиламчи чиқиндиларидан самарали фойдаланиш орқали чиқиндисиз технология яратилган;

пилланинг буғланиш критериясини баҳолаш учун қобиқдан ипнинг ажралиш кучини аниқлаш усули яратилган;

пиллаларни буғлаш ва чувишга турли сирт фаол моддаларни лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларидаги таъсирлари аниқланган, пиллаларни дастлабки хусусиятларининг сақланиш усули ишлаб чиқилган;

пиллакашликда чувалувчанликни яхшилаш учун ишлов бериш усули ва сирт фаол моддалар билан пиллаларни ишлов беришнинг муқобил технологик параметрлари кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Сирт фаол модда ёрдамида пиллани чувишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

пиллаларни сирт фаол модда билан ишлов бериш усули «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси корхонасида, хусусан, «Vuxoro Brilliant Silk» ҚҚда жорий қилинган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 июлдаги ОЖ-02-18/1300-сон маълумотномаси). Натижада қобиқнинг юзаси бўйича бир текис буғланиши ҳамда сув ўтишининг яхшиланиши чувиш жараёнини бир текис кетиши ва ипакда пайдо бўладиган нуқсонларнинг камайишига эришилган;

қийин чувиладиган пиллаларни сирт фаол моддалар билан ишлов бериш технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси корхонасида, хусусан, «Vuxoro Brilliant Silk» ҚҚда жорий қилинган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 июлдаги ОЖ-02-18/1300-сон маълумотномаси). Натижада пилланинг доғли ва доғсиз қисмлари бир текис буғланиб, ипак чиқиндилари камайишига эришилган;

сирт фаол моддалар билан ишлов бериш орқали дастлабки хусусиятини сақлаш усули «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси корхонасида, хусусан, «XARIR TOLA» МЧЖда жорий қилинган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 июлдаги ОЖ-02-18/1300-сон маълумотномаси). Натижада пиллаларнинг солиштирма сарфининг камайиши, чувилувчанлик даражасини ортиши ва иш унумдорлигини 10-12% ошириш имконияти яратилган;

хомашёдан самарали фойдаланиш ва пилладан ипак чиқишини ошириш технологияси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси корхонасида, хусусан, «XARIR TOLA» МЧЖда жорий қилинган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 июлдаги ОЖ-02-18/1300-сон маълумотномаси). Натижада пиллаларнинг солиштирма сарфини 2,9%га камайитириш имконияти яратилган.



МАДУМАРОВ ИЛХОМЖОН ДЕДАХАНОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Пахтани иссиқлик-намлик ҳолатини муқобиллаштириш ва бир текис таъминлаш асосида тозалаш жараёнининг самарадорлигини ошириш» (05.06.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинасига иссиқ ҳаво бериш йўли орқали такомиллаштирилган тозалаш технологияси ишлаб чиқилган;
тозалаш машиналарига пахта хомашёсининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда бир меъёрда узлуксиз таъминлаб берувчи таъминлагич яратилган;

пахтанинг толали массаси таркибидан майда ифлос аралашмаларнинг ажралиш жараёнини математик боғланишлари ва ҳаракат қонуниятлари ишлаб чиқилган;

тўрли юза бўйлаб ҳаракатланаётган пахта толаси таркибидан ажраладиган ифлосликлар миқдорини юза бўйлаб тақсимланиши ва тўрли юзаларда ифлосликларни ажралиш қонунияти назарий тадқиқотлар асосида аниқланган;

турли зичликларда ҳаракатланаётган ўзаро эластик боғланишда бўлган икки ва ундан ортиқ пахта бўлакчалари таркибидан ифлосликларни ажралиш жараёнини математик боғланишлари ишлаб чиқилган;

тозалаш жараёнида машиналар самарадорлигини юқори бўлишини таъминловчи пахта толали масаси намлиги ва ҳароратини рационал кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

пахтани тозалаш машиналарининг таъминлаш қурилмаси ишчи органларини асосий кўрсаткичларига ва машинанинг тозалаш самарадорлигига таъсири аниқланган;

қуришиш технологик жараёнида толанинг меъёрий намлигини таъминловчи қуришиш режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Пахтани иссиқлик-намлик ҳолатини муқобиллаштириш ва бир текис таъминлаш орқали тозалаш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган таъминлаш қурилмаси “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўрақурғон пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5552-сон маълумотномаси). Натижада пахта тозалаш машинасининг самарадорлиги 5,0÷6,0% га ошириш имкони яратилган;

шахта-тўплагичнинг муқобил конструкцияли пахта тозалаш машинаси “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Бўка пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5552-сон маълумотномаси). Натижада пахтани тозалаш жараёнига бир текисга узатилишига эришилиб, машинанинг тозалаш самарадорлигини 7,0÷8,0% га ошириш имконини берган;

пахтани тозалаш жараёни режим параметрлари “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўрақурғон пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5552-сон маълумотномаси). Натижада пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинаси самарадорлигини 8–10%га ошишига, толадаги ифлосликлар ва нуқсонлар миқдорини 0,3–0,4% га камайтириш имкони яратилган;

чигитли пахтани такомиллаштирилган қуришиш-тозалаш технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Бўка пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-18/5552-сон маълумотномаси). Натижада сарфланаётган ёқилғи сарфини 40–50% га камайтириш имкони яратилган.



СУЛАЙМОНОВ РУСТАМ ШЕННИКОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Пахта чигитини линтерлаш ва момиқни тозалаш жараёнларининг рационал технологиясини яратиш», 05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов бериш (техника фанлари).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чигитни линтерлаш жараёнига таъсир этувчи такомиллаштирилган конструкцияли аралаштиргич яратилган;

белгиланган режимда ишчи камерадаги қатламли чигит ҳаракатининг боғланиши ишлаб чиқилган;

пахта момиғини тозалаш учун комбинацияланган турдаги янги конструкцияли момиқ тозалагич яратилган;

момиқни ёйиш ва тарашда текисловчи тароқлар билан аррали цилиндр зонасидаги момиқнинг ҳаракатида тароқларни горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчагининг рационал катталиги аррали цилиндр ёй узунлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

момиқдан йирик ифлосликлар ажралишида тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи колосникларнинг рационал сони таъсир этувчи кучлар орқали аниқланган;

момиқ сифатини яхшилайдиган, иш унумдорлиги ва тозалаш самарадорлигини оширувчи момиқ тозалагичнинг асосий конструктив ва технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Пахта тозалаш корхоналарида пахта чигитини линтерлаш ва момиқни тозалаш жараёнининг рацио-

нал технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта чигитини линтерлаш технологияси ва ускунаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан Тошкент вилоятининг «Чиноз пахта тозалаш» АЖ, Хоразм вилоятининг «Кўшқўпир тажриба-экспериментал пахта тозалаш» АЖ, Сурхондарё вилоятининг «Ангор пахта тозалаш» АЖ, Андижон вилоятининг «Асака пахта тозалаш» АЖ, Фарғона вилоятининг «Боғдод тажриба-экспериментал пахта тозалаш» АЖ, Бухоро вилоятининг «Жондор пахта тозалаш» АЖ, «Пешку пахта тозалаш» АЖ, «Когон пахта тозалаш» АЖларда жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 26 октябрдаги 02-29/6158-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли чигитни линтерлашда линтернинг чигит бўйича иш унумдорлигини ўртача 19,4% ва 21,7% га, момиқ бўйича иш унумдорлигини ўртача 7,2 % ва 9,7 % га ошириш имкони яратилган;

момиқни тозалаш технологияси ва ускунаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхонада, жумладан Қорақолпоғистон Республикаси «Элликқалъа пахта тозалаш» АЖга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 26 октябрдаги 02-29/6158-сон маълумотномаси). Натижада юқори навли момиқни тозалашда тозалогичнинг иш унумдорлигини 35,3% га, паст навли момиқни тозалашда 32,0 %га ошириш имкони яратилган;

такомиллаштирилган 5ЛП линтерлари «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарда, жумладан Бухоро вилоятининг «Жондор пахта тозалаш» АЖ, «Пешку пахта тозалаш» АЖ, «Когон пахта тозалаш» АЖларида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 26 октябрдаги 02-29/6158-сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли чигитларни линтерлашда чигитнинг шикастланишини ўртача 0,19 (абс) % га ва 0,3 (абс)% га, момиқдаги ифлос аралашмалар ва бутун чигитларнинг массавий улушини ўртача 0,3 (абс) % га ва 0,2 (абс)% га камайтириш, ишлаб чиқарилаётган чигит ва момиқ сифатини яхшилаш имкони яратилган;

ишлаб чиқарилган момиқ тозалогич «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхонада, жумладан Қорақолпоғистон Республикаси «Элликқалъа пахта тозалаш» АЖга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2018 йил 26 октябрдаги 02-29/6158-сон маълумотномаси). Натижада I ва II навли момиқни тозалашда тозалогичнинг тозалаш самарадорлиги 32,4% ва 42,7% га тенг бўлиб, O'zDst 645:2010 давлат стандарти бўйича А ва Б типли "Олий" синфга мансуб момиқ ишлаб чиқарилишига эришилган.



БАТИРОВ ЗАФАР ЛУТФУЛЛАЕВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Далани пуштали экишга тайёрлашда минерал ўғитларни солиш технологияси ва техник воситаларини такомиллаштиришнинг илмий-техник ечимлари» (05.07.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чигитни пушталарга экиш учун тупроқни тайёрлаш билан бир вақтда чигит экиладиган қаторлар остига минерал ўғитларни солиш технологияси ишлаб чиқилган;

бир ўтишда тупроқни юмшатиш ва чигит экиладиган қаторлар остига уч қаватга ўғит солиш

билан бирга пушта шакллантирадиган комбинациялашган агрегатнинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

ўғитни ўсимлик илдиз тизими ривожланадиган қатламга солиш жараёнида ишчи органларнинг юзаси бўйича ўғитлар ҳаракатини тавсифлайдиган механик-математик моделлар асосида ўғит сошниклари параметрлари аниқланган;

ғўзапоёси йиғиштириб олинган далаларда мавжуд пушталар ўрнига янги пушталар ва мавжуд эгатлар ўрнида янги эгатлар ҳосил қилиш билан бир вақтда ўғит солиш технологияси ишлаб чиқилган;

пахтадан бўшаган далаларни пушталарга чигит экишга тайёрлаш билан бир вақтда ва бир ўтишда ўғит солиш учун универсал чизель-культиватор-ўғитлагичнинг конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Бир йўла пушта олишда унга қатламлаб минерал ўғитларни соладиган комбинациялашган машина ва универсал чизель-культиватор-ўғитлагичларни ишлаб чиқиш ва уларнинг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

чигитни пушталарга экиш учун тупроқни тайёрлаш билан бир вақтда чигит экиладиган қаторлар остига минерал ўғитларни солиш технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган машина Қосон тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 02/023-22-сон маълумотномаси). Натижада ўғитни ўсимлик илдиз тизими ривожланадиган қатламга солиш билан бирга далаларни пушталарга чигит экиш учун тайёрлашда ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 36,3 фоизга, ўғитлар сарфи эса 25 фоизга камайтириш имконини берган;

пахтадан бўшаган далаларни пушталарга чигит экишга тайёрлаш билан бир вақтда ва бир ўтишда ўғит солиш учун универсал чизель-культиватор-ўғитлагич комбинациялашган машина ва такомиллашган чизель-культиватор-ўғитлагич Қарши тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 02/023-22-сон маълумотномаси). Натижада ўғитни ўсимлик илдиз тизими ривожланадиган қатламга солиш билан бирга далаларни пушталарга чигит экиш учун тайёрлашда ўғит сарфи 20 фоизга, эксплуатация харажатлари эса 29,6 фоизга камайтириш имконини берган;

тупроқни юмшатиш ва чигит экиладиган қаторлар бўйлаб уч қаватга ўғит солиш билан бирга пушта шакллантирадиган комбинациялашган агрегат Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 02/023-22-сон маълумотномаси). Натижада ўғит солиш ва далаларни пушта олиб чигит экишга тайёрлашда ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 41,6 фоизгача, меҳнат харажатлари эса 39,4 фоизгача камайтириш имконини берган;

комбинациялашган машина ва такомиллашган чизель-культиватор-ўғитлагичларни ишлаб чиқа-

ришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Агромаш» АЖ да ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 июндаги 02/023-171-сон маълумотномаси). Натижада юқори самарали комбинациялашган машина ва такомиллашган чизель-культиватор-ўғитлагичларни ишлаб чиқариш имкони яратилган.



МУСУРМОНОВ АЗЗАМ ТУРДИЕВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Боғларда дарахтлар қатор оралари ва танаси атрофи тупроқларига ишлов беришнинг илмий-техник ечимлари» (05.07.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

боғларда ҳар хил чуқурликда ишлов бериш технологиясини таъминлайдиган мевали дарахтлар илдиз тизимининг жойлашиш модели ишлаб чиқилган;
боғларда мевали дарахтлар илдиз тизимининг жойлашиш чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда қатор ораларига ҳар хил чуқурликда ишлов бериш учун такомиллашган култиватор схема ишлаб чиқилган;

дарахт танаси атрофидаги тупроққа ишлов берадиган минимал ҳимоя зонасини таъминловчи гидромеханик бошқариладиган янги қурилма конструкцияси ишлаб чиқилган;

тупроққа ишлов берадиган такомиллашган боғдорчилик култиватор ишчи органининг мақбул параметрлари эгат тубига нисбатан искана ва лемехнинг ўрнатилиш бурчаги, панжанинг очилиш бурчаги, искананинг узунлиги, эни, ишчи органининг умумий қамров кенлиги, рамада қатор бўйича ва қаторлар орасидаги жойлашишини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

панжанинг қамров кенлиги, ҳаракат йўналишига нисбатан дастлабки ўрнатилиш бурчаги, шчупнинг узунлигини, эгилган қисми эгрилик радиуси дарахт танаси билан мосламани бошқарувчи шчупни ўзаро таъсирлашишини ифодаловчи аналитик боғланишлар асосида аниқланган;

дарахт танаси атрофига ишлов берадиган дискли силжийдиган секция параметрлари қамраш кенлиги, дискли силжувчи секция йўналиш бурчаги, секцияни силжитадиган шчупнинг дастлабки ўрнатилиш бурчаги, узунлиги, секцияни ростловчи шчуп дастлабки ўрнатилиш бурчаги ва узунлиги орқали асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Боғларда дарахтлар қатор оралари ва танаси атрофи тупроқларига ишлов беришни илмий-техник ечимлари бўйича олинган натижалари асосида:

боғдаги дарахтлар танаси атрофидаги минимал ҳимоя зонасини таъминлаган ҳолда тупроққа ишлов берадиган, гидромеханик бошқарувига эга буриладиган ясси кесувчи ишчи органли қурилмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган ("Туп олди тупроғига ишлов берувчи қурилма", №IAP 04654-2013 й.). Натижада ишчи органларнинг турларини танлаш ва уларни рамада жойлаштириш, янги машинанинг схемасини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

боғ қатор оралари ва танаси атрофидаги тупроқни юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш технологик жараёнларини бажаришнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашга дастлабки талаблар ва боғдорчилик машинаси конструкциясини лойиҳалашга техник топшириқ ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 24 октябрдаги 02-23-1230-сон маълумотномаси). Натижада майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш, ундаги намни сақлашни таъминлаш ва бегона ўтларни бартараф этиш имкони яратилган;

боғларда тупроққа ишлов беришга мўлжалланган ҳамда «ВМКВ-Агромаш» АЖда ишлаб чиқарилган машина Тошкент вилояти фермер хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 24 октябрдаги 02-23-1230-сон маълумотномаси). Натижада ёнилғи сарфи 12,2-16,4 фоизга, тортиш қаршилиги 14,4-16,8 фоизга камайиштириш имконини берган;

боғ қатор оралари ва танаси атрофидаги тупроқларни юмшатадиган машина Навоий, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари фермер хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 24 октябрдаги 02/23-1230-сон маълумотномаси). Натижада бегона ўтларнинг йўқотилиши 20,2 фоизга, тупроқни увалашдаги ўлчами 0,25-1,0 см бўлган фракцияларнинг миқдори 21,6-24,8 фоизга ва иш уними эса 28 фоизга ошишига эришилган.



ДЖАББАРОВ САИДБУРХОН ТУЛАГАНОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистон Республикасининг мавжуд темир йўлларида тезювар йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш методологияси» (05.09.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳаракат тезлиги чегараланган жойларда поездларнинг тезланиш ва секинлашиш йўли узунлигини инобатга олган ҳолда гуруҳлаш усули ишлаб чиқилган;

моддий ресурсларни чегараланганлигини инобатга олиб, мавжуд темир йўл инфратузилмасини таъмирлаш (модернизация) ишларини бажаришни босқичма-босқичлигини (ёки рационал кетма-кетлигини) белгилаш усули тезлик чегараланган участкаларни бирлаштириш орқали такомиллаштирилган;

ҳаракатланаётган юқори тезликдаги поездни осесимметрик жисм сифатида моделлаштирилган ҳамда ҳаво оқимининг поезд атрофида тақсимланиш характери ва тезлиги манбалар усули орқали аниқланган;

мавжуд темир йўл инфратузилмаси доимий иншоот ва қурилмаларининг ҳолати, қурилиш-технологик

параметрларини ҳисобга олган ҳолда юқори тезликдаги поезднинг рухсат этилган максимал тезлигини белгилаш усули ишлаб чиқилган;

юқори тезликдаги поездларнинг хавфсиз ҳаракатини миллий стандарт талабларига мос ҳолда ҳаракатланаётган поезд яқинидаги инсонларни минимал хавфсиз туриш масофасини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

мавжуд бир изли темир йўлларда йўловчи поездлар тезлиги ва юк ташиш ёки поездлар ўтказиш имкониятини комплекс ошириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Мавжуд темир йўлларда йўловчи поездларнинг тезюрар ҳаракатини ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқишда олинган натижалар асосида:

мавжуд темир йўл инфратузилмаси доимий иншоот ва қурилмаларининг ҳолати, қурилиш-технологик параметрларини инобатга олиб юқори тезликдаги поезднинг рухсат этилган максимал тезлигини белгилаш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги участкаларда, жумладан, Тошкент-Самарқанд, Самарқанд-Қарши, Самарқанд-Навоий-Бухоро, Қарши-Китоб темир йўл бўлақларида капитал таъмирлашни лойиҳалаш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 27 июндаги НЗ-1/3898-18-сон маълумотномаси). Натижада юқори тезликдаги «Афросиёб» поездларининг мунтазам раван ҳаракатини таъминлаш, йўловчиларнинг ҳаракатланиш вақтини, оддий тоифадаги йўловчи поезддаги ҳаракатига нисбатан 1-2,5 соатгача қисқартириш имкони яратилган;

юқори тезликдаги «Афросиёб» йўловчи электропоездлари ҳаракатини ташкил этиш учун ҳаракат тезлиги чегараланган жойларда поездларнинг тезланиш ва секинлашиш йўли узунлигини гуруҳлаш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, «Капитал қурилиш дирекцияси» ва «Тоштемирйўллойиҳа» АЖ томонидан йўл инфратузилмаси объектларини таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлашда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 27 июндаги НЗ-1/3898-18-сон маълумотномаси). Натижада Тошкент-Самарқанд, Самарқанд-Навоий-Бухоро, Қарши-Китоб темир йўл бўлақлари тарҳини қайта лойиҳалашда эгриликларнинг оптимал радиусларини белгилаш имконини берган;

моддий ресурсларни чегараланганлигини инобатга олиб, мавжуд темир йўл инфратузилмасини таъмирлаш (модернизация) ишларини бажаришнинг босқичма-босқичлигини (ёки рационал кетма-кетлигини) белгилашни такомиллаштирилган усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги корхонада, жумладан «Капитал қурилиш дирекцияси» томонидан Тошкент-Самарқанд темир йўл бўлинмасининг инфратузилма объектларини таъмирлаш ишларини бажариш кетма-кетлигини белгилашда жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 27 июндаги НЗ-1/3898-18-сон маълумотномаси). Натижада Тошкент-Самарқанд темир йўл бўлағида моддий ресурсларни чегараланганлигини инобатга олиб, тезюрар йўловчи поездлар тезлигини уч босқичда оширишга эришилган;

мавжуд бир изли темир йўлларда йўловчи поездлар тезлиги ва юк ташиш ёки поездлар ўтказиш имкониятини комплекс ошириш усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги корхонада, жумладан «Капитал қурилиш дирекцияси» томонидан Тошкент-Самарқанд темир йўл бўлағи инфратузилмаси объектларини модернизация қилишда жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 27 июндаги НЗ-1/3898-18-сон маълумотномаси). Натижада турли тоифадаги поездларнинг интенсив ҳаракати мавжуд бўлган Тошкент-Самарқанд тезюрар темир йўл бўлағида юк ташиш имкониятини сақлаб қолишга эришилган.



МИРАЛИМОВ МИРЗАХИД ХАМИТОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Транспорт ва метрополитен тоннеллари қопламаларининг конструкциявий ечимларини, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш» (05.09.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

транспорт ва метрополитен тоннеллари қопламаларининг юқори сейсмик ҳудудларга мўлжалланган зилзилабардош конструкциявий ечимлари такомиллаштирилган ва уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор статик ва квазистатик таъсирлар остида ихтиёрий кўринишдаги тоннел конструкцияларининг грунт билан ўзаро муносабатидаги деформацияланишини кенг миқёсда тасвирлаш учун ёпиқ тенгламалар тизими, чизиқли ва ночизиқли ҳисоблаш дискрет модели ишлаб чиқилган;

тоннел иншоотларини ташқи юклар таъсири остида мустаҳкамлигини текшириш усули грунт массивидаги бошланғич кучланишларнинг ўзгаришини ҳисобга олиш эвазига такомиллаштирилган;

динамик масаланинг дискрет моделини тасвирловчи оддий заиф-сингулярли интеграл-дифференциал тенгламалар тизимини ечиш учун q-Вильсон усули ва Ф. Б. Бадаловнинг интеграл ва интеграл-дифференциал тенгламалар заиф-сингуляр хусусиятларини ажратувчи сонли усулининг бирга қўшилиши асосида янги ҳисоблаш алгоритми яратилган;

турли юкланиш остида тоннел конструкциялари ишлашини сонли-ҳисобий тадқиқ қилиш жараёнини автоматлаштириш учун замонавий шахсий электрон ҳисоблаш машиналарига мўлжалланган тоннел қопламаларининг диалогли ҳисоблаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Транспорт ва метрополитен тоннеллари қопламаларининг конструкциявий ечимларини, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

транспорт ва метрополитен тоннеллари қопламаларининг юқори сейсмик ҳудудларга мўлжалланган зилзилабардош такомиллаштирилган конструкциявий ечимлари ва уларни ҳисоблаш усуллари Тошкент метрополитени тоннелларини лойиҳалашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 03/2125-1602-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган антисейсмик бирикмалар ҳисобига тоннел қопламаларининг зилзилабардошлигини ошириш, материал ва меҳнат сарфларини камайтириш имкони яратилган;

статик ва квазистатик таъсирлар остида ихтиёрий кўринишдаги тоннел конструкцияларининг грунт билан ўзаро муносабатидаги деформацияланишини кенг миқёсда тасвирлаш учун ёпиқ тенгламалар тизими, чизиқли ва ночизиқли ҳисоблаш дискрет модели Тошкент метрополитени станцияларининг гумбазсимон конструкцияларини лойиҳалашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 03/2125-1602-сон маълумотномаси). Натижада тоннел қопламаларини статик ва квазистатик таъсирлар остида ҳисоблаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш имкони яратилган;

тоннел иншоотларини ташқи юклар таъсири остида ва грунт массивидаги бошланғич кучланишларнинг ўзгаришини ҳисобга олган мустақамлигини текширишнинг такомиллаштирилган усули электрификациялаштирилган “Ангрен-Поп” темир йўли участкасидаги тоннел иншоотларини лойиҳалашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 03/2125-1602-сон маълумотномаси). Натижада “қоплама-грунт массиви” тизимида тоннел ўймасининг чегаравий ҳолатларини ва қопламанинг мустақамлигини аниқлашга эришилган;

динамик масаланинг дискрет моделини тасвирловчи оддий заиф-сингулярли интеграл-дифференциал тенгламалар тизимини ечиш учун q-Вильсон усули ва Ф. Б. Бадаловнинг интеграл ва интеграл-дифференциал тенгламалар заиф-сингуляр хусусиятларини ажратувчи сонли усулининг бирга қўшилиши асосида янги ҳисоблаш алгоритми Тошкент метрополитенининг бир секцияли қопламаларини лойиҳалашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 03/2125-1602-сон маълумотномаси). Натижада тоннел қопламаларини динамик ва сейсмик таъсирларда грунт қатламини инobatга олиб ҳисоблаш имкони яратилган;

турли юкланиш остида тоннел конструкциялари ишлашини сонли-ҳисобий тадқиқ қилиш жараёнини автоматлаштириш учун замонавий шахсий электрон ҳисоблаш машиналарига мўлжалланган тоннел қопламаларининг диалогли ҳисоблаш тизими “Тошкент-Ўш” автомобиль йўли участкасининг “Қамчиқ” ва “Резак” доғонидаги автомобиль йўли тоннелларини лойиҳалашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 2 майдаги 03/2125-1602-сон маълумотномаси). Натижада автотўл тоннеллари ўймалари атрофида максимал 3,0 метргача чуқурликдаги бузилиш зоналари аниқланган ва уларни баргараф этиш орқали қопламанинг мустақамлигини таъминлашга эришилган.



СОДИҚОВ ЖАМШИД ИБРОХИМ ЎҒЛИ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Йўл активлари тизимини бошқариш ва прогнозлаш назарий асосларини такомиллаштириш» (05.09.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йўл активларини бошқариш ва башорат қилиш назарий асослари такомиллаштирилган, илк бор ҳаракат хавфсизлиги, ҳаракат тезлиги, қулайлик ва атроф-муҳитни ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини функционал таснифи ишлаб чиқилган;

йўл лойиҳаларининг нархини башоратланган ва таққосланган ҳолда йўл лойиҳаларини нархларини туманлаштириш усули ишлаб чиқилган, аналитик иерархия усули ёрдамида тармоқ даражасида йўлларни таъмирлаш ишларини оптималлаштириш ва приоритизация қилиш усули ишлаб чиқилган ва илмий асосланган;

илк бор Ўзбекистон Республикаси мисолида ривожланаётган мамлакатларнинг хусусиятларини инobatга олган ҳолда йўл активлари бошқаруви тизими назарияси ишлаб чиқилган;

йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш ва ҳисобга олишнинг янги усули ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси шароитида транспорт-эксплуатацион харажатларни баҳолаш усули маҳаллий шароитга мослаштирилган, динамик дастурлаш усули ёрдамида лойиҳа даражасида йўлларни таъмирлаш ишларини оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Йўл активлари тизимини бошқариш ва прогнозлаш назарий асосларини такомиллаштириш асосида:

йўл лойиҳаларини баҳолаш усули, лойиҳа қийматлари бўйича мавзули хариталар яратиш бўйича дастурий таъминот Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитасига қарашли Йўл лойиҳа бюросига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 23 октябрь 03/5531-Б612-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши йўл лойиҳаларини баҳолаш усули, янги лойиҳаларни баҳолаш, лойиҳа қийматлари бўйича мавзули хариталар яратиш, лойиҳа нархлари бўйича дастурий таъминот жорий қилиш имконини яратган;

йўл лойиҳаларининг нархини башоратлаш ва таққосланган ҳолда йўл лойиҳаларини нархларини туманлаштириш усули, аналитик иерархия усули ёрдамида тармоқ даражасида йўлларни таъмирлаш ишларини оптималлаштириш ва приоритизация қилиш усули, маҳаллий шароитга мослаштирилган транспорт-эксплуатацион харажатларни баҳолаш усули ва динамик дастурлаш усули ёрдамида лойиҳа даражасида йўлларни таъмирлаш ишларини оптималлаштириш модели Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти» унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган

7 та меъерий ҳужжатларга киритилган (Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 23 октябрдаги 03/5531-Б612-сон маълумотномаси). Натижада йўл қурилиш ва таъмирлаш ишларини сифатини ошириш имконини берган;

умум фойдаланувдаги автомобиль йўлларини транспорт-эксплуатацион харажатларини аниқлаш бўйича методик ишланма асосида йўлларни баҳолаш усули Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Йўл лойиҳа экспертиза» унитар корхонага жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 23 октябрдаги 03/5531-Б612-сон маълумотномаси). Йўлларни баҳолаш усули йўл таъмирлаш ишларини тўғри ва ўз вақтида режалаштириш имконини яратган;

йўл транспорт ҳодисаларини электрон ҳисоби, уларнинг таҳлили ва визуализация қилиш усули Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 24/2-21980-сон маълумотномаси). Йўл транспорт ҳодисаларини электрон ҳисоби вақтни тежаш ва маълумотлар аниқлигини ошириш имконини яратган.



ДЖАЛАЛОВА ШАХНОЗ БАДАМБАЕВНА

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ёқилғи ва мойларни гидротозалаш жараёни учун катализатор системалар технологиясини ишлаб чиқиш» (02.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар Ангрен каолини, минерал тўлдирувчилар ва ортофосфор кислотаси асосида механик мустаҳкам, кислота-асосли хоссалари ва геометрик формалари жиҳатдан оптимал катализаторлар системасининг каолинфосфатцемент ҳимоя қатлам форконтрактини таркиби ва олиш технологияси яратилган (№ИАР 03578);

яратилган ҳимоя қатлам бир вақтда тақсимлаш билан бирга форконтрактининг шакли Рашиг халқа ва ғоваклари ҳисобига метал оксидларини, смола асфальтенларни адсорбция қилиши, шу билан бирга регенерациялашаро ишлаш вақтини 50% ошириш исботланган (№ИАР 03578);

таркибида 2,5мас.%гача V2O5 гамма оксид алюминий структурасига эга бўлган полиэтилен ишлаб чиқариш технологиясидаги иккиламчи адсорбент ва Ангрен каолини асосида металсизлантириш ҳимоя қатлам катализаторини олиш таркиби ва технологияси яратилган (№ИАР 05063);

йирик дисперсли ишлатилган адсорбент зарралари ва юпқа дисперсли гидрооксид алюминий ва каолин зарраларининг ўзаро нисбати орқали металсизлантириш ҳимоя қатлам катализаторининг йирик ғоваклари икки баробаргача ортиши аниқланган (№ИАР 05063);

паст 3,0 МПа босим ва 300–3200С ҳароратда металсизлантириш ҳимоя қатлам катализаторида металл бирикмаларини 20% ютиши, асфальтенларни адсорбциялаши 41мг/г, ноорганик коррозия маҳсулотларини ютилиши 16%, шу билан бирга гидравлик қаршиликни камайиши, маҳсулотнинг ранги ва коксланиши камайиши исботланган (№ИАР 05063);

кобальт, никель, молибден оксидлари ва фосфор кислотаси билан биргаликда лимон кислотаси қўшилиши асосида хилат комплекслар орқали фаол компоненталарининг юқори концентрациясини шимдириш имконини берувчи янги гидротозалаш катализаторини олиш технологияси яратилган (№ИАР 05423);

яратилган катализатор асосида мой ва дизель фракцияларини 3,0МПа, 4МПа, 5МПа босимларда ва 3800Сда гидротозалаш республика ва жаҳон стандартларига тўғри келиши асосланган (№ИАР 05423).

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Маҳаллий хомашёлар асосида ёқилғи ва мойларни гидротозалаш жараёни учун катализаторлар системасини таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган ҳимоя қатлам катализатори Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида мойни гидротозалаш-Г-24 sanoat қурулмаси №Р-2 реакторига жорий этилган («O'zbekneftgaz» АЖнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 02/12-1-188-сон маълумотномаси). Натижада республика стандартлари талабларига мос мой фракциялари ишлаб чиқариш ҳамда бир вақтда реакторда босимлар фарқини ошмаслиги давомида теромрегенерациясиз узлуксиз ишлаш имконини берган;

яратилган ҳимоя қатламнинг форконтракти Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида дизель дистиллятининг гидротозалаш-ГДС sanoat қурулмасига жорий этилган («O'zbekneftgaz» АЖнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 02/12-1-188-сон маълумотномаси). Натижада давлат стандарт талабларига жавоб берувчи дизель ёқилғиси ишлаб чиқиш, босим ошиш фарқи камайтириш, смолали бирикмалар ютилиши ва жараён бир текис олиб борилиш имконини берган;

яратилган ҳимоя қатламнинг форконтракти Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида Г-24 қурулмаси мой ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган («O'zbekneftgaz» АЖнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 02/12-1-188-сон маълумотномаси). Натижада реактор ичида хомашёни бир текис тақсимлаш, масса алмашинуви тақомиллаштириш, коксимон бирикмалар форконтракт юзасида ютилиши ва жараённи самарадорлигини ошириш имконини берган;

яратилган ҳимоя қатлам форконтракти ва металсизлантириш катализаторлари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Г-24 қурулмасининг №Р-3 реакторига жорий этилган («O'zbekneftgaz» АЖнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 02/12-1-188-сон маълумотномаси). Натижада хориждан олиб келинадиган катализаторларни 100%га алмаштириш, регенерациялашаро ишлаш вақтини 50% ошириш имконини берган;

яратилган гидротозалаш катализаторлари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Г-24 қурулмасининг №Р-2 реакторига жорий этилган («O'zbekneftgaz» АЖнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 02/12-1-188-сон маълумотномаси).

мотномаси). Натижада хориждан олиб келинадиган катализаторларни 100%га алмаштириш ва тайёр маҳсулотнинг сифатини 21%га ошириш ҳамда яратилган каталитик системани қўлланилиш ҳисобига 3,5 млрд. сўмдан ортиқ умумий иқтисодий самара олиш имконини берган.



ТУРАЕВ ЭРКИН РУСТАМОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Полиолефин, органик сирт фаол моддалар, нано- ва мирко дисперсли минерал тўлдирувчилар асосида компаундлар олиш технологиясини яратиш» (02.00.11, 02.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сирт фаол органомодификаторлар билан ишлов берилган турли табиатли наноўлчамли минерал тўлдирувчилар, полиолефинларга қўшилганда уларнинг коллоид-физик ва механик ҳоссаларини яшиланиши исботланган;

сирт фаол органомодификация қилинган турли минерал тўлдирувчиларни суюқ ҳолда аралаштириш усули билан полиолефинлар асосида микро- ва нано композит материаллар олиш технологик усуллари ишлаб чиқилган;

маҳаллий монтмориллонитни 10%ли сирт фаол органомодификатор (гуанидин акрилат) билан ишлов берилганда олинган нанокомпозитларнинг иссиқлик бардошлигини полиэтилен билан 14⁰С га, полипропилен билан эса 13⁰С га кўтарилиши аниқланган;

маҳаллий полипропилен, шиша ва базальт асосида яратилган толали композит материалларнинг иссиқлик бардошлилиги 45⁰Сдан 148⁰Сга кўтарилиши аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида биринчи марта автомобиль бамперлари техник талабларига жавоб берадиган компаунд (ПП/ПОЭ/талък) олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Полиолефин, органик сирт фаол моддалар, нано- ва мирко дисперсли минерал тўлдирувчилар асосида компаундлар технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

полимер компаундлар олишнинг технологик шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 26733639-001:2018). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати, технологик жараёни назорат қилиш ва ушбу компаундларни сотиш имконини берган;

полимер компаундлар олишнинг технологик шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts23239864-001:2017). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

полимер компаундлар олишнинг технологик шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts23425152-002:2015). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида полиолефин компаундлар олиш технологияси «Ўзавтосаноат» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзавтосаноат» АЖнинг 2018 йил 4 майдаги 09/03-25-1505-сон маълумотномаси). Натижада импорт қилинаётган полимер компаундларни маҳаллий хомашёларга алмаштириш имконини берган.



ТУРДИАЛИЕВ УМИД МУХТАРАЛИЕВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Аммоний нитрат суюқланмаси ва бентонит гиллари асосида ёпишқоқлиги ва портловчанлик ҳавфи бўлмаган аммиакли селитра олиш технологияси» (02.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон бентонит гилларининг физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини аниқлаш асосида аммиакли селитрани (АС) модификацияловчи сифатида яроқлилиги аниқланган; бентонит гилларининг мақбул намлиги (1–1,5%) ва зарралар ўлчами (0,04 мм), АС:БГ=100:(1–1,5) оғирлик нисбатлари топилган, натижада ёпишқоқлиги бўлмаган АС доналари мустақамлиги брусит ва магнезит каби импорт қўшимчалари билан бўлган селитрага нисбатан 1,5–2 баробар, ёпишқоқлиги эса 2–3 баробар камайганлиги исботланган;

АСнинг бентонитга мақбул нисбатида (100:22) унинг портловчилик хоссаси пасайиб, маҳсулотнинг ғовоқлиги ва шимилиш даражаси тоза NH₄NO₃га нисбатан мос равишда 4,9 ва 1,8 баробар кам, доналар мустақамлиги эса 6,5 баробар ошгани исботланган.

бентоселитра суюқланмасини совитишда тоза АС дан фарқли улуроқ III фазанинг йўқолиши ва тўғридан-тўғри IV@II га полиморф ўтишининг ҳосил бўлиши, у ўз навбатида ҳарорат ўзгаришларида (25–55⁰С) доналар бузилмасдан АСнинг барқарор қолиши аниқланган;

бентонит гилининг кристаллик тузилишни зичлаштириши ҳисобига АСнинг структура бузилиш ҳароратини 211 дан 245⁰С гача оширганлиги ва унинг парчаланишини секинлаштирувчи сифатида таъсир кўрсатиши, АС ни қиздиришда бентонит гили ижобий буферли таъсир кўрсатиши ва унинг рН кўрсаткичини барқарорлаштириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Аммоний нитрат суюқланмаси ва бентонит гиллари асосида ёпишқоқлиги ва портловчанлик ҳавфи бўлмаган аммиакли селитра олиш технологияси ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

донадорланган аммиакли селитра олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агент-

лигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05400, 2017 й.). Натижада АСни бентонит гили ёрдамида модификациялаш орқали азотли ўғитнинг ёпишқоқлигини камайтириш, мустаҳкамлигини ва термик барқарорлигини ошириш имконияти яратилган;

бентонит гиллари қўшимчали термик барқарор АС технологияси «Навоиозот» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 23 ноябрдаги 03-603/А-сон маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсининг ҳақиқий қўшимча ҳосили ўртача 6,45% (ёки 1 та ўсимликга 7,15 г ва 1 га ҳисобида пахтанинг қўшимча ҳосили–3,5 центнер) ошириш имконини берган;

модификациялаштирилган селитра олиш технологияси «Навоиозот» АЖда амалиётга жорий этилган («Навоиозот» АЖнинг 2018 йил 30 ноябрдаги 12321-сон маълумотномаси). Натижада ёпишқоқлиги бўлмаган АС ишлаб чиқаришида четдан келтириладиган магнетитли қўшимчани бентонит гилига алмаштириш қўшимча хом ашёсин таннархини 9 баробар, тайёр маҳсулот бентоселитра таннархини эса оддий аммиакли селитрага нисбатан 1,2–1,5 баробар камайтириш имконини берган.



АДИЛОВ РАВШАН ИРКИНОВИЧ

Техника фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Гидроксилазот-, ва гидроксиламмоний сақловчи бирикмалар ҳосил бўлиши ва улар асосида қаттиқ кўпик полиуретанлар олиш технологияси» (02.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сирт фаол органомодификаторлар билан ишлов таркибида гидроксил гуруҳ билан бир қаторда қўш боғли углерод-азот боғи билан боғланган ўринбосар табиати ва хажмини ўзгартириш орқали, изоцианатларга нисбатан турли фаолликга эга бўлган гидроксилазот сақловчи мономер ва олигомерлар синтез қилинган;

азометин боғидаги учламчи азот атомида электрон булутининг зичлигини, у билан боғлиқ гидроксилазот-сақловчи бирикмаларнинг асослилигини ўзгартириш, охир оқибат ушбу бирикмаларнинг уретан ҳосил қилиш реакцияларидаги фаоллигини ростлаш имкони асосланган;

гидроксилазот сақловчи моддаларни асослилигини ва шу орқали каталитик фаоллигини уларни галлоидалкилар билан кватернизациялаш йўли билан ҳам ростланиши исботланган;

формальдегид моноэтаноламин билан таъсирашиб N,N,N'-трис-(β-оксиэтил)-гексагидро-S-триазин ҳосил бўлиши аниқланган;

гидроксилазотсақловчи бирикмаларни изоцианатлар билан реакцияси кинетикаси, уретан ҳосил бўлиш реакциясининг механизми аниқланган;

гидроксилазотсақловчи бирикмаларнинг эпихлоргидрин билан реакция шароитлари ва кинетикаси, реакциянинг кинетик ва термодинамик параметрлари аниқланган;

гидроксилазот-, гидроксиламмонийли мономер ва олигомер бирикмаларини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

мономер ва олигомер гидроксилазотсақловчи бирикмалар, гидроксилсақловчи аммоний олигомерлари асосида қуйма ва сепма қаттиқ кўпик полиуретанлар ишлаб чиқиш технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Гидроксилазот-, ва гидроксиламмоний сақловчи бирикмалар ҳосил бўлиши ва улар асосида қаттиқ кўпик полиуретанлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулотини поликонденсациялаш асосида тўйинмаган полиэфирларни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 04103, 2010). Натижада яратилган усул маҳаллий хомашёлар асосида кўпикли полимер композицион материаллар олиш имконини берган;

гидроксилазотсақловчи мономер ва олигомерлар, гидроксиламмонийли олигомерлар, улар асосидаги қаттиқ кўпик полиуретанларнинг «А»-компоненти, қуйма қаттиқ кўпик полиуретанлар ишлаб чиқаришни технологик жараёнлари «DECOR BUSINESS» хусусий корхонасида мебелни тўрт хил декоратив элементларини ишлаб чиқариш орқали амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 12 февралдаги 01/3-697/П-сон маълумотномаси). Натижада яратилган маҳаллий хомашёлар асосида қаттиқ кўпик полиуретанлар ишлаб чиқариш имконини берган;

N-этилиден-N-2-гидроксиэтил-N-2,3-эпоксипропил аммоний хлорид ҳамда N-фурфүрилиден-N-2-гидроксиэтил-N-2,3-эпоксипропил аммоний хлорид олигомерлари А-компонентлари асосида сепма қаттиқ кўпик полиуретан композициялари «ФУРАНОЛ» МЧЖ ва «KRUG-IN» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 12 февралдаги 01/3-697/П-сон маълумотномаси). Натижада яратилган қаттиқ кўпик полиуретанлар композицияси саноат музлатгичлари ва омбор иншоатларини совуқдан ва иссиқдан ҳимоя қилиш имконини берган.



АВЛИЯКУЛОВ МИРЗОЛИМ АВАЗОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишнинг илмий асослари» (06.01.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўтлоқлашаётган тақирсимон ва суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланиб, йилига 2-3 мартаба ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнология элементлари ишлаб чиқилган;

ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишнинг сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси ва мавсумий туз тўпланиш коэффициенти таъсири аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида экинларнинг суғориш муддатларини барг хужайра шираси концентрацияси орқали аниқлаш илмий асосланган;

масофавий зондлаш ва геоахборот тизимидан (ГАТ) фойдаланиб тупроқ шўрланиши кузги буғдойга таъсири орқали хариталанган;

суғориш ва озиклантириш тартибларининг ўрганилган экинлар ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда бир дона кўсақдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, пиёзбош, картошка ва помидор вазнига таъсири аниқланган;

ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва суғориладиган типик бўз тупроқларда ердан йил давомида фойдаланишнинг тупроқни агрохимёвий ва агрофизикавий хоссалари ўзгаришига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва экинлардан йилига 2–3 маротаба юқори ҳосил етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

деҳқон-фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчиларга қўлланма сифатида фойдаланиши учун «Мамлакатимиз суғориладиган ерларида янги тизимдаги мелиоратив минтақа ва гидромодул ҳудудлар бўйича асосий, такрорий, бошоқли дондан сўнг анғизига экилган зироатларнинг сув истеъмоли ва суғориш тартибларини илмий асослаш бўйича услубий қўлланма» тавсияномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома деҳқон-фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчилар учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишда Термиз, Ангор, Музработ, Қизириқ, Шеробод, Қумқўрғон, Денов, Олтинсой ва Жарқўрғон туманлари фермер хўжаликларида «Бухоро-102» ўрта толали ғўза нави жами 7,1 минг гектар, «Термиз-49» ингичка толали ғўза нави 557 гектар, кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави 2,1 минг гектар, арпанинг «Болғали» нави эса 1,1 минг гектар майдонда мақбул парваришлаш агротехнологияси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 23.10.2018 й., 02/020-1505-сон маълумотномаси). Ушбу агротехнология жорий этилиши эвазига ўсимликнинг жадал ўсиб ривожланиши, ҳосил тўплаши яхшиланиши, пахтадан гектарига 3-5 центнер, кузги буғдой ва арпадан 7-8 центнер қўшимча ҳосил олишга ҳамда рентабеллик ошишига эришилган;

жанубий минтақа Сурхондарё вилояти ўтлоқлашаётган тақирсимон тупроқларида бир даладан йилига 2–3 мартагача ҳосил етиштириш бўйича ишлаб чиқилган агротехнологиялар бошоқли дон экинлари анғизидан маккажўхори дон ва кўк масса учун 80 гектар, маккажўхоридан сўнг кечки оқбош карам ва пиёз навлари жами 40 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва бир даладан йилига 2–3 маротаба ҳосил етиштиришга эришилиб, тупроқ унумдорлиги сақланиши, экинлардан йилига 2–3 маротаба ҳосил етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ўта юқори бўлиши, бошоқли дон экинлари анғизидан парваришланган маккажўхоридан 4–5 центнер, оқбош карам ва пиёздан 6–7 т/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиб, битта даладан йилига 2-3 маротаба ҳосил етиштириш агротехнологияси Тошкент вилояти Бўка туманида 128,0 гектар, Бекобод туманида 143,0 гектар, Пискент туманида 242,0 гектар, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида 33,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Натижада экинларнинг ўсиб ривожланиши яхшиланиб, ғўзанинг «Султон» навидан гектарига 4,0–4,9 центнер, кузги буғдойнинг «Чиллаки» навидан 7-8 центнер, кузги буғдой анғизига экилган мошнинг «Дурдона» навидан 2,3–2,6 центнер, помидорнинг «ТМК-22» навидан 4,7–5,4 центнер, картошканинг «Акраб» навидан 4,8–5,6 центнер қўшимча ҳосил етиштиришга ҳамда рентабелликнинг 15–20 фоизга ошишига эришилган.



НОРКУЛОВ УСМАНКУЛ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Тупроқ шўрини ювишда сувни тежаш технологияларининг илмий ва амалий асослари» (06.01.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўртача ва кучли шўрланган ерларда кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ғўзани ўзаро қисқа ротацияли алмашлаб ва навбатлаб экишда тупроқни сув ва туз тартиблари ҳамда мавсумий туз тўпланиш жараёнлари аниқланган;

ўртача ва кучли шўрланган ерларда кузги буғдой, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган маккажўхори ва ғўза экилган майдонларида ердан йил давомида фойдаланишда тупроқдаги туз ва сув мувозанати (кирим ва сарфланиш меъёрлари) аниқланган;

мазкур экинлар жойлашувида тупроқда мавсумий туз тўпланиши миқдори ва тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда шўр ювиш муддатлари, меъёрлари ва усуллари ишлаб чиқилган;

шўрхок гипсли ерларда амалга оширилган мелиоратив тадбирларнинг (икки ярусли зовурлаштириш, чуқур юмшатиш, чуқур тилмалаш, шўр ювиш) тупроқ агрофизикавий, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига

таъсири аниқланган;

икки ярусли зовурлаштириш, чуқур юмшатиш, чуқур тилмалаш ва шўр ювишнинг сизот сувлари жойлашиш чуқурлиги, уларни минераллашганлик даражаси, зовур сув оқими, тупроқнинг туз тартибига узоқ муддатли таъсир этиши аниқланган;

шўрхок гипсли тупроқларни мелиорация қилиш ва улардан самарали фойдаланиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Шўрланган майдонларда тупроқ шўрини ювишда суғориш сувларини тежаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

шўрланган суғориладиган майдонларда тупроқ шўрини ювишда фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида «Шўр ювишда сувдан самарали фойдаланиш» номи тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Сирдарё вилоятининг шўрланган майдонларида кўп тармоқли фермер хўжаликларида тупроқнинг шўрини ювишда асосий қўлланма сифатида хизмат қилган;

ўртача ва кучли шўрланган ўтлоқлашган оч тусли бўз тупроқларда ғўза қатор орасини кузги буғдой экишдан олдин 18-20 см чуқурликда юмшатиш, экишдан кейин кузги буғдой майдони шўрини ювиш учун эгат узунлиги ҳар 50 метр ўқариқлар билан чегараланган ҳолда шўр ювиш технологияси Сирдарё вилояти Ховос тумани фермер хўжаликларида 200 гектар, Оқолтин тумани фермер хўжаликларида 200 гектар, жами 400 гектар кузги буғдой майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўртача шўрланган майдонларда жами гектарига 3000–3500 м³ меъёрда ерни юмшатишдан олдинги уруғ суви бирга сарфланиб, тупроқнинг 1 метр қатламидаги тузлар миқдори 0,036–0,045 фоиздан (хлор иони бўйича) 0,01 фоизгача ювилган, кузги буғдой дон ҳосилдорлиги гектарига 33,5–43,7 центнерни ташкил этган, суғориш сувлари 30 фоизгача тежалган ҳамда гектаридан 243700 сўм соф фойда олишга эришилган;

кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажўхори экилган майдоннинг шўрини ювиш учун ерни кузда шудгорлаш (30 см чуқурликда), текислаш ва қатор ораси 60 см бўлган эгатлар олиш ҳамда ҳар 50 метр ораликда ўқариқлар билан чегараланган ҳолда шўр ювиш технологияси Ховос тумани фермер хўжаликларида 50 гектар, Оқолтин тумани фермер хўжаликларида 50 гектар жами 100 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Натижада ўртача шўрланган майдонларда шўр ювиш учун гектарига 2400 м³ сув сарфланган, тупроқнинг 1 метр қатламидаги тузлар миқдори 0,028–0,034 фоиздан (хлор иони бўйича) 0,01 фоизгача камайган, маккажўхорининг дон ҳосилдорлиги гектаридан 17,0–28,5 центнер, поя ҳосилдорлиги 167,7–195,0 центнерга ошган ва иқтисодий самардорлик гектарига 1014600 сўмни ташкил этган;

ўтмишдош экин кузги буғдой бўлиб, ғўза экилган майдоннинг шўрини ювиш учун кузги шудгор, текислаш ва қатор оралиғи 60 см ва узунлиги ҳар 50 метрда ўқариқлар олинган ҳолда шўр ювиш технологияси Ховос тумани фермер хўжаликларида 200 гектар, Оқолтин тумани фермер хўжаликларида 150 гектар, жами 350 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Натижада ўртача шўрланган майдонларга шўр ювиш учун гектарига 3380 м³ сув сарфланган, тупроқ таркибидаги тузлар миқдори (хлор иони бўйича) 0,039 фоиздан 0,018 фоизгача камайган ва гектаридан 9,2 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

шўрхок гипсли тупроқларни мелиорация қилиш учун икки ярусли зовур барпо қилиниб (биринчи ярус-ёпиқ чуқур зовур 2,5–3,0 метр, оралиғидаги масофалар 70 метр, иккинчи ярус-ёпиқ юза зовур 1,0–1,20 метр чуқурликда, орасидаги масофа 30,0–33,0 метр) ерни шудгорлаш (30–40 см), ерни чуқур юмшатиш (70–80 см) ва тилмалаш (120 см) асосидаги шўр ювиш технологияси Сирдарё вилояти Ховос туманидаги фермер хўжаликларида 32 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/032-217-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқ кучли шўрланган ва шўрхок даражасидан кучсиз ҳамда ўртача шўрланиш даражасигача пасайган ва ғўзадан гектаридан 24,0 центнер пахта ҳосили олинган.



ДАНИЯРОВ УМИРЗАК ТУХТАМУРАДОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ипак маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун тут ипак қуртининг (*Bombyx mori L.*) ингичка толали зотларини танлаш ва дурагайлари яратиш» (06.01.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош бўлган ингичка ипак толали «Майин тола 1» ва «Майин тола 2» саноат дурагайлари яратилган;

ингичка ипак толали дурагайлари яратиш учун пилла толасининг юқори технологик хусусиятларига эга бўлган турли географик ҳудудлардан келтирилган «К-108», «Я-120», «Японская-66» зотлари танланган ва маҳаллий ўрта толали «Ипакчи 1», «Ипакчи 2» зотлари билан чатиштирилган;

тут ипак қурти генетик коллекцияси зотларининг технологик тавсифларини қиёсий баҳолаш учун зотларни даражалаш услуги ишлаб чиқилган;

ингичка ипак толали дурагайлари яратиш учун тут ипак қуртининг юқори инбред тизимларидан фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

пилла хом ашёсининг сифатини ошириш мақсадида дурагайлашда тут ипак қуртининг партеногене-

тик клонларидан фойдаланиш самарадорлиги назарий жиҳатдан асосланган;

пиллаларнинг технологик хусусиятларини оширишда тўйинтирувчи чаптиштиришларни қўллаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ипак маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун тут ипак қуртининг ингичка толали зотларини танлаш ва дурагайларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

уруғчилик корхоналарида тут ипак қурти уруғини сифатини ошириш усуллари «Ингичка толали зотлар билан ҳар хил турига мансуб чаптиштириш ўтказиш йўли билан ипак толасини яхшилаш усули» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Натижада насли уруғчилик станциясида Наврўз-3, Наврўз-4 дурагайларининг ташкил этувчи зотлардан 10 қути суперэлита ипак қуртлари парваришланган ва ҳар бир қутидан 8,5 кг қўшимча пилла етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик (бир қути ҳисобида) 133015 сўмни ташкил этган;

тут ипак қурти зотларини даражалаш услубиёти асосида янги яратилган «Майин тола 1», «Майин тола 2» саноат дурагайларидан тайёрланган 12 қути уруғлари Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Абдуҷаббор ота» ва «Асомиддин Асадбек» фермер хўжаликларида пилла етиштириш жараёнида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир қути ҳисобидан 8–10 кг қўшимча пилла етиштирилган ва иқтисодий самарадорлик 87875 сўмга тенг бўлган;

ингичка толали технологик хусусиятлари юқори даражада бўлган янги «Майин тола 1» ва «Майин тола 2» дурагайлари Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Иброҳимзода Хондамир» ва «Дадаева Анора» фермер хўжаликларида жами 6 қути миқдорида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Натижада бир қути ҳисобига пилла ҳосили 6,2 килограммга ошган ва иқтисодий самарадорлик 59375 сўм ошишига эришилган;

экологик оғир иқлим шароитида янги «Майин тола 1» ва «Майин тола 2» дурагайлари Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Қурама» ва «Иzzат отажон ҳамкор» фермер хўжаликларида жами 6 қути миқдорида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Натижада бир қути ҳисобига пилла ҳосили 7,6 килограммга ошган ва иқтисодий самарадорлик 118930 сўмни ташкил этган.



ХУДАРҒАНОВ КАМОЛАДДИН ОМОНБОЕВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Клейстогамлик ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг мажмуасига эга бўлган ғўза навлари селекцияси» (06.01.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *G. barbadense* L., *G. hirsutum* L. ва *G. stocksii* Mast. турлари иштирокида яратилган ғўза дурагайларда клейстогам гул шакли ва айрим қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда шаклланиши аниқланган;

клеистогам гуллар сонининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида юқори бўғин дурагайларида белгининг клейстогам гулга эга тизмаларининг кўрсаткичларига яқин тарзда шаклланиши аниқланган;

G. barbadense L. турига мансуб F_1 - F_3 дурагайларида клейстогам гуллар миқдорининг ўсимликдаги кўсақлар сонига салбий таъсир этмаслиги аниқланган;

G. barbadense L. турига мансуб F_2 ўсимликларида клейстогам ва хазмогам гуллар нисбати, шохланиш типи ҳамда бир кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги каби белгилари орасида ўзаро боғланишлар йўқлиги аниқланган;

G. barbadense L. ва *G. hirsutum* L. турлари иштирокида олинган дурагайларда беккросс чаптиштиришлар сонининг ошиши хўжалик учун қимматли белгиларининг яхшиланиши билан бир қаторда клейстогам гуллар сонининг камайишига олиб келиши аниқланган;

ингичка толали ғўзанинги клейстогам гул шакли ва қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга селекция ашёларини яратишда ТМ-11 ва ТМ-13 тизмаларининг генетик имконияти юқори эканлиги аниқланган;

изланишлар натижасида яратилган клейстогам гулли, кўсаги йирик, тола чиқими ва сифатининг ижобий мажмуасига эга янги ингичка толали ғўза оилалари ҳамда тизмаларидан амалий селекция жараёнида қимматли бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Клейстогамлик ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг мажмуасига эга ғўза навлари селекцияси бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

G. barbadense L. турига мансуб, чекланган шохланишга эга ва клейстогам гуллар сони 98-100 фоиз, тола сифати I^a- типга мансуб, тола чиқими 39,2-39,4 фоиз бўлган «СП-7701» нави яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 07/20-90-сон маълумотномаси). Ушбу ингичка толали ғўза навини жанубий минтақалар шароитида пахтачилик фермер хўжаликларида экиш учун зарур миқдордаги уруғликларни кўпайтирилган;

ингичка толали ғўзанинги чекланган шохланишга эга, клейстогам гуллар сони 93-96 фоиз ва тола чиқими 35,0-37,4 фоиз бўлган «С-7721» навлари яратилган ҳамда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 07/20-90-сон маълумотномаси). Ушбу ингичка то-

лани ғўза навини республиканинг жанубий вилоятларидаги экин майдонларини кенгайтириш мақсадида юқори навдорликка эга оригинал уруғлари тайёрланган;

ингичка толали ғўзанинг клейстогам гуллар миқдори юқори бўлган «СП-7701» навида селекция ютуғига патенти (NAP 00187) олинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 07/20-90-сон маълумотномаси). Мазкур ғўза навидан фойдаланиш натижасида навларнинг биологик софлик даражасини сақлаб қолиш имконияти яратилган.



ФАЙБУЛЛАЕВ ҒУЛОМ САЙДАЛИМОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Интенсив типдаги дон сифати кучли, қимматбаҳо юмшоқ буғдой навларини яратиш» (06.01.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юмшоқ буғдой селекцияси учун жаҳон коллекциясидан дастлабки ашё сифатида ҳосилдор, дон сифати кучли ва қимматбаҳо буғдой талабларига жавоб берадиган, касаллик ва зараркунандаларга ва ётиб қолишга чидамли нав намуналари аниқланган; юмшоқ буғдойнинг нав ва намуналари иштирокида яратилган дурагайларда қимматли хўжалик белги ва хусусиятларнинг ирсийланиш қонуниятлари асосланган;

қимматли хўжалик-биологик хусусиятларга эга нав ва нав намуналари асосида яратилган дурагай популяциялари ичидан янги тизмалар танлаб олинган;

интенсив типдаги янги серҳосил, дон сифати кучли ва қимматбаҳо буғдой талабларига жавоб берувчи «Жасмина», «Фарбома», «Амира» навлари яратилган;

яратилган юмшоқ буғдойнинг «Жасмина», «Фарбома» ва «Амира» навларининг бирламчи уруғчилик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Суғориладиган майдонлар учун интенсив типдаги серҳосил, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга, ётиб қолишга чидамли, дон сифати кучли ҳамда қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган навлар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

андоза навларга нисбатан ҳосилдор, дон сифати юқори интенсив типдаги кузги юмшоқ буғдойнинг 3 та янги «Жасмина», «Фарбома» ва «Амира» навлари яратилган. (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 2019 йил 10 январдаги Т/6-4-19-сон маълумотномаси). Натижада ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ушбу буғдой навлари экин майдонларининг кенгайтиришига эришилган;

кузги юмшоқ буғдойнинг «Жасмина» нави 2016 йил Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхандарё, Навоий, Жиззах вилоятлари учун ва «Фарбома» нави 2019 йил Самарқанд ва Навоий вилоятлари учун қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 2019 йил 10 январдаги Т/6-4-19-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу навлардан фермер хўжаликларида андоза навларга нисбатан 10-12 центнергача қўшимча дон ҳосили олинган ва дон сифати юқори бўлишига эришилган;

кузги юмшоқ буғдойнинг янги яратилган «Жасмина» (NAP 00196), «Фарбома» (NAP 00198) ва «Амира» (NAP 00197) навларига Интеллектуал мулк агентлигининг селекция ютуғига патентлари олинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 02/121-28-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кузги буғдой навлари суғориладиган минтақалар фермер хўжаликларида экиш учун кенг майдонларга экиш учун жойлаштирилган;

кузги юмшоқ буғдойнинг янги «Жасмина», «Фарбома» ва «Амира» навлари 2014-2018 йилларда Самарқанд вилоятининг ғаллачилик фермер хўжаликлари суғориладиган майдонларига жами 31733 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 02/121-28-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Жасмина» навидан ўртача гектаридан 69,5 центнер, «Фарбома» навидан 68 центнер ва «Амира» навидан 67,8 центнер дон ҳосили етиштирилган, рентабеллик даражаси 62-65 фоизни ташкил этган.



НОРМУРАТОВ ИЛХОМ ТУРҒУНОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Интенсив боғлар барпо қилиш учун уруғмевалилар кучсиз ўсувчи кўчатларини етиштиришнинг илмий асослари» (06.01.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор нок ва олмани кучсиз ўсувчи пайвандтагларининг она кўчатзордаги ҳолати хўжалик-биологик баҳоланган;

пайвандтаглар она туплари пархиш маҳсулдорлиги ва сифатининг пайвандтаг турини биологик хусусиятига боғлиқлиги аниқланган;

пайвандтаглар она туплари пархиш новдаларининг илдиз олишига она тупларни жойлаштириш схемаларининг таъсири аниқланган;

нок ва олма пайвандтагларини яшил қаламчасининг энг яхши илдиз олувчанлигини таъминловчи ўстирувчи модда ИМК (индолил мой кислотаси) ва ИСК (индолил сирка кислотаси) нинг мақбул концентрацияси аниқланган;

нок ва олма пайвандтаглари яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги билан уларни тайёрлаш муддати ўртасидаги боғлиқлик даражаси ($r=0,87$) аниқланган;

интеркаляр пайванд қилиш усулида нок навларининг беҳига мос келмаслигини бартараф этиш мум-

кинлиги аниқланган;

уруғмевалилар пайвандтаглари кўчак пайванд қилишда пайвандуст кўчакларнинг тутувчанлиги ва стандарт кўчатлар чиқиш миқдорига пайвандтаг тури, кўчаклиги ёғочликнинг таъсири ва пайванд қилишнинг қулай баландлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Интенсив боғлар барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи пайвандтагларда уруғмевалилар кўчатлари етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик фермер хўжаликлари учун «Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда интенсив олма ва нок боғларини барпо қилиш» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида пайвандтаг етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

олма ва нокнинг вегетатив йўл билан кўпаядиган кучсиз ўсувчи пайвандтаглари пархиллаш усулида кўпайтириш технологик ишланмаси Академик М.Мирзаев номидаги «Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти» боғзорларида 0,9 гектар, Паркент туманидаги «Норчонтол» фермер хўжалигида 0,5 гектар, «Шомахмуд Назира» фермер хўжалигида 0,4 гектар, «Мард ота» фермер хўжалигида 0,6 гектар, «Гулбоғ Ўтабоев Ўктам» фермер хўжалигида 0,3 гектар, жами 2,7 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан ўртача 72400 донадан ортиқ пайвандтаг материали, ўртача 76722 дона/га кўчат олишга эришилган, иқтисодий самарадорлик пайвандтаг етиштиришда анъанавий усулга нисбатан 0,6 фоиз юқори, кўчатлар реализациясида ўртача 0,2 фоизни ташкил этган;

уруғмевалиларнинг вегетатив йўл билан кўпаядиган кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яшил қаламчасидан жадал кўпайтириш технологик ишланмаси Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти экин майдонларида 0,1 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида махсус иншоотда 80 минг дона пайвандтаг материали олинган ва иқтисодий самарадорлик анъанавий усулга нисбатан 0,8 фоизни ташкил этган;

уруғмевалилар пайвандтаглари кўчак пайванд қилишда пайвандуст кўчакларнинг тутувчанлиги ва стандарт кўчатлар чиқиш миқдорига кўчаклиги ёғочликнинг таъсири ишланмаси Паркент туманидаги «Гулбоғ Ўтабоев Ўктам» фермер хўжалигида 0,4 гектар, «Сардор» фермер хўжалигида 0,5 гектар жами 0,9 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига ўртача 71778 дона кўчат етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача анъанавий усулга нисбатан 0,12 фоизга ошганлиги аниқланган;

кўчак пайванднинг тутиши, ривожланиши ва стандарт кўчат чиқишига пайванд қилиш муддатининг таъсири ишланмаси Паркент туманидаги «Мирпўлат» фермер хўжалигида 0,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 39900 дона нок кўчати етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик анъанавий усулга нисбатан 0,7 фоизни ташкил этган;

кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олма ва нок кўчатларини етиштиришнинг такомиллаштирилган технологияси Паркент туманидаги «Шомахмуд Назира» фермер хўжалигида 0,4 гектар, «Иноқов Ақром» фермер хўжалигида 0,6 гектар, Бўстонлиқ туманидаги «Абдурахим ва Рухсатгул» фермер хўжалигида 0,8 гектар жами 2,3 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/030-209-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига ўртача 67304 дона кўчат етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик гектарига ўртача 0,8 фоизни ташкил этган.



ТУФЛИЕВ НОДИРБЕК ХУШВАҚТОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткаларга қарши кураш мажмуини яратиш» (06.01.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қишлоқ хўжалик экинлари атрофида учрайдиган ҳамда Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди яйловларида 34 та, чўл ҳудудларида 36 та тур чигирткалар орасидан асосий зарарли турлари белгиланиб, уларнинг кўпайиш сабаблари, зарари ва ривожланиш хусусиятлари асосланган;

зарарли чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кўзгатувчи энтомопатоген микроорганизмларнинг туркумлари аниқланган ва улардан истиқболли замбуруғ намуналарининг патогенлик даражалари баҳоланган;

зарарли чигирткаларга қарши экологик хавфсиз микробиологик *Metarhizium*, *Beauveria brongniartii* замбуруғлари асосидаги биопрепаратларнинг биологик самарадорликлари аниқланган;

тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб янги замонавий инсектицидларнинг биологик ва хўжалик самарадорлиги аниқланган;

қишлоқ хўжалик экинлари атрофидаги тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткаларга қарши самарали кураш технологияси ишлаб чиқилган;

зарарли чигирткаларга қарши тўсиқ усулида ишлов ўтказишнинг шарт-шароитлари, афзалликлари ва ушбу усулнинг биологик ҳамда хўжалик самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткаларга қарши кураш мажмуини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши 31 та турли кимёвий гуруҳга мансуб препаратлар ва 4 та микробиологик биопрепарат “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари рўйхати”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг 2018 йил 29 июндаги 2-5-105-сон маълумотномаси). Натижада ушбу Рўйхатга киритилган воситалардан зарарли чигирткаларга қарши курашда кенг фойдаланилган;

зарарли чигирткаларнинг 2–3 ва 4–5 ёш личинкаларига қарши Атилла супер, 10% эм.к.-0,075–0,125 л/га, Багира, 20% эм.к.-0,05–0,1 л/га, Дифуз, 48% сус.к.-0,03 л/га, Караче, 10% эм.к.-0,075–0,125 л/га, Гунсяо супер, 20% эм.к.-0,0375–0,0625 л/га сарф-меъёрларда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарақанд, Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 1 млн 710 минг 909 гектардан ортиқ майдонда жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 14 августдаги 02-12/1497-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида зарарли чигирткалар хавфининг олди олинишга эришилган;

юқори биологик самарали Багира, Дифуз, Караче, Гунсяо супер препаратлари тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларда 1710909 гектардан ортиқ майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/023-246-сон маълумотномаси). Натижада яйловлардан ўртача гектаридан 650–800 кг қўшимча пичан ҳосили сақлаб қолинган;

зарарли чигирткаларга қарши Дифуз ва Багира препаратлари Навоий вилоятининг тоғолди яйловларида 1000 гектар майдонда тўсиқ усулида кураш жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 14 августдаги 02-12/1497-сон маълумотномаси). Натижада зарарли чигирткаларнинг яйлов ўсимликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтиришининг олди олинишга эришилган.

**АБДУЛЛАЕВ МУЗРОБЖОН ГУЛАМОВИЧ**

Тарих фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сургун қилинган қулоқлар тақдири (1930–1954 йиллар)» (07.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёга сургун қилинганлар мажбурий меҳнатидан пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик (Ўзбекистон), чорвачилик (Қирғизистон), чўл-дашт ҳудудларини ўзлаштириш ва ирригация иншоотлари қурилиши (Тожикистон, Қирғизистон)да фойдаланилгани қиёсий услубда очиб берилган;

минтақада махсус посёлкалар тизими шаклланишининг тўртта асосий босқичи кўрсатилган: биринчи босқич (1930 йил) – қулоқларни жойлаштириш ва меҳнатини ташкил этишнинг аниқ механизмлари йўқлиги боис сургун жойларида оғир вазият юзага келгани, иккинчи босқич (1931 йил май-август) – махсус посёлкалар бошқаруви ОГПУ органлари зиммасига ўтказилиб, сургун қилинганлар устидан комендатура назорати ўрнатилгани, учинчи босқич (1932 йил) – янги ташкил этилган пахтачилик совхозларини арзон ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида сургун оқимининг Ўрта Осиёга йўналтирилгани, тўртинчи босқич (1933–1936 йиллар) – Қирғизистон ва Тожикистонда янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилгани асосланган;

дислокация ва миллий таркибига кўра, Ўрта Осиёдаги 56 та махсус посёлканинг Ўзбекистон ССРдаги 17 тасида сургун қилинганларнинг катта қисми ўзбек, туркман, кабардин, осетин, қорачой, тожик, рус, украин, қирғизлардан иборатлиги, Қирғизистон АССРдаги 19 таси рус, украин, немис, ўзбек, дарғин, лезгин, чувашлардан, Тожикистон АССРдаги 20 та посёлка таркиби Волгабўйи руслари, немис, украин, фин, эстон, турк ва молдованлардан ташкил топганлиги асосланган;

махсус посёлкалардаги маданий-маърифий муассасалар (клублар, кутубхоналар, қизил бурчаклар, қизил чойхоналар) фаолияти сургундагиларни “коммунистик руҳда” тарбиялашга йўналтирилгани, таълим муассасалари (саводсизликни тугатиш курслари, маҳаллий, рус, украин, қозоқ, туркман, осетин, кабардин, қорачой тилларидаги мактаблар) фаолиятидаги моддий-техник қийинчиликлар, миллий тиллардаги дарслик ва ўқитувчилар етишмовчилиги, тиббий муассасаларининг (амбулатория, касалхона, санизоляторлар) кадрлар, жиҳозлар ва дори-дармон таъминотидаги оғир аҳволи аниқланган;

махсус кўчирилганларнинг сургундан озод қилиниши ва махсус посёлкалар тизимининг 1954 йилда барҳам топишига таъсир кўрсатган омиллар (“собиқ қулоқлар”нинг Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги иштироки ва фидокорона меҳнати) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

1930–1954 йиллар даврий чегарасида Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими тарихини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларидаги қулоқ посёлкалари дислокацияси ва харитаси, махсус кўчирилганларнинг ҳаёт тарзи, меҳнат фаолиятини акс эттирувчи материаллар, махсус посёлкаларда 1937–1938 йилларда қайта қатагон қилинган собиқ қулоқлар тўғрисидаги маълумотлардан Марказий ва ҳудудий Қатагон қурбонлари хотираси музейлари экспозицияларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2018 йил 12 ноябрдаги 224-сон

маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар музей бўлимини янги маълумотлар билан бойитиб, совет тузумининг қишлоқ аҳолисига нисбатан олиб борган қатағон сиёсати ва амалиётининг асл моҳиятини ёритишга хизмат қилган;

қулоқ қилиш динамикаси, махсус посёлкаларга сургун қилинган деҳқонлар миқдори ва миллий таркибига оид статистик маълумотлардан, махсус посёлкалардаги ҳаёт тарзини ёритувчи материаллардан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Тарих бўлимининг ўзбек қишлоқлари тарихи экспозициясини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 01-11-08-8355-сон маълумотномаси). Бу материаллар советларнинг Ўзбекистондаги қулоқ қилиш сиёсати ва унинг оқибатларини тўлақонли ёритишга хизмат қилган;

Ўрта Осиё республикаларидаги қулоқлар сургунни, махсус посёлкалар дислокацияси, махсус кўчирилганлар таркибига оид тадқиқот натижалари, архив ҳужжатлари ва материаллари намуналаридан Андижон вилоят давлат архиви тегишли фондларини тўлдириш ва такомиллаштиришда фойдаланилган (Андижон вилоят давлат архивининг 2018 йил 14 декабрдаги 01-19/135-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши архив фондларини янги статистик маълумотлар билан бойитишга, қулоқ қилиш ва унинг оқибатларини ўрганиш ва тадқиқ этиш имконини яратган;

қулоқлар сургунни, махсус посёлкалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари бўйича эълон қилинган илмий мақолалардан, тадқиқот материаллари ва илмий хулосаларидан “Мерос” илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фонди нашрларида фойдаланилган (“Мерос” илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фондининг 2018 йил 23 июндаги 0/48-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқлари ҳаёти, тақдирида юз берган ўзгаришлар ҳақида янги тарихий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилган;

беғона юртларга сургун қилинган юртдошларимиз тақдирини ёритувчи материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Андижон вилоят телерадиоканалида 2017 йил 31 августда эфирга узатилган “Қийратилган қисматлар”, 2018 йил 9 майда намойиш этилган “Хотира ардоғи” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 17 декабрдаги 20-24/470-сон маълумотномаси). Бу материаллар кўрсатувларни мазмунан бойитишга, совет тузumi даврида қишлоқ аҳолисига нисбатан зўравонлик қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилганини телетомошабинларга таъсирчан қилиб етказишга ҳамда юртдошларимизда бугунги фаровон ҳаётга шукроналик туйғуларини ўстиришга хизмат қилган.



АЛЛАЕВА НИГОРА АШИРОВНА

Тарих фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «XVI–XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихи» (07.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хива хонлиги ташқи алоқаларини “глобал тарих” контекстида ёритиш орқали фанда мавжуд бўлиб келган Хива хонлигига “ташқи дунёдан узилиб қолган, изоляция ҳолатидаги қолақ давлат” сифатида қарашни инкор этувчи хулосалар чиқарилган;

хонликнинг ташкил топиш жараёни, бевосита, Хоразмнинг Дашти Қипчоқ билан анъанавий алоқаларига боғлиқ ҳолда кечганлиги, унда давлат бошқаруви ва ҳокимият легитимациясининг “чингизийлар омили” асосий таъсир этувчи ҳамда маҳаллий халқ вакиллари бош ҳаракатлангирувчи куч бўлганлиги асослаб берилган;

Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни қўшни ҳудудда, бошқа давлатлардаги каби доимий элчихоналари мавжуд бўлмагани ҳолда ва зиддиятли вазиятларда ҳам деярли мунтазам равишда элчилар алмашинуви йўлга қўйилганлиги ёритиб берилган;

Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳияти, хусусан, шийа-сунний зиддияти фақатгина диний қарама-қаршилик эмас, кўпроқ, томонларнинг иқтисодий манфаатлари ва уларни ҳимоя қилиш учун олиб борилган сиёсат билан боғлиқлиги асослаб берилган;

XIX асрда Хива хонлиги ташқи алоқаларининг характериға, айниқса Хива-Қозоқ муносабатларига жиддий таъсир кўрсатган “Россия омили”нинг кучайишига умумий сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг Қозоқ даштидаги тўқнашуви сабаб бўлганлиги далилланган;

дипломатик корреспонденция – “иншо” ёки “мактубот”нинг Хива хонлигидаги “иноятнома”, “истимолатнома”, “маъзиратнома”, “муволифат-нома”, “муросила”, “муҳаббатнома”, “сулҳнома”, “таҳниятнома”, “фатҳнома” сингари турлари ҳамда уларнинг дипломатик музокаралар туб моҳиятини очиб беришдаги роли аниқланган;

хорижий элчиларни қабул қилиш маросими ва “дипломатик этикет” қоидалари орқали Хива хонлиги ташқи алоқаларининг асосий механизми, хусусан, “элчилик хизмати”нинг фаолияти ва халқаро музокараларни олиб бориш тартиблари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

XVI–XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлигининг ташқи алоқалари тарихини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Хива хонлигининг Эрон, Ҳиндистон ва Россия давлатлари билан олиб борган савдо-дипломатик алоқаларига доир маълумотлар ЎзР ФА минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида бажарилган ФА-Ф8-047 рақамли “Хоразм давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврлардан 1924 йилгача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги

3/1255-3176-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши Хива хонлигининг XVI-XIX асрлар тарихини янги маълумотлар билан тўлдиришга, хонлик ташқи алоқаларининг характерини, унинг минтақадаги геостратеги аҳамиятини очиб беришга хизмат қилган;

дипломатик музокаралар туб моҳиятини очиб беришдаги дипломатик корреспонденция – “иншо” ёки “мактубот”нинг Хива хонлигидаги “иноятнома”, “истимолатнома”, “маъзиратнома” каби турларини аниқлашдаги илмий-назарий хулосалардан ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган ФА-Ф1-Г023 рақамли “Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги 3/1255-3176-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Хива хонлиги даргоҳида иш юритиш ва тарихнавислик масаларини ёритиб беришга хизмат қилган;

XVII-XIX асрларда Хива хонлигида юзага келган ижтимоий ва маданий-маънавий муҳит, Хоразм тарихнавислик мактабининг шаклланиши борасида билдирилган илмий-назарий хулосалардан ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган ФА-Ф1-Г023 рақамли “Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги 3/1255-3176-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Хоразмда тарихнавислик мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар томонидан яратилган тарихий асарларнинг Хива хонлиги ташқи алоқаларини ўрғанишдаги аҳамиятини очиб беришга асос бўлган;

Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўзаро алоқаларига доир маълумотлар Қозоғистон Республикаси Сулаймон Демирел номидаги университетда бажарилган “XVI-XX аср бошлари Хива ёзма ёдгорликларида қозоқлар ва Қозоғистон тарихи” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Сулаймон Демирел номидаги университетнинг 2018 йил 22 ноябрдаги 05-2-2-14/1168-сон хати). Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосалари Хоразм “Солномалари” ва уларнинг Қозоғистон тарихини ўрғанишдаги ўрнини, Хива-Қозоқ муносабатларининг асосий омилларини очиб беришга асос бўлган, шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги илмий ҳамкорликни мустақкамлашга хизмат қилган.

Хива Ичан қалъа кўриқхона-музейи архивида сақланаётган ва тадқиқот жараёнида илк бор илмий муомалага тортилган Эрон шоҳи томонидан Хива хони Оллоқулихонга юборилган мактубнинг асл нусхаси (XIX аср), шунингдек, Хиванинг Бухоро ва Кўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро дипломатик алоқаларига доир маълумотлар Ичан қалъа кўриқхона-музейининг илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ишларида, жумладан, тегишли экспозицияларни янгилашда, архив ҳужжатлари рўйхатларини тўлдиришда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 3 декабрдаги 01-11-08-8312-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар Хоразмнинг сўнгги ўрта асрлардаги тарихини янги материаллар асосида кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга асос бўлган.



ДАВЛАТОВА САОДАТ ТИЛОВБЕРДИЕВНА

Тарих фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари)» (07.00.07, 07.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси хунармандчилигининг жамият тараққиёти ҳамда меҳнат тақсмоти жараёнида шаклланган уй хунармандчилиги, буюртма ва бозор учун маҳсулот тайёрлаш жиҳатлари ҳамда хунар турларининг *безаклар бериш* ва *яратилиш услублари* тарихий-этнологик аспектда очиб берилган;

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида хунармандчилик турлари (*қайиқсозлик, тўқимачилик, каштачилик, гиламчилик, кулолчилик, кандакорлик, металлга ишлов бериш*)нинг ривожланиши *табиий-географик муҳит, хўжалик юритиш услуби, вужудга келиши, ташкилий жиҳати ва ижтимоий таркибига* кўра тавсифланган, уларнинг локал хусусиятлари *ранги, кўриниши, ҳолати ва алоҳида турларига* хос фарқланиши дала этнографик маълумотлар асосида аниқланган;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги бекликларида хунармандчилик аҳолининг кундалик эҳтиёжлари (*истеъмол, талаб, бозор*)ни қондирувчи асосий ишлаб чиқариш вазифасини бажаришда давом этганлиги ва ҳудудларга Россиядан *саноат маҳсулотларининг кириб келиши* ҳамда *анъанавий хунар турларининг инқирозга учраши, янги турлар (йўрмадўзлик, ойнасозлик, сунъий бўёқлар ишлаб чиқиш, рассомлик, ром ва мебель ясаш ва б.)нинг пайдо бўлиши*, янги кўриниш (мода)нинг кириб келиши каби ўзгаришлар тарихийлик аспектда далилланган;

совет даврида саноатлашувнинг юзага келиши (индустриализация), ҳудудларда *гиламчилик, дўппидўзлик, мато ишлаб чиқариш* ва *кулолчилик* буюмларининг машина-станокларда тайёрланишининг анъанавийликка таъсири, *хонаки ишлаб чиқаришнинг саноат билан алмашинуви*, артеллар ташкил этиш жараёни, воҳаларга хос хунар турларининг этнографик тавсифи структуравий, географик детерминизм назарий услублари асосида қиёсий кўрсатиб берилган;

мустақиллик йилларида *қадимги хунар турларини қайта тиклаш, замонавий анъанавий кўринишларини яратишга* оид давлат сиёсати, бозор муносабатларига ўтишда хунармандчиликда талаб, истеъмол, буюртма учун ишлаб чиқариш *касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик, бозор туризми* ҳолатида юзага келиши, мулкчи тенглик, хунармандчилик модернизациясида урбанизациялашувнинг кучайиши, хунармандлар учун турар-жой ва устахона-дўконларнинг яратиби берилиши, қўлда маҳсулот тайёрлаш, техника тараққиёти

хусусиятлари очиб берилган;

хунармандчилик буюмлари элемент, безак ва нақшларида ифодаланган рамзларнинг семантик-семиотик таҳлили, хунармандчиликда уста ва шогирд анъаналари, Қашқадарё воҳасига хос *арвоҳи-пир, саннопазлик, пахта силар* каби урф-одат ва маросимлар ҳамда хунармандчилик анъаналари акс этган рисолалар (*Миришкор тумани Сартарошлар Низоми, Ғузор тумани «Кори заргарони»*) мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий хунармандчилигини тарихий жараёнлар контекстида ёритиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбек миллий хунармандчилиги буюмларининг хорижий кўргазмаларда намойиши, унутилиб бораётган хунар турларининг ҳудудларга оид соҳаларини тиклаш учун Республика «Хунарманд» уюшмаси томонидан уюштиралаётган «Навқирон Ўзбекистон», «Янги авлод», «Ташаббус» республика кўрик-танлов ва тадбирларини ташкиллаштиришда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги ШР15/692-586-сон маълумотномаси). Бу ўзбек халқининг тарихий мероси, шунингдек хунармандчилик билан боғлиқ анъана ва урф-одатларини ўрганишда муҳим ўрин тутган;

унутилган хунар мактаб-марказларини аниқлаш, хунармандчилик ишлаб чиқаришида уста-шогирд анъаналарини татбиқ этиш ва ёшларга хунар ўргатишни ташкил этиш ҳамда уюшма қошида бутун республика хунармандлари учун «Уста-шогирд» низомини ишлаб чиқишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги ШР15/692-сон маълумотномаси). Натижада йўқолиб бораётган хунар турларини келажак авлодларга ўргатиш ва амалий санъат асари сифатида илмий ҳамда амалий аҳамиятини оширишда катта аҳамият касб этган;

хунар турлари, буюмларининг Россия империяси мустамакчилиги ва совет давридаги кўринишлари бўйича ЎзР МДА ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари асосида олинган илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги «Замонавий талабларга жавоб берувчи ва мустақиллик ғоялари асосларига мос келувчи Ўзбекистон тарихи музейини реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори»га кўра «1914–1915 йилларда Ўрта Осиё хонликлари даври» ва «Хунармандчилик» экспозиция бўлимларини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 12 апрелдаги 3/1255-920-сон маълумотномаси). Натижада миллий хунармандчилик тарихи ва анъаналарини дунё жамоатчилигига танитиш, тарғиб қилиш ҳамда хунармандчиликни эркин ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишда самарали хизмат қилган;

бугунги кунгача сақланиб қолган амалий санъат ва миллий хунармандчилик мактаблари анъаналарини асраш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга оид хулосалардан Ўзбекистон амалий санъати ва халқ хунармандчилиги музейининг “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари амалий санъат намуналари” номли экспозициясини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 01-11-08-2386-сон маълумотномаси). Бу натижалар Қашқадарё ва Сурхондарё хунармандчилиги тарихи ва хунармандчилик буюмларининг музей экспозицияларида ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



ЭРГАШЕВ БАХТИЯР ЭРГАШЕВИЧ

Тарих фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг иш юритиш фаолияти (тарихий-манбашунослик таҳлили)» (07.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ўлкани мустабид ҳарбий тузум исканжасида сақлаб туришга қаратилган тузилма сифатида, империя ҳуқуқий-норматив ҳужжатларининг амалиётга жорий этилиши асосида туб аҳолини бошқариш қонунлари тизими ташкил этилгани далилланган;

хонликлар ва чегарадош давлатлар билан савдо-сотик муносабатларини ривожлантиришда империя манфаатларига хизмат қилувчи ҳар қандай савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш ва қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича генерал-губернаторлик ташқи сиёсатининг моҳияти очиб берилган;

ҳарбий ва фуқаролик ишларини юритишда генерал-губернаторлик маҳкамаси кадрлар таркиби фақат империя фуқаро-мутахассислари ҳисобидан шакллантирилгани ҳамда уларнинг мустабид тузумни сақлаб туриш мақсадида бошқарув жараёнида маҳаллий аҳоли вакиллари билан малакали мутахассислар етишиб чиқишини чегаралашга қаратилган фаолиятлари исботланган;

иш юритиш ва ижро назоратини ташкил қилиш ташқи, ҳарбий, ички ишлар вазирликлари каби ваколатли органларининг тегишли директив ҳужжатлари ва кўрсатмалари асосида амалга оширилгани, ҳисоботлар ва архивлаштириш тартиблари негизда Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси империя эҳтиёжига хизмат қилган маълумотлар базасини шакллантирувчи муассаса эканлиги очиб берилган;

ўлкада идора ва ташкилотлар фаолиятига оид қонунларни ҳарбий интизом талаблари асосида бажарилишини таъминлашда ижроия ҳокимияти вазифасини олиб борган генерал-губернаторлик маҳкамаси бошлиқлари, иш юритувчилари ва ҳужжатшуносларининг фаолиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш тарихини бўйича олинган натижалар асосида:

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларини туркумлаш, маълумотлар-

ни танлаш услубларига оид хулосалардан Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонасининг 1868–1917 йиллар фондларини архивлаштиришда, ИП-324-344; КП-1233; ИП-1233-2; КП-1236-10-27; КП-1372-1-6; КП-1559-1-3-фондларининг музей атрибуциялари асосида экспозицияга оид илмий таҳлилларни ўтказишда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2018 йил 10 январдаги 01-11-08-134-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланиши Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонасининг қайд этилган фондларини янги маълумотлар билан бойитган, экспонатлар изоҳларига янгича мазмун бахш этган;

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатларининг контент таҳлили, маълумотни танлаш услубларига оид қарашлардан ЎзР ФА Тарих институтида амалга оширилган Ф-1-ФА-0-11986 рақамли “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (қадимдан ҳозирга қадар)” фундаментал лойиҳасининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари бўлимини ёритишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА-02.11/1373-сон маълумотномаси). Берилган маълумотлар шаҳарлар бошқарувида оид расмий манбалар асосида жорий этилган “янги” ва “эски” шаҳарлар тарихига оид илмий хулосаларни бойитишга хизмат қилган;

мустабид тузумни сақлаб туриш мақсадида бошқарув жараёнида маҳаллий аҳоли вакилларида малакали мутахассислар етишиб чиқишини чегаралашга қаратилган фаолиятлари Ф-1-ФА-0-11986 рақамли “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (қадимдан ҳозирга қадар)” фундаментал лойиҳаси доирасида Россия империяси мустамлакачилиги даврида шаҳарлар тарихини ўрганишнинг манбашунослик асослари ва услубларини очиб беришда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА-02.11/1373-сон маълумотномаси). Диссертация илмий хулосаларининг қўлланилиши XIX–XX аср бошларида Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг аниқ баҳоланишига имкон берган;

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларини ўрганишнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср боши илмий жамиятлар тарихига оид ёзма маълумотлар асосида “Археология ҳаваскорлари тўғараги” га оид архив ҳужжатлари Ф.И.-ФА-083775 рақамли “Сўғд ва Уструшонанинг антик ва ўрта асрлар даври маданиятида урбанизация жараёнлари” фундаментал лойиҳасига татбиқ этилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА.02.11/1374-сон маълумотномаси). Татбиқ натижасида Самарқанд вилоятидаги Кофирқалъа, Кофирмулла (И-1 Фонд, 1-рўйхат, 150-йўзма жилд) ёдгорликларига доир маълумотлар мукаммаллашган, Ўзбекистон ҳудудидаги илк христианлик тарихининг тўғри таҳлил қилинишига имкон берган;

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари асосида Ф.И.-ФА-083775 рақамли “Сўғд ва Уструшонанинг антик ва ўрта асрлар даври маданиятида урбанизация жараёнлари” лойиҳасининг Сўғднинг қадим шаҳарсозлик маданияти ҳамда қурилиш қолдиқларининг хусусиятларига оид маълумотларни таҳлил этишга бағишланган қисмини ёритишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА.02.11/1374-сон маълумотномаси). Тадқиқот хулосалари Ўрта Осиёдаги қадим маданият марказлари ҳақидаги маълумотларнинг янада аниқлашишига хизмат қилиб, уларга оид айрим скептик қарашларнинг асосизлигини кўрсатиб беришга ёрдам берган.



АЛИЕВ ЯШНАРЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш» (08.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари узвий ривожланишини таъминлаш мезони тавсия этилган ҳамда мезонга асосланган ҳолда аграр бозорни узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан аграр бозор доирасида баҳолаш ўсиши нисбатлари бузилиши ҳисобидан кўриладиган зарар миқдорини аниқлаш услуби тавсия этилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини кредит, суғурта, божхона ва бошқа иқтисодий дастаклар орқали рағбатлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

агросервис тизими субъектлари учун солиқ ставкасини ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақали ҳисоблаш усуллари тавсия этилган;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар баҳолари мониторингини юритиш асосида тармоқлараро баҳо ўсиши паритетини таъминлаш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари узвий ривожланишини таъминлаш мезони тавсия этилган ҳамда мезонга асосланган ҳолда аграр бозорни узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш бўйича услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Танланган мезонлар бўйича қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларининг ривожланишини таъминлаш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллиги даражасини 10-15 фоизга ошириш имконини яратган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан аграр бозор доирасида баҳолаш ўсиши нисбатлари бузилиши ҳисобидан кўриладиган зарар миқдорини аниқлаш услубига доир тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни амалиётга жорий этиш фермер ва деҳқон хўжаликларининг ресурслар билан таъминланиш даражасини 10-15 фоизгача ҳамда маҳсулот етиштириш рентабеллигини 20 фоизгача ошириш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини кредит, суғурта, божхона ва бошқа иқтисодий дастаклар орқали комплекс ривожланишини таъминлаш йўналишлари бўйича илмий асосланган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги №03/16-1-сон маълумотномаси). Бу орқали аграр соҳани комплекс ривожлантириш тадбирларининг қишлоқ хўжалиги ривожланишини кўллаб-қувватлашга йўналтирилиши натижасида ҳар бир тармоқнинг ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши илмий асослаб берилган;

агросервис тизими субъектлари учун солиқ ставкасини ҳудудлар табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақали ҳисоблаш усуллари орқали давлат томонидан рағбатлантириш дастаклари бўйича илмий асосланган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни амалиётга жорий этиш нисбатан ёмон шароитларда жойлашган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш туфайли етиштирилаётган маҳсулот бирлиги ҳисобига ортиқча сарфларни 15 фоизгача камайтириш имкониятини яратган;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва агроресурслар баҳолари мониторингини юритиш асосида тармоқлараро баҳо ўсиши паритетини таъминлаш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси аграр соҳани илмий таъминоти ва аграр илм фанини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 03/16-1-сон маълумотномаси). Бу тавсиялар қишлоқ хўжалиги илм-фанини истиқболда ривожлантиришдаги муҳим талабларидан бири сифатида шакллантирилган.



АЛТИЕВ АБДУРАШИД СУЛТАНОВИЧ

Иқтисодийёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш» (08.00.04, 06.01.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини фермер хўжаликларида ер субижараси, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасини ёки унинг бир қисмидан вақтинча фойдаланиш асосида тартибга солиш механизмлари асосланган;

қишлоқ жойларда ерларни жисмоний ва юридик шахсларга мулк сифатида беришнинг баҳолаш услуби, ижтимоий омиллари, солиққа тортиш тартиби ва уни ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий ҳолатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш тартиби асосланган;

қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ерларга қилинган капитал харажатларни ҳисобга олиш коэффициенти, капиталлашув ва нарх-наво даражасини эътиборга олган ҳолда аниқлаш юзасидан таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини шакллантириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини фермер хўжаликларида ер сув ижараси, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасини ёки унинг бир қисмидан вақтинча фойдаланиш асосида тартибга солиш механизмлари юзасидан билдирган таклифи Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-05-4834-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқда ер ижараси мазмуни ва кўламининг янада кенгайиши ҳисобига ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янги босқичга асос солинган, ер солиғини тўлашнинг молиявий манбаси мустаҳкамланган, барқарор ва самарали иш жойлари ташкил этилган;

қишлоқ жойларда ерларни жисмоний ва юридик шахсларга мулк сифатида беришнинг баҳолаш услуби, ижтимоий омиллари, солиққа тортиш тартиби ва уни ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳамда ўзига

хос хусусиятлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг 2015 йил 26 августдаги 330/01-36-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш 2014 йилда 55 та иқтисодий ночор, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган ер участкаларининг 212,6 гектар майдони топширилиши натижасида ер солиғидан 673,2 млн. сўм маблағлар тежалишини асослашга ёрдам берган;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий ҳолатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-05-4834-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни татбиқ этиш қишлоқ хўжалиги ерларини меъёрий баҳолаш, ерларнинг ҳисоботини юритиш, ер мониторингини амалга ошириш ишларида меҳнат унумдорлигини ўртача 20 %га ошириш, ушбу жараёнлар учун барча харажатларни ўртача 25 %гача қисқартириш имконини берган;

деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш тартиби юзасидан таклифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 4/23-1203/3-сонли маълумотномаси). Натижада деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини молиялаштиришнинг янада қулай механизмини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ерларга қилинган капитал харажатларни ҳисобга олиш коэффициенти, капиталлашув ва нарх-наво даражасини эътиборга олган ҳолда аниқлаш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017 йил 18 декабрдаги КА/04-03-32-04/1680-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарорининг қайта кўриб чиқилиши зарурлигини асослаб берган.



ЖАЛИЛОВ ШЕРЗОД ҚАХРАМАНОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика корхоналари фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш» (08.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика корхоналари фаолиятининг молиявий натижаларига давлат бюджетига ундириладиган солиқлар таъсирининг ҳар икки томон учун молиявий оқибатлари асосланган ҳолда реализация қилинадиган мотор мойи қийматига нисбатан акциз солиғини ва бензин ва дизель ёқилғиси учун истеъмол солиғини жорий этиш тавсия этилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини кучайтириш ҳамда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштирилишини таъминлашда нефть маҳсулотларидан ундириладиган акциз солиғини тармоқ корхоналари ихтиёрига қолдиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

давлат бюджети ва тармоқ корхоналари манфаатлари муштараклигини таъминлашни инobatга олиб, аҳолига сотиладиган табиий газ учун акциз ва қўшилган қиймат солиғини бюджетга йўналтириш таклиф этилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида полиэтилен гранулалари учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблашда белгиланган нархни оширган ҳолда тармоқ корхоналари томонидан амалга ошириладиган газ экспортини рағбатлантиришда табиий газ учун махсус инвестиция устамасини жорий этиш таклиф этилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда мазкур корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бензин ва дизель ёқилғисига нисбатан истеъмол солиғи ставкасини 50%гача қисқартириш тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

ЁЭК фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган диссертантнинг илмий хулосалари, ишлаб чиққан таклифлари ва амалий тавсиялари асосида:

ёқилғи-энергетика корхоналарини қўллаб-қувватлашга реализация қилинадиган мотор мойи қийматга нисбатан акциз солиғини ва бензин ва дизель ёқилғиси учун истеъмол солиғини жорий этиш тавсияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 июлдаги 03/1-15454-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2016 йилнинг ўзида Давлат бюджетига 132,1 млрд. сўмлик маблағлар ундирилган. 2017 йилда эса ушбу таклифнинг амалиётга қўлланилиши 94,6 млрд. сўмлик маблағларнинг ундирилишига имкон берган;

ёқилғи-энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини кучайтириш ҳамда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида нефть маҳсулотларидан ундириладиган акциз солиғини тармоқ корхоналари ихтиёрига қолдириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПП-3253-сонли “Валюта бозори либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

2018 йил 16 майдаги АХ/03-02-32-28/165/1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2018 йил давомида қарийб 600,0 млрд. сўмдан кўпроқ маблағларнинг ёқилғи-энергетика корхоналарининг ихтиёрига қолдирилиши таъминланган;

аҳолига сотиладиган табиий газ учун акциз ва қўшилган қиймат солиғини бюджетга йўналтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПП-3253-сонли “Валюта бозори либераллаштириш шароитида иқтисодийнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги АХ/03-02-32-28/165/1-сон маълумотномаси). Натижада давлат бюджетига 2018 йилда қўшимча равишда 700,0 млрд. сўм маблағ келиб тушиши таъминланган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида полиэтилен гранулалари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида полиэтилен гранулалари учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш учун белгиланган нархни ошириш асосида тармоқ корхоналари томонидан амалга оширилаётган газ экспортини рағбатлантиришда табиий газ учун махсус инвестиция устамасини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПП-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги АХ/03-02-32-28/165/1-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2018 йил давомида ёқилғи-энергетика корхоналарининг ихтиёрида 21,0 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган маблағларнинг қолдирилишига эришилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инвестицион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида мазкур корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бензин ва дизель ёқилғисига нисбатан истеъмол солиғи ставкасини 50% гача қисқартириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПП-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прог-нози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги АХ/03-02-32-28/165/1-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2018 йил давомида 670,0 млрд. сўмдан ортиқроқ бўлган молиявий маблағлар тармоқ корхоналари ихтиёрида қолдирилган.



РУСТАМОВ ДАВРОН РУСТАМОВИЧ

Иқтисодий фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари» (08.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пенсия жамғармаси даромадлари манбалари ўртасидаги нисбатни қисқартириш асосида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашда бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар учун ягона ижтимоий тўловни 25 фоиз миқдорда белгилаш, шунингдек, бошқа юридик шахслар учун ушбу тўлов ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтириш таклифи ишлаб чиқилган;

пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг жинси ва алоҳида касбий фаолиятларидан қатъи назар пенсия жамғармалари даромадларини шакллантириш ва фойдаланишда тенг иштирокини таъминлаш таклиф этилган;

пенсия миқдори билан ходимнинг меҳнат стажи давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш мақсадида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи давомийлигини Ҳалқаро меҳнат ташкилоти талабларига мувофиқ 5 йилдан 7 йилга ошириш таклиф этилган;

пенсияни имтиёзли шартларда олиш ва пенсия олишга даъвогарлик қилиш жараёнида меҳнат стажини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат шартномаси бўйича хорижда тўплаган меҳнат стажини ҳисобга олиш механизмининг йўлга қўйиш орқали пенсияларни тайинлаш ва тўлаш амалиёти такомиллаштирилган;

хорижий мамлакатларнинг ижтимоий суғурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий пенсия тизимидаги иштирокини рағбатлантириш чораларини қўллаш ва авлодлар молиявий иштироки эквивалентлигини таъминлаш амалиётини Ўзбекистон пенсия тизимини ислоҳ этиш жараёнида қўллаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармасининг даромадларини оқилона шакллантириш ва харажатларини самарали сарфлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2018 йил 27 июндаги ШД/30-01-32-671-сон маълумотномаси). Натижада бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мувозанатини таъминлаш, таркибларини оптималлаштириш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятини берган;

Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг жинси ва алоҳида касбий фаолиятларидан қатъи назар пенсия жамғармалари даромадларини шакллантириш ва фойдаланишда тенг иштирокини таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўз-

бекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2018 йил 27 июндаги ШД/30-01-32-671-сон маълумотномаси) Натижада пенсия жамғармасининг йиллик харажатлари қиймати қарийб 15,0 млрд. сўмга қисқарган;

Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ёшга доир пенсияларни ҳисоблашда камида 7 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳолатда пенсияни ҳисоблаш тартибига ўтиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги ДС/22-02-188-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган 938-ХП-сон “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши пенсия таъминотини амалга ошириш жараёнида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини берган;

имтиёзли шартларда пенсия олиш ва пенсия олишга даъвогарлик қилишда меҳнат стажини ҳисоблаш талабларини қайта кўриб чиқиш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланиш меҳнат шартномаси бўйича хориждаги меҳнат стажини ҳисобга олиш механизмига ўзгартириш киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинмаган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги ДС/22-02-188-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига тегишли ўзгартиришлар киритилган ва пенсия жамғармаси харажатларида қутилмаган харажатларнинг олдини имконияти яратилган;

пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг илғор хорижий тажрибаларини қиёсий таҳлил этиш асосида Ўзбекистонда пенсия таъминотини молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги ДС/22-02-188-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётда қўлланилиши ўрта муддатли истиқболда пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари ва истиқбол кўрсаткичларини прогноз қилиш имкониятини яратган.



ХУДОЙҚУЛОВ САДИРДИН КАРИМОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш» (08.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий модели прогноз жараёнининг изчиллиги ва тизимлигини таъминловчи «мақсад – мақсадга мувофиқ жараён – оптимал натижа» триадасига асосланган таркибни киритиш орқали такомиллаштирилган; солиқ салоҳияти ва бюджет тизимининг ўзаро алоқадорлигини солиқ сиёсатининг адолатлик тамойилини мувозанат сифатида ўрнатилишини таъминлаш талаблари асосида миллий иқтисодиёт ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

бюджет тизимида кирувчи бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи солиқ турлари бўйича, уларнинг фискал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда солиқ тушумларини прогноз қилиш модели ишлаб чиқилган;

корхоналарнинг солиқ тўловларини тўлаш имкониятини баҳолашнинг ўзаро боғлиқ ташкилий-амалий компонентларини қамраб олган солиқ мажбуриятини бажариш модели ишлаб чиқилган;

муайян солиқ турлари кесимида турли омиллар таъсирчанлиги даражасининг муҳимлиги коэффицентлари асосида корреляцион боғлиқлик жадвали ишлаб чиқилиб, унинг воситасида давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий босқич, таҳлилий босқич, амалга ошириш босқичи ва якуний босқичдан иборат ташкилий-услубий модели бюджет-солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнига амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 16/2-13262-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномалари). Натижада солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини амалга оширишдан кўзланган мақсад солиқ тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг объективлиги ва тўғрилигини таъминлашга олиб келган;

миллий иқтисодиёт ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини аниқлаш услуби бюджет-солиқ тизимида

солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги энг муҳим бўғинлардан бири бўлган солиқ салоҳиятини баҳолаш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 16/2-13262-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномалари). Мазкур услубни амалиётга жорий қилиниши натижасида республика ва ҳудудлар миқёсида солиқ салоҳиятини аниқ баҳолаш имкониятини берган ва унга асосланган ҳолда турли даражадаги солиқ салоҳиятини баҳолаш орқали солиқ тушумларини тўғри прогнозлаштиришга эришилган;

солиқ турлари бўйича солиқ тушумлари прогнозини амалга ошириш модели бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришда тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда бюджет тизимида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида бюджет тизимида кирувчи бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи солиқ турлари бўйича уларнинг фискал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда солиқ тушумларини прогноз қилишнинг услубий асослари такомиллашган;

корхоналарда солиқ мажбуриятини бажариш модели республикадаги солиқ тўловчи корхоналар амалиётида фойдаланишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашда ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 15 майдаги 1443/04-16-1-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида корхоналарда юзага келиши мумкин бўлган дебиторлик ва кредиторлик тўловларининг ўз вақтида бартараф этилиши, молиявий маблағлар ҳаракатининг тўғри бошқарилиши, корхоналар молиявий бошқарув жараёни самарадорлигининг ошиши, солиқ мажбуриятларини бажармаганлик учун молиявий жавобгарликнинг олдини олиниши ҳамда давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўз вақтида келиб тушиши таъминланган;

«Солиқ тушумларини прогноз қилишда омилар таъсирининг корреляцион боғлиқлик жадвали»га асосланиш борасидаги таклиф бюджет-солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнига амалиётда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 16/2-13262-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиш орқали солиқ тушумларини прогноз қилишда энг муҳим босқичлардан ҳисобланган прогноз кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларнинг даражасини аниқлашга, пировардида эса, солиқ тушумларини прогноз қилишдаги якуний натижаларнинг ишончилигини таъминлашга эришилган.



АЗИЗОВ ШЕРЗОД ҲУКТАМОВИЧ

Иқтисодийёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Божхона аудити методологиясини такомиллаштириш» (08.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Божхона аудити» тушунчаси уни ўтказиш муддати, даври, даврийлиги, субъекти, манзили каби шартларни киритиш асосида такомиллаштирилган ҳамда уни ташкил этишнинг объектив зарурати, мақсади, вазифалари, предмети ва объектлари аниқлаштирилган; божхона аудитининг божхона расмийлаштирувидан олдинги ва кейинги муддатдаги даврларда ҳамда мажбурий ва ташаббус шаклларида ташкил этилиши ва ўтказилиши таклиф қилинган;

линг;

божхона аудитининг божхона назорати ҳамда бошқа давлат молиявий назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширувлардан фарқли жиҳатлари очиб берилган ва ўзаро ҳамкорлиги аниқланган;

божхона аудитининг ишчи ҳужжатлари таркиби, жумладан божхона аудити режаси ва дастури ишлаб чиқилган ҳамда текширув ўтказиш тартиби, унда қўлланиладиган амал ва усуллар таклиф этилган;

божхона аудитини амалга оширишнинг стратегик йўналишлари ва ундаги тактик вазифалар белгиланган ҳамда унинг иқтисодий самарасини баҳолашнинг тизимли ёндашуви, жумладан корреляцион ва регрессион таҳлилга асосланган эконометрик модель ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Божхона аудитини ташкил этиш ва ўтказиш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

божхона назоратини самарали ташкил этиш ва ўтказишда илғор халқаро инновацион тажриба – «Божхона аудити»ни амалиётга қўллаш таклифи асосида «Божхона аудити» тушунчасига берилган муаллифлик таърифи, унинг мақсади, вазифалари, предмети, объектлари бўйича ишлаб чиқилган назарий таклифлари Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасининг 25-боб, 220-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 18 декабрдаги 03-05/13-10867-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши божхона назоратида ортиқча харажатларни бартараф этиш ҳамда импорт товарларнинг истеъмолчилар учун арзон баҳода кириб келиш имкониятини яратган;

импорт товарларни божхона назоратидан ўтказиш тартибини соддалаштириш юзасидан оптимал механизми яратиш, уни ўтказиш муддати ва шартларига аниқлик киритиш юзасидан берган таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сонли Фармони 1-илоvasи 6-бандида ўз аксини топган ва Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмасидаги органлар томонидан «Божхона аудитини ташкил этиш ва ўтказиш» номли ички норматив ҳужжатни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 18 декабрдаги 03-05/13-

10867-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга қўлланилиши Давлат божхона органлари божхона инспекторлари томонидан ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият қатнашчисини божхона назоратидан ўтказишга ортиқча вақт сарфламаслигига олиб келган;

божхона аудити борасида хорижнинг илғор тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини белгиловчи сабаб ва омиллар ҳамда ундан қутилаётган натижалар бўйича берган таклифи божхона тизими амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 18 декабрдаги 03-05/13-10867-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар хорижнинг илғор тажрибаларини Давлат божхона органлари томонидан божхона аудитини самарали ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига қўллаш имконини берган ҳамда мамлакатда ташқи савдо интеграцияси жадаллашувига хизмат қилган;

божхона аудитини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатлар, жумладан, божхона аудити умумий режаси ва дастурининг намунавий шакли, божхона аудитини ўтказиш бўйича тавсия этилган тартиб, унда қўлланиладиган амал ва усуллар ҳамда импорт товарларни божхона расмийлаштирувига қадар божхона аудитидан ўтказиш бўйича берган таклифлари аудиторлик фаолияти амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 9 ноябрдаги 98-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётда қўлланилиши натижасида аудиторлик ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолият субъектларига божхона аудитидан ўтказиш билан боғлиқ кўрсатиладиган хизматлари сони кўпайиши ҳисобига, уларнинг миқдори сони ортишига олиб келган ва аудит шартномасидан тушадиган пул маблағлари миқдори кўпайган ҳамда божхона аудитини ўтказишга сарфлайдиган вақтини тежаш ва иш қўламини аниқ белгилаш ҳисобига иш самарадорлиги ошишига олиб келган;

расмийлаштирувдан кейинги даврда импорт товарлар божхона аудитини амалга оширишнинг мақсадли йўналишлари ва алгоритми бўйича таклифлари амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 18 декабрдаги 03-05/13-10867-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар давлат божхона органлари томонидан божхона аудитини оптимал ташкил этиш ва ўтказишга шароит яратган;

Божхона аудитини ўтказишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ҳамда самарадорликни оширишнинг стратегик йўналишлари божхона амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 18 декабрдаги 03-05/13-10867-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар божхона тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.



ТАШНАЗАРОВ САМИДДИН НИЗАМОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш» (08.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг қамраб олаётган ахборотларини белгилаш орқали “молиявий ҳисобот” ҳамда амалга ошириш кетма-кетлиги ва қайта ташкил этиш жараёнига аниқлик киритиш йўли билан “молиявий ҳисобот трансформацияси” тушунчалари таърифлари такомиллаштирилган;

замонавий ёндашувлар асосида молиявий ҳисоботнинг активлари қиймати ва мажбуриятларини баҳолаш ҳамда хусусий капитали элементлари ўзгаришини ҳисобга олишнинг услубий тартиб-қоидалари такомиллаштирилган;

ҳалқаро талаблардан келиб чиқиб, бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятлар таркиби ҳамда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг янги шакли ишлаб чиқилган;

илғор хорижий тажрибалар асосида “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот”нинг мазмуни ва таркиби такомиллаштирилган ҳамда ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузишда трансформация формуллари ишлаб чиқилган;

“Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот”нинг мазмуни ва унинг таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш асосида ушбу ҳисоботнинг янги шакли ишлаб чиқилган;

“Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот”, “Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот”ларнинг шакллари ҳамда ушбу ҳисоботларни тузишда вериайбл костинг (variable costing) тизимини қўллашнинг услубий тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлари асосида:

“молиявий ҳисобот” ҳамда “молиявий ҳисоботнинг трансформацияси” тушунчаларига такомиллашган таърифлари 5А230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”, 5А230902 – “Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассисликлари талабалари учун тавсия этилган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фани бўйича муаллиф томонидан ёзилган дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғи билан тасдиқланган муаллифлик гувоҳномаси). Ушбу таърифларнинг дарсликка киритилиши молиявий ҳисоботнинг назарий асосларини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

замонавий ёндашувлар асосида молиявий ҳисоботнинг активлар, мажбуриятлар ҳамда хусусий капи-

тал элементларини баҳолаш ва ҳисобга олиш бўйича услубий тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши орқали активлар, мажбуриятлар ҳамда хусусий капитални баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришга ҳамда молиявий ҳисоботнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эришилган;

халқаро талаблардан келиб чиқиб, бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятлар таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 февралдаги 16-сон “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақидаги” буйруғида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги АК 17-01-35/317-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига монанд ҳолда молиявий ҳолатни ёрқин акс эттириш имкониятини берган;

илғор хорижий тажрибалар асосида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботнинг мазмуни ва таркибини такомиллаштириш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 февралдаги 16-сон “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақидаги” буйруғида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 31 майдаги АК 17-01-35/317-сон маълумотномаси) ҳамда ҳисоботнинг янги шакли ва ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузишда трансформация формуллари Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2018 йил 22 октябрдаги 108-сон ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот сифатининг ошиши ҳамда халқаро тажрибалардаги бевосита ва билвосита усулларнинг қўлланилишини таъминлаган;

хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни ва унинг таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш асосидаги ҳисоботнинг янги шакли Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2018 йил 22 октябрдаги 108-сон ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий ҳисобот шаклларидаги бир-бирига узвий боғлиқлигини ҳамда ҳисоботларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида трансформациясини таъминлаган;

фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ва маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисоботларнинг шакллари ҳамда ушбу ҳисоботларни тузишда вериайбл костинг (variable costing) тизимини қўллашнинг услубий тартиби Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишга оид услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 19 октябрдаги 90/1-сон ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2018 йил 22 октябрдаги 108-сон маълумотномалари). Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши корхоналарда бошқа тўплам даромадларни таҳлил қилиш ҳамда доимий харажатларни назорат қилиш имкониятини ошириш орқали маҳсулот бирлиги таннархини камайтириш имконини берган.



ТЎРАЕВ АБДУРАХИМ НОРТОЖИЕВИЧ

Иқтисодийёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубийтини такомиллаштириш» (08.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни ҳужжатлаштириш ҳамда ички аудиторларни имтиҳондан ўтказиш тартиби такомиллаштирилган;

хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати фаолиятининг “ички аудит режаси” ҳамда “ички аудит дастури” ишчи ҳужжатлари таркибий тузилиши такомиллаштирилган;

халқаро ички аудит стандартларининг кафолат дастури асосида ички аудитнинг сифатини назорат қилиш ва унинг самардорлигини таъминлаш асослаб берилган;

ички аудит хизмати иш натижалари бўйича таҳлилий, якуний ва тасдиқлайдиган ҳужжатларни қамраб олувчи йиғма ҳисоботнинг намунавий шакли ишлаб чиқилган;

ички аудит текшируви далилларида фойдаланиш орқали ташқи аудитни ўтказиш муддати ва харажатларини камайтирилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг услубийтини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни ҳужжатлаштириш ҳамда ички аудиторларни имтиҳондан ўтказиш тартиби бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги 66-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон маълумотномаси).

Ушбу таклифни жорий қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни ҳужжатлаштириш тизими ва уларни имтиҳондан ўтказиш талабларининг тартиби қулай бўлишига эришилган;

хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматининг ишчи ҳужжатлари таркибини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлари “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, Тошкентдонмаҳсулотлари АЖ, “Қурилишмашлизинг” АЖда фойдаланилган. (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2017 йил 26 октябрдаги 01-15/3195-сон, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖнинг 2017 йил 23 ноябрдаги 5/1262-сон, “Қурилишмашлизинг” АЖнинг 2017 йил 6 ноябрдаги 01/07-562-сон маълумотномалари) Ушбу таклифни амалиётда қўлланилиши натижасида “Шеробод пахта тозалаш” АЖда ички аудит ўтказиш муддати 2016 йилда 8% га, Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда 2016 йилда 12,5% га, “Қурилишмашлизинг” АЖда 2017 йил 9 оyi мобайнида 25,5% га камайишга эришилган;

халқаро ички аудит стандартларини жорий қилиш бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф хўжалик юритувчи субъектларда ички аудиторлик текширувлари сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

ички аудит хизмати иш натижалари бўйича таҳлилий, яқуний ва тасдиқлайдиган ҳужжатларни қамраб олувчи йиғма ҳисоботнинг намунавий шакли Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, “Ўзнефтвазқазибчиқариш” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2017 йил 26 октябрдаги 01-15/3195-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2017 йил 20 декабрдаги 129-сон, “Ўзнефтвазқазибчиқариш” АЖнинг 2018 йил 26 июндаги 10-5/699ж-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши ички аудит хизмати ҳисоботларини шакл жиҳатдан бир хиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилган;

Ташқи аудит фаолиятида ички аудит хизмати маълумотлари ва натижаларидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, “Қурилишмашлизинг” АЖ, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2017 йил 26 октябрдаги 01-15/3195-сон, “Қурилишмашлизинг” АЖнинг 2017 йил 6 ноябрдаги 01/07-562-сон, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖнинг 2017 йил 23 ноябрдаги 5/1262-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётда қўлланилиши натижасида ташқи аудит ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар “Шеробод пахта тозалаш” АЖда 10% га, “Қурилишмашлизинг” АЖда 9,5% га, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда 9% га камайишига эришилган.



АРАБОВ НУРАЛИ УРАЛОВИЧ

Иқтисодийёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш» (08.00.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белгиланган потенциал ишчи кучи бандлиги ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворлигини уйғун таъминлаш асосида давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларининг самарали ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқбол мақсадлари ва меҳнат бозори хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва самарали инфратузилмасини 2018-2021 йилларга бўлган даврда ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ривожланишини баҳолаш методикаси иш кучини касбга йўналтириш ва касбга тайёрлаш, меҳнат воситачилиги ва молиявий тизимлар самарадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

фаол иш билан бандлик ҳамда иш кучининг касбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш асосида аҳолини иш билан таъминлашнинг худудий дастурини ишлаб чиқиш ёндашуви такомиллаштирилган;

бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикаси иш изловчиларнинг бандлик хизматиға мурожаат этганлик, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва иш берувчилар билан ишлаш даражасини таснифлашга дифференциал ёндашиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

белгиланган потенциал ишчи кучи бандлиги ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворлигини уйғун таъминлаш асосида давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларининг самарали ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич-сон буйруғи асосида банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш амалиётига жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 02-07/5361-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар иш билан бандлик хизматлари фаолиятини стратегик режалаштириш самарадорлигини ошириш, меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш имконини берган;

меҳнат бозори инфратузилмасини истиқболда ривожланишининг асосий кўрсаткичларини прогнозлаштириш параметрлари бўйича берилган таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг

2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич-сон буйруғи билан аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш дастурлари ва 2021 йилгача бўлган концепциясини тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 02-07/5361-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш иш билан бандлик хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилганларни ишга жойлаштириш улушини муайян даражада ошириш имконини берган;

меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ривожланишини баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич-сон буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 02-07/5361-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ҳудудий бандлик хизматлари фаолияти ривожланишининг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг алоҳида таркибий қисмларида юзага келган ўзгаришлар улушини аниқлаш имконини берган;

аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш ёндашувини фаол иш билан бандлик ҳамда иш кучининг қасбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич-сон буйруғи билан аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 02-07/5361-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш ҳудудий бандлик фаолиятини ривожлантириш стратегиялари ва комплекс дастурларини ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол иш билан бандлик тадбирларини ишлаб чиқишнинг илмий асосланганлик даражасини оширган;

бандлик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич-сон буйруғи асосида функционал бўлинмалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш жараёнига жорий этилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 02-07/5361-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини иш изловчиларнинг бандлик хизматига мурожаат этганлик, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва иш берувчилар билан ишлаш даражаларини таснифлашга дифференциал ёндашиш асосида баҳолаш имконини берган.



БОБАНАЗАРОВА ЖАМИЛА ХОЛМУРОДОВНА

Иқтисодийёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари» (08.00.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

аёллар ишчи кучига талаб ва таклифни маркетинг таҳлили методикаси қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда аёллар ишчи кучига бўлган эҳтиёж миқдорини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

иш берувчилар билан иш билан банд ва ишсиз аёллар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни баҳолашнинг социологик сўров натижалари асосида аниқлаш методикаси та-

комиллаштирилган;

қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг аёллар иш билан бандлигига таъсири ҳамда аёллар учун хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини яратиш бўйича илмий-амалий тавсиялар демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

иқтисодийётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш асосида касаначилик меҳнатини ривожлантириш самарадорлигини ошириш, қишлоқ жойларида касаначилик меҳнатига талаб ва унинг таклифни тартибга солиш тизими такомиллаштирилган;

оилавий бизнес фаолиятини кенгайтириш, аёлларни касбларга ўқитиш сифати, самарасини ошириш ва қишлоқ ҳудудларида рекрутинг фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий механизмлари аёллар иш билан бандлигининг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аёллар ишчи кучига талаб ва таклифни маркетинг таҳлили методикаси қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда аёллар ишчи кучига бўлган эҳтиёж миқдорини аниқлаш бўйича таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 4-сон буйруғи асосида маркетинг тадқиқотининг аёллар ишчи кучига талаб ва таклифни ўрганиш, улар ўртасидаги нисбатларни мувофиқлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш амалиётига жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 02-07/3228-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар маркетинг тадқиқотининг қишлоқ жойларда аёллар ишчи кучига талаб ва таклиф нисбатларини баҳолаш, кадрлар маркетинги тадқиқоти бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини берган;

иш берувчилар билан иш билан банд ва ишсиз аёллар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан қабул қилинган ва амалий фаолиятига жорий этилган («Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг 2018 йил 25 сентябрдаги 196-сон маълумотномаси). Натижада иш берувчилар томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, меҳнат шароитларини яхшилаш борасидаги

таклифлар бўйича талаблар шакллантириш ва ўқув юрти битирувчи қизларининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга эришиш натижасида 14 ҳудудда тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган аёллар учун 23 та янги иш ўрни яратилган;

қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг аёллар иш билан бандлигига таъсири ҳамда хизмат кўрсатиш объектларида янги иш ўринларини ташкил этиш йўналишлари демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда иш билан бандликнинг мақбул тузилмасини шакллантириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан қабул қилинган ва 2018 йил 26 сентябрдаги 213/2-ич-сон буйруғи билан қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожланиш стратегиясининг ҳудудий дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-07/5055-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш аёллар учун хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини яратиш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берган;

иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш асосида касаначилик меҳнатини ривожлантириш самарадорлигини ошириш, қишлоқ жойларида касаначилик меҳнатига талаб ва унинг таклифини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/2-ич сон буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 25 сентябрдаги 02-07/5055-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижанинг амалиётга жорий этилганлиги натижасида корхоналарнинг ишлаб чиқариш дастурига киритилган маҳсулотлар ва хизматлар бўйича касаначилик меҳнати билан боғлиқ ҳолда бажариладиган фаолиятда янги иш жойларини яратишга кам сарф-харажатлар қилиниши сабабли касаначилик меҳнатининг ҳудудларда 35,5 фоизга ошишига эришилган;

оилавий бизнес фаолиятини кенгайтириш, аёлларни касбларга ўқитиш сифати, самарасини ошириш ва қишлоқ ҳудудларида рекрутнинг фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий механизмлари аёллар иш билан бандлигининг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган таклифлардан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалиётга татбиқ этиш кўп болали аёллар учун квоталанган иш ўринларини ташкил қилиш, замонавий иш ўринларига аёлларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга давлат буюртмаси тизимини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 04/1155-15-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар натижасида оилавий бизнесни ҳудудий ривожланишнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан бандликнинг ноанъанавий турлари қўламини кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аёлларни ишга жойлаштириш салмоғини истиқболлаштириш имконини берган.



ОТАЖОНОВ ШУХРАТ ИБРАЙИМЖОНОВИЧ

Иқтисодий фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш» (08.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолият инфратузилмаси субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновациялар бозорини мақсадли ривожлантириш ва тартибга солиш асосида инновацияларни самарали бошқаришни ташкил этиш модели ишлаб чиқилган;

инновацион фаолият инфратузилмасини мақсадли шакллантиришга инновацион кластерни ташкил этган ҳолда ҳудуд иқтисодиёти, саноат корхоналари ва бошқа иштирокчилар учун афзалликларни дифференциал аниқлаш имконини берувчи услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

инновацион фаолият инфратузилмаси ривожланишини бошқаришнинг илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш хусусиятларига эга бўлган ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

инновацион кластерни ташкил этишнинг интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришга қаратилган концессион механизми ва алгоритми таклиф этилган;

инновацион фаолият субъектларининг старт-ап лойиҳаларини инвестиция билан таъминлашнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш хусусиятларига эга бўлган механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инновацион фаолият инфратузилмаси субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновациялар бозорини мақсадли ривожлантириш ва тартибга солиш асосида инновацияларни самарали бошқаришни ташкил этиш моделида тавсия этилган ишланмалардан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини ҳисоблаш методологиясини шакллантиришда фойдаланилган. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари – “Government effectiveness”, “Regulatory quality”, “Government expenditure on education (% of GDP)”, “School life expectancy”, “Tertiary enrolment”, “Graduates in science and engineering”, “Gross expenditure on R&D (GERD)”, “University/industry research collaboration” ва “Scientific and technical publications”нинг ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқишга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 октябрдаги 24/1-220-сон маълумотномаси). Мазкур ишланмани жорий этилиши натижасида ишлаб чиқаришга жорий этишга тайёр старт-ап лойиҳаларни амалга оширилиши ҳисобига 129,0 млрд. сўмлик ин-

новацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган;

инновацион фаолият инфратузилмасини мақсадли шакллантиришга инновацион кластерни ташкил этган ҳолда ҳудуд иқтисодиёти, саноат корхоналари ва бошқа иштирокчилар учун афзалликларни дефференциал аниқлаш имконини берувчи услубий ёндашув Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 01-01/503-сон маълумотномаси). Тавсия этилган услубий ёндашувлар асосида Илғор технологиялар марказида стартап-акселератор ва бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилган ва жорий этишга тайёр инновацион ишланмалар сони 17,2 фоизга ошган.

инновацион фаолият инфратузилмаси ривожланишини бошқаришнинг илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш хусусиятларига эга бўлган ташкилий-иқтисодий механизми Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 01-01/503-сон маълумотномаси). Мазкур механизмдан мақсадли инновацион дастурларни экспертизадан ўтказиш, лойиҳаларни жорий этилишини қўллаб-қувватлаш ва турли манбалар (давлат томонидан молиялаштириш, тижорат банклари, инновацион жамғармалар, хусусий маблағлар) ҳисобига молиявий маблағларни жалб этишда фойдаланилмоқда.

инновацион кластерни ташкил этишнинг интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришга қаратилган концессион механизми ҳамда фан-технологиялар ва инновация салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида инновация фаолияти ривожланишини бошқариш услубиятини жорий этиш бўйича берилган илмий таклиф ва ҳулосалардан А2-ФА-1028-рақамли “Илмий муассасаларнинг илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш ва инновациядан кейинги жараёнларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 5 майдаги 5/1256-168-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга татбиқ қилиш натижасида Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалий тадқиқотлар ва инновация ишларини бажаришга йўналтирилган маблағлари 23,0 млрд. сўмга ошган;

инновацион фаолият субъектларининг стартап лойиҳаларини инвестиция билан таъминлашнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш хусусиятларига эга бўлган механизмдан (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 01-01/503-сон маълумотномаси) Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этишда фойдаланилмоқда.



ОЧИЛОВ АКРАМ ОДИЛОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш» (08.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий инновацион иқтисодиётда натижаларга йўналтирилган контроллинг менежмент тамойилига мувофиқ «бутун умр давомида таълим» («life-learning») концепциясига ўтиш зарурати юзасидан олий таълим тизимида фанлар сонини оптималлаштириш ва ОТМларида ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш асосида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган;

олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели таклиф этилган ҳамда ОТМда шаклан миллий ва мазмунан глобал таълим стратегиялари (таълим жараёнида «устоз-шогирд», инновацион бошқарув, ОТМ фаолиятининг компонентлари бўйича қиёсий таҳлил этиш («benchmarking»), умумқасбий ва мутахассислик компетенцияларига асосланган таълим бериш («tuning»), антиплагиат («TURNITIN») ва ички бошқарув тизимлари (ИНТРАНЕТ)ни қўллаш зарурати асослаб берилган;

кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда ўқув режалари, дастурлари ва йўналиш (мутахассислик) фанларини оддийликдан мураккабликка йўналтирилган ҳолда «кириш»–«оралиқ»–«яқуний» («Introductory–intermediate–advanced») босқичлар асосида ўқитишни ташкил этиш таклифлари асослаб берилган;

таълим стандартларини ўзлаштириш даражасига мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига янги шаклдаги табақалаштирилган-тоифали дипломлар ва “Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари” (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги) иловасини бериш асосида талабалар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш механизми таклиф этилган;

меҳнат ва таълим хизматлари бозорининг талаблари, таклифлари ва ОТМларининг мос йўналиш(мутахассислик)лари асосида битирувчиларни корхоналарнинг бўш ўринларига тақсимлаш модели ҳамда «Корхона ва ташкилотларда ишлаётган ОТМлари битирувчилари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси» орқали бакалаврлар ва магистрларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган;

глобаллашув жараёнида рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида ОТМларининг рейтинги, рақобатбардошлиги ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишда SWOT-таҳлили ва маркетинг-менежментнинг янги элементи (8P–профессионал билимлар(professional knowledge))ни қўллаш ҳамда олий таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси натижаларини прогноллаштириш механизми таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

замонавий инновацион иқтисодийда натижаларга йўналтирилган контроллинг менежмент тамойилига мувофиқ «бутун умр давомида таълим» («life-learning») концепциясига ўтиш зарурати юзасидан олий таълим тизимида фанлар сонини камайтириш ва ОТМда ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш орқали бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жамиятда 10000 нафар аҳолига тўғри келувчи юқори малакали кадрлар сони, ОТМ талабалари билим ва малакаларининг мукамаллашув даражаси, жамият аъзоларининг интеллектуал потенциали ва мамлакатнинг инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари оширилади;

олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели ҳамда ОТМда шаклан миллий ва мазмунан глобал таълим стратегиялари (таълим жараёнида «устоз-шогирд»), инновацион бошқарув, ОТМ фаолиятининг компонентлари бўйича қиёсий таҳлил этиш («benchmarking»), умумқасбий ва мутахассислик компетенцияларига асосланган таълим бериш («tuning»), антиплагиат («TURNITIN») ва ИНТРАНЕТ ички бошқарув тизимлари)ни қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 89-03-3310-сон ва 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномалари). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши ҳар бир босқичда таълим иштирокчиларининг вазибалари мазмуни ва масъулиятлилиги даражасини ошириб, бошқариш самарадорлигини ўртача 9,0 фоизга ва ОТМ битирувчиларининг умумий рейтингини 0,1 баллга оширилишига, бир ўқув йилида бир нафар талабага сарфланган харажатларнинг 6,5 минг сўм(0,79\$)га камайрилишига олиб келган; ОТМлари битирувчилари рейтингини 0,1 баллга оширилиши натижасида 2017 йилда 10,5 млрд.сўм иқтисодий самара олинган;

олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда ўқув режалари ва дастурларини оддийликдан мураккабликка босқичма-босқич йўналтирилган ҳолда «кириш – «оралиқ» – «якуний» («Introductory-intermediate-advanced») тарзида ўқитишни ташкил этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгилик орқали ўқув режалари ва дастурларининг кетма-кетликда тузилишига, талабаларнинг фанларни оддийликдан мураккаблик даражасига йўналтирилган ҳолда босқичма-босқич ўрганишлари асосида ОТМда кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишга эришилган;

таълим стандартларини ўзлаштириш даражасига мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари битирувчиларига янги шаклдаги табақалаштирилган-тоифали дипломлар ва («Бакалаврнинг сифат кўрсаткичлари (интеллектуал, маънавий ва бошқарувчилик қобилиятлари рейтинги)» иловасини бериш асосида талабалар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш механизми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалиётига жорий этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Натижада давлат таълим стандартлари талабаларини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасига кўра ўқув жараёнида талабаларнинг соғлом рақобатлашувига олиб келади, иш берувчиларга бакалаврни унинг дипломи ҳамда дипломнинг асосий (ДТС бўйича баҳолари ва рейтинги) ва иккинчи (сифат кўрсаткичлари) иловасига асосан баҳолаш ва ишга олиш бўйича қарор қилишларига имконият яратади;

меҳнат ва таълим хизматлари бозорининг талаблари, таклифлари ва ОТМнинг мос йўналиш(мутахассислик)лари асосида битирувчиларни корхоналарнинг бўш ўринларига тақсимлаш модели ҳамда «Корхона ва ташкилотларда ишлаётган ОТМ битирувчилари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методологияси» орқали бакалаврлар ва магистрларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш механизми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси амалиётига жорий этилган («Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг 2017 йил 7 апрелдаги 107-сон маълумотномаси). Таклиф этилган моделнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида битирувчилар ишга жойлашувининг тезлашиши корхона ва ташкилотларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва юқори малакали кадрларнинг жамиятга хизмат қилиш даражасини оширган;

глобаллашув жараёнларида рақобат муҳитининг кескинлашуви шароитида ОТМнинг рейтинг, рақобатбардошлиги ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишда SWOT-таҳлили ва маркетинг менежментнинг янги элементи(8P–профессионал билимлар(professional knowledge))ни қўллаш ҳамда олий таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси натижаларини прогнозлаштириш механизми 5A230108 – «Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш» мутахассислиги талабаларига «Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш» фанини ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг назарий ва амалий билимларини оширган ва ОТМда кадрлар тайёрлашни бошқаришда рақобат бозорини ривожлантириш учун хизмат қилган;

юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий таклифлар ва тавсиялар «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекис-

тон Республикаси қонунининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари» номли 5-моддасининг 10,12 ва 14-бандлари; «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари» номли 8-моддасининг 2, 4, 6 ва 7-бандлари; «Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари» номли 10-моддасининг 4-6 ва 8-бандлари; «Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» номли 25-моддасининг 2,5-8-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2017 йил 28 апрелдаги 04/5-06-086-сон маълумотномаси). Қонунчилик ҳужжатларининг тайёрланишида илмий тадқиқот ишининг илмий таклифлари ва тавсияларидан мақсадли фойдаланилган.



ХОШИМХОНОВ МЎМИН

Фалсафа фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Бобораҳим Машраб ва XVII–XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини» (09.00.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий меросининг XVII–XVIII асрлар ижтимоий-ахлоқий фикрлар ривожига конструктив-етакчилик ўрни фалсафа тарихи нуқтаи назаридан кўрсатиб берилган;

Бобораҳим Машраб маънавий меросида ижтимоий-фалсафий, илмий-маданий, маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий, дидактик-таълимий ва маърифий қарашларнинг илдизлари, шахс ва жамият, адолат ва тенглик контекстида фалсафий моҳияти очиқ берилган;

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний, тасаввуфий, илмий, дидактик, таълимий ва маърифий қарашлари фалсафий тизимлаштириш асосида назарий таҳлил қилинган ва уларнинг замонавий ахлоқий тарбиядаги ўрни асосланган;

Машрабнинг ҳаёти ва ижодий мероси XVII–XVIII асрларда ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданият, илм-фан ва ижтимоий-маънавий фикрлари ривожининг муҳим хусусият ва қонуниятларини ўрганишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган;

ислом дини ва тасаввуф таълимотидаги Машраб ижодига таъсири ва унинг замиридаги ахлоқий ғояларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Бобораҳим Машраб ва XVII–XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Машраб ва XVII–XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожига ижтимоий-фалсафий қарашларининг илдизлари, мутафаккирларнинг шахс ва жамият ҳақидаги қарашлари, Машраб ижодига мутасаввифлар таъсири, унинг ғазалиётдаги тасаввуфий ғоялар талқини, Машрабнинг исломга бўлган муносабати, мутафаккир қарашларида ижтимоий ахлоқ масалаларига оид таклифлардан Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти ва бошқа олий таълим муассасалари ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йил 20 декабрдаги 2551-сон маълумотномаси). Натижада Бобораҳим Машраб ижоди бўйича талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни, фалсафа тарихи юзасидан мутахассислик хусусиятларини шакллантириш ҳамда диний-маънавий таълим мазмунини такомиллаштириш имконини берган;

Бобораҳим Машраб маънавий меросида ижтимоий-фалсафий, илмий-маданий, маънавий-ахлоқий, диний-тасаввуфий, дидактик-таълимий ва маърифий қарашларнинг илдизлари, шахс ва жамият, адолат ва тенглик каби илмий хулосаларидан А-1-149 рақамли “Ўзбекистон фалсафаси тарихи (уч томлик, ўзбек тилида) асарининг II томини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш” мавзусидаги илмий тадқиқот грантида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 89-03-4056-сон маълумотномаси). XVII–XVIII асрларда Мовароуннаҳрдаги фалсафий-тасаввуфий таълимотлар, ғоявий манбалар, уларнинг муҳим хусусиятлари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу лойиҳадан олинган илмий натижалар фалсафа тарихи дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний, тасаввуфий, илмий, дидактик, таълимий ва маърифий қарашларини фалсафий-тизимлаштириш асосида назарий таҳлил қилинган ва уларнинг замонавий ахлоқий тарбиядаги ўрни бўйича олинган хулосалардан ФА-ФН-Г039 рақамли “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012–2016) мавзусидаги илмий лойиҳани бажариш доирасида мазкур тадқиқотдаги Машраб, Насимий, Мансур Ҳаллож ҳақидаги ҳамда қатор тасаввуфий тимсол-тушунчаларига оид мақолаларни ёзишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 89-03-4056-сон маълумотномаси). Натижада бу китоб навоийшунос олимлар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилган;

Машрабнинг ҳаёти ва ижодий мероси XVII–XVIII асрларда ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданият, илм-фан ва ижтимоий-маънавий фикрлари ривожининг муҳим хусусият ва қонуниятларини ўрганишдаги аҳамиятига оид таклифлардан ГЗ-2017092980 рақамли “Ўзбекистон жадал ривожланиш шароитида ёшларнинг толерантлик дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги илмий тадқиқот грантида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 89-03-4056-сон маълумотномаси). Мазкур грантнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида Тошкент ДИУда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Бобораҳим Машраб дунёқарашининг ўзига хослиги ва ёшлар таълим-тарбиясига оид бунёдкор ғояла-

ридан глобал таҳликали замонда зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш, ёшлар орасида маънавий мерос, миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва аждодларимизни маънавий мероси тарғиботига қаратилган таклиф ва тавсиялардан 2017–2018 йиллардаги иш режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/002-1234-18-сон маълумотномаси). Натижада буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи мобиль илова яратиш ва уни ишга тушириш имконини берган;

Бобораҳим Машраб ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фалсафа, ижтимоий ва ахлоқий қарашларни янгича назарий-услубий ёндашувларидан Ёшлар иттифоқи тизимида эълон қилинган “2018 йил – Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини самарали ташкил этиш йили” доирасида ёшлар билан тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида махсус йил дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2018 йил 19 ноябрдаги 04-13/5991-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқотдан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, мунозара маданиятини шакллантириш мақсадида ўтказилган ўқув-семинар, тарғибот тадбирларида фойдаланилган бўлиб, у ёшларнинг мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнларини англаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти, айниқса, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга ижобий таъсир қилган;

ислом дини ва тасаввуф таълимотининг Машраб ижодига таъсири ва унинг шахсиятини белгиловчи омиллар, унинг қиёфасини акс эттирувчи қисса ва тазкиралардаги афсона ва ривоятлар замиридаги ғояларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўрни кўрсатиб кўрсатиб берувчи илмий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърят” тўғарагида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 19 ноябрдаги 01-03-13/1597-сон маълумотномаси). Натижада Бобораҳим Машраб ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларини янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишга хизмат қилган.



ЭРНАЗАРОВА МАНЗУРА САПАРБОЕВНА

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида» (10.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

нутқнинг система сифатидаги фалсафий асослари очиб берилган;

грамматик маънонинг лисоний моҳият сифатида лексик, синтактик ва прагматик омиллар яхлитлигида нутқий воқеланишида морфологик воситалар – луғавий ва синтактик шакл ҳосил қилувчиларнинг ўрни ва роли муҳимлиги далилланган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида прагматик омиллар (сўзловчи интенцияси, лисоний, когнитив ва мулоқот қобилияти, социал мавқеи)нинг ўрни ва роли аниқланган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлигининг ўзига хос антропопрагматик жиҳатлари очиб берилган;

лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг таъсири, тилнинг лисон ва нутқ яхлитлигидан иборатлиги, лисоний бирликлар табиати, уларни бирлаштирувчи системавий муносабатлар – лисоний зиддиятлар, тилга прагматик ёндашув омиллари, нутқий система лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида юзага чиқиши фактик материаллар асосида далилланган;

грамматик маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омилларнинг ўзаро мувофиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлигининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

грамматик маънонинг нутқий воқеланиши тадқиқи жараёнида ишлаб чиқилган, илмий асосланган *адресант, адресат, антропоцентризм, валентлик, дейксис, дихотомия, доминанта, когнитив, мулоқот, прагматика, пропозиция, субстанция, факультатив* каби луғавий бирликларнинг изоҳлашга оид хулосалардан ФА-Ф1-Г041 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб луғавий бирликларнинг изоҳлари мукамаллаштирилган;

лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг таъсири, тилнинг лисон ва нутқ яхлитлигидан иборатлиги, нутқни система сифатида тадқиқ қилиш борасидаги назарий хулосалардан ОТ-Ф8-057 рақамли “Ўзбек тилини системавий татқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши тил бирликларининг нутқий воқеланишини тадқиқ қилишда жаҳон тилшунослиги материалларидан фойдаланишда, нутқий системанинг лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигига амал қилишини ёритишда муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланиши тадқиқи жараёнида ишлаб чиқилган, лисоний имкониятларни сўзловчи, тингловчи, уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатига оид назарий хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5

июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан грамматик шаклларнинг маънолари воқеланишидаги лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги жараёнида тегишли луғавий бирликларнинг (мулоқот, нутқ, ёзма ва оғзаки нутқ, методология, пайғамбар, мавҳум, хаос, интенция, лирик чекиниш) таҳлиллари ва изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши, сўз ва қўшимчаларнинг кўчма маъноларда қўлланиши, нутқий интенция, оғзаки ва ёзма нутқ ҳамда мулоқот жараёнида тартиб ва тартибсизлик ҳолатларининг лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлиги асосида юзага чиқишига оид назарий хулосаларидан ХТ-Ф-2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Илмий натижалар грамматик шаклларнинг воқеланишидаги лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги жараёнида тегишли луғавий таҳлиллари ва изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

тилнинг морфология сатҳи, грамматик маъно ва грамматик шакл, грамматик категорияси “Hozirgi o'zbek adabiy tili” (ISBN 978-9943-10-436-5) дарслигида ҳамда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (ISBN 978-9943-4726-2-4) электрон дарсликларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2534-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг тилнинг морфология сатҳи, грамматик маъно ва грамматик шакл, грамматик категория борасидаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканалининг “Тил зийнати”, “O'zbekiston” телерадиоканалининг “Ижод завқи”, “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт” кўрсатувларини ва “Бедорлик” эшиттиришини тайёрлашда диссертация материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканалининг 2018 йил 5 апрелдаги 01-16/191-сон, “Ўзбекистон” телеканалининг 2018 йил 23 апрелдаги 04-25-616-сон маълумотномалари). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.



ЎРИНБАЕВА ДИЛБАР БАЗАРОВНА

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари» (10.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Алпомиш», «Рустамхон» ва «Равшан» дostonлари, мақол, топишмоқ, эртак, қўшиқ жанрларининг алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлари тузилиб, компьютер ёрдамида тузилган луғатларнинг ўзбек луғатшунослиги тизимидаги ўрни ва афзалликлари асосланган;

танланган матнларда қўлланган барча сўз шаклларининг қўлланилиш миқдори аниқланган ва статистик-ахборот талабларига кўра моделлаштиришнинг ахборот етишувчанлиги, модел кўплиги тамойиллари очиб берилган;

фольклор асарлари тилини компьютер ёрдамида статистик қайта ишлаш натижасида частотали луғатнинг турли зоналарида эҳтимолий ва кам қўлланган сўз шакллари асосида матнни тўлдириш йўллари, сўз шаклларининг ўртача қайталаниши ва синтетизм коэффицентлари асосида матнда ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, матнни лингвистик индивидуаллиги аниқланган;

танланма матнлардаги сўз туркумлари ва уларнинг грамматик кўрсаткичлари квантитатив таҳлил этилиб, ўзига хос типологик табиати, жанрий хусусиятлари ёритилган;

дoston, мақол, топишмоқ, эртак ва қўшиқлар матнларидаги сўз шаклларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадиий-эстетик қиммати исботланган;

электрон луғат ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот, яъни фонетик, лексик, грамматик базани яратиш бўйича тавсиялар асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари матнининг компьютер-корпуси ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг тил-нутқ тизимида тутган ўрни ва аҳамияти хусусидаги лингвостатистик натижалар асосида:

ёрдамчи сўз – кўмакчи, боғловчи, юклама, алоҳида сўз туркумлари – модал, ундов, тақлид сўзларнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилида синтактик деривация жараёнида у ёки бу характердаги дериватлар сифатида шаклланишига оид мисоллардан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 89-03-3698-сон маълумотномаси). Натижада дериватларнинг шаклланишига доир масалаларни мукамаллаштириш имконияти яратилган;

тадқиқот хулосаларидаги абжўш, беллик, биқтирма, дастгир, дим, иззиламоқ, кайвон, кашал, мастон, сурги каби лексемаларнинг изоҳларидан ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 декабрдаги 3/1255-3362-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши луғатдаги лексикографик таҳлилларни такомиллаштиришга, сўз маъноларини ойдинлаштиришга хизмат қилган;

тадқиқот юзасидан нашр эттирилган луғатларидан Носирхожа валади Мансурхожанин «Лайли ва Мажнун», «Китоби Санубар» дostonларини ва музей каталогини нашрга тайёрлашда Ф1-ФА-055746 рақамли «Марказий Осиё халқлари қўл ёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини

илмий тавсифи ва нашр қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 декабрдаги 3/1255-3362-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг татбиғи орқали дoston ва каталогларнинг натижавийлиги ошган;

дoston, мақол, топишмоқ, эртак ва кўшиқлар матнлардаги сўз шаклларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадиий-эстетик қиммати натижалар асосида «Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати» (ISBN 452-2008/2043), «Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг қиёсий частотали луғати» (ISBN 978-9943-4584-7-5) каби луғатлар яратилган. Ушбу луғатларнинг қамрови остига кирувчи термин ва лексемаларнинг миқдори ҳамда уларнинг изоҳлари маънодорлиги ошган;

сўз шаклларининг ўртача қайталаниши ва синтетизм коэффицентлари асосида матнда ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, матнни лингвистик индивидуаллиги бўйича натижалар Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Ойдин оқшом», «Фарзандим дилбандим» кўрсатувларини, Сирдарё вилоят телерадиоканалининг «Тема дня» эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 20 ноябрдаги 09-01/527-сон; Сирдарё вилоят телерадиоканалининг 2018 йил 18 ноябрдаги 1723-сон маълумотномалари). Натижада мазкур эшиттириш ва кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.



ХАМРАКУЛОВА ХУРШИДА КУВВАТОВНА

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинлари» (10.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини адабий-эстетик категория сифатида асосланган; тириклик ва ўлим чегарасидаги инсоннинг ўлимолди ҳолатларининг бадиий тадқиқи натижасида персонажни ўлимга олиб борувчи ижтимоий-психологик омиллар далилланиб, ёзувчи ижод концепциясига оид тамойиллар очиб берилган;

персонаж ўлимолди вазиятларининг бадиий талқинини бериш орқали муаммонинг худкушлик ва падаркушликка оид адабий-эстетик ва ижтимоий-психологик сабаблари аниқланган;

XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим масалаларини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш натижасида муаммонинг умумбашарий аҳамияти кўрсатиб берилган;

мустақиллик даври адабиёти ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқини борасида полисемантик хусусиятга эгаллиги насрнинг турли жанрлари мисолида очиб берилган;

янги ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммосининг турли талқинлари юзага келганлиги жадид адабиёти, шўро адабиёти, мустақиллик даври адабиёти мисолида босқичма-босқич асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

ҳаёт ва ўлим муаммосини адабий-эстетик категория сифатида ўрганиш, XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосига концептуал ёндашиш, уни йигирманчи аср ўзбек адабиёти давлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, мазкур муаммонинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, персонаж ўлимолди вазиятларининг бадиий талқини, худкушлик ва падаркушлик муаммоларининг бадииятда акс этиши бўйича олинган илмий натижалар асосида;

XX аср шўро даври ва мустақиллик даври адабиёти намуналарини жаҳон адабиёти намуналари билан қиёслаб ўрганиш асносида шахс фожиаси ва ижтимоий-психологик муаммоларнинг умумий ва хусусий ҳолатларидан келиб чиқувчи типологияга доир хулосаларидан ФА-Ф1-Г040 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 16 августдаги 311255-2186-сон маълумотномаси). XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинлари романлардаги ҳаёт ва ўлим масаласининг алоҳида назарий манба сифатида адабиётшуносликда ўрганилиши жоиз деган хулосаларга асос бўлган;

ҳаёт ва ўлим муаммосининг ўзгариши, ривожланиши, ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғлиқлиги, муаммонинг босқичлараро ўхшаш ва фарқли томонлари, падаркушлик ва худкушлик масаласининг бадииятдаги ечими унинг адабий-эстетик категория сифатида ўрганилишига асос бўлган хулосаларидан ОТ-Ф8-151 рақамли “Адабиёт энциклопедияси” нинг ҳаёт ва ўлим муаммоси билан боғлиқ бобида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 89-03-2517-сон маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг тадқиқи унинг адабий-эстетик категория эканлиги ҳақида хулосаларга хизмат қилган;

XX аср бошларида истиқлол учун курашган жадид адабиёти вакиллари ва уларнинг асарлари ҳаёт ва ўлим категорияси нуқтаи назаридан ўрганилганда бу давр адабиётининг ижтимоий-психологик мазмун касб этгани, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ижтимоий концепция даражасига кўтарилганига оид хулосаларидан Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарку Фарб адабий анъаналари синтети” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 августдаги 89-03-2798-сон маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинини ўрганиш масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий талқинларига, шунингдек, ижтимоий-психологик жиҳатларига урғу бериш, персонаж ички оламини тадқиқ қилиш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

ўзбек адабиётида ўлим мавзусининг ўзига хос критерийларини очиб беришда, жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришлар одамларнинг ўлимга нисбатан онгида акс этувчи фикрлари ёзувчи – даври – бадиий асар

триосида жам бўлиши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан АҚШнинг Атланта шаҳридаги Эмори университети Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё факультети Ислоҳ цивилизациясини ўрганиш кафедрасида ўрта осиелик аёл ёзувчиларнинг дин, оила ва жамиятга бўлган муносабатларини ўрганувчи илмий тадқиқотда фойдаланилган (Эмори университетининг 2018 йил 10 октябрдаги маълумотномаси). Унда даврга хос психологик эврилишларнинг тадқиқи адабиётни муҳим даврларга бўлиб ўрганишда, мавзу доирасининг индивидуал ҳолатдан жамиятга алоқадор концепция даражасига кўтарилиш омилларини тадқиқ қилишда, ўрта осие аёл ёзувчилар ишларини Европа ва Шарқ анъаналари элементлари асосида қиёсан ўрганиш жоиз деган хулосаларга асос бўлган;

жадид адабиётининг етакчи тенденциялари, шўро даври адабиётининг, хусусан, 20–30-йиллар қаттол сиёсатининг бадииятга таъсири масалалари ҳаёт ва ўлим муаммосини ўрганиш нуқтаи назаридан алоҳида босқичга кўтарилгани ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан Баку Евроосиё университетининг Турк ва хорижий ўлка филологияси кафедрасида бажарилган фундаментал тадқиқотда фойдаланилган (Баку Евроосиё университетининг 2018 йил 11 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада дунё адабиёти тадрижини белгилашда, “Турк халқлари поэзияси архитектура: шакл ва мазмун афзалликлари” мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилаётган диссертацияни тайёрлашда, бадиий матнларда ҳаёт ва ўлим муаммосини аниқлаштиришда муайян хулосаларга келинган.



ЭРМАТОВ БАҲОДИР СОДИҚОВИЧ

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввур ва талқинлар)» (10.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XV–XX асрларда испан, итальян, француз, инглиз ва немис адабиётида Амир Темур ҳақида яратилган турли жанрлардаги асарларда Соҳибқирон образининг *bon* (яхши), *grand* (катта), *tres grand* (буюк), *haut* (юксак) эпитетларида берилганлиги исботланган;

Амир Темур, унинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мавзу Ғарбий Европа мамлакатлари адабиёти тарихида илк бор драматургияда шаклланиб, сўнг *Uomo famosi* – «машҳур инсон» сифатида бадиий адабиётнинг барча жанрларига кириб келгани асосланган;

Амир Темурнинг ҳарбий санъати юксак баҳолаганлиги ва унинг тарихда биринчи бўлиб психологик уруш тактикасини қўлагани бадиий асарлар мисолида очиб берилган;

XIX–XX асрлар инглиззабон болалар шеъриятида илк бор қўғирчоқ ўйнаб ўтирган шаҳзода Темур сиймоси яратилганлиги, ирланд шоири Крив Рой Little Tamerlane («Шаҳзода Темур») балладаси билан жаҳон болалар адабиётига Амир Темур мавзусини олиб кирганлиги исботланган;

Ғарбий Европа драматургиясида Амир Темур ўз тақдирини ўзи белгилаган, келажаги учун ўзи курашувчи инсон сифатида тасвирланганлиги учун ҳам К.Марлонинг «Буюк Амир Темур» трагедияси ва Ж.Ф.Хандлнинг «Амир Темур» операси бугун ҳам дунё театрлари сахналарида ўйналаётганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси билан боғлиқ изланишлар жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида XV–XX асрларда яратилган Амир Темур ҳақидаги турли жанрлардаги асарларнинг муштаракликлари ва ўзига хосликларига оид натижалардан Ф1-02 «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи» мавзусидаги Давлат гранти лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 14 августдаги 02-11/479-сон маълумотномаси). Улар Ғарб мамлакатларида Уйғониш даври эстетикасининг муштараклиги ва миллий ўзига хослиги, Ғарб адабиётшунослигининг ўзига хос хусусиятлари ва фарқланиш мезонлари, Ғарбий Европа мамлакатлари драматургиясининг сарчашмалари, асарлардаги тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг мутаносиблик ва номутаносиблик даражаси, уларда бадиий образ ва характерлар яратишнинг ўзига хослигини очиб беришга ёрдам берган;

Ғарбий Европада Амир Темур ҳақида яратилган асарларда Соҳибқирон образининг халқпарвар ҳукмдор сифатида тасвирланганлиги бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Бадиий таржима ва халқаро алоқалар» кенгашида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 25 сентябрдаги 01-03/860-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек классик шоирлари Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Зебунисо ва Нодирабегимнинг ғазал ва рубойлари француз тилига таржима қилиниб, Парижда «Темурий шаҳзодалар саройида» номли китобнинг нашр этилишига асос бўлган;

Ғарбий Европа адиблари ва санъаткорларининг тарихий воқеалар эмас, мураккаб характерга эга бўлган саркарданнинг шахсияти тўғрисидаги хулосаларидан Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида Амир Темур ҳаётига бағишланган асарни сахналаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 01-11-07-4605-сон маълумотномаси). Тадқиқотчининг «Амир Темур» трагедиясининг сюжет ва композицияси, образлар тизими, бадиий хусусиятлари, унда илгари сурилган ғоялар ва драматург маҳоратига тааллуқли мулоҳазалари спектакль ижодкорлари учун зарур манба бўлиб хизмат қилган;

XIX–XX асрлар инглиззабон болалар шеъриятида илк бор қўғирчоқ ўйнаб ўтирган шаҳзода Темур сиймоси яратилганлиги, ирланд балладасининг таржимаси бўйича олинган натижаларидан «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Халқаро кўрсатувлар» тахририяти томонидан эфирга узатилган «Кўнгил кўприклари», «Амир Темур ва жаҳон», «Тилга эътибор» ва «Ассалом, келажак» туркум кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2018 йил 27 но-

ябрдаги 01-13-2127-сон маълумотномаси). Мулоҳазалар кўрсатувларнинг объектив тайёрланиши, маънавий таъсирчанлиги, бадий эмоционаллиги ва тарбиявий аҳамиятини оширишга ёрдам берган.

XV-XX асрларда испан, италян, француз, инглиз ва немис адабиётида Амир Темур ҳақида яратилган турли жанрлардаги асарлар таржимаси бўйича олинган натижаларидан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги илмий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-3933-сон маълумотномаси). Улар Архиепископ Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар, Люсьен Керен. Амир Темур салтанати, Марсель Брион. Амир Темур сингари китобларни чоп этишга асос бўлиб хизмат қилган.

XV-XX асрлар немис ёзувчилари И.Шильтбергер, И.В.Гёте, К.Эдшмид, Т.Нагелларининг бадий маҳоратига тааллуқли мулоҳазалардан Германия Федератив Республикасининг Мюнстер шаҳридаги Вильгельм номли Вестфаль университети билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биргаликда амалга оширган «Тил, адабиёт ва маданиятдаги ҳинд-герман ва ҳинд-герман бўлмаган алоқалар» (Indo-germanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur) мавзудаги GIP халқаро фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 89-03-3929-сон маълумотномаси). Билдирилган фикр ва мулоҳазалар немис ёзувчилари асарларининг ўзига хос хусусиятлари, уларда илгари сурилган ғоялар, мавзулар кўлами, сюжет ва композицион қурилишини асослаш имконини берган.



АҲМЕДОВА ДИЛФУЗА РАФУКЖАНОВНА

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Форс тили сўз туркумларининг газета матнларидаги функционал ва услубий хусусиятлари» (10.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

форс тили публицистик услубининг ахборот етказиш ва ҳодисаларга баҳо бериш, ўқувчига таъсир кўрсатиш каби вазифаларини рўёбга чиқаришда сўз туркумларининг ўрни исботланган;

газета матнларида қўлланган от, олмош ва сон сўз туркумлари эмоционал-экспрессивликни ифодаловчи асосий воситалар эканлиги асосланган;

газета матнида информацион ва таъсир этиш функциясининг ўзаро муносабати натижасида экспрессия (*коннотация, воқеа-ҳодиса тафсилотларига баҳо бериш*) ва стандарт (*аниқлик, қисқалик, долзарблик*) уйғунлиги аниқланган;

газета матнларида қўлланган сўз туркумлари функционал-услубий имкониятларининг бир хил эмаслиги турдош ва атоқли от, туб ва ясама сифат, феъл замонлари, нисбат ва майл категориялари каби лексик-грамматик шакллар воситасида далилланган;

газета матнларида сўз туркумларининг қўлланишига кўра фаоллик даражаси ўртасидаги фарқлар *информативлик, аниқлик, қисқалик функцияларидан келиб чиқиб* асослаб берилган;

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Форс тили сўз туркумларининг газета матнларидagi услубий ва функционал хусусиятлари, газета матнлари таржимасидаги ўзига хосликлар таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

газета матнлари таржимасининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш бўйича олинган илмий-назарий натижалар А 1-180 «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ОЎМТВнинг 2018 йил 18 апрелдаги 98-03-1500-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши газета матни таржимаси жараёнида услубий мослашув, таржима қилинаётган матн функционал услубининг лингвистик хусусиятини аниқлаб олиш, таржима жараёнида ушбу услубга хос эквивалентларни танлаш, таржиманинг асл матн услуби билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширишга оид янгича назарий ёндашувлари билан боғлиқ масалаларни аниқлашга хизмат қилган;

газета матнларида қўлланган сўз туркумлари функционал-услубий имкониятларининг бир хил эмаслигига оид натижалар ва материаллардан Ўзбекистондаги Эрон маданият маркази илмий тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Исломи Республикаси элчихонасининг 2017 йил 22 октябрдаги маълумотномаси). Олинган натижалар газета матнларида қўлланган сўз туркумлари форс тили публицистик услубининг ахборот етказиш ва ҳодисаларга баҳо бериш каби вазифаларини рўёбга чиқаришда асосий ўринни эгаллашига оид масалаларни ёритишга имкон берган;

газета матнларида қўлланган этнонимларнинг лингвистик хусусиятларига доир олинган натижалар ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этно-лингвистик вазият» номли илмий лойиҳада фойдаланилган (ОЎМТВнинг 2018 йил 18 апрелдаги 98-03-1500-сон маълумотномаси). Олинган натижалар форсийзабон минтақалардаги этнолингвистик вазиятни ойдинлаштиришга асос бўлган.

газета матнлари тадқиқида унинг грамматик тузилиши, мазмуни, услуби ва лексикасини ўрганиш жараёнларига оид натижалар ва материаллардан Ўзбекистондаги Эрон маданият марказида форс-ўзбек маданияти ва илмий алоқалар доирасида ташкил этилган илмий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Исломи Республикаси элчихонасининг 2017 йил 22 октябрдаги маълумотномаси). Олинган натижалар форс тилидаги лексик-грамматик воситаларни маълум вазиятга мослаб тўғри қўллай олиш учун имкон яратган.

тил ривожига оммавий ахборот воситаларининг ўрни бўйича олинган натижалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканалида «Тил зийнати» ва «Башарият сиймола-

ри» туркум кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат телеканалли» давлат унитар корхонаси, 2018 йил 16 октябрдаги 01-16/486-сон маълумотномаси). Тадқиқотга тортилган оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва унинг тил ривожига, тил маданияти шаклланишига таъсири ҳақидаги маълумотлар кўрсатувлар таъсирчанлиги ва хилқчиллигини оширишга хизмат қилган.



САЙДАЗИМОВА УМИДА ТУРАХАНОВНА

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «XVII–XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари» (10.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

XVII–XVIII асрлар корейс адабиётига таъсир кўратган конфуцийчилик, даосизм, буддизм каби диний қараш ва таълимотларга асосланиб корейс насрида миллий ғояни ифодаланиши исботланган;

корейс насрида миллий менталлик феномени бўлган: ҳурмат категорияси хё (ᄒᆞ), итоаткорлик, кўнгли очиқлик, некбинлик сифатларини кўрсатувчи хан (ᄒᆞ), яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва садоқат, юксаклик ва тубанлик каби маънавий-эстетик категориялар, озодлик концепти, идеал ҳаёт ва идеал қаҳрамонлар ҳақидаги тасаввурларнинг моҳияти асосланган;

сосол (소설) насрий асарлар туркумига кирувчи асарларнинг *пхэсол* (패설) кичик насрий асарлар асосида юзага келганлиги аниқланган;

Пак Чи Вон асарларида сирхак ҳаракатининг ватанпарварлик ғоялари, маънавий қадриятлар, олижаноблик, инсонийлик фазилатлари устунлик қилиши далилланган;

Ким Манжуннинг «*Са хонимнинг жануб бўйлаб саргардонликлари*» ва «*Тўққиз кишининг булутли туши*» романларида корейс халқига хос дунёқарашнинг икки тенденцияси – одиллик ва шахснинг ички уйғунлиги намоён бўлиши ҳамда давлат аҳамиятига молик муаммолар шахсий муаммолардан устунлиги асосланган;

XVII–XVIII асрлар корейс насри поэтикаси ва унга хос «шартли гўзаллик» ўрнига моддийлашган табиат тасвири, образларни тавсифлаш ва тасвирлашда табиат манзараларидан кенг фойдаланиш, инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш, қаҳрамонлар тасавурида оламнинг маконларга бўлиниши каби адабий анъаналар янгиланган бадиий воситалар орқали акс эттирилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

XVII–XVIII асрлар корейс насри маънавий-эстетик концепцияларининг тадқиқи бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

сосол (소설) насрий асарлар ва *пхэсол* (패설) кичик насрий асарлар таҳлили натижасида олинган илмий-назарий қарашлардан Ф-1-139 рақамли «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 15 февралдаги 0313/158-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши корейс адабиёти тарихида *сосол* (소설) насрий асарлар туркумининг ривожланиши ва миллий адабиётга мослашиши, корейс адабиётшунослигини замонавий терминлар билан таъминлашга хизмат қилган;

корейс насрида миллий менталлик феномени бўлган ҳурмат категорияси хё (ᄒᆞ) маънавий-эстетик концепциясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий хулосалардан Ўзбекистон-Корея дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти томонидан ўтказилган илмий семинарларда фойдаланилган (Ўзбекистон-Корея дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятининг 2018 йил 24 сентябрдаги 17-18-сон маълумотномаси). Натижада корейс классик адабиётида юз берган жараёнлар, унинг ривожланиш динамикаси, ўрта асрлар воқелигининг ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттирган «*Сим Чхон ҳақида қисса*»нинг яратилиш тарихи, унинг ҳануз халқ эътиборини қозониб келаётганлиги сабабларини очиб беришга хизмат қилган;

«*Чхунхян ҳақида қисса*» асарининг сюжет ва композицион қурилиши таҳлили жараёнида олинган илмий натижалардан Ўзбекистон корейс маданий марказлари илмий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон корейс маданий марказлари уюшмасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 219-сон маълумотномаси). Натижада «*Чхунхян ҳақида қисса*»даги реалистик тенденциялар, корейс насридаги муҳаббат ва садоқат категориялари Ўзбекистон корейс маданий марказлари уюшмаси аъзоларида корейс қиссаларидаги ғояларни тўғри талқин этиш имкониятини яратган;

корейс насрининг XVII–XVIII асрларда юз берган тарихий-маданий жараёнлар билан ўзаро алоқаси, бадиий асарларда маданий ҳодисаларнинг акс эттирилиши масаласи Сежонг институти илмий фаолиятига сингдирилган (Корея Республикасининг Тошкентдаги Сежонг институти 2018 йил 25 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада корейс халқининг менталитетини белгилайдиган тамойиллар ҳақидаги анъанавий тасаввурлар, ўрта асрларда Кореяда юз берган мураккаб адабий-маданий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганишга асос бўлган;

XVII–XVIII асрлар корейс насрининг бадиий-эстетик хусусиятлари таҳлили ва асарлар таржималари Ўзбекистон Миллий телерадио-компаниясининг «Маҳалла» телерадиоканалида туркум эшиттиришлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маҳалла» телерадиоканали давлат унитар корхонаси, 2018 йил 24 сентябрдаги 04-87-сон маълумотномаси). Тадқиқотга тортилган *сосол* насрий асарлар туркумига мансуб қиссалар эшиттиришларнинг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

корейс романи поэтик хусусиятлари таҳлилидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Дунё адабиёти» туркум кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

«Маданият ва маърифат» давлат унитар корхонаси 2018 йил 9 октябрдаги 02-16/472-сон маълумотномаси). Натижада XVII аср корейс адабиётида роман жанрининг асосчиси, йирик сюжетли асарлар муаллифи Ким Манжун ижоди бўйича кўрсатувлар тайёрлашга асос бўлган.



РАЖАБОВ ДИЛШОД ЗАРИПОВИЧ

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбек халқ қўшиқлари тузилиши: композиция ва образлилик» (10.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзига хос шеърӣ тузилиши, ижро усули, ижрочилар таркиби, ҳаётӣ-маишӣ вазифасига кўра халқ насри жанрларидан фарқлаиб турувчи қўшиқларнинг композициясига алоқадор специфик жиҳатлар аниқлаиб, қўшиқ ижрочилигининг шаклланиш асослари ва анъанавийлашуви далилланган;

туркий халқлар фольклоридаги қўшиқларнинг композицияси ва образлигига алоқадор типологик муштаракликлар аниқланган;

Ўзбек халқ қўшиқларида диспозиция ва композицияни белгилаш тамойиллари, уларда композицияни шакллантирувчи пейзаж, портрет, монолог, диалог сингари компонентларнинг ўрни ва вазифалари асосланган;

бармоқ ва аруз вазнидаги ўзбек халқ қўшиқларида строфик бутунликни юзага келтирувчи бадиӣ воситаларга хос банд қурилиши кўринишлари ҳамда ижро тартибига кўра турлари белгиланган;

Ўзбек халқ қўшиқлари композициясини ташкил этувчи радиф ва ҳожиб, нақарот ва рефрен, аллитерация, анафора, анадиплосис, параллелизм ҳамда поэтик синтаксиснинг бадиӣ матндаги вазифалари аниқштирилган;

Ўзбек халқ қўшиқларининг ижро композицияси ва образли структураси текширилиб, типологик жиҳатдан таснифланган образ ва поэтик сўзнинг бадиӣ матн структурасидаги ўрни кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбек халқ қўшиқларининг бадиӣ-мавзуӣ, ритмик-синтактик, структуравӣ ва ижро композициясини ҳамда композицион компонентларини, вазини ойдинлаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

халқ қўшиқларида диспозиция ва композицияни белгилаш тамойиллари ва композициянинг муҳим компонентлари ҳисобланган пейзаж, портрет, монолог ҳамда диалогнинг бадиӣ матнда тутган ўрнига доир хулосалардан Самарқанд давлат университетиде бажарилган ОТ-Ф8-027 рақамли “Кўлзма манбаларининг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 4478-10-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ қўшиқларининг келиб чиқиш тарихи, тадрижий ривож ва ижро жараёнида ҳудудий-локал хусусиятлар касб этишини асослашга эришилган;

Ўзбек халқ қўшиқларида бармоқ ва аруз вазни, банд, поэтик такрорнинг кўринишлари, қофия, радиф ва ҳожиб, нақарот ва рефрен, аллитерация, анафора ҳамда анадиплосиснинг вазифаларига оид назарӣ қарашлардан Ф-1-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтети” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 434-04-01-сон маълумотномаси). Натижада халқ қўшиқларининг жанрий-поэтик, композицион хусусиятлари, миллий сўз санъатида қўшиқларни юзага келтирган ижтимоӣ-психологик, маданий-маърифӣ, бадиӣ-эстетик омиллар ҳақида илмий-назарӣ хулосалар чиқаришга хизмат қилган;

халқ қўшиқларининг ижро композицияси ва структурасида образлар ўрни, параллелизм ва поэтик синтаксисга оид илмий-назарӣ хулосалардан Ф1 ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиӣ тафаккур тараққиётида тутган ўрни” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 88-87-2458/04-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ўзбек халқ қўшиқларида диспозиция ва композиция бутунлигини асослаш орқали образлилик, поэтик структура, қўшиқ матни семантик майдонида бадиӣ сўзнинг ўрни ва ролини кўрсатиш орқали мифологик тасавурларнинг бадиӣ тафаккур тадрижи такомилни аниқлашга имкон яратган;

Ўзбек халқ қўшиқларида диспозиция ва композицияни белгилаш тамойиллари, уларда композицияни шакллантирувчи пейзаж, портрет, монолог, диалог сингари компонентларнинг умумлашма фикрлардан Туркия жумҳурияти Карабук университетининг туркий халқлар фольклори материаллари асосидаги илмий тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланилган (Карабук университетининг 2018 йил 13 ноябрдаги 009/13-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотчиларга ўзбек халқ қўшиқларининг туркий халқлар қўшиқлари тузилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, тарихий-генетик илдизлари муштараклиги ҳақида маълумотлар беришга эришилган;

Ўзбек халқ қўшиқларидаги поэтик образлар ва уларнинг бадиӣ эстетик хусусиятларига доир илмий қарашлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг “Долзарб мавзу”, “Қадрӣят, урф-одат ва анъана”, “Наврўз удумлари”, “Алла” телекўрсатув ва радиоэшиттиришларида хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг 2018 йил 13 ноябрдаги 1/512-сон маълумотномаси). Натижада халқ қўшиқларининг маърифӣ-эстетик аҳамияти, ёш авлод тафаккури ривож, дунёқарашининг такомилдаги ўрни, юксак этнопедагогик тарбиявий аҳамияти, уларнинг сўз санъатидаги алоҳида ўрни хусусидаги хулосавӣ фикр-қарашлар янада кенгроқ оммалашган.



РАҲМОНОВА МАҲБУБА РАВШАНОВНА

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти» (10.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек халқ афсоналарига хос бадиий ижод қонуниятлари ажратиб кўрсатилиши натижасида унинг ўзбек фольклоридаги эпик турга мансуб жанрлардан бири эканлиги асосланган ҳамда унга хос шаклан ихчам бўлиш, информатив характер касб этиш, саргузашт ва муболағали тасвирга кенг ўрин берилиши каби хусусиятлар аниқланган;

Ўзбек халқ афсоналарида қадимги аждодларимизнинг ибтидоий дунёқараши, турли эътиқодий қарашлари ва мифологик тасаввур-тушунчалари акс этиши ҳамда воқелик ҳаёлий уйдирма ва бадиий тўқима асосида оғзаки ҳикоя кўринишида баён этилиши етакчи эпик тамойилга айланганлиги исботланган;

Ўзбек халқ афсоналари сюжет тизимига кўра гуруҳлаштирилган ҳамда етакчи мавзу типларига ажра-тиб таснифланиб, анъанавий мотивлар таркибининг генетик илдизлари қадимги мифология, ибтидоий та-саввур ва эътиқодий қарашлар тизими, урф-одатлар, анъана ва маросимларга боғлиқлиги очиб берилган;

Ўзбек халқ афсоналари образлар таркибининг генезиси, яъни мифологик образлар, сеҳрли предметлар образи, тарихий образлар, самовий образлар сингари мифологик архетиплар билан боғлиқлиги далиллан-ган;

Ўзбек халқ афсоналарининг ўзига хос образлилик ва бадиийликка эга бўлишида лингвопоэтик ифода воситаларининг ўрни кўрсатилиб, бу жанрга мансуб матнлар композицион қурилиши жиҳатидан эртак, нақл сингари эпик жанрлардан ажралиб туриши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбек халқ афсоналарининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

диссертациянинг афсона жанри генезиси ва таснифига доир назарий хулосаларидан ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган Ф1-ФА. 2012-1-8 рақамли «Ўзбек халқ ижоди ёдгор-ликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» (2012-2016) мавзу-сидаги фундаментал илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 89-03-3591-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ топонимик ва тарихий афсоналаридан иборат жилдларга киритиладиган афсоналар сараланиб, таянч матнлар ва уларнинг илмий изоҳлари тайёрланган;

афсона жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва ўрганилиши тарихига доир диссертация материаллари-дан Ўзбекистон Миллий университетиде Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган ОТ-Ф8-151 рақамли «Адабиёт энциклопедияси» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада «афсона» термини ва тушунчасининг моҳиятини аниқлаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 89-033430-сон маълумотномаси). Натижада «Адабиёт энциклопедияси»даги «Афсо-на» мақоласида афсоналар хусусиятлари ва бадиияти шарҳида ишончли маълумотлар берилишига эришил-ган;

мифологиянинг афсона жанри генезисида тутган ўрни ҳақидаги қарашларидан Навоий давлат педа-гогика институтида бажарилган Ф1-ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур та-раққиётида тутган ўрни» (2012-2016) фундаментал лойиҳанинг «Ўзбек фольклори ва мифология» қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 89-03-3619-сон маълумотномаси). Натижада афсоналарнинг мифологик асосларига доир назарий қарашлар такомиллаштирилган;

диссертантнинг ўзбек афсоналари туркий халқлар эпик насри тизимида тутган ўрни ва тарихий гене-тик жиҳатдан муштарак негизга эгаллиги ҳақидаги назарий умумлашмаларидан Туркия жумҳурияти Карабук университетида «TED203 – Halk Edebiyatı I», «TDE437 – Türk Mitolojisi 1», «TED703 – Türk Halk Edebiyatının Kaynakları», «TED705 – Türk Halk Edebiyatı Anlatı Türleri» фанларини ўқитишда фойдаланилган (Туркия жумҳурияти Карабук университетининг 2018 йил 10 октябрдаги 009/11-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотчиларга ўзбек афсоналарининг типологик белгилари, ундаги айрим мифологик мотив ва образлар-нинг туркий халқлар фольклори билан муштараклиги хусусида янги маълумотлар берилган;

Ўзбек халқ афсоналари сюжет тизимининг типологик хусусиятга эгаллигига доир таҳлилий хулосалар Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Адабиёт институтида бажарилган илмий тадқиқотларда туркий халқлар афсоналарининг бадиий образ ва мотивларини қиёсий ўрганиш асосида типологик ўхшашликлар-ни аниқлашда фойдаланилган (Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Адабиёт институтининг 2018 йил 1 ноябрдаги 007/12-сон маълумотномаси). Натижада туркий халқлар фольклорида афсона жанрининг келиб чиқиши ва ривожланиши ўзаро боғлиқликда кечганлиги асосланган;

Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг «Ижод гулшани» кўрсатуви, «Маънавият сарчашмаси» ва «Шукрона» эшиттиришларини тайёрлашда диссертациянинг ўзбек халқ афсоналаридаги эзгу қадриятлар талқинига доир хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 9 октябрдаги 26/236-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва эшиттиришларнинг мазмуни бойити-либ, ғоявий, илмий таъсирчанлиги оширилган.



ЭРГАШЕВА ГУЛИ ИСМОИЛ ҚИЗИ

Филология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар (10.00.11). *Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:*

гендер терминлар системасининг инсон ҳуқуқларига оид дискурс доирасида профессионал коммуникацияни амалга оширувчи когнитив структура сифатида шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар далилланган;

гендер дискурси терминологияси ва уни таржимада бериш муаммолари *герменевтик* ёндашув асосида оламни концептуаллаштириш ва категориялаштириш нуқтаи назаридан очиб берилган;

инсон ҳуқуқларига оид термин ва тушунчаларни концептуаллаштириш ва категориялаштиришда фрейм, прототип, метафорали идеаллашган когнитив моделлар, табиий семантик метатил каби семантик категорияларининг амалий лингвистикага татбиғининг ижтимоий аҳамияти далилланган;

гендер терминологияси асосида ўзбек тилида соҳа терминларини унификациялаш, халқаро стандартлар асосида меъёрлаштириш йўллари очиб берилган;

гендер терминлар системасида лексема, сўзшакл ва бирикма терминларнинг «торайган – кенгайган» тамойиллари асосида изоҳланиши исботланган;

лексикография соҳасида гендер терминлар системасини шакллантириш гендер дискурси ривожланишининг муҳим омили эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Гендерга оид терминларнинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлашга қаратилган мазкур диссертация иши натижалари асосида:

гендер терминлар системасининг инсон ҳуқуқларига оид дискурс доирасида профессионал коммуникацияни амалга оширувчи когнитив структура сифатида шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни далилловчи материаллардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” (2007-2011) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 89-03-4187-сон маълумотномаси). Айни илмий натижанинг қўлланилишида соҳага оид терминларни яратишда тилнинг ички ижодий потенциали, терминларни шаклланишида ўзига хос деривацион ва когнитив хусусиятларини тадқиқ этиш каби масалалар ўз ечимини топган;

гендер дискурси терминологияси ва уни таржимада бериш муаммоларини *герменевтик* ёндашув асосида оламни категориялаштириш ва концептуаллаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этишга доир хулосалар Лондон Метрополитен университети илмий семинари томонидан келгуси тадқиқотлар учун назарий манба сифатида хизмат қилиши эътироф этилган (Лондон Метрополитен университети, таржимашунослик факультети илмий семинарининг 2017 йил 5 апрелдаги баённомаси, 974438-432-сон маълумотномаси). Натижада қўлланилган методдан магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкин асосланган;

инсон ҳуқуқларига оид термин ва тушунчаларни концептуаллаштириш ва категориялаштиришда фрейм, прототип, метафорали идеаллашган когнитив моделлар, табиий семантик метатил каби семантик категорияларнинг амалий лингвистикага татбиғининг ижтимоий аҳамияти борасидаги хулосалардан Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида “Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили” ва “Таржима назарияси ва амалиёти: инглиз тили” таълим йўналиши модуллари ўқитишда фойдаланилган (Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2018 йил 28 ноябрдаги 10-05/192-сон маълумотномаси). Натижада таржимашунослик ва когнитив семантика фанларининг интеграцияси, амалий лингвистиканинг ижтимоий потенциали каби масалалар ўз ечимини топган;

гендер терминологияси асосида ўзбек тилида соҳа терминларини унификациялаш, халқаро стандартлар асосида меъёрлаштиришга доир тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг IV бобида фойдаланиш имконияти эътироф этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2018 йил 2 февралдаги 04/5-06-14-сон маълумотномаси). Натижада жамиятда мавжуд бўлган “ўзга” тушунчаларни термин доирасида шакллантириш, уларни мазмунан тўғри қўллаш жамиятнинг ушбу тушунчаларга нисбатан онгли муносабатини шакллантириш ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида ёрдам беради;

гендерга оид терминларни «торайган – кенгайган» изоҳлаш тамойилларига оид хулосалардан 2016-2018 йилларга мўлжалланган инновацион ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият олиб бораётган инновацион гуруҳлар томонидан яратилаётган соҳавий луғатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 ноябрдаги 89-03-4111-сон маълумотномаси). Натижада соҳага оид терминларни изоҳлаш тамойиллари мукамаллашган, изоҳларнинг илмий-манбавий асослари кучайган;

лексикография соҳасида терминлар системасини шакллантириш соҳалараро дискурслар ривожланишининг муҳим омили эканлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида *Гендерга оид термин ва тушунчалар* энциклопедик луғатини тузишда фойдаланилган (БМТТДнинг 2018 йил 30 мартдаги 250/OL/GGC/210-сон маълумотномаси). Натижада лексикографик манба жамиятда гендер дискурсини ривожлантиришда муҳим омил сифатида

хизмат қилган.



КАДИРОВ ЭШМУХАМАД ОМАНТУРДИЕВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари мисолида)» (12.00.01). *Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:*

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклиги бўйича ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш соҳасидаги профилактик фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

академик лицей ва касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ҳуқуқий ва сиёсий институтларнинг мазкур қатламга мансуб ёшлар тарбиясига оид фаолият йўналишлари ва механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлари асослан-тирилган;

илк бор ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими ходимларининг ўз хизмат фаолиятидаги ҳуқуқий фаоллигини баҳолаш юзасидан тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ва талаблар ишлаб чиқилган;

ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчиларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида “Медиамулоқот” дарсларини ташкил қилиш зарурлиги асосланган;

ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган 30 ёшгача бўлган ёшларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида жазодан шартли озод қилишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг асосий йўналиши ва ушбу сиёсатни рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг мажбурияти сифатида белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 8-банди, 10-моддаси 6-банди, 14-моддаси 4-банди, 15-моддаси 2-банди, 16-моддаси 4-бандларини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 22 февралдаги 05/01-07-219-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, прокуратура, ички ишлар, адлия органларининг ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятини ташкил қилишга ҳуқуқий асос бўлган;

ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш юзасидаги таклифларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва сиёсий партияларнинг мазкур қатламга мансуб ёшлар тарбиясига оид фаолият йўналишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи меморандумлар тузишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02/02-1238-18-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ҳуқуқий ва сиёсий институтларининг мазкур қатламга мансуб ёшлар тарбиясига оид фаолият йўналишлари ва механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ўз хизмат фаолиятидаги ҳуқуқий фаоллигини баҳолаш юзасидан тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ва талабларни белгилаш таклифлари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солувчи Низомнинг 2, 3, 4, 5, 6, ва 9-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 3 апрелдаги 31-03/05-130-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар тизим ходимларининг тартиб-интизомга қатъий амал қилиш кўникмасини шаклланишига ҳамда ўз ҳуқуқий фаоллигини баҳолаш кўрсаткичлари ва талабларини жорий қилишга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида амалиётчи мутахассислар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид таклифлардан Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқувчи ёшларга «Медиамулоқот» дарсини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 27 февралдаги МХ-01/12-48 сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражасини ошириш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган 30 ёшгача бўлган ёшларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида жазодан шартли озод қилиш борасидаги таклифи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида Меморандумда белгиланди. (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 5 мартдаги 2018 йил 04-13/1275-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилган.



ЗИЁДУЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЗИЁДУЛЛАЕВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш» (12.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва функцияларини қонун ҳужжатларида ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб бериш зарурати асослантирилган;

ички ишлар органлари таянч пунктларини бошқариш уларнинг фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техникавий, кадрлар билан таъминлаш ҳамда негизда ҳамкорликни

йўлга қўйишдан иборат ички изчиллик ва узвий алоқадорликдаги мураккаб жараён эканлиги илмий асослантирилган;

туман, шаҳар даражасида ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва ташкил этишнинг ягона ташкилий тизимини қарор топтириш, уни комплекс ҳуқуқий таъминлаш имконини берувчи бошқарув қарори билан тартибга солиш зарурлиги асослантирилган;

таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда, тизимли ва дифференциал ёндашиш, унга илғор иш усуллари ва моделлари жорий этиш ҳамда жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлигига таяниш зарурлиги илмий асослантирилган;

соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлигини юксалтириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш таянч пунктлари фаолиятини самарали ташкил этишга таъсир кўрсатувчи муҳим мезон эканлиги ҳамда ушбу лавозимлар учун захирани яратишда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси имкониятларидан фойдаланиш зарурати асослантирилган;

жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш – мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳамда ушбу соҳани қонун билан тартибга солиш зарурати асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақомини қонун билан мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонунининг 15-моддаси (Ички ишлар органларининг таянч пунктлари)ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 16 январдаги 06-2/06-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ички ишлар органлари таянч пунктлари тушунчаси, таркиби ва моҳиятини қонун билан белгилаб беришга хизмат қилган;

таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик ва моддий-техникавий таъминлашни такомиллаштириш ҳамда негизда тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали уларни бошқариш самарадорлигини оширишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон Қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»ги 2017 йил 17 октябрдаги 26/-2864-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар таянч пунктлари фаолиятининг ташкилий ва моддий-техник таъминоти, профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорлигини ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини ва уларнинг негизда ҳамкорликни тизимли ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички ишлар органлари таянч пунктлари ва профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этишга доир буйруқларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 24 февралдаги 26/608-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини ва негиздаги ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб бериш ҳамда бу борадаги амалиётни такомиллаштиришга хизмат қилган;

таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳудуднинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, тизимли ва дифференциал ёндашиш асосида ташкил этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонунининг 3, 10-моддалари, III, IV, V ва VI бобларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 22 февралдаги 06-15/8-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини аниқ белгилаш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қонун билан ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилган;

профилактика инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришни сайёр тарзда ташкил этиш, уларнинг захирасини яратишда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмалари имкониятларидан фойдаланишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 24 декабрда-

ги ПҚ-4075-сон Қарорининг 2, 3, 5 ва 7-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 12 январдаги 38/1-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар профилактика инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчи фаолиятини ташкил этиш ва таянч пунктлари негизда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлашда имкониятларидан фойдаланишга хизмат қилган.



ХАЙИТОВ ХУШВАҚТ САПАРБАЕВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» (12.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилгунига қадар фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида тайёрланиши қонунларнинг халқчил ва мукамал қабул қилинишига хизмат қилиши асослантирилган;

қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш учун масъул бўлган давлат органлари кўрсатилиши қонунларнинг сифатли ижро этилишига ҳисса қўшиши асослантирилган;

қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва оммавий муҳокама қилинишини жамоатчилик назоратининг алоҳида шакли сифатида белгилаш қонун лойиҳаларини тайёрлаш самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги асослантирилган;

жамоатчилик назорати объектига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олишга доир фаолиятни киритиш ҳамда унинг холислик принципи асосида ўтказилиши лозимлиги асослантирилган;

қонун лойиҳалари матнларида муайян соҳага оид бўлган ва тор доирадаги мутахассисларгина тушунадиган атамаларнинг изоҳини кўрсатиш, шунингдек, ваколатли давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилгунига қадар фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида тайёрланишига доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунига (16-модда) ўзгартиш ва қўшимча киритиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 14 мартдаги 06/1-05/2683 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш қонун ижодкорлигида жамоатчилик ҳамда илмий доира вакиллари фикрини ўрганиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилган;

қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш учун масъул бўлган давлат органлари кўрсатилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунига (24-модда) ўзгартиш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 14 мартдаги 06/1-05/2683 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш қонундаги нормаларни ижро этиш ва уни аҳоли ўртасида тарғиб этиш механизмни ривожлантиришга хизмат қилган;

қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва оммавий муҳокама қилинишини жамоатчилик назоратининг алоҳида шакли сифатида белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни (9, 12-моддалари) лойиҳасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 05/02-11-49-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш жамоатчилик назоратининг жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик муҳокамаси каби шакллариининг ҳуқуқий асосланишига ҳисса қўшган;

жамоатчилик назорати объектига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олишга доир фаолиятни киритиш ҳамда унинг холислик принципи асосида ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни (4, 5-модда) лойиҳасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 05/02-11-49-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қабул қилинаётган қонунларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олишнинг ҳуқуқий механизмни такомиллаштиришга ва бунда холислик принципининг белгиланишига ҳисса қўшган;

қонун лойиҳалари матнларида муайян соҳага оид бўлган ва тор доирадаги мутахассисларгина тушунадиган атамаларнинг изоҳини кўрсатиш, шунингдек, ваколатли давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ

ва мажбуриятларини алоҳида белгилаш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонуни (3, 12, 16, 17, 26-моддалари) лойиҳасини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2018 йил 28 августдаги 06/02-05/615-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонун лойиҳаси матнида муайян мутахассисликка оид атамалардан фойдаланиш ва ваколатли давлат орган ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашнинг ҳуқуқий механизмини мустаҳкамлашга хизмат қилган.



ЯКУБОВ ШУХРАТ УММАТАЛИЕВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш» (12.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларини жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда қонунга киритиш зарурати асослан-тирилган;

сиёсий партияларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги, шунингдек партия ташкилотларининг ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш ваколатини қонунларда белгилашнинг амалий аҳамияти асослан-тирилган;

фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, хусусан, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси ҳамда жамоатчилик экспертизасини амалга оширишда парламент билан ҳамкорлиги таъсир даражасини ошириш зарурати асослан-тирилган;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини таҳлил этиш асосида, алоҳида қонун қабул қилиш зарурлиги илмий ва амалий жиҳатдан асослан-тирилган;

тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шерикликдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқлаштириш ҳамда мазкур шериклик муносабатларининг ҳуқуқий механизмларини қонун ҳужжатларида белгилаш зарурати асослан-тирилган;

фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг узоқ муддатли мақсадлари ҳамда устувор йўналишларини белгилловчи стратегик ҳужжатни қабул қилиш зарурати асослан-тирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларини жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида ҳуқуқий мақомини белгилашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 16 майдаги 05/02-66-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш жамоатчилик кенгашлари мақомини қонунда аниқ белгиланишига хизмат қилган.

Нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида сиёсий партияларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги, шунингдек партия ташкилотларининг ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тайёрлаш ва улар ижросини назорат қилиш бўйича ваколатларини кенгайтиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунининг 5 ва 7-моддаларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 8 августдаги 06/1-05/1881 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш сиёсий партияларнинг ҳудудий дастурлар ижроси бўйича назоратни амалга ошириш ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилган.

Жамоат бирлашмаларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлигига оид таклифлардан «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 24 августдаги 06/2-06/619-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонунда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги белгиланишига хизмат қилган.

Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, шунингдек, уларнинг қонун чиқарувчи орган билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада кучайтиришга оид таклифларнинг 2018 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси»нинг иккинчи бўлими 3-бандини (фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакиллари жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 2018 йил 25 августдаги 01/1-579-сон маълумотномаси) Илмий натижалардан фойдаланиш норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтларини иштирокининг белгиланишига хизмат қилган.

Харакатлар стратегиясини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини янада кенгайтириш, «Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шерикликдаги иштироки ҳуқуқий механизмларини белгилаш,

мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг устувор йўналишларини белгиловчи стратегик ҳужжатни қабул қилишга оид таклифлар «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид давлат дастурларини тайёрлашда, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилашда инobatга олинган (2018 йил 30 май куни тақдим этилган 001/54-455-сон маълумотнома). Илмий натижалардан фойдаланиш фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлашда, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилашда методологик манба сифатида хизмат қилган.

АБДУҚОДИРОВ ШЕРЗОД ЁҚУБЖОНОВИЧ



Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари» (12.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш оқибатида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган ҳолларни ушбу жиноятнинг оғирлаштирувчи таркибидан асосий таркибига ўтказиш орқали

жавобгарликни либераллаштириш асосланган;

этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятининг баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, одамлар ўлимига, бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганлигини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қонунда белгилаш орқали жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш имконини кенгайтириш таклиф этилган;

ижтимоий хавфлилик даражасининг пастлиги, фуқаролик ва иқтисодий иш юритуви доирасига кириши зарурати инobatга олиб, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ва рақобатчини обрўсизлантиришни декриминализация қилиш кераклиги асосланган;

қонунга хилоф равишда товар белгиларидан фойдаланишни тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг янги тури эканлиги аниқланиб, ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар натижасида келиб чиқадиган бошқа оғир оқибатларга айбдор томонидан икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, камида бир шахснинг ҳалок бўлиши ва бошқа шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, бошқа шахсларга ОИВ, ОИТС ва бошқа юқумли касалликлар юқишига, инсонларнинг оммавий заҳарланиши (касалланиши), шунингдек тадбиркорлик субъектларининг тугатилиши ёки банкрот бўлишига сабаб бўлиш ҳолатларини киритиш асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, мазкур жиноят профилактикасининг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 13¹-бобининг нормаларини такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 06/1-02/548вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали самарали муҳофаза қилинишига хизмат қилган;

ноқонуний тадбиркорлик фаолияти жинояти учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 188-моддасининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 06/1-02/548вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ноқонуний тадбиркорлик фаолияти учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга ҳисса қўшган;

савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жинояти учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 189-моддасининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 06/1-02/548вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилган;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифини аниқлаштиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 2013 йил 20 декабрдаги 20-сон қарорининг 7, 9, 10, 13-бандларининг қоидаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2015 йил 23 февралдаги 11-15-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни тўғри ва бир хилда қўлланилишига ҳисса қўшган.



ХОЛИКУЛОВ УМИД ШОДИЕВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг назарий асослари» (12.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг диспозициясини шакллантиришда тизимли ёндашиш, хусусан жиноят таркиби белгиларини мазмун-моҳияти, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра модданинг турли қисмлари ёки турли моддаларда мантиқий изчилликда баён этиш лозимлиги асослантирилган;

террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида етказилган зарарни қоплашда зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи ўртасидаги тизимли алоқадорликда таъминлаш зарурати очиб берилган;

жиноят қонунчилиги нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан унификация қилиш – жиноят ҳуқуқи нормаларини, шунингдек, унинг манбаси ҳисобланган ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан қиёслаш орқали уларга мувофиқлаштириш ва мослаштиришдан иборат жараён эканлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўлланадиган атама ва тушунчаларни уларнинг тегишли соҳалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифлари мазмунига мос равишда такомиллаштириб бориш жиноятларни квалификация қилишда уларни турлича шарҳлаш ҳамда унинг натижасида келиб чиқадиган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилиши асослаб берилган;

жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни ахлоқан тузатиш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритишда, энг аввало, шахснинг табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инobatга олиш зарурати асослантирилган;

айбли ижтимоий хавфли қилмишларни уларнинг хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига икки тоифага – кам аҳамиятли қилмиш ва жиноятга ажратиш лозимлиги асосланган;

тажовузга учраган қадрият, неъмат ёки манфаатни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини белгилловчи муқобил кўрсаткичлар сифатида аниқ белгилаш зарурати ҳамда жиноятларни таснифлашда уларнинг аҳамияти асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг назарий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг диспозициясини шакллантиришда жиноят таркиби белгиларини мазмун-моҳияти, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра модданинг турли қисмлари ёки турли моддаларда мантиқий изчилликда баён этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 155³-моддаси (Терроризмни молиялаштириш)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2016 йил 24 апрелдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми моддасининг диспозициясини шакллантиришга тизимли ёндашиш имконини берган;

зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи ўртасидаги тизимли алоқадорлик асосида таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1001-моддаси (Зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқи)ни такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 9 февралдаги ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари Кўмитасининг 2015 йил 9 февралдаги 06/2-06/96вх-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши жиноят қонунининг ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан алоқадорлигини таъминлашга, шу жумладан, зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини мустақамлашга хизмат қилган;

жиноят қонунчилигини халқаро ҳуқуқ нормалари билан унификация қилишга оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги 3/32-1853/8-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф жиноят қонунчилиги нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш орқали уларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўлланадиган атама ва тушунчаларни уларнинг тегишли соҳалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифлари мазмунига мос равишда такомиллаштириб боришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси (Асосий тушунчалар)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 06/2-06/896-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши экстремизмга қарши кураш соҳасидаги атама ва тушунчаларнинг жиноят қонунчилигида бир хилда қўлланилишига, шунингдек, Жиноят кодекси нормаларининг ўзаро ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўртасидаги

номувофикликларни бартараф қилишга хизмат қилган;

жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жорий этишда шахснинг табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инobatга олишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддаси (Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш)ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 11 ноябрдаги 06/2-06/895-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши шахсга жазо тайинлашда унга табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инobatга олган ҳолда муқобил жазоларни қўллашга хизмат қилади;

айбли ижтимоий хавфли қилмишларни уларнинг хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кам аҳамиятли қилмиш ёки жиноят сифатида белгилашга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 15 декабрдаги 3/32-1853/8-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига айрим жиноятларни декриминализация қилинишига хизмат қилган.



МАТЧАНОВ АЛИМЖАН АТАБАЕВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатлари» (12.00.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суд ва терговдан яширинган жиноятчилар қидирувининг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик таъминланиши ҳамда қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг механизмини жиноят-процессуал қонунчилигида алоҳида институт сифатида комплекс тарзда ҳуқуқий мустақамлаш зарурати асослантирилган;

жиноят содир этган шахслар қидируви – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят содир этиб, суддан ва дастлабки терговдан қасддан яшириниб юрган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида уларнинг қаердалигини аниқлаш ва ушлаш орқали тергов ёки суд жараёнида иштирокини таъминлашдан иборат технологик жараён эканлиги асослантирилган ҳамда унинг маҳаллий, давлат даражасидаги, давлатлараро ва халқаро турлари таснифланган;

қидирувда бўлган айбланувчиларнинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофазасига қаратилган янги ҳуқуқий кафолатлар – сирдан айб эълон қилиш, эҳтиёт чорасини қўллашда ҳимоячи ёки қонуний вакилнинг иштироки шартлигини белгилаш қидирувдаги шахсларнинг ҳуқуқлари умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда таъминланишига ҳисса қўшиши асослантирилган;

қонун ҳужжатлари билан яширинган жиноятчиларнинг қидирувини ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ушбу жараёндаги ҳамкорлигини, қидирувдагиларни ушлаб туриш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш ички ишлар органларининг жиноят содир этган шахслар қидирувини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи омиллар эканлиги асослаб берилган;

жиноятчиликка қарши кураш фаолиятига қўмаклашувчи халқаро ташкилотлар (ИНТЕРПОЛ, ЕВРОПОЛ, ШҲТ ва бошқ.) ҳамда алоҳида давлатлар ўртасида қидирув соҳасидаги ҳамкорликнинг механизмларини ўзаро келишиб олиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали илғор иш усуллари ва тажрибаларини алмашиб бориш, ўзаро молиявий, методик ва техник ёрдам кўрсатиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш халқаро қидирувдаги жиноятчиларни топиш ва ушлаб бериш бўйича давлатлараро ҳамкорликни такомиллаштиришга хизмат қилиши асослаб берилган;

терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг, бевосита қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ички ишлар органлари ходимларида жиноят содир этган шахсларнинг қидирувини алоҳида технологик жараён сифатида ташкил этишга оид касбий билим, амалий кўникма ва малакаларини ошириш учун уларни алоҳида махсус дастурга мувофиқ ўқитиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Жиноят содир этган шахслар қидирувини жиноят-процессуал ва криминалистик такомиллаштиришнинг жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қидирувга эълон қилинган, суд ва терговдан яширинган жиноятчиларни қидирувининг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик тактикаси, прокурор назорати механизмини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддаси (Терговчининг ваколатлари), 38¹-моддаси (Суриштирувчининг ваколатлари), 39²-моддаси (Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахсининг ваколатлари), 381¹-моддаси (Суриштирувни тўхтатиш), 382-моддаси (Прокурор ваколатлари)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 27 июлдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш асосида, одил судловдан қочиб юрган жиноятчиларни қидирувини комплекс процессуал ташкил этишга хизмат қилган;

«жиноят содир этган шахслар қидируви» тушунчасига таъриф бериш ва унинг турларини таснифлаш-

га доир илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Гумон қилинувчи ва айбланувчини қидируви)ни янги 45¹-боб киритишда фойдаланмоқда (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 2018 йил 29 декабрдаги 18/7404-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар жиноят содир этган шахслар қидируви ва унинг турларининг илмий-назарий ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қидирувда бўлган айбланувчилар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид таклифлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази фаолиятида фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 2018 йил 1 августдаги 05/815-сон маълумотномаси). Булар дастлабки терговда қидирувга эълон қилинган жиноятчиларнинг ҳуқуқларини умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос равишда таъминланишига ҳисса қўшган;

ички ишлар органларининг яширинган жиноятчиларни қидирув фаолияти механизмини такомиллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон қонунининг 4-моддаси (Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари), 11-моддаси (Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги), 16-моддаси (Ички ишлар органларининг мажбуриятлари), 17-моддаси (Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари), 18-моддаси (Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби) ва 19-моддаси (Худуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш)) ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 06/2-08-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари томонидан яширинган жиноятчиларни қидирув технологик жараёнини ривожлантиришга ҳисса қўшган;

халқаро қидирувда бўлган жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш бўйича давлатлараро ҳамкорликни такомиллаштиришга оид таклифлардан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари фаолиятида фойдаланилган (БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2018 йил 23 октябрдаги 172/12-сон ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 2018 йил 20 ноябрдаги 720/18-сон маълумотлари). Ушбу таклифлар яширинган жиноятчиларни қидиришнинг халқаро тартиб-таомилларини мақбуллаштириш, халқаро ҳамкорликни самарали ташкил этишга хизмат қилган.



ТИЛЛАБАЕВ МИРЗАТИЛЛО АЛИШЕРОВИЧ

Юридик фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органлари ўзаро ҳамкорлигининг назарий-амалий жиҳатлари» (12.00.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Бизнес-омбудсманнинг ваколатларини кенгайтириш бўйича таклифлар асослан-тирилган;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро органларнинг функциялари ва уларнинг ваколатларида такрорланишига йўл қўймаслик ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнини кучайтириш зарурати асосланган;

Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман институтини жорий этиш таклифи асослан-тирилган;

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасига киритиш учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим таълим, петиция билан мурожаат қилиш ҳамда ахборот олиш ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни таъсис этиш тўғрисида таклифлар асослан-тирилган;

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, жумладан, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатларига аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органлари ўзаро ҳамкорлигининг назарий-амалий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 10 июндаги 02/510-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ваколатларини кучайтириш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчилик назорати механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг шартномавий органлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалари бажарилишига оид миллий маърузаларни, таҳлилий ва ахборот материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2018 йил 15 июндаги 01-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар БМТ тузилмаларига ҳисоботлар тақдим қилиш ва уларнинг тавсияларини бажариш механизмларини такомиллаштириш, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг қуйидаги резолюциялари лойиҳаларини ишлаб

чиқишда фойдаланилган;

Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман институтини жорий этиш бўйича таклифи “Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018 йил 25 майдаги 04/125-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар қонун лойиҳасининг Омбудсман мақоми ва ваколатлари, фаолият йўналишлари, мурожаатлар билан ишлаш вазифалари, Омбудсманнинг халқаро ҳамкорликдаги иштироки билан боғлиқ нормалар билан такомиллаштиришга хизмат қилган;

инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий шартномаларни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018 йил 25 майдаги 04/125-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар лойиҳага инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим, петиция билан мурожаат қилиш ҳамда ахборот олишга бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни таъсис этиш тўғрисидаги қўшимчалар билан тўлдиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини тайёрлашда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини янада такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) нинг 2018 йил 8 июндаги 01-01/168-сон; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018 йил 25 майдаги 04/125-сон маълумотномалари). Мазкур таклифлар парламент Омбудсмани ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ваколатларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятлар бажариш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган.



РАХИМОВ АТАНАЗАР КАРИМОВИЧ

Педагогика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (“Эволюцион таълимот” фанини ўқитиш мисолида)» (13.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Табиий-илмий дунёқараш” атамасининг мазмун-моҳияти биология фанлари таълимининг праксиологик (амалий, самарадор, рационал) йўналиши ҳамда дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идентив хусусиятларга кўра интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

“Эволюцион таълимот” фанини ўқитиш мазмуни микроэволюция ва макроэволюция жараёнларига оид компетенциявий талабларга (“DNA research” технологияси таркиби, воситалари) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш жараёни (ахборот устида мустақил ишлаш, рефлексив нуқтаи назарни қарор топтириш, витеген ва субъектив тажрибани шакллантириш) индивидуал ва дифференциал таълим технологияларининг интегратив хоссаларини (ижодий, эмоционал-рағбатловчи, вариатив ўқув топшириқлари) аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг методик тузилмаси (мотивацион, когнитив, амалий-фаолиятли) ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларини босқичли ва мақсадли лойиҳалаш ёндашуви (кейс-тўплам, нетворкинг, маҳорат дарслари) асосида такомиллаштирилган;

талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришга йўналтирилган мезонлар (ностандарт, креатив ўқув ва тест топшириқлари) таркиби табиий-илмий саводхонликни баҳолашга оид талабларни (рефлексив баҳолаш, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллаш, инновацион фаолият) белгилаш асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

“Эволюцион таълимот” фанини ўқитиш мазмуни, микроэволюция ва макроэволюция жараёнларига оид компетенциявий талаблар (“DNA research” технологияси таркиби, воситалари)га доир таклифлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 сентябрдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5140100 – Биология (турлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 89-03-4463-сон маълумотномаси). Натижада биология фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фанга доир хусусий компетенцияларни лойиҳалаш имконияти яратилган;

талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг методик тузилмаси, ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларини босқичли ва мақсадли лойиҳалаш оид таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Генетика ва селекция асослари” номли дарсликни (№176, ISBN 978-9943-10-614-7) (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 89-03-1888-сон маълумотномаси) тайёрлашда фойдаланилган. Дарсликнинг “Эволюцион таълимот” бўлими талабаларнинг эволюцион жараёнларнинг босқичларига (популяция, кенжа тур ва тур ҳосил бўлиши) оид билим, кўникма ва малакалари даражасини оширишга хизмат қилган;

талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришга йўналтирилган мезонлар, табиий-илмий саводхонликни баҳолаш, индивидуал ва дифференциал таълим технологияларининг интегратив хоссаларига оид тақлиф ва тавсиялардан А-1-141 рақамли “Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини учун модулли Web технология асосида электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 89-03-1849-сон маълумотномаси). Лойиҳа доирасида “Биологик фанларнинг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”, “Олий таълимда биологик фанларни ўқитиш методикаси” махсус фанларининг ўқув мазмуни такомиллаштирилган;

“табиий-илмий дунёқараш” атамасининг мазмун-моҳияти, биология фанлари таълимининг практикологик йўналиши ҳамда дидактик мақсадларини идентив хусусиятларига оид амалий тавсиялардан “Генетика ва селекция асослари” номли дарсликни ишлаб чиқиш ва унинг методик таъминотини тайёрлашда фойдаланилган (№176, ISBN 978-9943-10-614-7) (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 89-03-1888-сонли маълумотномаси). Мазкур дарслик “Эволюцион таълимот” фанидан педагогик тажриба-синов ўтказиш материаллари” номли ўқув қўлланмасини тайёрлаш, талабаларда илмий тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

ТАЖИБАЕВ СОЙИБ САМИЖОНОВИЧ

Педагогика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини илмий-педагогик асослаш» (13.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич тайёргарлик босқичида ўсмир яккакурашчиларнинг (бокс, таэквондо) ўқув-машғулоти жароёнига татбиқ этилган ҳаракатли ўйинлар шуғулланувчиларнинг вазиятга ва шахсга хос хавотирланишини меъёрлаштириб спорт мотивациясини ривожлантирган;



ўсмир яккакурашчиларнинг махсус жисмоний (портловчан чидамлилик индекси, портловчан чидамлиги коэффициенти, креатинфосфат иш қобилияти индекси, тезлик чидамлиги коэффициенти, тезлик чидамлилик индекси, гликолитик чидамлилик индекси, тезкор-куч тайёргарлигининг иш қобилияти индекси ва бошқа.), психофизиологик (оддий ҳаракат реакцияси) ва техник тайёргарлигини сифатли баҳолаш ҳамда назорат қилишни таъминловчи компьютер дастури такомиллаштирилган;

турли тайёргарлик босқичларида шуғулланувчи спортчиларнинг ҳаракат тайёргарлигидаги биокинематик хатоларни аниқлаш ва бартараф этишга оид муҳим тавсия ва тақлифларни ишлаб чиқишда 3D ўлчамли методика такомиллаштирилган;

ҳаракатли ўйинлар ва бокс, таэквондо спортига хос ҳаракат фаолиятлари биокинематикаси ўзаро таққосланиб, тана елка қисми сагиттал текислигининг бурилиши 85° бурчак остида, боксчиларда тўғридан ва ёндан зарба бериш вақтидаги тана елка қисми сагиттал текислигининг бурилиши 87° бурчак остида амалга оширилиши, ўйин вақтида иштирокчининг рақибга нисбатан перпендикуляр ҳолатга ўтишида тана тос қисми сагиттал текислигининг айланма-қайрилиш кўринишидаги ҳаракатлиниши 62,5° бурчак остида, боксчиларнинг тўғридан ва ёндан зарба бериш вақтида эса ушбу ҳаракат 72,2° бурчак остида амалга оширилиши аниқланган;

яккакураш спорт турларида ҳаракат тузилмаси ва ўзлаштирилаётган техник ҳаракатлардаги мушак кучланишлари хусусиятига, базавий ҳаракатлар техникасининг биомеханикавий тавсифларига мувофиқ ҳолда базавий техник кўникмаларни муваффақиятли эгаллашга ёрдам берувчи ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилган;

ўсмир яккакурашчиларнинг ўқув-машғулоти жароёнида ҳаракатли ўйинлардан шуғулланувчиларнинг комплекс (жисмоний (умумий ва махсус), техник, психофизиологик (спорт мотивацияси, вазиятга ва шахсга хос хавотирланиш, оддий ҳаракат реакцияси)) тайёргарлигини такомиллаштирувчи восита сифатида мақсадли фойдаланишга методик ёндашув йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини илмий-педагогик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсмир яккакурашчиларнинг психофизиологик тайёргарлигида табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлар яккакураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи спортчиларнинг ўқув-машғулоти жароёнда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ўсмир боксчиларнинг вазиятга хос хавотирланиш кўрсаткичи 16-17%га, шахсга хос хавотирланиш кўрсаткичлари 17-19,4%га яхшиланишига, спорт мотивациясининг 21-23%га, ҳаракат реакцияси тезлигини 19,4-21,7%га ривожланишига хизмат қилган;

ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлар яккакураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ўсмир яккакурашчиларнинг тезкор-куч сифатлари 19-21%га, мутлоқ кучи 17-19%га, нисбий кучи 121-23%га, портловчан чидамлилик индекси 29-31%га, портловчан чидамлилик коэффициенти 25-28%га, иш қобилиятининг креатинфосфат индекси 33-35%га ўсишига

эришилган;

яккакурашчиларнинг махсус жисмоний ва психофизиологик тайёргарлигини сифатли назорат қилишда такомиллаштирилган компьютер дастурдан спортнинг яккакураш тури бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчи спортчиларнинг ўқув-машғулоти жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада такомиллаштирилган дастурдаги назорат машқлари ўсмир яккакурашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигида портловчан чидамлик индекси, портловчан чидамлик коэффициенти, креатинфосфат иш қобилияти индекси, тезлик чидамлиги коэффициенти, тезлик чидамлиги индекси, гликолитик чидамлик индекси, тезкор-куч тайёргарлигининг иш қобилияти индекси, психофизиологик тайёргарлигида оддий ҳаракат реакциясини баҳолашдаги ахборотлиги, валидлиги, ишончилиги, олинган натижаларни тез ва аниқ қайта ишлаб чиқишдаги самарадорлиги амалиётда исботланган;

ҳаракатли ўйинлар ва яккакураш спорт турларига хос ҳаракат фаолиятлари биокинематикасини қийсий таҳлил қилишда 3D ўлчам ёрдамида аниқлаш методикаси Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернати ва спортнинг яккакураш тури бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчи спортчиларнинг ўқув-машғулоти жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ҳаракатли ўйинлардаги тана елка қисми сагиттал текислигининг бурилиши 85° бурчак остида, боксчиларда тўғридан ва ёндан зарба бериш вақтидаги тана елка қисми сагиттал текислигининг бурилиши 87° бурчак остида амалга оширилиши, ўйин вақтида иштирокчининг рақибга нисбатан перпендикуляр ҳолатга ўтишида тана тос қисми сагиттал текислигининг айланма-қайрилиш кўринишидаги ҳаракатлиниши 62,5° бурчак остида, боксчиларнинг тўғридан ва ёндан зарба бериш вақтида эса ушбу ҳаракат 72,2° бурчак остида амалга оширилишини аниқлаш имконини берган;

яккакураш спорт турларида ҳаракат тузилмаси ва ўзлаштирилаётган техник ҳаракатлардаги мушак кучланишлари хусусиятига, базавий ҳаракатлар техникасининг биомеханикавий тавсифларига мувофиқ ҳолда базавий техник кўникмаларни муваффақиятли эгаллашга ёрдан берувчи ҳаракатли ўйинлар яккакураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ўсмир спортчиларнинг ўқув-машғулоти жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада 11-13 ёшли боксчиларда ўнг қўлда тўғридан зарба бериш ҳаракатлари техникаси 17-19% га, чап қўлда тўғридан зарба бериш ҳаракатлари техникаси 18-21%га, ўнг қўлда ёндан зарба бериш ҳаракатлари техникаси 23-25% га, чап қўлда ёндан зарба бериш ҳаракатлари техникаси 21,4-23,5%га, 12-13 ёшли таэквондочиларда ўнг оёқда доллэ чаги зарбасининг бажарилиш техникаси 27-29% га, чап оёқда бажариладиган доллэ чаги зарба техникаси 25,3-27,6% га, чап ва ўнг қўлларда бажариладиган ап чаги зарба техникаси 17-21% га ривожланишига хизмат қилган;

ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигини такомиллаштирувчи восита сифатида ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланишнинг методик ёндашувлари ишлаб чиқилиб яккакураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортчиларнинг ўқув-машғулоти жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 6 декабрдаги 01-07-10-3113-сон маълумотномаси). Натижада ўсмир қиличбозларнинг куч сифати 17,4-19,21% га, чаққонлик сифати 21,2-23,4% га, эгилувчанлик 43,5-45,6%га, чидамлик сифати 11-13%га, 10-13 ёшли таэквондочиларнинг тезкор-куч сифатлари 18-21% га, тезлик сифати 28-33% га, чаққонлик сифати 15-17% га, чидамлик сифати 12,5-14,8% га ўсишига эришилган.



ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОРА ОБЛАҚУЛОВНА

Педагогика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: “Касб-хунар коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш” (13.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион, мотивацион, интеллектуал имкониятлари аниқланиб, акмеологик таълим муҳитини яратишнинг методик таъминоти (ўқув-услубий манбалар, электрон таълим ресурслари) такомиллаштирилган;

бўлажак мутахассисни когнитив, аффектив, психомотор, касбий, краетив шакллантириш ва интенсив касбий тайёргарликни амалга оширишни, акмешах бўлиб етишиш технологиясининг ташкилий шакллари ва акмеологик ёндашувли ўқитиш тизими такомиллаштирилган;

касбий таълимга акмеологик ёндашувни жорий этишнинг инновацион концептуал тузилмаси, ўқув-билиш фаолиятини акмеологик касбий йўналтириш усуллари (ўқувчининг индивидуал касбий ривожланиш дастури, ўқувчининг акмеограммаси, ўқувчининг электрон портфолиоси) орқали ўқувчининг креатив қобилиятни шакллантириш модели такомиллаштирилган;

касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёни самарадорлигини ошириш (“SWOT”, “SMART”, “SCORE”, “Синектика” каби методларни қўллаш) методикаси ишлаб чиқилган, электрон ўқув контент ва акмеологик технологияларни уйғунликда қўллаш орқали ўқувчиларда касбий компетентлик ва акмеологик йўналганлик мазмуни такомиллаштирилган;

“Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазифалари интеграциясини таъминлаш асосида мунозарали акметехнология, ривожланти-

рувчи акметехнология, тренингли акметехнология ва ўйинли акметехнологияларни қўллаш методикалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлик жараёнини такомиллаштиришда олинган илмий натижалар асосида:

акмеологик таълим муҳитини яратишнинг методик таъминоти, ўқув-билиш фаолиятини акмеологик касбий йўналтириш, акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этиш имкониятларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи билан тасдиқланган яқка муаллифликда 5111000–Касб таълими йуналиши учун намунавий ўқув дастурлари: “Касб таълими методикаси”, “Таълим технологиялари”, “Касбий педагогика”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Касб психологияси” фан дастурлари ишлаб чиқилган ва услубий таъминот мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 89-03-695-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминот касб-хунар таълимини ташкил этиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида интенсив касбий тайёргарлик, касбий акмеологик методикасини такомиллаштириш асосида ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 89-03-695-сон маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган ўқув таъминоти акмеологик ёндашув асосида интенсив касбий таълим-тарбияни амалга ошириш, касбий тайёргарликни модернизациялаштиришга хизмат қилган;

акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этиш, электрон ўқув контент ва акмеологик технологияларни уйғунликда қўллаш, касбий таълимда акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион концептуал тузилмаси элементларидан “Электротехника ва электроника асослари” фанидан электрон таълим ресурслари (электрон ўқув контент) яратилган ва таълим жараёнига татбиқ этилган (Касб-хунар таълими Марказининг 2017 йил 20 декабрдаги ФР-02/05-4677/м-сон маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган ўқув контент акмеологик ёндашув асосида касбий йўналтирилган ўқитиш тизимида билимларни интегратив тақдим этишга хизмат қилган;

ўқитишда таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазибалари интеграциясини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнида акме-шахс мутахассисга қаратилган педагогик-психологик шарт-шароитларни жорий этиш механизми элементларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори қароридаги кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш вазибаларини таъминлаш мақсадида яқка муаллифликда касбий таълим жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ўқув-услубий таъминот мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 89-03-695-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминот касб-хунар коллежида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга, ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

таълим оловчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси, тамойили, интерфаол услублар ҳамда электрон ўқув контент ва акмеологик технологияларни уйғунликда қўллаш орқали ўқувчиларда касбий компетентлик ва акмеологик йўналганликни такомиллаштиришга асосланган методик таъминот ишлаб чиқилган (Касб-хунар таълими марказининг 2017 йил 20 декабрдаги ФР-02/05-4677/м-сон маълумотномаси). Мазкур методик таъминот ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги, билимларни ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражаларини ошириш, касбий креатив қобилиятни шакллантириш ва ривожлантиришга имкон берган.



МИРСОЛИЕВА МУХАББАТ ТУХТАСИНОВНА

Педагогика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» (13.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОТМ раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш архитекtonикаси акмеологик мезонлар (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик)нинг фаолият талаблари ва касбий ривожланиш методологияси билан интегратив уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

раҳбар ва педагог кадрларнинг компетенциялар модели ва кластерли тузилмаси таълимни модернизациялаш шароитида уларни касбий тайёргарлиги мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари ҳамда кооператив(таянч) ва метакомпетенциялар тизимини (ижтимоий, когнитив, функционал) интеграциялаш асосида ишлаб чиқилган;

ОТМ раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг импакт мониторинг тизими, таълим дастурларини табақалаштириш ҳамда муқобил малака ошириш шакллари аниқланган таълим талабларига мувофиқлаштириш асосидаги ташкилий-бошқарув механизмлари аниқланган;

касбий компетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик механизмлари лойиҳавий таълим, аралаш ўқитиш, тьюторлик хизмати ва инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини кваллиметрик механизмлари компетентлик да-

ражасини баҳолашнинг инфор­мацион ва аналитик мезонларини интеграл диагностик технологиялар (био портфолио, тест синовлари, «assessment centre») ва индикаторли тузилма билан мақбул уйғунлаштириш асо­сида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш ме­ханизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

касбий компетентликни ривожлантириш мазмуни ва механизмларини такомиллаштиришда акмео­логик мезонлар (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, кре­ативлик)нинг фаолият талаблари ва касбий ривожланиш методологияси билан интегратив уйғунлигини таъминлаш тузилмасидан ИТД-1-Ё-14 рақамли «Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компе­тентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг инфор­мацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндашув» лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Касбий компетентликни ривожлантиришнинг маз­кур тузилмаси олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг кўп босқичли узлуксиз малака ошириш тизими ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш имконини берган;

раҳбар ва педагог кадрларнинг коопоратив (таянч) ва метакомпетенциялар (ижтимоий, когнитив, функционал) тизими интеграциясига асосланган компетенциялар моделидан «Педагогика» таълим соҳаси ва «Таълим менежменти» йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг жорий этилиши олий таълим муассасала­ри раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг компетентли ёнда­шув асосидаги замонавий дидактик таъминотини ишлаб чиқиш имконини берган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларида креативлик, инновацион компетентликни шаклланти­риш ва ривожлантириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иловаси «Йўл харитаси»нинг 34-бандига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим ва­зирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Натижада раҳбар кадрларнинг мала­касини ошириш курслари ўқув режаларига инновацион компетентликни ривожлантириш, таълимдаги ин­новацион жараёнларни бошқаришга қаратилган модуллар киритилган, таълим дастурлари ва ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида ўқитиш шакллари ва услубларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технология­ларини жорий этиш механизмлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон Қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисида Низом» мазмунига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-3-3468-сон маълумотномаси). Натижада раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини баҳолашнинг ассесмент технологиялари, интеграллашган кейслар базаси, оммавий очиқ онлайн курсларнинг замонавий методо­логиясини яратилган, малака ошириш курсларининг масофавий таълим технологиялар асосидаги ташки­лий-дидактик механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ОТМ раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг интеграл мониторингини олиб бориш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларидаги ўқитиш сифатини назорат қилиш механизмлари олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2016 йил 15 августдаги 343-сон буйруғи билан жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Натижада қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқитиш сифати даражасини миллий ва халқаро стандартларга мослигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ва ташқи назорат механизмлари такомиллаштириш имконини берган.



АЛИХАНОВА НОДИРА МИРШОВКАТОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистонда қандли диабетнинг кли­ник-эпидемиологик тавсифи» (14.00.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий Регистр асосида қандли диабет касаллигини тарқалиши, касалланиш даражаси, но­гиронлик ва ўлим ҳолатлари каби кўрсаткичлар асосида биринчи марта мамлакатимизда қандли диабет бўйича эпидемиологик ҳолатни шаклланишнинг ўзига хослиги асосланган; маъмурий-худудий бирликлар кесимида мамлакатимизда ушбу касаллик бўйича ногирон­лик ва ўлим ҳолатлари учун асос бўлган қандли диабет ўткир ва сурункали асоратларини ривожланишига олиб келувчи аҳамиятли хавф омилларнинг ўрни ва аҳамияти асосланган, бу кўрсатиладиган даволаш-про­филактика ёрдами сифатини яхшилашга имкон берди;

Ўзбекистонда 2007 йилда қандли диабет билан касалланган беморларга кўрсатиладиган даволаш-про­филактика чоралари ADA ва EASD халқаро тавсияларига мос келмаслиги исботланган.

қандли диабет билан хасталанган беморларда ампутациялар, қўрлик, сурункали буйрак етишмовчилиги учраши даражасининг камайиши ҳамда метформин, интенсив инсулинотерапия, статинлар ва ААФ ингибиторлари каби дори-воситаларини қўллаш билан патогенетик асосланган даволаш тизими тавсияси фоизини 2007 йилга нисбатан 2010 ва 2016 йилларда кўпайиши кўринишида ҳамда даволаш сифатини ошириши қандли диабет регистрининг юқори самарасини, стратегия ва тактикани тўғри танланганлигини исботланган;

илк бор Ўзбекистон Республикаси миқёсида қандли диабет миллий регистрини қўллаш асосида энг муҳим камчиликлар ва қандли диабет биринчи ва иккинчи турини даволашда мақсадли қийматларига эришиш даражаси аниқланган;

биринчи марта кўрсатилётган ёрдам сифатини республика минтақаларида тақсимланишига имкон берган қандли диабет билан касалланган беморлар ҳаёт давомийлиги оширувчи ёки камайтирувчи турли индикаторлар бўйича даволаш-профилактик ёрдами самарасини баҳоловчи янги тизим ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистонда қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қандли диабет билан хасталанган беморлар миллий регистри картаси, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари тўлдирилиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қандли диабет билан хасталанган беморларнинг касалликни қайд қилиш ва рўйхатга олиш тартибини самарали тизимини ташкиллаштириш, эрта ташхислаш ва замонавий даволаш усуллари татбиқ қилиш имконини берган;

«Диабетик ретинопатиянинг тавсифи, ташхислаш, даволаш ва башоратлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қандли диабет билан хасталанган беморларда касалликнинг асоратлари сифатида диабетик ретинопатиянинг ривожланиши ва олдини олишга қаратилган эрта ташхислаш, самарали даволаш ва диабетик ретинопатияни башоратлашнинг замонавий тизимини яратиш имконини берган;

«Қандли диабет билан касалланган беморлар орасида летал ва нолегал юрак-қон томир асоратлари юзага келишининг 10-йиллик хавфини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 8н-д/149-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қандли диабет билан касалланган беморлар орасида юрак-қон томир асоратлари юзага келишининг хавфи ва асоратларни тарқалиши, даволаш ва хавф омилларини камайтириш имконини берган;

қандли диабетнинг клиник-эпидемиологик тавсифи асосида беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент вилояти эндокринология диспансери клиник амалиётига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги 8н-з/215-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, биринчи ва иккинчи турдаги қандли диабет билан хасталанган беморлар мониторингини олиб бориш, ҳисоботларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва ишончлилик даражасини таъминлаш, касалликни башоратлаш ва 18 ёшдан катта аҳоли орасида даволаш-профилактик ёрдамни самарали ва сифатили режалаштириш, ногиронликни олдини олиш, ўлим даражасини камайтиришни имконини берган.



НАРИМОВА ГУЛЧЕХРА ДЖУМАНИЯЗОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистон Республикасида Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги» (14.00.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мамлакатимизда Кушинг синдроми ва унинг турли шакллари аҳоли орасида эпидемиологик тарқалишининг клиник хусусиятлари, касалланиш ва хасталанганларнинг ўлим даражасининг кўрсаткичлари асосий белгилари тавсифланган;

Кушинг синдроми этиологияси асосий демографик, антропометрик, биокимёвий, гормонал, визуализацион, клиник тавсифлари бўлган беморлари ҳақидаги объектив тизимли ишлаб чиқилган;

илк бор Кушинг синдромида касаллик ремиссияси, қайталаниши ва ўлимга олиб келувчи ҳолатларининг предикторлари исботланган;

хавф омиллари шкаласи ва касалликнинг турли шаклларида касаллик якунларини башоратлаш, даволаш услубларини танлаш ва асоратлар профилактикасининг оптимал тактикасини ишлаб чиқилган;

Кушинг синдроми беморлар миллий маълумотлар базасини яратиш асосида кенг проспектив материалда клиник симптомлар сони, даволаш натижалари самарадорлигини юқори технологик гипофиз транфе-нодал аденомаэктомиянинг турли асоратлари сони ва даражаси асосланган;

илк бора мамлакатимизнинг уч ҳудудида субклиник Кушинг синдроми скрининги ташкиллаштирилган ва унинг натижасида хавф гуруҳлари, касалликнинг фаол шакллари эрта ташхислаш ва КСнинг эҳтимолий ташхисланмаган ҳолатларини башоратлаш тизими яратилган;

биринчи марта СКС ва КС ни эрта ташхислаш учун сўлакда кортизолни инвазив бўлмаган, СК референс кўрсаткичлари ва қон плазмасида кортизол ва кунлик сийдикда кортизол баҳолашнинг тизимли усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги бўйича олинган илмий на-

тижалар асосида:

«Эндоген Кушинг синдроми: мониторинг ва даволаш масалалари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 8н-д/74-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мамалакатимиз аҳолисининг орасида Кушинг синдроми билан хасталанган беморларнинг касалликни ташхислаш ва даволаш тизимини ташкиллаштириш, эрта ташхислаш ва замонавий даволаш усулларни татбиқ қилиш имконини берган.

«Кушинг синдроми эрта ташхислаш: скрининг масаласи» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 8н-д/74-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма Кушинг синдроми билан хасталанган беморларда касаллик эрта ташхислашда скрининг тизимини барча вилоятларидаги эндокринологик диспансерларда татбиқ этишнинг замонавий тизимини яратиш имконини берган.

Кушинг синдроми эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинги асосида беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Наманган, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари эндокринология диспансери клиник амалиётига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 8н-з/220-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш Кушинг синдроми билан хасталанган беморлар мониторингини олиб бориш, касалликни эрта ташхислашда скрининг тизимини жорий қилиш, касалликни даволашда самарали ва сифатли тизимни яратиш ва ногиронликни олдини олиш, ўлим даражасини камайтиришни имконини берган.



АХМАТХОДЖАЕВ АБДУЖАБАР МУХИДИНОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Бронхообструктив асоратлари гастроззофагеал рефлюкс касаллигининг клиник-патогенетик ва терапевтик аспекти» (14.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дуоденогастрал рефлюктант ва гастроззофагеал характерига боғлиқ гастроззофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволашда беморларни клиник ва функционал маълумотларини батафсил таҳлили асосланган;

гастроззофагеал рефлюкс касалликларнинг клинко-патогенетик ва терапевтик даволаш самардорлиги амбулатор ва стационар босқичда ташхислаш ва даволашни турли вариантларини эпидемиологик ва антропометрик хусусиятлари исботланган;

гастроззофагеал рефлюкс касалликларида беморларни қон плазмасида яллиғланишга қарши цитокинлар ва азот оксидининг якуний метаболитларининг даражасини аниқлаш ўтказилди ва соғлом кишилардаги цитокинлар миқдори ҳамда нитрат-нитритлар миқдорини қиёсий кўрсаткичлари исботланган;

яллиғланишга қарши цитокинлар ва азот оксидининг якуний метаболитларини даражасига боғлиқ ҳолдаги ГЭРКнинг клиник ўзига хослигини, касалликнинг «нордон» ва «ишқорий» вариантларини кечилишига эрадикацион терапиянинг таъсирини исботланган;

гастроззофагеал рефлюкс касаллигининг кечилишига дуоденал гипертензия синдроми ва дуоденогастрал рефлюктант характери таъсири, касалликнинг клиник кечилш характерини овқат ўтказиш йўлидан ташқариги бронхообструктив асоратлар ривожланишига таъсири исботланган;

овқат ўтказиш йўлидан ташқариги асоратлари билан бирга кечувчи гастроззофагеал рефлюкс касаллигини клиник кечилш характерини беморлар ҳаёт сифат кўрсаткичларига таъсир механизми исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Гастроззофагеал рефлюкс касалликларнинг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самардорлигини баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Гастроззофагеал касалликлар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 1 апрелдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма гастроззофагеал рефлюкс касалликларнинг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самардорлигини ошириш имконини берган;

«Амбулатор-поликлиника шароитида ноинвазив гастроззофагеал рефлюкс касалликларни ташхислашда трансабдоминал ультрасонография усулини қўллаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 8н-р/170-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма амбулатор-поликлиника шароитида ноинвазив гастроззофагеал рефлюкс касалликларни ташхислашда трансабдоминал ультрасонография усулини қўллаш орқали гастроззофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг ташхислаш ва терапевтик даволаш самардорлигини ошириш имконини берган;

гастроззофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клинко-патогенетик ва терапевтик даволаш самардорлигини ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, махсуслаштирилган даволаш муассасаларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-з/203-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши гастроззофагеал рефлюкс касалликларнинг бронхообструктив асоратларининг

клинико-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигини баҳолаш транскутант трансабдоминал ультратовуш тадқиқоти натижаларида касалликнинг ташхислаш 93%ни, сезувчанлиги 90%ни, спецификлиги 94%ни ташкил қилиш баҳолаш имконини берган.



МУМИНОВ КАДИР ПУЛАТОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллиги диагностикаси ва башоратлашни оптималлаштириш» (14.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор нафас аъзолари касалликлари бўлган беморлар амбулатория хариталарининг ретроспектив таҳлили асосида ўпканинг сурункали обструктив касаллигида гиподиagnostиканинг ўрни аниқланган;

ўпканинг сурункали обструктив касаллигида марказий гемодинамика ҳолатининг ўзгариши унинг зўрайиши билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ЎСОҚда эритроцитлар мембранасидаги оксидловчи стресс жараёни ҳамда антиоксидант ҳимоя омиллари ингибириланишининг ривожланиши уларнинг барқарорлиги ва фаоллигининг бузилишига олиб келиши исботланган;

илк бор касаллик оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда қоннинг электрон ва кислород ташиш фаолияти бузилиши эритроцитларда HbO₂, DНb, МtНb миқдорлари номутаносиблиги пайдо бўлиши аниқланган;

ўпканинг сурункали обструктив касаллиги оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда гематологик мақом ҳолати камқонлик тарафга силжиши исботланган;

касалликда суюқнинг минерал зичлиги ҳамда нутритив мақоми кўрсаткичлари (озғин тана вазни, жисмоний юкламага мушак кучи ва толерантлик)нинг камайиши бронхиал обструкция, тизимли яллиғланиш ва гипоксияга тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ўпканинг сурункали обструктив касаллиги зўрайишида эндоген омиллар ва экстрапульмонал бузилишларнинг предикторли аҳамияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва башоратлашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўпка сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда марказий гемодинамика ҳолати» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н-р/288-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЎСОҚ зўрайганда ўпкadan ташқари предикторларни ўз вақтида аниқлаш ва мониторинг қилиш самардорлигини ошириш имконини берган;

«Ўпка сурункали обструктив касаллигида эритроцитларнинг функционал фаоллигини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н-р/289-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЎСОҚ бўлган беморларда эритроцитларнинг функционал фаоллигини баҳолаш имконини берган;

«Ўпка сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда феррокинетиклар параметрларини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н-р/287-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда феррокинетиклар кўрсаткичлари ўзгаришини баҳолаш имконини берган;

экстрапульмонал ўзгаришлар билан кечаётган сурункали обструктив ўпка касаллигини ташхислаш ва даволашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳар 1- ва 4-клиник шифохоналари амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-д/249-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратган.

ВОРОНИНА НАТАЛЬЯ ВЛАДИМИРОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишини рационаллаштиришни гигиеник асослаш» (14.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қучлари ҳарбий хизматчилари учун хизматни ўташ шароитида энергетик ва нутриент таркибига қўйилган талаблар уларнинг касбий фаолиятига боғлиқ тартибда асосланган;

«Темурбеклар мактаби» тарбияланувчилари учун кунлик рационнинг энергетик ва нутриент эҳтиёжларининг илмий асослари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг миллий ҳарбий хизматчилари учун овқатланишнинг амалдаги статусини аниқлаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

Марказий-Осиё минтақаси шароитида ҳарбий хизматчиларнинг турли контингенти учун алоҳида касбий меҳнат жараёнларининг энергетик эквиваленти ва жисмоний фаоллик коэффициенти, ҳарбийлар организмида кечувчи метаболик жараёнларни акс эттирувчи энергетик сарф ва биокимёвий кўрсаткичлар



исботланган;

ҳарбийлар учун жисмоний фаоллик кунлик энергетик коэффициент таснифи ҳамда касалланишни шаклланишида алиментар омилнинг аҳамияти ва ўрни исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ҳарбий хизматчиларни тинчлик даврида овқатланишининг рационаллаштиришни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини гигиеник меъёрлари» (0132-02 сонли СанМваҚ) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/189-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларини белгилаш, улар миқдор ва сифатга нисбатан макро ва микро таркибни таъминлашни ташкиллаштиришга қўйилган гигиеник талаблар ишлаб чиқиш имконини берган;

«Тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ўртача кунлик оқилона меъёрлари» (0132-16 сонли СанМваҚ) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/189-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ўртача меъёрларини белгилашга қўйилган гигиеник талаблар ишлаб чиқиш имконини берган;

«Тараларга қўйилган ичимлик ва минерал сувларни қуйиш, қайта ишлаш бўйича корхоналар учун санитар қоидалар» (0328-16 сонли СанМваҚ) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/189-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат ҳарбий хизматчиларни асосий базадан узилган ҳолда, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш шароити бўлмаган, ўқув-жанговор вазифаларни бажариш даврида ҳавфсиз сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, шиша идишли ва минерал сувларнинг меъёрий даражасини белгилашга қўйилган гигиеник талаблар ишлаб чиқиш имконини берган;

«Тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизматчилари озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ўртача кунлик оқилона меъёрлари» (0357-18 сонли СанМваҚ) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/189-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизматчиларнинг кунлик асосий озиқ-овқат моддалари меъёрий даражасини таъминлашга қўйилган гигиеник талаблар ишлаб чиқиш имконини берган;

«Ўзбекистон Республикаси ҳарбий таълим ўқув муассасалар тарбияланувчилари асосий озуқа моддаларнинг истеъмол меъёрлари» (0353-18 сонли СанМваҚ) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/189-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳарбий таълим ўқув муассасалар тарбияланувчилари асосий озуқа моддаларнинг сарфланадиган энергияга нисбатан истеъмол меъёрларини таъминлашга қўйилган гигиеник талаблар ишлаб чиқиш имконини берган;

«Чақириқ ёшидаги ўсмирлар овқатланиш ҳолатини гигиеник баҳолаш» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 мартдаги 8н-д/63-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма чақириқ ёшидаги ўсмирлар фактик овқатланиш ҳолати, озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни сақлаш, маҳсулотларнинг адекватлиги, овқат маҳсулотлари етишмаслигининг клиник белгилари, озиқ-овқат маҳсулотларни биокимёвий таркибини баҳолаш имконини берган;

Ҳарбий хизматчиларни тинчлик даврида овқатланишининг рационаллаштиришни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, махсуслаштирилган ташкилотларнинг ДСЭНМлари, идоровий ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тузилмалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат заҳираси амалий фаолияти амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 8н-з/208-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мутаносиб соғлом овқатланишни замонавий ҳолати асосида чақирув ёшидаги ўсмирлар ва ҳарбий хизматчилар овқатланишини оптималлаштириш ҲҚни озиқ-овқат маҳсулотлари билан оқилона таъминлашни оптималлаштириш, ҳарбий кадрлар заҳираси ва ҳарбий мутахассислар орасида алиментар боғлиқ бўлган касалликлар даражасини камайтириш, чақирув ёшидаги ўсмирлар ва ҳарбий мутахассисларни озуквий статусини аниқлаш учун назорат самарадорлигини ошириш, уларнинг жанговорлик ҳолатини таъминлаш учун ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасида соғлом овқатланиш амалиётига сабаб бўлувчи стандартлар амалга ошириш имконини беради, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг миллий ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АЗИЗОВА НИГОРА ДАВЛЯТОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Болалар бронхиал астмасида метаболик синдром (клиникаси, ташхиси ва даволаш)» (14.00.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бронхиал астма билан касалланган болаларда метаболик синдромнинг учраш даражаси ва ривожланишига таъсир этувчи ирсий мойиллик, артериал гипертензия, нотўғри овқатланиш, суст жисмоний ҳаракат, тана вазнининг ошиши (+2СО ва +3СО) ҳавф омиллари эканлиги исботланган;

бронхиал астма билан касалланган мактаб ёшидаги болаларда метаболик синдромнинг клиник-био-



кимёвий хусусиятлари ва унинг кўринишларини эрта ташхислашда инсулинорезистентлик, дислипидемия ва углеводлар алмашинувининг бузилиши асосий сабаб бўлиши аниқланган;

bronхиал астмалар болаларда метаболик синдром ривожланишида интерлейкинлар IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8 ва ФНО- α миқдорини аниқлаш орқали яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг инфо-мативлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк бор бронхиал астма билан касалланган болаларда метаболик синдром аломатларини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг қайталаниш даражасини пасайтириш, хуружлар орасидаги даврни узайтириш ва нохуш оқибатларнинг олдини олиш имконини берувчи эрта ташхислаш ва даволаш усули ишлаб чиқилган;

касалликнинг узоқ муддатли ремиссиясига эришиш билан ифодаланувчи инсулинорезистентлик, углевод ва липид алмашинуви (тана вазни динамикаси, тана вазни индекси, систолик артериал босим, умумий холестерин, юқори зичликдаги липопротеидлар) ва цитокин ҳолатига ижобий таъсир кўрсатувчи метформин дори воситасидан фойдаланган ҳолда БАнинг дифференциалланган даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Бронхиал астма билан касалланган болаларда метаболик синдромни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Бронхиал астма билан бемор болаларда метаболик синдром. Ташхислаш, клиникаси, даволаш ва профилактикаси хусусиятлари” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 25 мартдаги 8нд/38-сон маълумотномаси). Тавсия этилган услубларнинг жорий этилиши метаболик синдром фонида БА бемор болаларни дифференциал ташхислаш ва даволашни яхшилаш имконини берган, бу ўз навбатида беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва касалликни қайталаниш даражасини камайитиришга хизмат қилган;

“Бронхиал астма бўлган болаларда метаболик синдромни ташхислаш ва даволаш тамойиллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 8н-р/208 сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида БА ва метаболик синдромда касалликнинг қайталаниш даражасини икки мартага камайишига, иммунологик ва функционал кўрсаткичларнинг турғунлашишига олиб келган;

“Бронхиал астмалар болаларда метаболик синдром ривожланиши хавфини башоратлаш ва унинг реабилитацияси” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 8н-р/212-сон маълумотномаси). БА болаларда МС ривожланиш хавфини башоратлаш услубини қўллаш, реабилитация усуллари иноватга олган ҳолда, асосий касалликнинг қайталаниш даражасини камайишига ва ушбу синдром ривожланишининг олдини олишга олиб келган;

метаболик синдром фонида бронхиал астма билан касалланган болаларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг пульмонология ва аллергология бўлимларига, Тошкент шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонасига, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 декабрдаги 8н-з/245-сон маълумотномаси). Тавсия этилган натижаларнинг жорий этилиши натижасида БА касаллигида қайталаниш даражасини 1,8 мартага камайишига, иммунологик ва функционал кўрсаткичларнинг стабиллашишига, натижада узоқ муддатли ремиссия ва касалликнинг ижобий кечишига имкон берган.



АХМЕДЖАНОВА НАРГИЗА ИСМАИЛОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Болаларда сурункали пиелонефритни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш», 14.00.09–Педиатрия (тиббиёт фанлари).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда сурункали пиелонефритни тизимлаштирилган комплекс терапевтик тактикаси ишлаб чиқилган;

илк бор сурункали пиелонефритда яллиғланиш олди (интерлейкинлар 1, 6, 8) ва яллиғланишга қарши (интерлейкин-10) цитокинлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган, ушбу медиаторларнинг ҳар бирини клиник шароитда тубулоинтерстициал ўзгаришлар патогенезидаги иштироки, тубулоинтерстициал зарарланишнинг зўрайиши сайин шикастловчи ва протектив омиллар дисбалансининг ортиши аниқланган;

сурункали пиелонефрит билан оғриган болаларда тубулоинтерстициал зарарланиш даражасини тавсифлаш учун пешобда оксипролин миқдорини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

болаларда пиелонефритда касалликнинг кечиши ва яқуни оқсил метаболизми, цитокин профили ва буйраклар функционал ҳолатининг кўрсаткичлари ўзгаришига боғлиқлиги исботланган ва ушбу тизимларни ташкил этувчи турли функционал қисмларнинг иштироки этиш салмоғи ва улар ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

Самарқанд шаҳрида яшайдиган болаларда пиелонефритнинг кечиши кам симптомли сурункали рецидивланувчи тус олганлиги, сўнгги беш йил ичида болаларда пиелонефрит касаллигининг этиологияси ва клиник кўринишлари, умумий эпидемиологик вазиятга доир ўзгаришлар аниқланган;

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ташхислаш, оқсил метаболизми, сийдикдаги цитокин профили ва буйрак функционал ҳолатини баҳо-

лашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқот жараёнида олинган ва тизимли таҳлил этилган натижалар асосида:

“Болаларда пиелонефритни регионал лимфатик антибиотикотерапия усули”га (№ИАР 04046, 2009 йил) Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган. Даволашнинг бу усули пиелонефритнинг этиопатогенетик даволаш имконини яратган.

“Болаларда сурункали пиелонефритни даволаш усули”га (№ИАР 05472, 2017 йил) Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган. Даволашнинг бу усули пиелонефритни самарали даволаш учун имкон яратган;

“Болаларда сурункали пиелонефритда регионал лимфатик антибиотикотерапия усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 8Н-д\201-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда сурункали пиелонефритни самарали даволашга ва асоратларнинг олдини олишга ёрдам берган;

“Болаларда сурункали пиелонефритни ташхислаш ва даволаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 8Н-д\201-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда сурункали пиелонефритни эрта ташхислаш, унинг СБЕга ўтишини олдини олиш ва самарали даволашга хизмат қилган;

сурункали пиелонефрит билан болалар диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказига, Тайлоқ туман марказий шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академиясига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги 8Н-д\201-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Ишлаб чиқилган даволаш схемасини қўллаш натижасида сурункали пиелонефрит билан оғриган беморларда даволаш самарадорлиги 43% ортган, касалхонада бўлиш кунини эса 1,6 мартага қисқарган.



АРТИКОВА МАВЛУДА АБДУРАХМАНОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Болалар церебрал фалажлигида эпилепсия жараёнининг клиник-диагностик тавсифи» (14.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор болалар церебрал фалажлигида (БЦФ) симптоматик эпилепсия (СЭ) асорати бош мия морфологик тузилмасининг ўзгаришлари субарахноидал соҳанинг кенгайиши ҳамда бош миянинг туғма аномалиялари билан фарқланиши аниқланган;

илк бор БЦФда ирсий белгилар аниқланиб, гаптоглобин Нр2-2 фенотиби оғир кечувчи қўшалоқ гемиплегия ва атоник-астатик шакллар ривожланишининг хавфли омили эканлиги аниқланган;

илк бор БЦФ беморларда липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) ва малонли диальдегид (МДА) миқдорининг ортиши СЭ билан асоратланиб, унинг кучайиши касалликнинг клиник шакли ва гаптоглобин фенотипига боғлиқлиги аниқланган;

БЦФ беморларда ацетилхолин миқдори пасайиши натижасида мияда нейромедиаторлар мувозанатининг бузилиши СЭни ривожланиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор БЦФ ва СЭли беморлар гомеостазида электролитларнинг пасайишга мойиллиги ҳамда орқа мия суюқлигида (ОМС) бу кўрсаткичлар ўта паст эканлиги аниқланган;

нейромедиаторлар миқдорининг етишмовчилиги БЦФ ва СЭ оғирлик даражасига боғлиқлиги исботланган;

патологик жараённинг зўрайишини кўрсатадиган яллиғланиш (TNF α , IFN γ) ва яллиғланишга қарши (IL-10) цитокинлар миқдорининг иккала биологик муҳитда ҳам ортиши СЭ асоратли БЦФ беморларга хос эканлиги аниқланган;

илк бор аутопсияда бош мия тузилмасининг морфометрик хусусиятлари таснифланиб, мия пўстлоғи ва пўстлоқ остида ҳосил бўлган глиал чандиқ глианинг эпилептик ўчоқлар шаклланишида муҳимлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Болалар церебрал фалажлигида эпилепсия жараёнини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болалар церебрал фалажлигида симптоматик эпилепсияни ташхислаш ва даволашда янги ёндашувлар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 27 февралдаги 8Н-р/34-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ташхислаш, хавфли гуруҳни аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Симптоматик эпилепсия асоратли болалар церебрал фалажлигида бош миянинг морфологик хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 27 февралдаги 8Н-р/34-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма БЦФнинг турли клиник шаклларида бош миянинг ҳар хил соҳаларида патоморфологик ўзгаришлар эпилептик ўчоқлар шаклланишига боғлиқлигини аниқлашга хизмат қилган;

БЦФда эпилепсия жараёнини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими ҳамда Бухоро вилояти руҳий-асаб касалликлари диспансери болалар бўлими амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 мартдаги 8Н-д/10-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширишга, ташхислаш ва даволашнинг янги

услугларни қўллаш орқали БЦФда эпилепсия хуружларини камайтириш, асоратларининг олдини олиш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда болаларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобида иқтисодий самарадорликка имкон яратган.



РАХМАТУЛЛАЕВА ГУЛНОРА ҚУТПИТДИНОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Бош мия қон томирлари туғма аномалияларидаги цефалгик синдромларнинг клинко-патогенетик структураси» (14.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бош мия томирлари аномалияси кузатилган беморларда цефалгик синдромни клинко-неврологик кўринишларини ўзига хос хусусиятлари исботланган;

бош мия томирларида аномалияси бўлган беморларда мигрен клинкасининг фарқ қилиши, бу ангиодисплазиянинг тури ва учраш сонига боғлиқлиги исботланган;

VEGFA, MMP 3, MMP9, Col 4a1 генларини ангиодисплазиялар билан, жумладан мигрен билан, шунингдек, Col 4a1 генининг бириктирувчи тўқиманинг номахсус дисплазиясини ривожланиши билан бўлган алоқаси исботланган;

бош мия томирлари аномалияси билан цефалгияни башорат қилиш дифференциал ташхислаш тактикаси асосланган;

бош мия томирлари аномалияси билан цефалгияни даволаш тактикаси механизмлари ва клинко-неврологик мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Бош мия қон-томирлари туғма аномалияларидаги цефалгик синдромларни аниқлашга қаратилган янги ёндашувлар ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар асосида:

«Мигрен. Муаммони ечими ва ташхислашга қарашлар эволюцияси» номли услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 21 июндаги 8н-д/47-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма бош мия томирларида туғма аномалияси бўлган ва бўлмаган беморларда мигренни ташхислаш, шунингдек, касаллик асоратларни олдини олиш ва даволаш, беморларни олиб боришга дифференциал ёндашувни юритиш имконини берган;

Бош мия қон-томирлар аномалияларидаги цефалгик синдромларнинг клинко-патогенетик структураси баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида касалликни олдини олиш ва яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-сон клиникаси, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббий маркази клинко-амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 8н-з/66-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бош мия томирлари туғма аномалияларида цефалгик синдромни ташхислашни яхшилаш, касалликни кечиши ва якунини белгилаш, асоратларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни оптималлаштириш, шунингдек, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.



РАХИМОВ НОДИР МАҲАММАТКУЛОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак ҳужайрали саратонини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» (14.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий тарқалган буйрак саратонида ўсма ҳужайралари фаоллигининг морфологик ҳамда иммуногистокимёвий кўрсаткичлари юқори метастатик потенциалга мойил омилларни танлашга асосланган;

лимфоген метастазларни ультратовушли (УТТ) ҳамда магнитли резонанс томографик (МРТ) ташхислашдан компьютер томографик ташхисотида саратонни маҳаллий тарқалишини баҳолаш тартибининг самарадорлиги исботланган;

маҳаллий лимфа тугунлари ва магистрал қон томирларига кириш қорин парда орти бўшлиғи орқали Трейц бойламини кесиш билан жарроҳлик усули такомиллаштирилган;

адъювант таргет терапиянинг оптимал схемаси лимфа тугунларига метастазлар билан буйрак саратонини даволашни киритиш асосида такомиллаштирилган;

буйрак саратонида VEGF-C иммуногистокимёвий маркерлари, лимфодиссекция ва таргет терапия турини танлаш имконини берувчи маркерлар асосида адъювант таргет даволаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак ҳужайрали саратонини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Буйрак ҳужайрали саратонида маҳаллий лимфа тугунлари ва интралюминар веналар тромбозини ташхислаш учун ноинвазив усуллар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 8н-р/171-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма буйрак ҳужайрали саратонида маҳаллий лимфа тугунлари ва интралюминар веналар тромбозини ташхислашда ноинвазив усулларни такомиллаштириш имконини берган;

«Буйрак ҳужайрали саратони регионар лимфа тугунларига хирургик ёндашиш тизими» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 декабрдаги 8н-р/365-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма буйрак ҳужайрали саратонининг лимфа тугунларига кириб бориш замона-

вий хирургик усулини жорий қилиш ва хирургик амалиёти самарасини такомиллаштириш имконини берган;
«Буйрак саратонини лимфатик метастазларни нурли ташхиси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 декабрдаги 8н-р/367-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма буйрак саратонида лимфатик метастазларни УТТ, МСКТ ва МРТ инструментал усулари ёрдамида самарали ташхислаш имконини берган;

регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази онкология ва радиология марказининг Сирдарё, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилояти филиаллари маҳаллий диспансер бўлимларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 январдаги 8н-з/6-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тадқиқот натижалари асосида буйрак хужайрали ракида лимфа тугунлари метастатик зарарланган беморларга ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш доирасини кенгайтириш имконини берган.



АЗИЗОВ ЁРҚИН ХУСАНОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолияти» (14.00.16).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор замонавий патофизиологик нуқтаи назардан жарроҳлик сепсиси ривожланишида ўпканинг нореспиратор фаолияти бузилишининг фундаментал амалий аҳамияти, ўпканинг сурфактант ҳосил қилиш ва тўсиқ-филтрацион метаболит фаолияти бузилишининг босқичли касалликни оғир шаклларида бирга келган ҳолатлари очиб берилган;

жарроҳлик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолиятининг етишмовчилиги мазкур органнинг морфологик структурасини босқичли қайта қурилиш фонида ўтувчи, чегараланган ва қайтмас жараёнлар кўринишида кечиши асосланган;

жарроҳлик сепсис ривожланишининг патофизиологик мезонларини башорат қилиш ва эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

нитрооксигидрик тизим яллиғланиш олди цитокинлари ва генераллашган яллиғланиш предикторлари белгиларининг корреляцион боғланиши ёрдамида ўпканинг нореспиратор фаолиятининг бузилиш даражасини интеграл баҳолаш асосланган;

жарроҳлик сепсиси экспериментал модели ишлаб чиқилиб, уни юмшоқ тўқималарни йирингли яллиғланиш касалликларининг оғир шакллариини такомиллаштириш моделлари билан бирга келиши ва ўпканинг нореспиратор фаолиятидаги ўзгаришларни комплекс ташхислаш усуллари тизимлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Сепсис. Муаммонинг замонавий қарашлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 8н-д/243 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сепсис кечилишининг оғирлик даражасини аниқлаш ва касаллик кечилиши башорат қилиш имконини берган;

«Сепсисни даволашнинг клиник иқтисодий аспекти»нинг далилларига исботланган тиббий асослари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 8н-д/243 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сепсисини даволаш натижаларини сезиларли ошириш ҳамда касалликни даволашга сарфланадиган харажатларни ишончли далиллар асосида баҳолаш имконини берган;

«Турли ҳажмларда ва уни кесганда ўпканинг нореспиратор фаолияти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 8н-д/243 сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўпканинг нореспиратор фаолиятининг хирургик амалиётини ўтказгандан кейин ҳажмларини аниқлаш ва патогенетик даволаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

хирургик сепсисда ўпканинг нореспиратор фаолиятини ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабетнинг жарроҳлик асоратлари маркази, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги олий ўқув юртлариаро марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 8н-з/207 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сепсисда турли биокимёвий метаболитларда веноз-артериал фарқни ҳисоблаш йўли билан асосланган ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолашнинг аҳамияти, лаборатория шароитида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг метадологик ёндашувига татбиқ этиш, пульмонал ҳамда экстрапульмонал генезли патологик жараёнларни ташхислаш ва башоратлаш, келгусидаги инновацион ишланмалар учун таянч нуқтаси сифатида хизмат қилиш имконини берган.



ХАЙДАРОВ АРТУР МИХАЙЛОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: “Болалар стоматологик саломатлик ҳолатига экологик ва ижтимоий-гигиеник омилларнинг таъсири ва профилактик дастурларни ишлаб чиқиш” (14.00.21).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

атроф-муҳит антропометрик зарарланган ҳудудларда соғлом болаларда носпецифик резистентликнинг пасайиши, адаптацион зўриқиш ва преморбид фон ҳолатининг ривожланишини юзага келтирувчи кўп омилли негатив таъсирот аниқланган;

умумий касалланиш ва шаҳарларда ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиш ҳажмига боғлиқ бўлиб, болалар экопатологиясига тааллуқли бўлган алоҳида синф касалликлари билан касалланиш динамикаси орасидаги корреляцион боғлиқлик исботланган;

экологик зўриқиш ҳудудларида яшовчи болаларда ривожланадиган метаболик ўзгаришларнинг тавсифий хусусияти бўлиб, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳимоя механизмлари кўп даражали комплексининг суस्ताшиши эканлиги исботланган;

организмнинг ва оғиз бўшлиғининг иммун ҳолатини ўрганиш асосида экологик номақбул шароитли туманларда болаларнинг sIgA, лизоцим, ишқорли фосфатаза каби саломатлик маркерлари ишлаб чиқилган;

яшаш шароитларида мавжуд омилларнинг комплекс таъсирига бола организми жавоб реакциясининг тиббий-биологик мезонлари: антиоксидант ҳимоянинг пасайиши, эндотоксемиянинг ривожланиши, ўрта молекуляр массали пептидларнинг ортиши, мембраналитик ферментлар лабилизацияси асосланган;

болаларнинг тўлақонли интеллектуал ривожланиш имкониятлари ва адаптацион захираларининг такомиллаштиришга қаратилган, ўз ичига оғиз бўшлиғи гигиенаси, ПТЁК ва пробиотикларни қўллашни олган чора-тадбирлар тизими такомиллаштирилган;

атроф-муҳитни кимёвий захарловчиларининг тиш қаттиқ тўқимаси резистентлиги, эмалнинг реминерализация қобилияти, гигиеник индекс каби кўрсаткичларга таъсири исботланган;

экотизимнинг ўзгариш тенденцияларига боғлиқ равишда болалар аҳолиси орасида стоматологик касалликларни эрта (клиник олди) юзага келишини прогноزلаш ва уларнинг олдини олиш тамойиллари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

6–15 ёшдаги болаларда тиш кариесининг профилактикаси ва даволаниши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Эрта ёшдаги болаларда тиш кариеси” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 майдаги 8н-р/131-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тиш кариеси билан шикастланган эрта ёшдаги болаларда касалликнинг клиник кечиши, ташхиси ва даволаш хусусиятларини танлаш имконини яратган;

“Болаларда тиш кариеси ҳосил бўлиш хавфининг омиллари” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 8н-р/156-сон маълумотномаси). Бу тавсиянома тиш кариесига ташхис қўйиш, диагностика ва даволаш учун аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

“Болаларда тиш кариеси ҳосил бўлишига экологик ва гигиеник омилларнинг таъсири” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-р/183-сон маълумотномаси). Бу тавсиянома болаларда тиш кариеси касаллиги интенсивлигини камайтириш учун аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Болалар стоматологик саломатлик ҳолатига экологик ва ижтимоий-гигиеник омилларнинг таъсири ва профилактик чоралар кўриш бўйича олинган илмий натижалар Чирчиқ шаҳар болалар стоматологияси поликлиникаси, Тошкент шаҳар 3-сон шаҳар болалар стоматология поликлиникаси, Самарқанд вилоят болалар стоматологик поликлиникаси, Қашқадарё вилоят болалар стоматологик поликлиникаси, Сурхондарё вилояти Сариосиё туман тиббиёт бўлими 68-қишлоқ оилавий поликлиникасида (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16 июлдаги 8н-д/162-сон маълумотномаси) соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ қилинган. Ўтказилган клиник тадқиқотларнинг асосий натижаларини татбиқ қилиш антропоген ифлосланиш бўлган минтақаларда болаларда тиш кариесининг профилактикаси дастурининг ишлаб чиқилишига олиб келган.



ШОМУРОДОВ ҚАХРАМОН ЭРКИНОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Танглай кемтикли болаларда комплекс реабилитацияни такомиллаштириш ва турли усулларда ўтказилган уранопластика самардорлигини солиштирма баҳолаш» (14.00.21).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юмшоқ танглай мушакларини кундаланг кесиб, ҳосил бўлган ярани бўйлама тикиш натижасида танглайни узайтириб, анатомик-функционал ҳолатини тўлиқ тикловчи уранопластика усули ишлаб чиқилган;

танглай туғма кемтикли болаларда, уранопластика жарроҳлик амалиётидан сўнг, танглай-ҳалқум соҳаси мушакларининг анатомик тикланганлик ҳолатини баҳолаш учун магнит-резонанс томография ва рентгеноскопик текширув усулидан фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

танглайнинг туғма кемтиги бўлган болаларда танглай кемтигининг оғирлик даражаси ва жарроҳлик амалиётининг ўтказилиш муддатларидан қатъи назар ишлаб чиқилган жарроҳлик усули билан даволаш,

юқори жағ суягининг ўсиши ва ривожланишига, кемтик фрагментлари орасидаги масофанинг қисқаришига ижобий таъсири исботланган;

танглай кемтиги мавжуд болаларда кемтикнинг оғирлик даражаси ва жарроҳлик амалиётини бола ёшига қараб қўлланилганда турли хил уранопластика усулларида сўнг, рақамли сигналлар асосида нутқ сифати тикланганлигини таҳлил қилиш орқали товуш талаффузининг сифатини таққосий баҳолаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларни такомиллаштирилган жарроҳлик усули билан даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Танглай туғма кемтикларини жарроҳлик йўли билан даволаш усули” бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 20170221). Мазкур усул танглай кемтикларини оғирлик даражаларидан қаъти назар танглай нуқсонини тўлиқ бартараф этиш ҳамда реабилитация муддатини қисқартириш имконини берган;

“Уранопластика жарроҳлик усулини юмшоқ танглай тўқималарини кўндаланг кесмалар ўтқазиш ва бўйламасига тикиш орқали амалга ошириш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 8н-р/165-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларда жарроҳлик усулида даволаш самарадорлигини ошириш ва юмшоқ танглайнинг узайтириш имконини берган;

“Уранопластика усулларида сўзлар талаффузи тикланишидаги самарадорлигини солиштирма баҳолаш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/361-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларни уранопластикадан кейинги нутқ тикланиш самарадорлигини сўзлар орқали баҳолаш имконини берган;

“Уранопластика усулларида товушлар талаффузи тикланишидаги самарадорлигини солиштирма баҳолаш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/362-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларни жарроҳлик усулида даволашдан кейин, товушлар орқали нутқ тикланиш самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтикларини ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг клиникаси, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 декабрдаги 8н-д/277-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни клиник амалиётга жорий қилиниши даволаш самарадорлигини ошириш ва уранопластика ўтказилгандан кейин реабилитацион даврни 20%га қисқартириш имконини яратган.



ФАЙЗУЛЛАЕВА ДИЛФУЗА БАХАДИРОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «ОИВ билан инфицирланган беморларда периферик лимфа тугунлари сили диагностикаси ва давосига ёндашувни оптималлаштириш» (14.00.26, 14.00.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор одам иммунтанқислик вируси инфекцияси мавжуд беморларда сил лимфаденитининг клиник кечилиш хусусиятлари, анъанавий ва замонавий диагностика усулларидаги диагностика аҳамияти аниқланган;

биологик субстратларда сил микобактериясини аниқлашда иммуногистохимёвий текширув усулларида юқори информативлиги исботланган;

ОИВ-инфекцияли беморларда сил лимфаденитини ташхислаш учун диагностика алгоритм тактикаси ишлаб чиқилган;

ОИВ-инфекцияли беморларда периферик лимфа тугунлар силини комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқилган;

ОИВ-инфекцияли беморларни даволашда ретровирусга қарши препаратларнинг самарасига таъсир этувчи одам генетик омили ва уларнинг даволашга жавоб хусусиятлари аниқланиб, даволаш самарадорлигини башорат қилувчи генетик мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

ОИВ билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силини ташхислаш ва даволаш ёндашувларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ОИВ-ассоцирланган сил лимфаденити диагностикаси ва дифференциал диагностикаси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ОИВ га боғлиқ сил касалликлари билан касалланган лимфаденитни ташхислаш ва даволашни яхшилаш механизминини татбиқ қилиш имконини берган;

«Оппортунистик инфекцияли беморларни даволаш тактикаси», «ОИВ ва сил касаллиги», «ОИВ ва вирусли С гепатит беморларни даволаш тактикаси», «ОИВ ва вирусли В гепатит беморларни даволаш тактикаси», услубий қўлланмалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИВ инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида»ги 2018 йил 30 апрелдаги 277-сон

буйруғига асос бўлган;

«ОИВ-инфекцияси бўйича миллий клиник протоколларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида»ги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 мартдаги 81-сон буйруғи тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Мазкур буйруқ ОИВ билан касалланган беморлардаги оппортунистик касалликлар билан бир вақтда периферик лимфа тугунлари силини ҳам ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштиришда асос бўлган;

ОИВ билан касалланган беморлардаги периферик лимфа тугунлари силини ташхислаш ва даволаш ёндашувларининг оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ОИТСга қарши курашиш маркази клиникаси, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоят силга қарши диспансерлари ҳамда Тошкент шаҳар 1-сонли шаҳар клиникаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-д/160-сон маълумотномаси). Натижада ОИВ билан хасталанган беморларни даволаш тизимини тўғри ташкиллаштириш имконини берган.



ГУЛАМОВ ОЛИМЖОН МИРЗАХИТОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Маҳаллий ва тарқалган қизилўнгач саратони билан хасталанган беморларда хирургик тактика ва ҳаёт давомийлигини тахминлаш омиллари» (14.00.27, 14.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонида эзофагоанастомозни шакллантириш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у бирлаштирилаётган аъзоларнинг қон билан таъминланишини кучайтириб, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайтириши аниқланган; маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморлар яшаб қолиш прогнози омиллари стратификация қилинган;

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўлган беморларда икки зонали лимфодиссекцияни бажарган ҳолда операция қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

ички лимфодиссекция лимфатик коллекторларни, жумладан, паратрахеал, трахеобронхеал, бифуркацион, параэзофагеал ва парааортал лимфа тугунларни плевра бўшлиғи қуббасидан диафрагмагача олиб ташлашни ўз ичига олиниши исботланган;

маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратони бўлган беморларда талоқ, умумий жигар артериялари ва қорин ичи тармоғидаги қорин бўшлиғи юқори қаватидаги лимфа коллекторларининг қорин ичи лимфодиссекциясини бажаришдаги аҳамияти аниқланган;

қизилўнгач саратонининг резекция қилиб бўлмайдиган ва ёйилган босқичларини паллиатив даволашда эндоскопик аралашувларни (диатермотуннеллаш ва стентлаш) бажариш аҳамияти аниқлаштирилган;

EORTC-QLQ-30 сўровномаси ва қизилўнгач саратонига хос OES-24 модулини биргаликда қўллаш орқали операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

ҚС бўлган беморларга юқори технологик жарроҳлик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қизилўнгач анастомозини шакллантириш усули» га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 03944-сон патент, 2009 йил). Маҳаллий тарқалган қизилўнгач саратонини жарроҳлик йўли билан даволашда янги усулни жорий этиш бирлашув жойидаги оқилона қон айланишини таъминлаш ва операциядан кейинги ўзига хос асоратлар ривожланиши эҳтимолини қисқартириш имконини берган;

«Маҳаллий тарқалган ва ёйилган қизилўнгач саратони бўлган беморлар учун жарроҳлик тактикасини танлаш методологияси» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8 н-д/214-сон маълумотномаси). Даволаш дастурини жорий этиш яқин муддатларда ўзига хос асоратлар миқдорини 39,2% дан 14,8% гача қисқартириш ва шунга мос равишда ўлим кўрсаткичини 17,5% дан 6,8% га камайитириш имконини берган;

қизилўнгач саратони бўлган беморларга юқори технологик жарроҳлик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон в Тошкент вилоятлари филиаллари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8 н-д/214-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Таклиф этилган комплекс даволаш усулини ҚС бўлган беморларда қўллаш узоқ ва яқин натижаларини яхшилаш ва кўрсатиладиган ёрдам сифатининг ижобий даражасини 50,0% дан 78,6%гача кўтариш имконини берган.

КУРБАНИЯЗОВ ЗАФАРЖОН

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Магистрал ўт йўлларида жароҳатлари ва жароҳатдан кейинги чандиқли стриктураларининг хирургик давоси» (14.00.27).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўт-тош касаллиги хирургиясида касаллик босқичи, амалиёт тури ва шошиличилигига боғлиқ равишда ўт йўллари ятроген жароҳатлари частотаси аниқланган ҳамда жароҳат характери, механизми, сатҳи ва узунлигининг хусусиятлари аниқлаштирилган;

ўт йўллари ятроген жароҳатлари билан бажарилган реконструктив-тикловчи амалиётлардан



кейинги узоқ даврда структуралар шаклланишининг клиник-патогенетик хусусиятлари аниқлаштирилган; ўт йўллари ятроген жароҳатларида реконструктив-тикловчи амалиётларни бажаришнинг тактик-техник жиҳатлари аниқлаштирилган ҳамда уларнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларга таъсири аниқланган;

ўт йўллари ятроген жароҳатлари билан беморларда каркас дренажлаш ёрдамида реконструктив-тикловчи амалиётлардан сўнг холангитни даволаш ва профилактикаси усули ишлаб чиқилган;

ўт йўллари ятроген жароҳатлари билан беморларда эндоген интоксикациянинг оғир даражасини перооперацион коррекция қилиш учун экстракорпорал модификацияланган аутоплазмани реинфузия қилиш билан плазмаферез усули такомиллаштирилган;

ўт йўллари ятроген жароҳатларининг аниқланиш вақти, жароҳат характери ва сатҳи ҳамда эндоген интоксикация синдроми клиник белгилари оғирлигини ҳисобга олган ҳолда даволаш оптимал тактикасини танлашга таъсир қилувчи омиллар очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Магистрал ўт йўллари «янги» жароҳатлари ва чандиқли стриктуралари билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган «Холемик эндотоксикозда организм детоксикацияси усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ІАР 04630, 29.12.2012 й.). Таклиф этилган детоксикация усули эндоген интоксикация синдромига коррекция қилиш самарадорлигини яхшилаш имконини берган;

«Магистрал ўт йўллари чандиқли торайишларини хирургик даволаш», «Магистрал ўт йўллари «янги» жароҳатларини хирургик даволаш» ва «Ўт йўллари «янги» жароҳатларининг хирургик коррекциясига дифференциаллашган ёндашув» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 8н-д/261-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар магистрал ўт йўллари «янги» жароҳатлари ва чандиқли стриктураларини хирургик даволаш сифатини яхшилаш, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтириш ва беморларнинг касалхонада ётишини қисқартириш имконини берган;

ўт йўллари ятроген жароҳатлари билан беморларни хирургик даволашни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Академик В.Воҳидов номдаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-сон клиникаси хирургия бўлими, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси хирургия бўлими амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 8н-д/261-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотнинг таклиф этилган натижалари асосида ўт йўллари «янги» жароҳатлари ва чандиқли стриктуралари билан беморларга ихтисослаштирилган юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатиш спектри сезиларли даражада кенгайтирилган ҳамда амалиётдан кейинги яқин ва узоқ муддатларда асоратларнинг умумий частотасини 56,3%дан 26,0%гача ва ўлим кўрсаткичини 12,9%дан 6,1%гача камайтиришга эришилган.



САТТАРОВ ОЙБЕК ТОХИРОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Абдоминал чурралар хирургиясида эндовизуал технологияларни оптималлаштириш» (14.00.27).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аллопротезнинг энг мос ўлчамини ҳисоблаш имконини берувчи, герниопластикада имплантат жойлаштирилишининг мақбул анатомик чегаралари аниқланган; ТАРРда париетал қорин пардасини ажратиш усули такомиллаштирилган ва у минимал инвазив жароҳлик амалиётининг хавфсиз бажарилишини таъминлаган;

ТЕР муолажаси вақтида париетал қорин парда зарарланган ҳолда қорин ички босимини тузатиш усули ишлаб чиқилган;

“Эндоскопик илгак-игна” ёрдамида қорин тўғри мушаги диастазини лапароскопик тарзда бартараф этиш усуллари такомиллаштирилган;

лапароскопик герниопластика амалиётининг клиник самарадорлигини ошириш имконини берувчи киндикни эндопротезга экстраперитонал бириктириш усули ишлаб чиқилган;

лапароскопик герниопластика усулини танлаш ва уни амалга оширишнинг техник жиҳатларини асослаш учун чов чуррасининг L.Nyhus таснифидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган;

амалиётдан кейинги даврда ёш эркакларда бепуштлиқ ривожланиш хавфини олдини олиш мақсадида лапароскопик герниопластикнинг тактик ёндашуви ва оптимал техникасини танлаш аниқланган;

антропометрик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда эндовизуал амалиётларни амалга оширишда троакарларни киритишнинг оптимал нуқталарини аниқлаш учун стереометрик ҳисоб-китобларга асосланган математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Абдоминал чуррали беморларни жароҳлик усулида даволашни такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижаларига кўра:

“Қорин тўғри мушаги диастазини лапароскопик бартараф этиш усули” тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 8н-д/229-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усул қорин тўғри мушаги диастазини лапароскопик усулда бартараф этишнинг бажарилиш техникасини соддалаштиришга имкон берган;

“Лапароскопик герниопластикада инструментларнинг киритиш параметрларини ҳисоблаш усули”

тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 8н-д/229-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усулнинг татбиқ этилиши эндоскопик асбобларни жарроҳлик соҳасига киритиш бурчагини оптималлаштиришга имкон берган;

“Қорин олдинги деворини даволашнинг тушунчаси, классификациялари ва стандартлари” ва “Чов чурраларининг хирургик бартараф этишнинг замонавий тамойиллари” услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 8н-д/229-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар эндовизуал амалиёт усулини танлашни оптималлаштириш ва қорин девори чурраларини даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

“Лапароскопик герниопластиканинг ТАРР ва ТЕР-техникалари” тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 8н-д/229-сон маълумотномаси). Такмиллаштирилган усулларни жорий этиш минимал инвазив амалиётлар самарадорлигини ошириш, амалиёт ичи ва ундан кейинги асоратларни 10,3%дан 5,0%гача камайтириш, касалликнинг қайталаниши ва кекса ёшдаги беморларда қарама-қарши томонда чурра ривожланиш улушини камайтириш имконини берган;

абдоминал чурраларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент тиббиёт академияси ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоят филиаллари жарроҳлик бўлимлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 8н-д/163-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тавсия этилган алгоритмлар ва эндовизуал амалиётларнинг янги усуллари асосида қорин девори чурралари бўйича ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизими сезиларли даражада кенгайтирилган ва усулнинг самарадорлигини 81,4%дан 93,6%гача кўтариш имконини берган.



ХАКИМОВ ДИЛШОДБЕК МАМАДАЛИЕВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Ажратувчи аралашувлар илғор технологиялари: портал гипертензиянинг замонавий хирургиядаги аҳамияти ва ўрни» (14.00.27).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ПГли ЖЦ турли кўринишларининг геморрагик синдром ривожланиш частотасига таъсири ўрганилган ва антропометрик, клиник-лаборатор ва инструментал маълумотлар асосида ҚОВКВдан қон кетиш ривожланиш асосий хавф омиллари аниқланган;

ПГ синдроми билан беморларда ГЭКТА асл усули қониқарсиз натижалари ҳамда амалиётнинг техник жиҳатлари ва патологик жараён кечиши томонидан қон кетишнинг қайталаниши сабаб-оқибат боғлиқликлари аниқлаштирилган;

портал генезли қон кетишларни даволаш ва олдини олишда энг истиқболли амалиёт бўлиб ҳисобланувчи гастрозофагеал коллекторни каркас устида лигатура ёрдамида ажратиш усули ишлаб чиқилган;

ГЭКТА лигатурали усулида ошқозон деворида структур ўзгаришлар аниқланган ва тўлиқ чандикли транссекция шаклланиб, кардиал соҳа тарафга интрамурал қон оқимининг тўхташи жиҳатдан усулнинг самарадорлиги исботланган;

ҚОВКВдан қон кетишни даволаш ва қайталанишларнинг олдини олиш жиҳатдан ГЭКТА модификацияланган усулининг самарадорлиги ва унинг турли этиологияли ПГ билан беморлар яшаб қолиш кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

ПГ билан беморларда ошқозоннинг экстра- ва интрамурал веналар коллектори миниинвазив транссекцияси учун лапароскопик ажратиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

ПГли ЖЦ билан беморларни ташхислаш ва даволашни яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Портал гипертензияда илғор технологиялар» ва «Портал генезли қизилўнғач-ошқозондан қон кетишларда эндоскопик технологиялар» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 8н-д/164-сон ва 2018 йил 16 февралдаги 8н-д/34-сон маълумотномалари). Бу турдаги амалиётни бажаришнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш амалиётдан кейинги яқин ва узоқ муддатлардаги махсус асоратлар ривожланиш хавфини, хусусан, геморрагик синдромни 27%дан 14,6%гача, гастростазни 19,6%дан 8,2%гача, анастомозит ёки эрозияли гастритни 23,9%дан 16,4%гача ва оқибатда ўлим кўрсаткичини 12,7%дан 6,8%гача камайтириш имконини берган;

портал генезли қон кетишлар билан беморларни хирургик даволаш сифатини оширишга бағишланган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят филиаллари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 8н-д/217-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Гастрозофагеал коллекторни тотал ажратишнинг таклиф этилган усуллари асосида ПГ билан беморлар орасида яшаб қолиш кўрсаткичларини 1 йиллик кузатувда 74%гача, 3 йиллик кузатувда 70%гача ва 5 йиллик кузатувда 64%гача яхшилашга эришилган, шунингдек республика хирургик хизматининг турли тиббиёт муассасаларида даволаш хизмати кўрсатиш миқёси кенгайтирилган.



АДИЛОВ ДЖАМШИД ГАЙРАТОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Сурункали вирусли С гепатит билан касалланган беморларнинг вирусга қарши жавобининг иммуногенетик механизмлари», 14.00.36–Аллергология ва иммунология (тиббиёт фанлари).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли С гепатитда вирус генотиби турига боғлиқ беморларда барқарор ва но-барқарор вирусологик жавоб шаклланиши исботланган;

сурункали вирусли С гепатитли беморларда вирусга қарши даволаш давомийлигида клиник кечишининг иммуногенетик ҳолат ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган;

сурункали вирусли С гепатитли беморларда вирусга қарши даволашдан аввал ва давомийлигида им-мун тизим ҳужайравий бўғини кўрсаткичлари билан цитокинлар миқдори ўзгариши орасидаги боғлиқлик аниқланган;

илк бор соғлом ва сурункали вирусли С гепатитли беморларда *ИЛ-28В* генининг полиморфизми, кўп учрайдиган аллеллари ва гаплотипик ассоциациялари аниқланган;

сурункали вирусли С гепатитда вирусга қарши даволашдан аввал ва динамикада барқарор ва но-барқарор вирусологик жавоб шаклланишида *ИЛ-28В* генининг *rs12979860* ва *rs8099917* локуси генлари учраши билан иммунологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Сурункали вирусли С гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларни аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали вирусли С гепатитда *ИЛ-28В* генининг полиморфизми клиник-лаборатор ва вирусологик кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 8н-д/143-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали С вирусли гепатитни эрта ташхислаш, патогенези ва клиникаси ҳақида маълумотлар олиш ҳамда келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олишга хизмат қилган;

«Сурункали вирусли С гепатитни дифференцирланган даволаш усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 8н-д/313-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали вирусли С гепатитли беморларни иммунологик ташхислаш, касаллик кечишини ба-шорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Сурункали вирусли С гепатитни вирусга қарши даволаш динамикасида клиник-иммунологик ху-сусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 8н-з/222-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали вирусли С гепатитли беморларни кли-ник-иммунологик ташхислаш, касаллик кечиши ва асоратларнинг олдини олиш ҳамда даволашни барвақт бошлаш орқали оғирлигини прогнозлашга хизмат қилган;

сурункали вирусли С гепатитида вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларни аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Юқумли касалликлар эпидемиологияси, микробиологияси илмий-тадқиқот институти сурункали вирусли касалликлар бўлими, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти бола-лар юқумли ва паразитар касалликлари кафедраси ва иммуноген-тест илмий ташхислаш маркази амалиёти-га жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 8н-з/222-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширган, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касаллик ремиссия муддатини узайтириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифа-тини яхшилаш ҳамда беморларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий са-марадорликка имкон яратган.



ХАБИБУЛЛАЕВ БЕХЗОД БАХОДИРЖАНОВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида маҳаллий хомашёлар асосида ўсимлик ва синтетик моддалардан олинган янги воситалар-нинг иммунотроп фаоллиги механизми» (14.00.36).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсимликдан олинган (сукромед, провид, биомайрин, биофтизоэтам, каспий карелинаси, гар-мала) ва синтетик (рух глюконати) воситаларнинг иммунмодуллашчи таъсир механизми аниқланган;

ўсимликдан олинган ва синтетик воситалар турли корпускуляр антигенларга (қўй, эчки эритроцитлари) ан-титана ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштириши исботланган;

тадқиқотда қўлланган воситалар интакт сичқонлар ва иккиламчи иммунтанқислиги (ўткир токсик ге-патит, гемолитик анемия, нур касаллиги) бўлган жониворлар қораталоғида антитана ҳосил қилувчи ҳужай-ралар сонини *in vivo* ва *in vitro* тизимида ошириши аниқланган;

ўсимликдан олинган ва синтетик воситалар иммунитетнинг марказий (тимус, илик) ва периферик (қо-раталоқ, лимфа тугунлари) аъзоларида ҳужайралар миқдорининг ортишига таъсири исботланган;

ўсимликдан олинган воситалар интакт ва иммунтанқислиги бўлган жониворлар қонида эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини кўпайтириши аниқланган;

яллиғланишга қарши ва гипогликемик воситалар иммунологик ва гематологик кўрсаткичларини му-таносиб равишда меъёрлаштириши аниқланган;

ўсимликдан олинган воситалар ўткир токсик гепатитда иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришларига имунмодулловчи таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Иккиламчи иммунтанқисликларда маҳаллий хомашё асосида ўсимлик ва синтетик олинган янги воситаларнинг иммунотроп фаоллиги механизмини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Гармала ва каспий қарелинаси иммуномодулятор сифатида қўлланилишининг тажрибавий асосланиши» мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида имун тизими ҳолатини меъёрлаштириш учун хизмат қилган;

«Сукромед, провид, биомайрин ва биофтизиоэтамларнинг иммуномодулловчи воситалар сифатида қўллаш истиқболлари» мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иммунмодулловчи фаолликка эга, маҳаллий хомашёдан олинган зарарсиз арзон дори воситалари билан мамлакатимиз бозорини бойитишга имкон яратган;

«Рух глюконатини иммуномодулловчи восита сифатида қўллаш истиқболлари» мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида, ўткир токсик гепатит, гемолитик анемия ва нурланиш жараёнларида иммунологик ва гематологик кўрсаткичлар ҳолатини меъёрлаш учун хизмат қилган;

маҳаллий хомашё асосида олинган янги ўсимлик ва синтетик воситаларнинг иммунотроп фаоллигини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент фармацевтика институтининг дори воситаларини тажриба лабораторияси ва Тошкент тиббиёт академиясининг олий таълим муассасалари илмий тадқиқот лабораторияси фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-з/202-сон маълумотномаси). Татбиқ этилган натижалар маҳаллий хомашёдан олинган, иммунмодулловчи фаолликка эга бўлган ўсимлик дори воситаларини ишлаб чиқаришга асос бўлган.



МУХАМЕДОВА БАРНО ФАРХОДОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Нотурғун стенокардия билан қандли диабет бирга кечган беморларнинг миокард ревазуляризациясини қиёсий баҳолаш» (14.00.40).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҚДли ва ҚДсиз беморларда ЮИК нотурғун стенокардиянинг ревазуляризациягача ва ревазуляризациядан сўнг клиник кечиши, жумладан гемодинамик кўрсаткичларнинг хусусиятларидаги ва касаллик прогнозидаги фарқи аниқланган;

илк бор ҚДли беморларда нотурғун стенокардиянинг клиник кечишини баҳоловчи мезон сифатида анъанавий критерийлардан ташқари юракнинг ўнг бўлимларининг структур-функционал ремоделлашуви, жисмоний меҳнат қобилиятининг даражаси ва ҳаёт сифатининг сусайиши белгиланган;

илк бор ҚД фонидagi ЮИК нотурғун стенокардияси бўлган беморларда ўнг коронар артерия (ЎКА) проксимал қисмлари, ўраб олувчи артерия (ЎОА) ва чап коронар артерия (ЧКА) поясининг торайиши кўпроқ учраши асосланган;

ҚД фонидagi ЮИК нотурғун стенокардияси бўлган беморларда хирургик ревазуляризацияга бўлган кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар аниқ критерийлар (триглицеридлар сақловчи липопроteidлар концентрацияси, постпрандиал гликемия ифодаланганлиги ҳамда коронар томирларнинг шикастланганлик хусусиятлари, SINTAX шкаласи ва бошқалар) асосида кенгайтирилган;

ҚД фонидagi ЮИК нотурғун стенокардияси бўлган беморларда хирургик ревазуляризация вақтида сунъий қон айланиш аппаратини қўллашга талаб кўпроқ бўлиши кўрсатилган;

ОКС бўлган беморларда шошилиш равишда ўтказилган ревазуляризацияловчи амалиётларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нисбатан хавфсизлиги исботланган;

ҚД фонидagi ЮИК нотурғун стенокардияси бўлган беморларни комплекс даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва ушбу алгоритмни қўллаш ревазуляризациядан сўнг ишончли даражада жисмоний меҳнат қобилиятининг ортиши ва ҳаёт сифатининг яхшиланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Нотурғун стенокардияни даволаш тактикасини оптималлаштиришга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қандли диабет мавжудлигига боғлиқ равишда нотурғун стенокардияси бор беморларни олиб бориш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-р/209-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномани тадбиқ қилиш натижасида ҚД фонидagi ЮИК нотурғун стенокардияси бўлган беморларга РШТЭИМда кўрсатилаётган юқори технологик давони жаҳон стандартлари даражасида кўрсатилишига эришилди;

тадқиқот натижалари ўткир коронар синдром билан мурожаат қилувчи беморларни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган ва нотурғун стенокардия ташҳисини аниқлашга (юрак ишемик касаллиги дестабилизацияси клиникаси, электрокардиограммада ST сегмент кўтарилишининг йўқлиги, қон зардобиди миокард некрози маркерларининг ортишининг йўқлиги) қаратилган. Таклиф этилган алгоритм коронар ангиографияни ўз ичига олган, унинг натижаларига биноан кейинги эндоваскуляр ёки хирургик ва медикаментоз даволаш прогностик тактикасини белгилашга имкон яратган;

нотурғун стенокардияни даволаш тактикасини оптималлаштиришга бағишланган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика шошилини тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган ва Бухоро вилоят филиаллари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-р/209-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга татбиқ этилиши нотурғун стенокардия билан касалланган беморларни даволаш сифатини ошириш ҳамда беморларнинг реанимация бўлими ва касалхонда ётиш муддатларини 3 баробарга қисқартириш имконини берган. Ўлим кўрсаткичлари эса 2,2 баробар, даволанишга умумий ҳаражатлар миқдори эса 10%га камайган.



МИРАКИЛОВА ДИЛФУЗА БОТИРАЛИЕВНА

Фармацевтика фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «*Alcea rosea L.* ўсимлиги асосидаги балғам кўчирувчи ва ярага қарши дори воситалари технологияси» (15.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пушти баҳмалгул илдизи ва поясидан олинган қуруқ экстрактлар асосида «Альцеум» ва «Глицирозин» таблеткалари, «Глицирозин», «Гастрофит» ва «Глицирофит» капсулалари ҳамда «Пульмостим» кўп компонентли қиёми янги дори препаратлари яратилган; илк бор юқори нафас йўллари яллиғланишида балғам кўчирувчи «Альцеум», «Глицирозин» таблетка ва капсула дори шакллари ҳамда ошқозон-ичак ярасини даволовчи «Гастрофит» ва «Глицирофит» капсула дори шакллари олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

илк бор бешта маҳаллий доривор ўсимликлар (пушти баҳмалгул илдизи, қизилмия илдизи, катта зубтурум барги, наъматак меваси ва термопсис ўти) асосида оригинал дори воситаси «Пульмостим» кўп компонентли қиёмнинг муқобил таркиби танланган ва олиш технологияси ишлаб чиқилган;

пушти баҳмалгул экстрактлари ва улар асосида олинган дори шакллари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

клиник олди фармакологик изланишлар ва клиник тадқиқотлар натижалари асосида яратилган дори воситаларининг фармакотерапевтик самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Пушти баҳмалгул ўсимлиги асосида балғам кўчирувчи ва ярага қарши дори воситалари технологияларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пульмостим» қиёми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05436, 2017 й.). Натижада маҳаллий доривор ўсимликлар асосида олинган янги қиёмнинг таркиби юқори нафас йўллари касалликларини самарали даволаш имконини берган;

пушти баҳмалгул илдизи, пушти баҳмалгул илдизи қуруқ экстракти, пушти баҳмалгул поялари, пушти баҳмалгул пояси қуруқ экстракти, «Альцеум» таблеткалари, «Глицирозин» таблеткалари ва капсулалари учун меъерий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг қарори билан тасдиқланган (ФМ 42 Уз-0613-2017; ФМ 42 Уз-1067-2017; ФМ 42 Уз-1369-2017; ФМ 42 Уз-1370-2017; ВФМ 42 Уз-1068-2007; ВФМ 42 Уз-1069-2007; КФМ 42 Уз-22815978-2017). Натижада олинган дори воситалари юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак касалликларини самарали даволаш имконини берган;

пушти баҳмалгул илдизлари қуруқ экстракти ва пушти баҳмалгул поялари қуруқ экстракти Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида рўйхатга олинган (гувоҳнома, №07/384/1, 2012 й.; №08/499/2, 2012 й.). Мазкур меъерий ҳужжатнинг тасдиқланиши маҳаллий хомашё асосида яратилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган дори воситаларини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Альцеум», «Глицирозин» препаратларига (04-07-сон шаходатнома, 05-07-сон шаходатнома, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси №01572/06/17) тиббиётда ишлатишга рухсат берилган, «Пульмостим» қиёми (далолатнома, 14.04.2016 й.) ва «Глицирофит» капсулалари (далолатнома, 21.12.2017 й.) «LAFZ» МЧЖда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Натижада «Пульмостим» ва «Глицирофит» препаратларини тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилиб, дори препаратларини ишлаб чиқариш импортни қисқартириш имконини берган.



САЛИМОВ ИЛҲОМ ХАЙТОВИЧ

Ветеринария фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Қорамоллар қорасон касаллигининг махсус профилактикаси» (16.00.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикада қорамолларнинг қорасон касаллигини эпизоотологияси, тарқалганлиги, кечиши, клиник белгилари ва патологоанатомик ўзгаришлари аниқланган;

қорасон касаллиги қўзғатувчисининг маҳаллий штаммлари ажратилган ҳамда уларни культурал-морфологик ва биологик хусусиятлари аниқланган;

маҳаллий штаммлардан қорамол ва қўйларнинг қорасон касаллигига қарши концентранган алюмин гидрооксидли формолвакцинанинг тажриба серияси яратилган;

қорамол ва қўйларнинг қорасон касаллигига қарши концентранган алюмин гидрооксидли формолвакцинани иммуногенлиги, иммунитет давомийлиги ва мақбул дозаси денгиз чўчқачалари, қўй ва бузоқларда аниқланган;

вакцинанинг иммуногенлиги ишлаб чиқариш шароитида синондан ўтказилган;

яратилган вакцинани тайёрлаш ва биологик назорат қилиш бўйича қўлланма, унинг ташкилот стандарти (техник шартлари) ва қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Қорамолларнинг қорасон касаллигининг махсус профилактикаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг эмфизематоз карбункул касаллигига қарши алюмин гидроксидли формолвакцина» ишланмаси учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04609). Натижада йирик ва майда шохли ҳайвонларда эмфизематоз карбункул касаллигига қарши вакцинани қўллаш орқали ветеринария амалиётида юқори профилактик самарадорликка эришилган;

чорвачилик фермер хўжаликларида қўлланма сифатида «Йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг эмфизематоз карбункул касаллигига қарши алюмин гидроксидли формолвакцинани қўллаш» бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 02/14-47-сон маълумотномаси). Мазкур йўриқнома республикамизнинг чорвачилик хўжаликларида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг эмфизематоз карбункул касаллигини олдини олишда қўлланма сифатида кенг қўлланилган;

алюмин гидроксидли формолвакциnasi Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг чорвачилик хўжаликларида қорамол ва қўйларнинг қорасон касаллигини олдини олиш жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 02/14-47-сон маълумотномаси). Натижада эмланган қорамол ва қўйларда олти ой давомида қорасон билан касалланиш ҳолатлари кузатилмаган, вакцинанинг иммуногенлик самарадорлиги 100 фоизни ташкил этган;

алюмин гидроксидли формолвакциnasi Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари фермер хўжаликларидаги 21 минг бош қорамол ва қўйларда қорасон касаллигининг профилактикаси жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 02/14-47-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу вакцинани қўллаш ҳисобига ўртача 720,0 млн. сўм иқтисодий зарар олди олиниб, сарфланган 1 сўм ҳаражатга ўртача 53,2 сўм фойда олишга эришилган.



МАМАТМУСАЕВ ТОХИР ШАЙДУЛОВИЧ

Архитектура фан доктори. Диссертация мавзуси: «Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши» (18.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абу Райҳон Беруний ва «Авесто» маълумотлари ҳамда мил.ав. II–I минг йилларга оид археологик манбаларга асосланиб, Ўрта Осиёда мил.ав. II минг йилликда илк урбанизацион жараёнларнинг вужудга келганлиги ва Сополлитепа манзилгоҳининг «Вара» кўринишидаги протошаҳар сифатида илк шаҳарларнинг келиб чиқишини белгилаб берганлиги аниқланган;

аҳоли манзилгоҳларининг кўчалари, турар жой, ишлаб чиқариш, диний бинолари, жамоа марказлари ва мудофаа иншоотларини табақалаштириш воситалари орқали шаҳар эканлигини аниқловчи 14 компонентли архитектура-шаҳарсозлик алгоритми ишлаб чиқилган ва шу асосда Ўзбекистонда Жаркўтон қароргоҳининг илк шаҳар намунаси бўлганлиги исботланган;

қадимдан то XX асрнинг бошларигача бўлган давр шаҳарлари чодирли, дуал, икки ёки уч қисмли ва икки тузилмали тарзда шаклланганлиги аниқланган;

шаҳарлар қадимги ва антик даврларда асосан концентрик, ўрта асрларда секторли ва XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кўп ядроли тарзда ривожланганлиги аниқланган;

ўрта асрларда йирик шаҳарлар уч қисмли (арк, шахристон ва рабод) ҳамда мудофаа деворлари билан муҳофазаланганлиги, одатда шахристон 4 ва рабод 12 дарвозали бўлганлиги, шаҳар марказида чорсу ва регистон майдонлари шаклланганлиги, шаҳарлар чақарлар (ҳарбий истеҳком бинолари)га эга бўлганлиги аниқланган;

тарихий шаҳарсозлик базасида туризмни ривожлантиришга қаратилган эски Термиз шаҳри ҳудудида жойлашган кушонлар даврига мансуб Қоратепа манзилгоҳининг асосий биноси ҳовли қисми ва Чингизтепа ёдгорлигининг мудофаа девори график реконструкция вариантлари, шунингдек Темурийлар даврига мансуб Чилсутун, Боғи Бўлди, Боғи Давлатобод боғлари кўшк-саройларининг илк архитектуравий кўринишларининг лойиҳавий таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий шаҳарларнинг таркибий қисмлари – кўчалар, шаҳар майдонлари, жамоат бинолари, меъморий ансамблларнинг шаҳарлар режасида жойлашуви ва уларнинг модул тизими қоидаларига мос тушиши юзасидан қўлга киритилган илмий натижалардан «Архитектура шакллари уйғунлаштириш ва безаш» дарслигининг «Шаҳарсозликда модул тизими ва ҳандасавий уйғунлик» номли VIII бобини шакллантиришда фойдаланилган (ўқув адабиётининг 2015 йил 30 майдаги 191-065-сон нашр рухсатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши қадимги манбаларда шаҳарларнинг жойлашуви, шаҳарсозлик ечимларининг мувофиқлаштирилиши, шаҳарсозликда модул тизими каби тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш имконини берган;

тарихий шаҳарларнинг вужудга келиши 3000 йилга бориб тақалиши, протошаҳарлар, илк шаҳар наму-

налари, шаҳарлар режасининг эволюцион ривожланиши, уларнинг генетик асослари бўйича олинган натижалар Ф.1-86 рақамли “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2011–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 89-03-3514-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Ўзбекистон шаҳарсозлигининг генетик асосларини белгилаш ҳамда шаҳарсозлик анъаналарининг қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этганлиги хусусида аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

Самарқанд шаҳрининг қадимдан ҳозиргача бўлган шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, шунингдек Темурийлар даврига мансуб боғларнинг ҳозирда сақланмаган Чилсутун, Боғи Бўлди, Боғи Давлатобод кўшк-саройларининг илк архитектуравий кўринишлари лойиҳавий таклиф ечимларидан амалиётда фойдаланилган (Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 01-01/950-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Самарқанд вилояти тарихий муҳитини сақлаш, қайта қуриш ва туризмни ривожлантириш имконини берган;

қадимдан Хоразм шаҳарлари ҳандасавий нисбатлаш асосида қурилганлиги, ҳудудий-маъмурий қисмларга ажратилганлиги, мустақкам мудофаа деворлари мавжудлиги, иқлим омилининг муҳимлиги, шунингдек Хива, Кўҳна Урганч, Шаббоз, Ҳазорасп каби шаҳарлар қадимдан шаклланган ядролари атрофида ривожланганлиги каби илмий натижалар Ф1-ФА-0-17788 рақамли “Хоразм урбанизациялашган маданиятининг энг қадимги ва қадимги тарихи” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм Маъмун академиясининг 2018 йил 15 ноябрдаги 15/11-18-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Хоразм шаҳарсозлигининг генетик асосларини белгилаш ҳамда шаҳарсозлик анъаналарининг қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этганлиги хусусида аниқ хулосалар чиқариш имконини берган.



АБДУРАСУЛОВ РУСТАМ АБДУРАИМОВИЧ

Психология фанлари доктори. Диссертация мавзуси: «Спорт машғулотларининг ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишидаги роли (яккакураш турлари мисолида)» (19.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўқувчилар шахси шаклланишида шарқ яккакураши машғулоти таъсирини самарадорлигини таъминловчи хавфсизликка (ўзини ҳимояланган ҳис қилиш, қўрқув ҳиссидан халос бўлиш), мансуб бўлиш (ўзаро бир бирини қўллаб-қувватловчи инсонлар орасида бўлиш, атрофдагилар томонидан қабул қилиш ва эътироф этилиш) каби етакчи эҳтиёжлари аниқланган;

Шарқ яккакурашини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда фаолиятни мақсадли бошқаришни таъминловчи “техник маҳорат шакллантириш”, ўзи билан атроф оламни уйғунлаштирувчи “шахсни ўзини ўзи камол топтириш”, хулқ-атворни тартибга солишга кўмаклашувчи “ахлоқий ва инсонийлик сифатларни мустақкамлаш”, поклик, дўстлик, ғазаб ва нафратни чеклаш, тўғри билан нотўғрини фарқлашни шакллантирувчи “ахлоқий-этикавий сифатлар” каби етакчи тамойиллари аниқланган;

Шарқ яккакураши машғулотидаги “жанг шароитида усулларнинг ўрганиш”, “жангвор ҳолатнинг ранг-баранглиги”, “эркин жанглар” ва “жанг усулларини ўзлаштириш” ўқувчиларнинг шарқ яккакураши машғулоти билан шуғулланишга бўлган қизиқиш-ларини, мусобақалаш, етакчиликка интилиши, натижаларга эришиш, ўзини ўзи рағбатлантириш мотивларини шакллантирувчи омиллар эканлиги далилланган;

Шарқ яккакураши машғулоти жараёнида ўқувчилар шахсининг шаклланишини ифодаловчи “ретроспектив Мен” (шарқ якка курашини ўргангунга қадар), “реал Мен” (шарқ яккакурашини ўрганиш жараёни), “идеал Мен” (истикболларини режалаштириш) ва “динамик Мен” (шахслик хусусиятларини ўсиб бориши) турлари аниқланган;

Шарқ яккакураши машғулотида ўқувчиларнинг машғулот жараёнида ва кундалик турмушда хулқ-атворини тартибга солувчи, гуруҳда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва жипслаштириш хусусиятини шакллантирувчи, психоэмоционал ҳолатларни (стрессга чидамлик, фрустрацияга толерантлик) тартибга солишга йўналтирилган машқлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Спорт машғулотларининг ўқувчи-спортчилар шахсини шаклланишидаги роли бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шарқ яккакураши машғулотларининг ўқувчилар шахси шаклланишига самарали таъсирини таъминловчи “босқичма босқичлик”, “чидамлик”, “изчиллик”, “етарлик”, “дифференциациялашганлик”, “куч”, “реакция-куч”, “координациялаш қобилиятларини ривожлантириш” каби компонентлари тўғрисидаги янгилик умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўғарақлари машғулоти мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380 сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномалари). Натижада болалар-ўсмирлар спорт мактаби спорт тўғарақларида ўқувчиларнинг психологик тайёргарлигини янада оширишга ёрдам берган;

шарқ яккакурашини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда фаолиятни мақсадли бошқаришни таъминловчи “техник маҳоратни шакллантириш”, ўзи билан атроф оламни уйғунлаштирувчи “шахсни ўзини ўзи камол топтириш”, хулқ-атворни тартибга солишга кўмаклашувчи “ахлоқий ва инсонийлик сифатларни мустақкам-

лаш”, поклик, дўстлик, ғазаб ва нафратни чеклаш, тўғри билан нотўғрини фарқлашни шакллантирувчи “ахлоқий-этикавий сифатлар” каби етакчи тамойилларига доир илмий янгилик умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўғараклари машғулоти мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномалари). Натижада болаларни психологик ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб, тарбиялаш вазибаларини амалга оширишда хизмат қилган;

ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулоти билан шуғулланишга бўлган қизиқишлари (жанг шароитида усулларни ўрганиш, эркин жанглар, жанговор ҳолатнинг ранг-баранглиги) уларда мусобақалаш, етакчилик интилиши, натижаларга эришиш, ўзини ўзи рағбатлантириш мотивларини ўсишига олиб келганлиги далилланган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномаси). Натижада болалар ўқувчиларнинг спорт мусобақаларига тайёргарлиги, ўзини ўзи назорат қилиш имкониятларини ўстиришига хизмат қилган;

шарқ яккакураши машғулоти жараёнида ўқувчилар шахсини ифодаловчи “ретроспектив Мен” (шарқ яккакурашини ўргангунга қадар), “реал Мен” (шарқ яккакурашини ўрганиш жараёни), “идеал Мен” (истиқболларини режалаштириш), “динамик Мен” (шахслик хусусиятларини ўсиб бориши) турлари аниқланган илмий янгилик умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спорт тўғараклари машғулотида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномалари). Натижада ўқувчи-спортчиларнинг жамият ҳаётида, ўқув жараёнида маданиятлараро муносабатларни, ўзга инсонларга нисбатан ижобий муносабат ва ахлоқий фазилатларини ривожлашишига хизмат қилган.

Шарқ яккакураши машғулотида ўқувчиларнинг машғулоти жараёнида ва кундалик турмушда хулқ-атворини тартибга солувчи, гуруҳда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва жипслаштириш хусусиятини шакллантирувчи, психоэмоционал ҳолатларни (стрессга чидамлик, фрустрацияга толерантлик) тартибга солишга йўналтирилган машқур ишлаб чиқилгани тўғрисидаги илмий янгилик жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийларини малакасини ошириш машғулотида ўқувчи-спортчиларни психологик тайёргарлиги борасидаги билимларини оширишда, ўқув-амалий семинарларни ташкил қилишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 15 мартдаги 02-01/1-3-1380-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 01-07-08-666-сон маълумотномалари). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари амалий психологлар ва спорт мактаблари мураббийлари фаолиятининг сифатини такомиллашувига хизмат қилган.



МАВЛОНОВ ЖУРАБЕК ЁРҚУЛ ЎҒЛИ

Сиёсий фанлар доктори. Диссертация мавзуси: «Давлат ва халқ ўртасида самарали мулоқотни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш» (23.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«фуқаролик мулоқоти», «давлат – фуқаро» ва «давлат – фуқаролик жамияти институтлари – фуқаро» мулоқот модели тушунчаларининг замонавий мазмуни очиб берилган, фуқаролик жамияти глобаллашув ва ахборотлашув парадигмаларининг сиёсий-коммуникатив характери асосланган;

ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш учун краутсорсинг технологияларни қўллашга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқаролик жамияти институтлари самарадорлигини баҳолаш ижтимоий мониторинг методикаси ишлаб чиқилган;

миллий ННТ фаолиятини либераллаштириш орқали давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенгайтириш учун ижтимоий шериклик тўғрисида меморандумлар тузиш, ахборот таҳлилининг замонавий усулларида фойдаланиш, PR-технологияларни жорий қилиш, «йўл хариталаш» стратегиясидан фойдаланиш каби оптималлаштиришнинг инновацион механизмлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқотни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«фуқаролик мулоқоти», «фуқаролик жамияти институтларининг мулоқотлик имкониятлари», «давлат – фуқаролик жамияти институтлари – фуқаро» мулоқот модели каби тушунчаларнинг илмий муомалага киритилиши Шотландиянинг Глазго университети томонидан эътироф этилган (Шотландия Глазго университетининг 2018 йил 22 декабрдаги маълумотномаси). Мазкур тушунчалар фуқаролик жамиятининг замонавий сиёсий-коммуникатив масалаларини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этиб, сиёсий технологияларнинг тармоқли характерини очиб беради ҳамда сиёсий фанлар соҳасида янги тадқиқотлар ўтказиш имконини берган;

сиёсий партиялар фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга оид таклифлар асосида партиялар томонидан илгари сурилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамасига олиб

чиқишга оид замонавий, Ўзбекистон шароитига мослаштирилган, сиёсий технологияларни қўллашга, мамлакатимиз партиявий тузилмалар ижобий имижни шаклланиши ва аҳоли томонидан сиёсий партияларга бўлган ишончнинг орттишига кўмаклашган (Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2018 йил 24 июлдаги 01-27/758-сон маълумотномаси). Краутсорсинг асослари қўлланилиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасига сиёсий партияларнинг экспертлари ва электоратнинг фаол вакиллари кенг жалб қилишга хизмат қилган;

фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ўзликни англаш жараёни мониторингини олиб бориш юзасидан илгари сурилган методик таклифлар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ахборот-таҳлилий фаолиятининг Комплекс дастурига киритилган ҳамда “Фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ўзликни англаш жараёни мониторинги”ни ўтказишда қўлланилди. (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 18 майдаги 03-190-сон маълумотномаси). Мазкур методика мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари рейтингини шакллантиришда, уларнинг истиқболдаги ривожланиш “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва жорий этилишида кўмаклашди, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларга дахлдорлик ҳисси ва давлат билан халқ ўртасида мулоқот даражасини оширишга хизмат қилган;

мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш, адлия, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ННТлар фаолиятини текширув жараёнининг шаффофлиги, муддат, шарт ва даврийлигининг аниқ тартиби ҳамда текширувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, ННТлар фаолияти устидан давлат назорати тизимини эркинлаштириш юзасидан таклифлар берилди (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциациясининг 2018 йил 3 августдаги 04-06/247-02-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар муҳим ижтимоий масалалар билан шуғулланган ННТлар фаолиятини кенг ёритиш учун кўмак механизмларини шакллантириш, аҳоли ўртасида кўнгилли ва хайрия ишларини оммалаштириш, ижтимоий реклама ва ижтимоий аудит билан шуғулланиш, давлат муассасаларига кадрлар танлаш ва давлат хизматида жалб қилиш жараёнида ижтимоий шериклик тизимини йўлга қўйиш каби механизмлардан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси амалиётида кенг фойдаланиб келинмоқда;

ижтимоий назорат механизмларини кенгайтириш ва унда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусидаги таклифлар Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия фонди томонидан фойдаланиб, давлат ва фуқаролар ўртасида Республика Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши фаолияти самарадорлигини оширган ҳамда жамият ҳаётида маҳалланинг иштирокини кенгайтириш юзасидан янги ёндашувлар шаклланишига кўмаклашган (Республика Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг 2018 йил 13 сентябрдаги 02-01/493-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги меморандумлар тузиш, аҳоли билан ишлаш жараёнида замонавий PR-технологияларини амалиётга жорий қилишга хизмат қилиб, Республика кенгашининг минтақавий семинарлар ташкил этишда ўқув материаллари сифатида кенг фойдаланилган.

АХМЕДОВ ХУСНИДДИН АЛИКУЛОВИЧ

Сиёсий фанлар доктори. Диссертация мавзуси: “Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси (ижтимоий-сиёсий таҳлил)” (23.00.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“жамиятнинг маънавий ҳаёти” ва “маънавий ҳаёт динамикаси” тушунчаларининг ижтимоий-сиёсий, ўзгарувчан, интенсив ва тарбиявий жиҳатлари очиб берилган;

маънавий ҳаёт динамикасига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар трансформациясининг мамлакатимизга хос оптимистик, толерантлик каби ментал жиҳатлари очиб берилган;

жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг устувор конструктив тенденциялари ва уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳудудлардаги тизимлар ривожига интенсив таъсири ҳамда унинг стратегик натижалари очиб берилган;

жамиятнинг маънавий ҳаётига хос ўзгаришларнинг самарасини ошириш жараёнидаги сиёсий маданият ва мафкура билан боғлиқ мантиқий алоқадорлик, узвийлик, ворисийлик каби хусусиятлари очиб берилган;

жамиятнинг янги қиёфасини яратиш жараёнидаги маънавий ҳаётнинг реал ҳолатини аниқлаш, ислохотларнинг маънавий мезонларини такомиллаштириш ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни маънавий баҳолашга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган илмий натижалари.

Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жамият маънавий ҳаётининг динамикасига таъсир кўрсатадиган давлат қурилиши, ҳокимиятлар бўлиниши каби ижтимоий-сиёсий омиллар, соҳадаги тафаккур ўзгариши, янгиланишлар жараёнининг мамлакатимизга хос жиҳатларига доир ҳамда фуқаролик жамиятига тегишли мулоҳазалардан “Fuqarolik jamiyati fanidan tushuncha va tamoyillar” луғатидаги ижтимоий-сиёсий атамаларнинг таърифини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 89-03-2354-сон маълумотномаси (– Тошкент, “Turon zamin ziyo” 2017, 19-6.). Натижада мазкур луғатнинг маъно-маз-



муни, жамиятнинг маънавий ҳаёти динамикаси каби тушунчалар билан бойитилган, улар асосида ёшлар онгига фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрларни сингдириш бўйича таъсирчанлиги ортган;

Жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг устувор конструктив тенденцияларининг ижтимоий-сиёсий тузилмалар, марказ ва ҳудудлардаги тизимлар ривожига таъсири ва натижаларига қаратилган хулосалардан Республика маънавият ва маърифат маркази жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш” соҳасидаги фаолиятида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 20 июлдаги 01/09-847-18-сон маълумотномаси). Натижада Республика маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар” дастурининг VI боби “Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий кадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар” қисмида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилган;

жамиятнинг маънавий ҳаётига хос ўзгаришларнинг самарасини ошириш жараёнидаги сиёсий маданият ва мафкура билан боғлиқ ўзаро алоқадорлик, узвийлик, тизимли хусусиятларига доир таклифлардан “Тараққиёт стратегияси” марказининг хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлари доирасидаги норматив-ҳуқуқий ва шартномавий базаларни таҳлил қилишда фойдаланилган (“Тараққиёт стратегияси” марказининг 2018 йил 17 июлдаги 1075/18-сон маълумотномаси). Натижада Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосидаги давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, улар юзасидан илмий-амалий жиҳатга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқишга эришилган;

тадқиқотнинг “жамиятнинг маънавий ҳаёти” ва “маънавий ҳаёт динамикаси” каби тушунчалар талқинидан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланган “Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати”ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2018 йил 14 сентябрдаги 22-сон маълумотномаси). Натижада ушбу илмий-фалсафий луғат маънавий ҳаётга тааллуқли янги атамалар билан бойиди, бу эса жамият маънавий ҳаётининг анъанавий қабул қилинган таърифларини янги мазмуний жиҳатлар билан тўлдиришга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишда жамиятни янада демократлаштириш ва мамлакат ҳаётини янгилашга қаратилган туб ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида халқимиз маънавиятини янги босқичга кўтариш механизмларидан ҳамда жамият маънавий ҳаётини янги мазмун билан тўлдириш, аҳолининг қалби ва онгида юксак маънавий кадриятларни барқарор қилиш борасидаги фаолият натижаларининг динамик тарзда ўсиб бориш жараёнини янада самарали ташкил қилиш борасидаги таклифларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 17 июлдаги 01-11-10-4980-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириш, уларни умумбашарий кадриятларнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги кенг қўламли ишларни амалга оширишга хизмат қилган.

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИДА ТАСДИҚЛАНГАНЛАР
(XII.2018-III.2019 йй.)**

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ихтисослик шифри	ИК рақами, муассаса номи	Илмий даража берилган фан тармоғи номи	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи
2018 йил 29 декабрдаги 260/1-сон қарори билан					
1.	Сафаров Жўрабек Шакирович	01.01.02	DSc.27.06.2017.FM.01.01, Ўзбекистон Миллий университети	Физика- математика фанлари	Математика ва механика фанлари
2.	Нишонов Файзулло Холмирзаевич	01.02.05	DSc.28.02.2017.T/FM.61.01, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти	Физика- математика фанлари	Математика ва механика фанлари
3.	Джиянов Турсунпулот Ортиқович	01.02.05	DSc.28.02.2017.T/FM.61.01, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти	Физика- математика фанлари	Математика ва механика фанлари
4.	Шайматов Санжар Рузимуротович	01.03.01	DSc.27.06.2017.FM/T.33.01, Ядро физикаси институти	Физика- математика фанлари	Физика фанлари
5.	Файзиев Шахобиддин Шавкатович	01.04.09	DSc.29.08.2017.FM.02.04, Самарқанд давлат университети	Физика- математика фанлари	Физика фанлари
6.	Амонов Бахтиёр Умрзокович	01.04.09	DSc.29.08.2017.FM.02.04, Самарқанд давлат университети	Физика- математика фанлари	Физика фанлари
7.	Шайимов Файзулло Фатуллаевич	01.04.11	DSc.30.05.2017.FM/T.65.01, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти	Физика- математика фанлари	Физика фанлари
8.	Абдурахмонов Ғуломжон Абдусаматович	02.00.01	DSc.27.06.2017.K.01.03, Ўзбекистон Миллий университети	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
9.	Джуманазарова Зулфия Кожабаявна	02.00.01	DSc.27.06.2017.K.01.03, Ўзбекистон Миллий университети	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
10.	Фазлиева Нигина Тожиқуловна	02.00.04	PhD.28.02.2018.K.02.05, Самарқанд давлат университети	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
11.	Холтураева Норой Рузматовна	02.00.06	DSc.27.06.2017.K/FM/T.36.01, Полимерлар кимёси ва физикаси институти	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
12.	Жанибеков Абдулазиз Адилханович	02.00.10	PhD.27.06.2017.K.05.01, Фарғона давлат университети	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
13.	Махмудова Феруза Ахмаджоновна	02.00.14	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти (бир марталик илмий кенгаш)	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
14.	Баев Артём Юрьевич	03.00.02	DSc.27.06.2017.K/V/T.37.01, Биоорганик кимё институти	Биология фанлари	Биология фанлари
15.	Чарышникова Оксана Станиславовна	03.00.02	DSc.27.06.2017.K/V/T.37.01, Биоорганик кимё институти	Биология фанлари	Биология фанлари

16.	Рахматова Нодира Рахимовна	03.00.05	DSc.27.06.2017.B.39.01, Ботаника институти	Биология фанлари	Биология фанлари
17.	Бўранова Муҳайё Ораловна	03.00.05	DSc.27.06.2017.B.39.01, Ботаника институти	Биология фанлари	Биология фанлари
18.	Қудратов Жасур Асилбекович	03.00.06	DSc.29.08.2017.B.52.01, Зоология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
19.	Каримова Иродагон Иброхимжоновна	03.00.08	DSc.27.06.2017.B.38.01, Микробиология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
20.	Терентьева Екатерина Олеговна	02.00.10	DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01, Биоорганик кимё институти	Биология фанлари	Биология фанлари
21.	Касимова Шахзодагон Рағизидиновна	04.00.02	DSc.27.06.2017.GM.40.01, Минерал ресурслар институти	Геология- минералогия фанлари	Геология- минералогия ва география фанлари
22.	Файзуллаев Байрам Артикбаевич	05.01.02	DSc.28.12.2017.T.07.01, Тошкент ахборот технологиялари университети	Техника фанлари	Ахборот-коммуни- кация технология- лари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
23.	Эргашев Фарход Арифжанович	05.01.08	DSc.27.06.2017.T.03.02, Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Ахборот-коммуни- кация технология- лари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
24.	Усманога Хулқар Асадуллаевна	05.03.01	DSc.27.06.2017.T.03.02 Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Ахборот-коммуни- кация технология- лари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
25.	Абдужаппарова Муборак Балтабаевна	05.04.01	DSc.28.12.2017.T.07.02, Тошкент ахборот технологиялари университети	Техника фанлари	Ахборот-коммуни- кация технология- лари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
26.	Шакиров Шухрат Мусаевич	05.02.01	DSc.28.02.2018.T.03.04, Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Техника фанлари
27.	Алибоев Бахтиёр Абдурахмонович	05.02.02	DSc.28.02.2017.T.03.04, Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Техника фанлари
28.	Ахмедов Ҳамидулла Абдухошимович	05.02.03	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари
29.	Мирзаев Отабек Абдукаримович	05.02.03	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари
30.	Далиев Шухратгон Латибжонович	05.02.03	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари
31.	Очилова Озода Одиловна	05.04.02	DSc.28.12.2017.T.07.02, Тошкент ахборот технологиялари университети	Техника фанлари	Ахборот-коммуни- кация технология- лари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
32.	Иноғомжонов Давруг Давронович	05.06.02	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари

33.	Умаров Акмал Акпаралиевич	05.06.02	PhD.30.05.2018.T.66.01, Наманган муҳандислик- технология институти	Техника фанлари	Техника фанлари
34.	Шомансурова Мухтабар Шомахсумовна	05.06.04	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари
35.	Икрамов Назир Мўминжонович	05.09.07	DSc.27.06.2017.T.10.02, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Техника фанлари	Техника фанлари
36.	Утемуратов Махсет Маратович	05.09.07	DSc.27.06.2017.T.10.02, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Техника фанлари	Техника фанлари
37.	Абдурахманов Бахромжон Абдукаххарович	01.04.10	DSc.28.02.2017.FM/T.03.05, Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Физика фанлари
38.	Ботиров Рўзали Анварович	02.00.10	DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01, Биоорганик кимё институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
39.	Джурабаев Джалол Тургунбаевич	02.00.10	DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01, Биоорганик кимё институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
40.	Абылова Амина Жанабаевна	02.00.11	DSc.27.06.2017.K/T.35.01, Умумий ва ноорганик кимё институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
41.	Абдуллаева Марғуба Толибжоновна	02.00.13	DSc.27.06.2017.K/T.35.01, Умумий ва ноорганик кимё институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
42.	Эминов Азизжон Ашрапович	02.00.15	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
43.	Машарипова Зулхумар Атабековна	02.00.16	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти (бир марталик илмий кенгаш)	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
44.	Султанова Шахноза Абдувахитовна	02.00.16	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти (бир марталик илмий кенгаш)	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
45.	Худойбердиева Назора Шарофовна	02.00.16	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти (бир марталик илмий кенгаш)	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
46.	Сулайманова Гулчехра Хакимовна	02.00.17	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти; DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01, Биоорганик кимё институти (жамоавий тақриз)	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
47.	Норматов Анвар Мирзаевич	02.00.17	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
48.	Арустамян Армен Михайлович	04.00.14	DSc.27.06.2017.T.06.01, Навоий давлат кончилик институти	Техника фанлари	Геология- минералогия ва география фанлари
49.	Абдураимова Дилбар Айбековна	06.01.02	DSc.27.06.2017.T.10.02, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Техника фанлари	Техника фанлари

50.	Суюнов Шухрат Абдусалиевич	11.00.06	DSc.27.06.2017.T.10.02, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Техника фанлари	Техника фанлари
51.	Сайимбетов Алишер	06.01.01	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
52.	Намозов Нормамат Чориевич	06.01.03	DSc.27.06.2017.Qx.43.01, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
53.	Ҳазратқулова Шаҳноза Усмоновна	06.01.05	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
54.	Орипов Шерали Холбоевич	06.01.05	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
55.	Халмирзаев Дилмурад Камилович	06.01.07	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
56.	Ганджаева Лола Атаназаровна	06.01.08	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
57.	Ишмухамедова Раъно Чориевна	06.01.08	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
58.	Тангирова Гулчехра Насридиновна	06.01.08	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
59.	Исашова Умидахон Анваржановна	06.01.09	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
60.	Донаев Хусниддин Абдиолимович	06.02.01	DSc.30.08.2018.Qx.13.02, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
61.	Ибадуллаева Амина Сағынбаевна	06.02.03	DSc.30.08.2018.Qx.13.02, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
62.	Абдримова Гулбаҳор Эримматовна	06.02.04	DSc.30.08.2018.Qx.13.02, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
63.	Ахмедов Умиджон Намазович	06.02.04	DSc.30.08.2018.Qx.13.02, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
64.	Ражабов Нарзулла Оролович	06.02.04	DSc.30.08.2018.Qx.13.02, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
65.	Бобоев Феруз Сайфиллоевич	07.00.01	DSc.06.01.2018.Tar.56.01, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар

66.	Абидова Зайнаб Қадирбергановна	07.00.07	DSc.06.01.2018.Tar.56.01, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
67.	Валихонова Гулнорахон Комилжонова	07.00.07	DSc.06.01.2018.Tar.56.01, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
68.	Чориев Шерзоджон Шокиржонович	07.00.08	DSc.06.01.2018.Tar.56.01, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
69.	Аллоқулов Абдулатиф Абдуллаевич	24.00.01	DSc.26.04.2018.Isl./Tar/F/ Fil.57.01, Ўзбекистон халқаро ислом академияси	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
70.	Калимбетов Халыкназар Курбанбаевич	08.00.04	DSc.27.06.2017.I.10.03, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат аграр университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
71.	Абдиқаримова Динара Рустамхановна	08.00.07	DSc.27.06.2017.I.17.01, Тошкент молия институти	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
72.	Аллаяров Фозлиддин Амонуллаевич	08.00.07, 08.00.06	DSc.27.06.2017.I.15.01, ЎзР Банк-молия академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
73.	Мўминова Маъсуда Бахтияровна	08.00.07	DSc.27.06.2017.I.15.01, ЎзР Банк-молия академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
74.	Абдиева Наргиза Шухратовна	08.00.08	DSc.27.06.2017.I.17.01, Тошкент молия институти	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
75.	Ибрагимов Комилджон Шеркузиевич	08.00.08	DSc.27.06.2017.I.17.01, Тошкент молия институти	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
76.	Минглишов Лазиз Ўткирович	08.00.09	DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I./S/24.01, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
77.	Эргашев Алижон Ҳожимаматович	08.00.11, 08.00.07	DSc.27.06.2017.I.16.01, Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
78.	Ибрагимова Маъмура Мухиддиновна	08.00.15	DSc.27.06.2017.I.15.01, ЎзР Банк-молия академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
79.	Очилов Жамшид Абдурашидович	09.00.01	DSc.27.06.2017.F.02.02, Самарқанд давлат университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
80.	Кахарова Мунира Махамаджановна	09.00.02	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар

81.	Тешабоев Муҳиддинжон Марифович	09.00.02	DSc.27.06.2017.F02.02, Самарқанд давлат университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
82.	Гасанбеков Владимир Креминальдович	09.00.04, 09.00.03	DSc.27.06.2017.F01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
83.	Джуракулов Хусан Анварович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F02.02, Самарқанд давлат университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
84.	Қабуллов Қосимбой Пиржонович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F02.02, Самарқанд давлат университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
85.	Камолова Кимёхон Ғулумжоновна	09.00.04	DSc.27.06.2017.F01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
86.	Суванов Илҳом Абдихалилович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
87.	Убайдуллаев Исломжон Абдуллаевич	09.00.04	DSc.27.06.2017.F01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
88.	Шерманов Исобек Чилмаматович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F02.02, Самарқанд давлат университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
89.	Алиева Меҳриноза Айбековна	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.05.02, Фарғона давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
90.	Аллабердиев Алижон Авезбердиевич	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.19.01, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	Филология фанлари	Филология фанлари
91.	Адизова Ободон Истамовна	10.00.01	PhD.30.05.2018.Fil.70.01, Қарши давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
92.	Ботирова Адиба Эркиновна	10.00.01	PhD.30.05.2018.Fil.70.01, Қарши давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
93.	Газиева Мафтуна Муҳаммадовна	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.19.01, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	Филология фанлари	Филология фанлари
94.	Қўзиёв Умиджон Яндашалиевич	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.05.02, Фарғона давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
95.	Махмараимова Шохиста Тухташевна	10.00.01	PhD.30.05.2018.Fil.70.01, Қарши давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
96.	Хамроева Шаҳло Мирдждоновна	10.00.01	PhD.30.05.2018.Fil.70.01, Қарши давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари

97.	Хошимова Наргис Абдуллаевна	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.05.02, Фарғона давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
98.	Усманова Мохира Кенжаевна	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.02.03, Самарқанд давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
99.	Ғафорова Зиёда Насриевна	10.00.02	DSc.27.06.2017.Fil.02.03, Самарқанд давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
100.	Каримова Шахлохон Ғаниевна	10.00.02	DSc.27.06.2017.Fil.46.01, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институту	Филология фанлари	Филология фанлари
101.	Назаров Ўктам Жўраевич	10.00.02	PhD.30.05.2018.Fil.70.01, Қарши давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
102.	Олимов Фаррухбек Султонмуродович	10.00.02	DSc.27.06.2017.Fil.46.01, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институту	Филология фанлари	Филология фанлари
103.	Тулибаев Хурсанд Базарбаевич	10.00.02	DSc.27.06.2017.Fil.05.02, Фарғона давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
104.	Мамбетова Гулназ Жаксимуратовна	10.00.03	DSc.27.06.2017.Fil.20.01, Қорақалпоқ давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
105.	Раджабов Насир Насимович	10.00.06	DSc.27.06.2017.Fil.21.01, Тошкент давлат шарқшунослик институту, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети	Филология фанлари	Филология фанлари
106.	Саидқодирова Дилфузахон Саидқодировна	10.00.06	DSc.27.06.2017.Fil.21.01, Тошкент давлат шарқшунослик институту, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети	Филология фанлари	Филология фанлари
107.	Сулайманова Нилуфар Жаббаровна	10.00.06	DSc.26.04.2018.Fil.01.10, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институту, Андижон давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
108.	Ҳайитов Шухрат Мойлиевич	10.00.06	DSc.26.04.2018.Fil.01.10, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институту, Андижон давлат университети	Филология фанлари	Филология фанлари
109.	Ҳамраев Комилжон Ўлмасович	10.00.07	DSc.27.06.2017.Fil.46.01, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институту	Филология фанлари	Филология фанлари
110.	Алламбергенова Инабат Хасанбаевна	10.00.08	DSc.30.08.2018.Fil.46.02, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институту	Филология фанлари	Филология фанлари
111.	Жўрақўзиев Нодирбек Имомқўзиевич	10.00.08	DSc.30.08.2018.Fil.46.02, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институту	Филология фанлари	Филология фанлари
112.	Хайдаров Сафарбой Абдирашитович	11.00.03	DSc.27.06.2017.G.47.01, Гидрометеорология илмий- текшириш институту	География фанлари	Геология- минералогия ва география фанлари

113.	Яқубжонова Шохсанам Тошканбоевна	11.00.05	DSc.27.06.2017.G.01.06, Ўзбекистон Миллий университети	География фанлари	Геология- минералогия ва география фанлари
114.	Бабакулов Зафар Қурбонназарович	12.00.03	DSc.27.06.2017.Yu.22.01, Тошкент давлат юридик университети	Юридик фанлар	Юридик фанлар
115.	Аманов Аброржон Абдуллаевич	12.00.03	DSc.30.08.2018.Yu.74.01, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий- техник институти	Юридик фанлар	Юридик фанлар
116.	Махмудов Дилмурод Розметович	12.00.03	DSc.30.08.2018.Yu.74.01, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий- техник институти	Юридик фанлар	Юридик фанлар
117.	Атажанова Динара Салимжановна	12.00.05	DSc.27.06.2017.Yu.22.01, Тошкент давлат юридик университети	Юридик фанлар	Юридик фанлар
